

64 190
Р. А. ИКРАМОВ

**СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР
ВА ОММАВИЙ-ИЖТИМОИЙ
ҲАРАКАТЛАР ФАОЛИЯТИДА
ИНСОН ЭКОЛОГИК
ҲУҚУҚЛАРИ МАСАЛАЛАРИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИ Й УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУҚУҚШУНОСЛИК ФАКУЛЬТЕТИ**

РАВШАН АКТАМОВИЧ ИКРАМОВ

**СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР
ВА ОММАВИЙ-ИЖТИМОИЙ
ҲАРАКАТЛАР ФАОЛИЯТИДА
ИНСОН ЭКОЛОГИК
ҲУҚУҚЛАРИ МАСАЛАЛАРИ**

ТОШКЕНТ
«TURON-IQBOL»
2011

УДК: 349.6(575.1)

ББК 67.407

И-37

Масъул муҳаррир:

юридик фанлари доктори, профессор И.О. Жураев

Такризчилар:

юридик фанлари доктори, профессор Ж.Т. Холмўминов;

юридик фанлари намзоди, доцент У.Т. Аюбов

Икрамов, Равшан Ақтамович.

И-37 Сийсий партиялар ва оммавий-ижтимоий ҳаракатлар фаолиятида инсон экологик ҳуқуқлари масалалари /Р.А.Икрамов; Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий ун-ти. – Тошкент: «Turon-Iqbol», 2011. 416-б.

УДК: 349.6(575.1)

ББК 67.407

Ушбу монография Ўзбекистонда инсон экологик ҳуқуқлари тушунчаси, тизими ва ҳуқуқий асослари, уларнинг сийсий партиялар ва оммавий-ижтимоий ҳаракатлар фаолиятида ифодаланиши ва ҳимоя этилиши, сийсий партиялар ва оммавий-ижтимоий ҳаракатлар томонидан ҳуқуқ ва қонун ижодкорлигида иштирок этиш ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш орқали инсон экологик ҳуқуқларини рўёбга чиқариш масалаларининг илмий-назарий ва ҳуқуқий асосларини тадқиқ этишга бағишланади.

Китоб илмий ходимлар, тадқиқотчилар, таълим тизимининг ўқитувчилари ва барча мутахассислар учун мўлжалланган.

21048/2

ISBN 978-9943-14-207-7

© «TURON-IQBOL», 2011 й.

К И Р И Ш

Ўзбекистон замонавий экологик сиёсатининг туб моҳияти «эскиэкологик тартибот»нинг ўрнига табиат бойликларига нисбатан янгича муносабатларни жорий қилиш, мавжуд табиат бойликларидан тежаб-тергаб фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишларини инсон манфаатларига бўйсундирилган ҳолда амалга оширишдан иборат бўлмоқда.

Пиронард натижада инсон ҳуқуқ ва манфаатларига хизмат қиладиган янги экологик сиёсатнинг мақсад ва вазифаларига эришиш учун нафақат давлат тузилмаларининг салоҳияти ва имкониятлари, балки кенг жамоатчилик ва уларнинг бирлашмалари ҳам сафарбар этилмоқда, тегишли ҳуқуқий асослар яратилган ва такомиллаштирилмоқда. Жамоат бирлашмалари фаолиятига тааллуқли бўлган ҳамда экологик конун ҳужжатларида уларнинг инсон экологик ҳуқуқларини таъминлашда иштирок этиши учун асос бўладиган нормалар белгилангани бундай ташкилотлар учун ҳаққоний имкониятлар яратилганлигини англатади.

Жамоат бирлашмалари сифатида сиёсий партиялар ва ижтимоий (оммавий) ҳаракатларнинг инсон ҳуқуқ ва манфаатларини, хусусан экологик ҳуқуқларини ифода этиш ва рўёбга чиқаришдаги фаолияти катта аҳамият касб этмоқда.

Сиёсий партиялар ва ижтимоий (оммавий) ҳаракатлар мамлакатимизда нафақат фуқаролик жамиятининг асосий мақсад ва вазифаларини рўёбга чиқарувчи, балки жамият аъзоларининг барча соҳалардаги ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ифодаловчи ва ҳимоя қилувчи махсус жамоат бирлашмалари бўлиб намоён бўлмоқда. Зеро, улар фуқароларнинг сиёсий фаол қатламларини бирлаштириш ва ифода этиш орқали инсон

ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида фуқаролик жамияти институтлари ичида алоҳида аҳамият касб этмокда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 12 ноябрдаги кўшма мажлисида сўзлаган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»га бағишланган маърузасида «Фуқаролик институтлари, нодавлат ноижорат ташкилотлари ҳозирги кунда демократик кадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмокда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмокда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмокда»¹ деб таъкидлаб, мазкур институтлар амалга ошираётган ишларнинг кўламини кўрсатиб ўтган эди.

Сийсий партиялар ва ижтимоий (оммавий) ҳаракатларнинг фуқаролик жамияти муҳим институти сифатидаги фаолиятининг марказий масаласи инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдир. Шу жумладан, улар томонидан инсон экологик ҳуқуқларини ифода этиш ва ҳимоя қилишда иштирок этиши ҳам катта аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Дарҳақиқат, дабдурустдан мазкур жамоат бирлашмаларининг инсон экологик ҳуқуқларини ифода этиш ва ҳимоя қилишга бевосита алоқаси бор, деб айтиш қийин. Гап шундаки, бу бирлашмаларнинг бевосита амалга оширадиган вазифалари каторида қонуний акс эттирилган (формал) инсон экологик ҳуқуқларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш деган вазифа йўқ. Демак, уларнинг бундай ваколатларини умумий маънодаги инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш фаолиятидан, шунингдек улар томонидан амалга оширилаётган экологияга оид ишларининг мазмунидан ахтариш лозим.

¹ И. Каримов. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси // Олий Мажлис палаталарининг 12 ноябрь 2010 йил кўшма мажлисида сўзлаган нутқи // Тошкент. 2011,

Сиёсий партияларнинг жамият ва давлатнинг муҳим вазифаларини амалга оширишда иштирок этиш ваколатлари «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонуннинг 1-моддасида берилган тушунчада ифодаланган бўлиб, унга биноан улар «давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда жамият муайян қисмининг сиёсий иродасини рўёбга чиқаришга интилувчи ҳамда ўз вакиллари орқали давлат ва жамоат ишларини идора этишда қатнашувчи кўнгилли бирлашмалар»дир¹. Партияларнинг мазкур тушунчасидан «экологик ваколати» ва «экологик ҳуқуқ»ларни рўёбга чиқариш ваколати бавосита мавжуд деган хулосага келиш мумкин.

Экологик ижтимоий (оммавий) ҳаракатни бутун бир фуқаролик жамиятини тавсифлайдиган ижтимоий ҳодиса деб тушуниш лозим. Умумий маънода олганда бундай «ҳаракат» фуқаролик жамиятининг аксарият институтлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилади. Бошқача қилиб айтганда, аслида кўпчилик нодавлат ноғижорат ташкилотлар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш мақсад ва вазифаларига эришиш оммавий ҳаракатида иштирок этадилар.

Дунёнинг кўпгина давлатларида экологик ҳаракат ташкилотлари биргина атроф-муҳитни муҳофаза қилишни эмас, балки атроф-муҳит муҳофазаси фаолияти ташкилий ва ҳуқуқий асосларини яратиш жараёнларининг иштирокчилари сифатида намоён бўлмоқда. Таъкидланишича, ҳозирги пайтда экологик ҳаракатнинг сиёсийлашуви ҳар тарафда кузатилмоқда, у глобал тарзда тус олиб, халқаро экологик ҳаракат ривожланишида анъана бўлиб қолмоқда².

Маълумки, «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонуннинг 1-моддасига биноан оммавий ҳаракатлар жамоат бирлашмалари деб эътироф этилади. Шундай

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 2-сон, 36-модда; 1999 йил, 9-сон, 229-модда; 2004 йил, 1–2-сон, 18-модда, 5-сон, 90-модда; 2005 йил, 1-сон, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 4-сон, 163-модда; 2008 йил, 12-сон, 637, 640-моддалар.

² «Об охране окружающей среды» // Научно-практический комментарий к Федеральному Закону от 10 января 2002 г. № 7 / ФЗ. // М.: «Деловой двор», 2010, 89-б.

экан, уларга тааллуқли бўлган барча ҳолатлар жамоат бирлашмалари тушунчасидан келиб чиқиб талқин этилади. Бироқ оммавий ҳаракатларнинг ўзига хос жиҳатлари ҳам мавжуд бўлиб, улар сиёсий ёки бошқа мақсадларни кўзлаб тузилишлари ва аъзбликка эга бўлмаган жамоат тузилмалари эканлигида ифодаланadi.

Ўзбекистонда бир нечта қонунларда оммавий-ижтимоий ҳаракатлар томонидан инсон экологик ҳуқуқларини рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилишга алоқадор ҳуқуқий асослар белгиланган. Жумладан, «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонуннинг 1-моддасида жамоат бирлашмаларининг тушунчаси берилган. Унга кўра, ўз ҳуқуқлари, эркинликларини ҳамда сиёсат, иқтисодиёт, ижтимоий ривожланиш, фан, маданият, экология ва ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги қонуний манфаатларини биргаликда рўёбга чиқариш учун бирлашган фуқароларнинг хоҳиш-иродаларини эркин билдиришлари натижасида вужудга келган ихтиёрий тузилма жамоат бирлашмасидир¹.

«Ўзбекистон экологик ҳаракати» деб номланган оммавий ҳаракатнинг ташкил этилганлиги мамлакатимизда экологик жамоат бирлашмалари ривожланишининг янги босқичини бошлаб берди. Эндиликда юртимизда фаолият юритаётган экологик жамоат бирлашмалари Экоҳаракат тимсолида атроф табиий муҳит ва инсон саломатлиги муҳофазаси бўйича барча савий-ҳаракатларни бирлаштириш ҳамда сафарбар этиш имкониятига эга бўлдилар. Ўзбекистонда экологик муаммоларни ҳал этиш нафақат давлат органларининг, балки фуқаролик жамияти институтларининг ҳам муҳим вазифаларидан бири эканлиги ўз амалий ифодасини топди.

Шундай ҳолатлардан келиб чиқиб, фуқаролик жамияти муҳим институтлари бўлган сиёсий партиялар ва ижтимоий (оммавий) ҳаракатларнинг инсон экологик ҳуқуқларини ифода этиш, амалга ошириш ва ҳимоя қилиш борасидаги фаолияти ҳуқуқий асосларини кўрсатиш ва изоҳлаш, ушбу фаолиятни амалга оширишда вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатларни ҳамда уларни тар-

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1991, 4-сон, 76-модда.

тибга солиш хусусиятларини аниқлаш, шу масалаларда белги-ланган ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳамда уларни амалга оширишни кўрсатиш, шунингдек сиёсий партиялар ва ижтимоий (оммавий) ҳаракатлар ҳамда уларнинг парламентда тузилган депутатлар бир-лашмалари томонидан ҳуқуқ ва қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиш орқали инсон экологик ҳуқуқларини ифодалаш ва рўёбга чиқариш ваколатлари мазмун ва моҳиятини очиб бериш, шунингдек ушбу соҳада амалдаги қонунчиликни янада ривож-лантириш юзасидан илмий фикр ва хулосалар билдириш ушбу китобни ёзишдан кўзда тутилган асосий мақсад қилиб олинган.

Шуниалоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон ҳуқуқшунослик фанида жамоат бирлашмаларининг экология муаммоларини ҳал этишдаги иштироки, улар томонидан амалга оширилаётган эко-логик жамоат назорати масалалари, шу соҳадаги мавжуд қонун ҳужжатларини таҳлил этиш ва уларни янада такомиллаштириш ва бошқа масалалар у ёки бу даражада илмий тадқиқот объек-ти бўлган¹. Бироқ, мазкур ташкилотлар, ва айниқса, сиёсий пар-тиялар ҳамда ижтимоий (оммавий) ҳаракатлар томонидан амал-га оширилаётган инсон экологик ҳуқуқларини ифода этиш ва рўёбга чиқариш борасидаги фаолият том маънода махсус равиш-да илмий тадқиқот объекти бўлган эмас. Умуман олганда, маз-кур мавзуга бағишланган махсус илмий асарлар МДХ ва хориж давлатларида ҳам кам учрайди. Шу боисдан ҳам муаллиф ушбу китобни ёзишда қўлланилган ёндошишлар, мавзунинг ички ту-зилишида танланган масалалар, амалиётга асосланиш ҳолатлари, статистик ва социологик сўров маълумотларига таяниш, мавзу-ни ёритишда кўпроқ бавосита ҳуқуқий воқеликлардан фойдала-ниш ва бошқа фикр ва хулосаларда хато ҳамда камчиликларга йўл қўйилган бўлишлигини инкор этмайди.

¹ *Хамраев. Ў.Р.* «Экологик қонунчилик талабларини амалга оширишда жамоат бирлашмалари иштирокининг ҳуқуқий масалалари». Ю.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. // Т.: ТДЮИ. 2011; *Уте-генов О. Д.* «Жамоат экологик назоратини ҳуқуқий тартибга солиш». Ю.ф.н. ... дисс. авт. Т.: ТДЮИ. 2010.

1-БОБ. СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ФАОЛИЯТИДА ИНСОН ЭКОЛОГИК ҲУҚУҚЛАРИНИ ИФОДА ЭТИШ ВА РЎЎБГА ЧИҚАРИШ

1.1. «Яшил» сиёсий кучларнинг вужудга келиши тарихи ва ривожланиши

Экология муаммолари ўткирлашиб, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маиший манфаатларига зид оқибатларни келтириб чиқаравергач, табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш ва атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш заруриятини англаб етган инсоният, мазкур муаммоларни ҳал этишга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга оширишга киришди. Шу ўринда бундай фаолият билан шуғулланадиган давлат ва нодавлат органлари ташкил этила бошланди. Давлат тузилмалари зиммасига махсус равишда давлат бошқаруви ва назорати ишларини амалга ошириш юкланди. Энг диққатга сазовори шундаки, давлат тузилмаларидан ҳоли равишда фуқароларнинг нодавлат бирлашмалари ҳам давлат тузилмаларининг экологик фаолиятидан орқада қолаётгани йўқ. Эндиликда фуқароларнинг турли-туман оммавий ҳаракатлари ва экологик бирлашмалари мазкур жараёнларнинг фаол иштирокчисига айланди. Ҳаттоки, жамоатчиликнинг экологик ҳаракати фуқаролик жамиятининг оддий институти «мақоми»дан давлат олий ҳокимият тузилмаларида иштирок этиш, яъни сиёсий ҳокимиятнинг маълум бир таркибий қисмини ташкил қилиш ва давлатни бошқаришда иштирок этиш каби алоҳида ўзига хос экологик куч бўлишгача

бориб етди. Айникса, фуқаролар бирлашмаларининг сиёсий мақсадларни кўзлаб тузилаётганлиги, улар вакиллик, қонун чиқарувчи органларга сайловларда ҳамда қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этаётганлиги ҳозирги замонда инсониятнинг давлатчилик соҳасида эришган улкан ютуғидир. Экологик сиёсий кучнинг давлатчилик асосларида иштирок этиши Ўзбекистонда ҳам давлат ҳокимиятининг янги, замонавий сифатини ташкил этаётганлиги алоҳида диққатга сазовор воқелик бўлиб, бу феномен ҳуқуқшунослик фани олдига уни тадқиқ қилиш, моҳиятини англаш ва тарғибот қилиш масаласида катта вазифаларни кўяди.

Хўш, дунёнинг ривожланган давлатларида экологик сиёсий ташкилот сифатида ташкил топиб, сиёсий партия ёки бошқача ташкилий мақомда қонун чиқарувчи вакиллик органлари таркибида иштирок этаётган, сиёсий тизимнинг ҳаққоний таркибий қисмига айланган «яшил куч»ларнинг вужудга келиш ва ривожланиш тарихи қандай бўлган?

Нафсиламбирини айтганда, илмий манбаларда «яшиллар»нинг сиёсий куч сифатида вужудга келган аниқ санасини айтиш қийин. Ҳозирда фаолият юритаётган барча экологик ҳаракатлар, фондларнинг таъсисчиси, яъни «оталик» номига ҳеч бир мустақил фаолият юритувчи ташкилот даъвогарлик қила олмайди. Бироқ айтиш лозимки, табиат ва барча жонзотларнинг халқаро рамзий яшил ранги бўлиши кераклигини дастлаб Россия Ярослав губернияси дворяни, кейинчалик Франция фуқароси бўлган муҳожир Г.А. Красовский таклиф этган. Ушбу таклиф унинг 1871 йил 6 июнда «Хлорофил операцияси» номли мақоласида эълон қилинган.

Илк экологик ҳаракат ўз олдига табиатни муҳофаза қилишни ўрганиш ва одамларни ана шу руҳда тарбиялашни мақсад қилиб қўйган одамлар томонидан тузилган. Бунда дастлабки ана шундай бирлашмани тузишга атроф табиий муҳитга етказилган катта зарар эмас, балки келгусида инсоният томонидан етказилиши мумкин бўлган зарарларга таъсисчиларни ишонтириш сабаб бўлади. 1892 йилда АҚШ да тузилган «Сьерра клуб» ана шундай бирлашмаларнинг би-

ринчиси бўлди. У Калифорния ва Стенфорд университетларининг профессорлари Сенжер, адвокат Уоррен Олни, профессор Джордж Давидсон каби атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича олимларнинг ташаббуси билан тузилди.

Бундан кейинги даврларда АҚШ да жуда кўплаб асосий мақсади табиатни муҳофаза қилишга қаратилган жамоат бирлашмалари тузилган. Ана шундай жамоат бирлашмаларига мисол сифатида 1935 йилда АҚШ да махсус кўрикланадиган кўрикхоналар сонини кўпайтириш учун кураш олиб борувчи «Ёввойи табиатни муҳофаза қилиш жамияти», 1936 йилда тузилган «Ёввойи ҳайвонларни муҳофаза қилиш миллий федерацияси», 1961 йилда Питер Скотт, Люк Хофман ва Гай Монфорлар томонидан ташкил этилган «Бутунжаҳон ёввойи табиат фонди» ва бошқаларни келтиришимиз мумкин.

XX асрнинг 60-йиллари охири – 70-йиллари бошига келиб, инсониятнинг атроф табиий муҳитга таъсир даражаси ўзининг юқори чўккисига етди. Ушбу даврга келиб, кўплаб одамлар инсоннинг ҳаракатлари ҳамда атроф табиий муҳитга бўлган таъсири назоратдан чиққанлигини англаб етдилар. Айнан шу сабабли жамиятда омманинг кенг кўтарилиши юз берди. Бунинг натижасида эса экологик ташкилотлар ташкил этила бошлади. Энг машҳур ана шу ташкилотлардан бири бу – 1971 йилда Мактагарт, Дж. Бойлен, Ирвинг Стоув, Бен Меткалф ва бошқа бир қатор канадалик фаоллар томонидан асос солинган ҳамда мақсади атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган «Гринпис» ташкилоти эди. Бундай ташкилотни тузишга АҚШ ҳукуматининг Аляска ороли яқинида жойлашган Амчитка оролида ядровий синовларни ўтказиш тўғрисидаги қарори хизмат қилди. 1971 йилда «Гринпис» аъзолари ана шундай ядро қуролини синашга қарши протест ўтказдилар. Кейинги йили эса Франция ҳукумати томонидан Тинч океанида жойлашган Моруруада ядро синовларини ўтказишга қаршилиқ кўрсатдилар. Кейинчалик «Гринпис» фаолияти янада кенгайиб, бугунги кунда унинг фаолияти қарийб барча экологик муаммолар ечимини топишга, жумладан, биологик хилма-хилликни,

атмосферани муҳофаза қилиш, ядро синовлари ва захарли моддаларга қарши курашиш масалаларига қаратилган.

Экология соҳасидаги жамоат бирлашмаларининг сайловларида ва кейинчалик парламент фаолиятида иштирок этиш орқали экологик қонунчилик ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида қатнашиши муҳим аҳамиятга эга. Чунки ҳозирги кунда экологик йўналишдаги партиялар тузиш амалиёти кенг миқёсда оммавий тус олаётган бўлиб, экологик партиялар ҳокимият билан ҳамкорлик қилиш, жойларда атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишга давлат эътиборини жалб қилишга қаратилган бўлади. Жумладан, Россия Федерацияси «Яшиллар» экологик ҳаракати уставининг 10-бўлими ҳаракатнинг сиёсий жараёнларда қатнашишига бағишланган бўлиб, унда қайд этилишича, ҳаракат амалдаги қонунчиликка мувофиқ, сайловларда қатнашиш ва референдум ўтказиш ташаббуси билан чиқиш ҳуқуқига эга. Номзодларни илгари суриш қонунчиликда белгиланган талабларга риоя этган ҳолда Съездда ёки умумий йиғилишда (Конференцияда) амалга ошириш кўзда тутилган¹.

Хорижий мамлакатларда экологик жамоат бирлашмаларининг сайловларда қатнашиши 1970 йилдан бошланган. Илк мартаба Тасмания (Австралия)да 1972 йил апрелда ва Янги Зеландияда 1972 йил майда ўтказилган сайловларда партиялар сайлов дастурларида экологик масалалар алоҳида кўзда тутилган эди². Европадаги биринчи экологик партия эса 1972 йилда Швецияда Ньюкаслда таъсис этилган оммавий экологик ҳаракат бўлган, 1973 йилда Буюк Британияда ҳам экологик партия ташкил этилди (кейинчалик «Яшиллар» партияси деб ўзгартирилди). Экологик партиялар тарихида ўзига хос ўринга эга Германия яшиллар партияси 1980 йилда ядро қуролларига қарши ҳаракат самараси сифатида ташкил этилди. 1990 йилда Нидерландия «Яшил барглар»

¹ Устав Российской экологического движения «Зеленые» // www.green-party.ru/dvizh_ustav.php

² *Dann Christine*. The development of the first two Green parties New Zealand and Tasmania. From Earth's last islands. The global origins of Green politics. Global Greens. Retrieved 4 August 2011.

партияси ва 1995 йилда Финландияда «Фин яшиллар» партияси ўз фаолиятини бошлади.

Германияда эса «Яшиллар» партияси 1979 йилда федерал даражада вужудга келган бўлиб, экологларнинг бир неча ҳудудий иттифокларини бирлаштирган эди. Кейинчалик улар «реал сиёсат» (прагматиклар) ва «фундаментал оппозиция» каби ички икки гуруҳга бўлиниб кетиши ва бошқа йирик партиялар ҳам ўз дастурларига экологик масалаларни киритишлари натижасида ҳозирги сайловларда юқори натижаларни кўрсата олмаптилар¹.

1982 йилда Германияда «Яшиллар» партиясининг собик аъзолари томонидан янги Демократик экологик партия («*Ökologisch-Demokratische Partei*», EDP) ташкил этилди. Ушбу партия экологик муаммолар билан бир қаторда инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ бошқа ижтимоий масалаларни ҳам ўз дастурига киритган. Партиянинг «Ёш экологлар» («*Junge Ökologen*») деб номланган ёшлар ташкилоти ҳам фаолият кўрсатади².

Сўнги 30 йил ичида дунё микёсида кўплаб Африка (Алжир, Ангола, Бенин, Камерун, Кот д'Ивуар, Конго, Миср, Кения, Мали, Марокко, Мозамбик, Нигерия, Руанда, Сенегал, Сомали, Жанубий Африка, Уганда, Замбия), Америка (Аргентина, Бразилия, Канада, Чили, Колумбия, Доминикан, Гаити, Мексика, Никарагуа, Перу, Пуэрто Рико, АҚШ, Уругвай, Венесуэла), Осиё (Австралия, Фиджи, Ирок, Эрон, Исроил, Япония, Монголия, Непал, Янги Зеландия, Покистон, Папуа Гвинея, Филиппин, Полинезия, Саудия Арабистони, Жанубий Корея, Шри Ланка, Таиланд, Ўзбекистон) ва Европа (Албания, Андорра, Австрия, Беларуссия, Бельгия, Болгария, Хорватия, Чехия, Дания, Англия ва Уэлс, Эстония, Франция, Грузия, Германия, Греция, Венгрия, Ирландия, Италия, Косово, Латвия, Люксембург, Мальта, Молдова, Нидерландия, Норвегия, Португалия, Польша, Руминия,

¹ Энциклопедия Кольера. – Открытое общество. 2000.

² Германия демократик экологик партиясининг расмий сайти: www.oedp.de

Россия Федерацияси, Шотландия, Сербия, Словакия, Словения, Испания, Швеция, Швейцария, Туркия, Украина) давлатларида экологик оммавий ҳаракатлар ва партиялар таъсис этилди.

Таъкидлаш лозимки, экологик партия ва ҳаракатларнинг сайловларда қатнашиб, етарли овоз тўплаб, парламент фаолиятида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритиши уларга ўз мақсадига эришиши учун нафақат жамоатчилик воситаларидан фойдаланиш, балки ҳокимият таъсир чораларини қўллаш имконини беради. Хусусан, эндиликда улар парламент назорати, депутатлик назорати, депутат сўрови каби таъсирчан усуллардан фойдаланган ҳолда мансабдор шахсларнинг фаолиятини назорат қилиш, уларнинг ҳисоботларини тинглаш, зарурият туғилганда ушбу муаммоларга парламент эътиборини жалб қилиш каби кенг ваколатларга эга бўладикки, бу ушбу жамоат бирлашмаларининг экологик муаммоларини ҳал қилиш мақсадига эришишнинг муҳим усули ҳисобланади.

Кейинчилик ўз фаолиятини мустақил равишда олиб боровчи экологик хавфсизлик тарафдорлари ҳаракатлари ташкил этилди. 1970 йилнинг 20 апрелида америкалик эколог олим Денис Хейз АҚШ даги ижтимоий фикрни жалб этиб, мамлакатда «Ер куни» акциясини ўтказди. Ушбу тадбирда сайёрамиз табиатини ҳимоя қилиш учун АҚШ нинг деярли барча шаҳарлари, жумладан 10000 та мактаб ҳамда 2000 га яқин коллеж ва университетлар қатнашди. 20 йил ўтгандан сўнг, яъни 1990 йилда «Ер куни» акциясида дунёнинг 131 та мамлакатидан ярим миллиард одам иштирок этиб, уларнинг 75 миллиони америкалик аҳоли ҳисобига тўғри келди. Акция муаллифи Денис Хейз билан бўлган мулоқотда муаллифнинг таъкидлашича, ушбу тадбирни ўтказишни жамоатчиликнинг ёрдамисиз амалга оширишнинг иложи йўқ эди. Шунинг учун ҳам бу акция жамоатчилик ҳаракати деб қаралди.

Аввалроқ, яъни 1962 йилда энг кўп аъзоларга эга бўлган хусусий халқаро ташкилот – Табиатни муҳофаза қилиш халқаро Фонди (ТМХФ) ташкил этилган эди.

Жамғарма минтақалардаги 27 та миллий ташкилотларида (бўлимларида) қарийб 3 миллионга яқин аъзога эга. Унинг асосий фаолият шакли аҳоли ўртасида экологик маънавийтни тарғиб этиш ва атроф-муҳитни ҳамда йўқолиб бораётган ҳайвонлар турларини муҳофаза қилиш бўйича фондлар ташкил этишдир. Ўтган йиллар давомида фонд томонидан 130 та мамлакатдаги 5000 дан ошиқ лойиҳаларга 130 миллиондан ортиқ маблағ сарфланган.

ТМХФ нинг фаолияти Табиатни ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш халқаро уюшмаси, Қушларни муҳофаза қилиш халқаро уюшмаси, Чарльз Дарвин номидаги Халқаро илмий-тадқиқот бюроси ва фонди каби ташкилотларнинг шаклланишида туртки бўлди.

Кичкина ва ажойиб панда ТМХФ нинг рамзи бўлиб, бугунги кунда унинг фаолияти тобора кўпроқ кўзга ташланмоқда. Фонд 1988 йил давомида Таиланд, Эквадор ва Аргентина давлатларида табиатни муҳофаза қилиш бўйича фонд ташкил этишда амалий кўмак берди. 1989 йилнинг феврал ойида эса Нигерияда ҳам худди шундай фонд шаклланди. Ихтиёрийлик асосида фаолият юритувчи ТМХФ барча маблағларни фақатгина атроф-муҳитни муҳофаза қилиш мақсадида сарфлайди.

Ҳозирги пайтда «яшиллар» ҳаракати Ғарбий Европада, яъни саноат потенциали кучлироқ бўлган мамлакатларда нисбатан ривожланган (ФРГ, Англия, Швеция, Бельгия). Ушбу минтақада табиат ҳимоячиларини бирлаштирган биринчи ташкилот Буюк Британия Миллий партиясидир. У 1973 йилда ташкил топиб, икки йилдан сўнг Экологик партияга айланган. Партия сафида бирликнинг йўқлиги, унинг қийин моддий аҳволи, алоҳида партия раҳбарларининг яшиллар диктатурасини ўрнатишга бўлган интилиши, шунингдек, аниқ ҳаракатлар дастурининг мавжуд эмаслиги каби омиллар Англияда «яшиллар» партиясининг кўпгина ғоя ва ширларини амалга оширишига тўсқинлик қилмоқда. Бундан ташқари бошқа партиялар уларнинг айрим ғояларидан фойдаланишга уринишмоқда. Буюк Британия коммунистик партияси фаоллари фаолиятларини тугатиш иложсиз бўлиб

колганда, улар коммунистик партияни экологик ҳаракатга айлантириб юборишни мақсад қилиб қўйишган.

«Яшиллар» партиясининг жадал ривожланиши Германия Федератив Республикасида кузагилмоқда. 1980 йилда бир катор «экологчи» кичик гуруҳлар ўзларини партия деб эълон қилиб, 3 йилдан сўнг парламент сайловларида 6 % сайловчиларнинг овозларини тўплай олишди. 1990 йил 3 октябрда ФРГ ва ГДР қўшилиши муносабати билан бирлашган «яшиллар» фракцияси янги давлатнинг асослари ҳақидаги таклифларни «қўшма аризалари»да эълон қилишди. Ушбу ҳужжатдаги асосий таклифлардан бири янги давлатнинг Асосий қонунини қабул қилиб, унда табиатни муҳофаза қилиш давлат ва ҳуқуқнинг асосий мақсади бўлиши лозимлиги таъкидланди.

Шундай қилиб, Германиядаги «яшиллар» яна бир бор ўзларининг демократик кучларини намойиш этдилар. Ушбу куч катта ишларни қилиш лаёқатига, жамият ва шахсий ижтимоий ва интеллектуал базасини ўйлашга қодир эканлигини намойиш қилди. Шунингдек, партия фаолиятида аёллар ва ёшларнинг кенг фаолият юритиши ҳаётий муҳим омил сифатида эътироф этилди.

«Яшиллар» ҳаракатининг сиёсий ютуқлари ҳам жамоатчиликнинг қўллаб-қувватлаши бошқа сиёсий партияларнинг улар билан ҳисоблашишга ундайди. 1984 йилда Австрия, Бельгия, Буюк Британия, Нидерландия, Франция, Ирландия ва Швециядаги «яшиллар» координацион гуруҳидан иборат партия Европарламентда 11 нафар вакиллариини жойлаштирди, шу жумладан, Германия «яшиллар» партиясидан 7 та вакил ўрин олишга муваффақ бўлди. 1989 йил июн ойидаги Европа парламентида бўлган сайловларда экологик партия 38 та жой эгаллашга эришди. Бу ҳолат «яшиллар» партиясига оппозицияда турган ўнг канот вакилларига «Европа ва Америкада яшиллар альтернатив тузумнинг руҳи кезиб юрибди» деган шиор тўқишга сабаб бўлди.

Альтернатив тузумнинг «руҳи» масаласига келсак, капитализм ва социализмдан тубдан фарқ қилувчи, янги жа-

мият ташкил этиш ғоясини Швеция табиатни муҳофаза қилувчилари кенгроқ тарғиб эта бошладилар. Жамиятни ривожлантиришнинг учинчи йўлини вужудга келтиришда Швеция «яшиллар» аъзолари асосий тамойиллар сифатида табиатга ҳамнафас ишлаб чиқаришнинг шакллари ва кичик лойиҳалар ҳамда катта бўлмаган мулкчилик шакллари ривожлантириш каби масалаларни илгари сурдилар.

Табиатни муҳофаза қилиш партиялари фаолияти соҳаси самарадорлиги ва фикрларининг кенглиги қуйидаги уларнинг асосий тўртта тамойилларидан келиб чиқади:

- табиат билан уйғунлик;
- келажак авлодларга ғамхўрлик;
- учинчи дунё мамлакатларига ғамхўрлик;
- кийин аҳволга тушиб қолганларга доимо ёрдам кўрсатиш.

Францияда икки етакчи «Ер дўстлари» ва «Сиёсий экология ҳаракати» экологик ташкилотларининг фаолиятларининг стратегик йўналишларидаги фикрларнинг хилма-хиллиги (бу биринчи навбатда курашда шерик танлаш масаласи) уларнинг «яшиллар» партиясини тузишга бўлган уринишларини йўққа чиқарди. Айтиш жоизки, юкоридаги ҳолатга қарамай Францияда атроф-муҳитни муҳофаза қилишни қувватлаб, оммавий чиқишлар 1968 йилданок бошланган эди.

Италияда табиатни муҳофаза қилиш ҳаракати иштирокчилари 150000 га яқин одамларни қамраб олган. Уларнинг барчаси турли экологик ташкилотларга аъзодирлар. Ушбу ҳолат Италияда ва мамлакатдан ташқарида «Экологик архипелаг» номини олди. Энг обрўли ташкилотлар «Альп клуби», «Италия ностра», «Дунё табиат фонди» ва «Ер дўстлари» унинг бўлинмалари ҳисобланади. Уларнинг барчаси асосан табиатни муҳофаза қилиш бўйича тарғибот ишларини ташкил этиш ва ўтказишга кўпроқ эътибор берадилар. «Экологик архипелаг»нинг бош шиори – ҳаёт сифатини яхшилаш ҳамда инсон ва табиат уйғунлигига эришишдир. Италиядаги экологик ҳаракатлар бошқа мамлакатлардаги ташкилотларга ўхшаб «яшиллар» партиясини тузиш ғоясини маъқулламайдилар.

Шарқий Европа мамлакатларида экологик ҳаракатларнинг шаклланиши бирмунча драматик ҳолда кечиб, «яшиллар»нинг ҳар қандай чиқишлари ҳукуматга қарши ҳаракатлар сифатида кораланиб келинган. Фақатгина ноябрда амалга оширилган «майин» революция туфайли Чехия ва Словакия Федератив Республикаларидаги яшиллар партиялари, Чехословакия Антарктида дастури, Прага экологик маркази, Прага экологик клуби ва шунга ўхшаш ташкилотларнинг фаолияти бирмунча жонланди. 1989 йилда республикаларнинг 130 га яқин экологик ташкилотларини мувофиқлаштирувчи «Яшил доира» уюшмаси вужудга келди. Бу ташкилотнинг энг муҳим вазифаси бўлиб, аҳолини атроф-муҳит ҳолати ҳақидаги тўлиқ маълумотлар билан таъиништириш эди.

1982 йил 5 июнда БМТнинг атроф-муҳит бўйича 10 йиллик Конференциясида америкалик эколог олимлар экологик ҳаракатларнинг келажак дастурини эълон қилдилар. Унга кўра ҳаракатнинг мақсадлари қуйидагилар:

- биосферани муҳофаза қилиш йўллари асослаш;
- биосферанинг инсонга салбий таъсирини камайтириш муаммолари;
- биосфера ишлаш механизмларини илмий тадқиқ этиш даражасини ошириш;
- ҳар бир инсоннинг биосфера концепциясини англаши бўйича ўқув дастурларини ишлаб чиқиш.

Биосфера учун дунё ҳаракати ташкилотининг уринишлари натижасида АҚШ нинг 35 та штатида 8029 км масофада аҳоли ва миллий парк ҳамда қўриқхоналарни бирлаштирувчи экологик коридорлар яратилди.

Гарбий Европа мамлакатларидаги «яшиллар» ҳаракати аъзолари каби Канада «яшиллар»и тинчлик ва атроф-муҳит муҳофазаси масалаларига ўз эътиборларини жамладилар. Улар мамлакатда қуроллар синовининг тўхтатилиши, автомашиналардан фойдаланишни камайтириш, қўриқхоналар ҳудудларини кенгайтириш ва хавфли чиқиндилар захираларини камайтириш муаммоларига қарши чиқдилар.

1971 йилда Канадада ташкил топган «Гринпис» ташкилотини эътироф этиш жоиз. Унинг тарафдорлари ташкилотнинг аъзолари томонидан олиб борилган аниқ сиёсат туфайли тобора кўпайиб бормоқда. «Гринпис»нинг хатги-харакатлари натижасида Франция Тинч океани ҳавзасида ядро куроли синовларини тўхтатди. Шунингдек қуйидаги ишларни амалга оширишда фаоллик кўрсатди:

- ЕЭС томонидан денгиз мушуклари териси ва ундан тикиладиган кийимларни импорт қилишга чеклов ўрнатилди;
- китларни ўлдириш соҳасидаги Халқаро комиссиянинг тижорат мақсадида китларни овлашга моратория эълон қилиш учун овоз беришга эришди;
- чиқиндиларни кўмиш бўйича Лондон конференциясида дунё океанлари тубига ядро чиқиндиларини кўмишни тақиқлайдиган қонун қабул қилиш келишувига эришди;
- Европада океанга токсик чиқиндиларни ташлашни ман қилишга эришди.

Юқоридагилардан ташқари «Гринпис» ядро куролига, токсик моддаларга қарши, Антарктика, Тинч океани ва бошқалар бўйича жуда кўп тадбирларни ўтказган.

Ҳозирги кунда «Гринпис» 22 давлатда 35 га ваколатхоналари, Антарктидада база ва 3 млн.дан ортик тарафдорларга эга. Унинг штатида 400 одам доимий ва 1000 дан ортик инсонлар фаолият кўрсатадилар. Атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган халқаро конвенциялар қаторида «Гринпис» кузатувчи мақомига эга. У БМТ ҳузурида ҳам кузатувчи ҳисобланади.

1988 йилда «Гринпис» ЮНЕПнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги улкан ҳиссаси ва ютуқлари учун «Глобал-500» мукофотига сазовор бўлган. 1990 йил 30 июнда «Гринпис»нинг собик Игтифокда расмий ваколатхонаси очилган.

Чет мамлакатлардаги яшиллар ҳаракати ўз фаолиятини доимий равишда мувофиқлаштириб бориб, экологик кучларнинг ривожланишига таъсир этмоқда. 1988 йил март ойи-

да Дунрда (Англия) «яшиллар»нинг Бутунжаҳон конгресси бўлиб ўтди 1974 йилда Австрия, Бельгия, Голландия, Буюк Британия, Ирландия ва Швейцария экологик ташкилотлари ташаббуси билан тузилган Европа яшиллар партияси томонидан 1987 йил кунда Стокгольмда Европа «яшиллар» конгресси ташкил этилди.

«Яшиллар ҳаракати»нинг асосий мақсади сайёрамизга реал хавф солаётган экологик муаммоларга қарши курашишдир. Ҳозирги пайтда экологик муаммоларнинг тури кўпайиб бормоқда. Агар мавжуд техникавий-иқтисодий тараққиёт анъанаси ҳозиргидек сақланиб қолса, келгусида айрим потенциал экологик хавф-хатарлар кўпайиши мумкин. Бундай хавф-хатарлар қаторига табиий ресурслар анъанавий турлари захираларининг тугаши, сайёра ҳароратининг кўтарилиши, озон қатламининг емирилиши, атмосферада кислород миқдорининг камайиши ва бошқаларни киритиши мумкин.

1.2. Инсон экологик ҳуқуқлари тушунчаси ва тизими

Кейинги йилларда инсоннинг экологик ҳуқуқлари мавзуси борган сари долзарб бўлиб, унга бағишланган илмий асарлар, мақолалар, чиқишлар тез-тез кўзга ташланадиган бўлиб қолди. Хорижий давлатларда мазкур масалаларга бағишлаб илмий конференциялар, семинарлар ва симпозиумлар ўтказилмоқда. Бу масалада миллий ҳуқуқшунослик фани ҳам орқала қолаётгани йўқ¹. Бу ҳуқуқларнинг янги, замонавий инсон ҳуқуқлари сифатидаги «жилоси» ва «модага айланган мафтункорлиги» уларни ўрганиш, тарғиб қилишни кучайтиришни талаб этмоқда. Бундай ҳуқуқларни ҳуқуқ(қонунлар)да бошқа инсон ҳуқуқлари тарзида аниқ бир тизим қилиб қарор топтириш, шунингдек уларни рўёбга чиқариш механизмларини мустаҳкамлаш борасида бир қанча ишларни амалга ошириш лозим бўлади.

¹ *Мамаюсупов М.* «Инсон экологик ҳуқуқлари: умумий тавсифи ва таснифи». Инсон ҳуқуқлари ва демократлаштириш. 2010. 1-сон, 94–96-б.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон мустақиллик йилларининг дастлабки онларидаёқ инсон экологик ҳуқуқларининг қонунларда мустаҳкамланиши демократик асосларда ҳуқуқий давлат қуришни мақсад қилган янги давлатда инсон фактори асосий масала эканлигидан далолат беради. Қолаверса, бу факт янгиланаётган жамият ва давлат тепасида турган ҳокимият ўзининг туб моҳияти билан экологик масалаларни қамраб олганлигига гувоҳ бўлувчи ҳолатдир.

Инсонларга экология масалаларида ҳуқуқ берилишининг жуда катта сиёсий, ижтимоий ва маънавий аҳамияти бор. Бундай ҳуқуқларга эга бўлган инсонлар давлатнинг экология соҳасидаги сиёсатида бемалол қатнашиши, шу соҳадаги бошқарув ишларида иштирок этишлари ва давлат органларига кўмаклашиши, давлат органларидан тегишли «экологик масъулият»ни бажаришни талаб қилиши, ўзларига ҳам масъулият юкланганлигини ҳис этиши ва шундан келиб чиқиб юксак экологик онг ва маданиятга эга бўлиши каби имкониятларга сазовор бўладилар. Инсон экологик ҳуқуқларининг эътироф этилганлиги давлатни замонавий давлатлар даражасига кўтаради, уни халқаро обрўсини оширади ва «тенглар ичида тенглик» салоҳиятини кучайтиради.

Экологик ҳуқуқлар кўпроқ ижтимоий аҳамият касб этиб, инсон ҳуқуқлари фанида эътироф этилган шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар билан ўзаро боғлиқ бўлса-да, аммо мазмун-моҳияти жиҳатидан алоҳида категориядаги ҳуқуқлар ҳисобланади. Шу боис улар расмий белгиланиши, субъектларининг доираси, ижтимоий аҳамияти, рўёбга чиқарилиш даражаси ва бошқа жиҳатлари билан бошқа ҳуқуқлардан фарқ қилади. Бу ҳуқуқларнинг кафолатланишида биринчи ўринда табиий ҳолат, яъни атроф-муҳитнинг сифати ва миқдори аҳамиятга эга бўлади.

Ўзбекистонда инсон экологик ҳуқуқларининг роли ва аҳамиятига алоҳида эътибор берилаётганлиги Президент И. Каримовнинг асарларида ҳам таъкидлаб ўтилган: «Халқаро ҳамжамият инсоннинг нафақат яшаш ҳуқуқини, балки тўлақонли ва соғлом турмуш кечириши учун за-

рур мўъгадил атроф-муҳит шароитларига ҳам бўлган ҳуқуқларнинг муқаддаслиги ва дахлсизлигини аллақачон «атроф ўтган»¹.

Инсон экологик ҳуқуқларига нисбатан катта илмий эътибор мавжуд бўлишига қарамай, ханузгача, ҳаттоки бундай ҳуқуқлар ўз қонуналарида белгиланган хорижий давлатларда босилаётган манбаларида уларнинг тушунчаси, турлари ва таъсирлари масалалари бирмунча мунозарали бўлиб қолмоқда. Шу жиҳатдан ҳам инсон экологик ҳуқуқлари тушунчасини ишлаб чиқиш, уларнинг юридик табиатини очиб бериш объектив зарурият эканлигини таъкидлаш лозим.

Якдил тушунчаларга эга бўлиш қонун ижодкорлиги соҳасида ва қонунларни қўллаш соҳасида ҳам катта аҳимиятга эга. Экологик муносабатларни самарали тартибга солиш учун барча қонун ҳужжатларида ҳамда қонун ости актларида у ёки бу ҳолат (воқелик)ни ифодалаш учун бир хил ёки якдил тушунчалар қўлланилиши зарур. Агар қонуналарда якдил тушунчалар қўлланилмаган бўлса, уларни ижро этишда ҳам ҳар қандай тушунмовчиликлар келиб чиқиши мумкин.

Шу ўринда қонунларда турли хил тушунчалар билан бир хил воқеликни ифодалаш ҳолатларига мисоллар келтирамиз. 1992 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунининг деярли барча моддаларида «табиатни муҳофаза қилиш» ифодаси қўлланилсада, унинг айрим моддаларида (масалан, 8-моддасида) «атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш» ифодаси ишлатилган. Бунда Қонун икки хил тушунчаларни бир-биридан фарқламаган. Ваҳоланки, илмий адабиётларда «табиат» тушунчаси билан «атроф табиий муҳит» тушунчаси бир-биридан фарқланади. Бошқа бир ҳолат. Мазкур Қонуннинг 12-моддаси номида фуқароларнинг «яшаш учун қулай атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқи» ибораси ишлатилган бўлсада, шу модданинг матнида фуқаро

¹ И. Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Асарлар. 6-ж. // Т.: «Ўзбекистон», 1998. 108-б.

Ўрнига «аҳолининг» шундай ҳуқуқи акс эттирилиб, бир хил воқеликни ифодалаш учун икки хил тушунчалар қўлланилган.

Даставвал бир нарсани адолатли бўлиш учун айтиб ўтиш лозим бўлади. Гап шундаки, Ўзбекистон қонунларида «инсон экологик ҳуқуқлари» деган ифода акс эттирилмаган. Яъни, биз инсон экологик ҳуқуқлари деб атаётган ҳуқуқларни қонун шундай ифода билан акс эттирмаган. Шундай бўлсада, 1992 йилда қабул қилинган «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунда¹ «фуқароларнинг қулай атроф табиатга эга бўлиш ҳуқуқи» ва бошқа ҳуқуқларнинг белгиланганлиги инсон экологик ҳуқуқи тўғрисида гапиришга асос бўлади. Аниқроғи, шу ва шунга ўхшаган бошқа атроф табиий муҳитдан фойдаланиш ва муҳофаза қилишга тааллуқли бўлган инсон ҳуқуқлари экологик ҳуқуқлар деб таърифланади. Бу биргина бизнинг фикримиз бўлмай, балки бошқа ҳуқуқшунос эколог олимлар томонидан тан олинган ҳақиқатдир².

Умуман олганда, инсон ва табиат ўртасидаги муносабатларда инсонга тегишли бўлган ҳуқуқлар «инсон экологик ҳуқуқлари» деб аталиши тарихи бундай ҳуқуқлар миллий қонунларда ифодаланишидан олдинроқ бошланади. Масалан, профессор В.В. Петров 1990 йилда экологик ҳуқуқлар тўғрисида гапириб, уларнинг учта ҳолатини кўрсатган: 1) инсоннинг ҳаёт учун қулай атроф табиий муҳитга бўлган ҳуқуқи; 2) инсоннинг соғлиғини атроф-муҳитнинг салбий таъсиридан муҳофаза қилиш ҳуқуқи; 3) инсоннинг атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишда иштирок этиш ҳуқуқи ва фуқаро сифатида-

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, 1-сон, 38-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 6, 118-модда; 1997 йил, 4-5-сон, 126-модда; 1999 йил, 1-сон, 20-модда; 2000 йил, 5-6-сон, 153-модда, 7-8-сон, 217-модда; 2002 йил, 9-сон, 165-модда; 2003 йил, 9-10-сон, 149-модда; 2004 йил, 5-сон, 90-модда; 2005 йил, 1-сон, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, 10-сон, 536-модда.

² *Крассов О.И.* Экологическое право. Дарслик. // М.: «Норма». 2004. 75-85-б.

ги мажбурияти¹. Бундай фикрларнинг вужудга келиши-
ги халқаро ҳужжатларда қайд қилинган инсон ҳуқуқлари
тўғрисидаги ҳолатлар сабаб бўлган.

Таъкидлаш лозимки, токи инсоннинг экологик ҳуқуқлари
тушунчиен қонуларда аниқ акс этмас экан, уларни тушу-
ниш бўйичи мунозарали қарашлар давом этаверади. Демак,
ҳуқуқшунос эколог олимлар орасида бундай ҳуқуқларни
ҳар хил тушуниш давом этаверади.

Ушбу масалада ўз фикримизни билдиришдан аввал бун-
дай ҳуқуқлар тўғрисида айрим олимларнинг фикрлари би-
лан танишиб чиқамиз. Жумладан, россиялик олима профес-
сор О.Л. Дубовикнинг фикрича, фуқароларнинг экологик
ҳуқуқлари деб, халқаро ҳужжатларда, РФ Конституциясида,
михусе экологик ва унга турдош бўлган қонун ҳужжатларида
мустақимланган индивиднинг, яъни инсон ва фуқаронинг
итроф-муҳит билан ўзаро алоқаларида рўёбга чиқариладиган
ва унинг шу соҳадиги асосий талабларини қондирилишини
таъминлайдиган ҳуқуқлари йигиндисига айтилади². Про-
фессор М.М. Бринчук қисқача қилиб, экологик ҳуқуқларни
«инсоннинг табиат билан алоқаларида турли-туман талаблар-
ини қондиришни таъминловчи, индивиднинг тан олинган
ва мустақамланган ҳуқуқидир»³ деб таърифлайди.

Профессор А.К.Голиченков экологик ҳуқуқларни учта
сифатда таърифлайди, яъни улар: 1) экологик ҳуқуқ ва маж-
буриятларнинг ҳуқуқий институти; 2) экологик ҳуқуқий
муносабатларнинг элементи; 3) экологик ҳуқуқий муноса-
батлар субъектлари ҳуқуқий мақомининг элементи⁴ бўлиб
намоён бўлади.

¹ Петров В.В. Экологическое право и реальность // Вест. МГУ. Сер. 11.
Право. 1990. № 3. с. 12.

² Дубовик О.Л. Экологическое право. 3-нашри. // М.: «Проспект»,
2010. 195-б.

³ Бринчук М.М. Экологическое право (право окружающей среды). //
М.: Юристъ. 1998, 131-б.

⁴ Голиченков А.Г. Экологические права и обязанности в их новейшем
поимании // Актуальные проблемы теории права и государства и экологи-
ческого права. Илмий мақолалар тўплами. 2-нашри. // М.: Юрид. инс.
МГУПС, 2000.

Юкоридагилардан маълум бўлдики, инсон экологик ҳуқуқлари — бу умумий атама бўлиб, уларнинг туб маъноси-га кўра инсоннинг атроф табиий муҳит билан алоқаларида табиат неъматларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга тааллуқли бўлган бир туркум ҳуқуқлари тушунилади. Бу ҳуқуқларнинг инсон бошқа ҳуқуқларидан фарқи шуки, улар сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқлар каби тизимлаштирилмаган, яъни Конституцияда ёки бошқа қонунларда «экологик ҳуқуқлар» деб ифодаланиб мустаҳкамланмаган. Шу боисдан ҳам инсон экологик ҳуқуқларини аниқлаш ва мазмунини тушуниш учун бир неча қонунларга мурожаат қилиш зарур.

Инсон экологик ҳуқуқларининг қонунларда акс эттирилишини тавсифлашдан олдин уларнинг илмий адабиётларда тасвирланган турларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Илмий адабиётларда бундай ҳуқуқларни таснифлаш амалга оширилган. Чунончи, М.Бринчук бундай ҳуқуқларни қонун ҳужжатларида мустаҳкамланганлигига кўра асосий бўлган ва асосий бўлмаган (бошқа) ҳуқуқларга бўлади. Асосий ҳуқуқларга у ерга бўлган хусусий мулк ҳуқуқи, қулай атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқи, экологик ахборотга эгалик қилиш ҳуқуқи, экологик ҳуқуқбузарлик натижасида етказилган зиённи ундириб олиш ҳуқуқи, хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган шароитларда меҳнат қилиш ҳуқуқи, соғлиқни муҳофаза қилиш ва тиббий ёрдам олиш ҳуқуқини киритади. М.Бринчук бошқа экологик ҳуқуқларга қонун ҳужжатларида мустаҳкамланган табиатдан фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳуқуқларини, масалан, атроф-муҳитнинг салбий таъсиридан соғлиқни муҳофаза қилиш, радиация хавфсизлиги ҳуқуқи, ўрмонларда бўлиш ҳуқуқи ва ҳ.к.ларни киритади¹.

Экологик ҳуқуқларни таснифлашда проф. С.А.Боголюбовнинг фикрлари кенг қамровли ҳисобланади. У қуйидаги омиллар (критерия) асосида мазкур ҳуқуқларни таснифлайди: а) конституциявий (асосий) ва бошқалар;

¹ Бринчук М.М. Экологическое право.

б) фуқароларнинг ҳуқуқлари ва жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари; в) табиатни муҳофаза қилиш ва табиат бойлиқлирига бўлган ҳуқуқлар; г) бевосита экологик (махсус) ни бошқа (умумий, бавосита қулай атроф-муҳитга бўлган ҳуқуққа таъсир қилувчи) ҳуқуқлар. Бунда у бевосита, яъни махсус ҳуқуқларга: экологик экспертиза ўтказиш тўғрисида таклифлар бериш ва уни ўтказишда иштирок этиш ҳуқуқи; давлат ҳокимияти ва маҳаллий ҳокимият органларига, бошқа ташкилотларга ва мансабдор шахсларга атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларида кўмак бериш ва уларга ариза ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқи; атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича чора-тадбирлар кўришни талаб қилиш ва судларга мурожаат қилиш ҳуқуқларини киритади¹.

Инсон экологик ҳуқуқларини таснифлашда проф. О.Л.Дубовикнинг фикрлари янада қизиқроқ. У бундай ҳуқуқларни экологик ҳуқуқ субъектлари бўйича икки гуруҳга бўлади: биринчиси, умумий субъектларга, яъни барча индивидларга тегишли бўлган ҳуқуқлар; иккинчиси, фуқароларнинг касбига ёки бошқа белгиларига ёки яшаш жойига қараб фарқланадиган ҳуқуқлар. Биринчи гуруҳга конституция ва бошқа қонунларда ойдинлаштирилган ҳуқуқлар киради. Иккинчи гуруҳга табиий ёки техноген характерда бўлган офатлар натижасида фавқулодда вазият эълон қилинган ҳудудларда яшайдиган фуқароларнинг ҳуқуқи киради².

Юқоридагилардан маълум бўлдики, инсон экологик ҳуқуқлари деган ифода илмий жамоатчилик томонидан сўзсиз тан олинган ва бу соҳада олиб борилаётган илмий изланишлар энг долзарб ҳисобланади.

Хўш хориж давлатларида зўр бериб ривожлантирилаётган ва халқаро ҳужжатларда акс эттирилаётган инсон экологик ҳуқуқлари бизнинг Ўзбекистон қонунчилигида қандай

¹ Боголюбов С.А. Защита экологических прав: пособие для граждан и общественных объединений. // М.: 1998.

² Дубовик О.Л. Экологическое право. Дарслик. 3-нашри. 196-б.

даражада акс эттирилган? Бизда уларнинг қандай турлари мавжуд?

Даставвал Ўзбекистонда ҳам бошқа мамлакатлар қатори инсон экологик ҳуқуқларининг туб илдизи Конституцияда акс эттирилганлигини таъкидлаб ўтиш зарур. Унинг 55-моддасида «Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир» деган қоида белгиланган. Ушбу қоидага кўра Ўзбекистонда барча табиат бойликлари умуммиллий бойликдир. Яъни, бу ерда яшаётган барча миллат вакиллари, ҳар бир инсон бу бойликларга нисбатан тегишлича ҳуқуққа эга. Бу бойликлар Ўзбекистондаги барча миллат ва элат вакиллари фойдаланиш ҳуқуқи объектидир. Улардан фойдаланилганда оқилона йўл тутиш лозим. Демак, инсон экологик ҳуқуқларининг асосида «умуммиллий бойлик» тамойили ётади. Мазкур конституциявий тамойил инсон экологик ҳуқуқларини бошқа қонунларда аниқ-ойдин қилиб белгиланишига асос яратади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, инсон экологик ҳуқуқлари тўғрисидаги дастлабки ҳуқуқий қоидалар «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунда мустаҳкамланган. Ушбу Қонуннинг преамбуласида инсон экологик ҳуқуқларининг асосийларидан бири – **«Фуқароларнинг қулай атроф-муҳитга¹ эга бўлиш ҳуқуқи»** ҳақида таъкидлаб ўтилган. Ушбу ҳуқуқ «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида» Қонуннинг² 4-моддасида **«Фуқароларнинг ҳаёт учун қулай атмосфера ҳавосига эга бўлиш ҳуқуқи»** ифодасида акс эттирилган. Бундай ҳуқуқ «Давлат

¹ Қулай атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқининг объекти, яъни қулай атроф-муҳит нима эканлиги тўғрисидаги батафсил тушунишни Р.А. Икрамовнинг «Фуқароларнинг қулай атроф табиий муҳитга бўлган ҳуқуқи» номли асаридан қараш мумкин.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси (1997 йил 2-сон, 52-модда; 2003 йил 9–10-сон, 149-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, 10-сон, 536-модда.

санитария назорати тўғрисида»ги Қонуннинг¹ 4-моддасида «ҳар бир одам қулай атроф-муҳит шароитларига эга бўлишга ҳақли» кўринишида акс эттирилган.

Қулай атроф табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини кўпгина хориж давлатларида асосий ёки фундаментал ҳуқуқ деб ҳисоблашади. «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунда бу ҳуқуқнинг бир неча хил таҳрирдаги ифодаси мустаҳкамланган. Жумладан, унинг 4-моддасида «фуқароларнинг ҳаёт учун қулай табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқи», 12-моддасида «инсоннинг яшаш учун қулай атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқи» ёки аҳолининг «қулай табиий муҳитда яшаш» ҳуқуқи каби ифодалар мустаҳкамланган.

Бу ерда шу нарсани таъкидлаш керакки, хорижий давлатлар қонунларида ҳам юқоридаги «фундаментал» ҳуқуқнинг турли ифодалари мустаҳкамланган бўлишига қарама-қарши, «қулай атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқи» ифодаси энг оптимал вариант сифатида ишлатилади². Биз ҳам ушбу ҳуқуқни ифодалашда умум қабул қилинган амалиётга бўйсунамиз.

Албатта қонунда бир ҳолатни турли ифодалар билан акс эттириш яхшилик аломати эмас. Қонунларда турлича ўқиш (разночтение)га йўл қўйилмаслиги керак. Устига-устак юқорида тилга олинган қонунлардан маълумки, бу ҳуқуқнинг субъекти ҳам ҳар хил қилиб белгиланган, яъни бир ҳолатда «фуқаролар» бўлса, бошқа ҳолатларда «аҳоли», «инсон» ёки «ҳар бир одам» нинг ҳуқуқлари қилиб белгиланган.

«Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг учинчи бўлими 12-моддасида иккинчи турдаги инсон эко-

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 й., 9-сон, 355-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 6-сон, 118-модда; 1999 й., 5-сон, 124-модда; 2000 й., 7, 8-сонлар, 217-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталарининг Ахборотномаси, 2006 й., № 10, 536-модда.

² Третьякова А.А. Понятие экологических прав по законодательству стран членов Европейского Союза // «Экологическое право», 2002, № 1. С. 52.

логик ҳуқуқи, яъни аҳолининг «ўз саломатлигини атроф-муҳитнинг зарарли таъсиридан муҳофаза қилиш ҳуқуқи» мустаҳкамланган. Бу ҳуқуқни ҳам асосий ҳуқуқлардан бири деб ҳисоблаш лозим. Чунки қонун уни рўёбга чиқариш учун ҳам бошқа ҳуқуқ ва кафолатларни белгилаган.

Бундан ташқари, инсоннинг асосий экологик ҳуқуқларига унинг соғлиғига ва мулкига зиён етказилган ҳолларда зарарни ундириб олиш ҳуқуқи киради. Учинчи турдаги бундай асосий экологик ҳуқуқ ҳам қонунларимизда мустаҳкамлаб қўйилган. У «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддасида куйидагича аке эттирилган: «Фуқаролар... атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар ва биологик организмлар чиқарилиши ҳамда физикавий омилларнинг атмосферага зарарли таъсир кўрсатиши орқали ўзларининг саломатлиғига ҳамда мулкига зиён етказилган ҳолларда зарарни ундириб олиш ҳуқуқига эгадирлар».

«Зарарни ундириш» шаклидаги экологик ҳуқуқни «Радиация хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддасида аке эттирилганлигини кўриш мумкин. Бу ердаги қондага асосан фуқаролар «ионлаштирувчи нурланиш манбаларидан нурланиш оқибатида уларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига етказилган зарар қонун ҳужжағларига мувофиқ қопланиши» ҳуқуқига эга.

Етказилган зиённи қоплаш каби экологик ҳуқуқ тўғрисида гапирганда «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддасида аке эттирилган куйидаги ҳолатни ҳам айтиб ўтиш шарт. Бу ерда таъкидланишича, «Ҳар бир одам атроф-муҳитнинг зарарли кимёвий, физикавий, биологик ва бошқа омиллари, шунингдек, сифатсиз озиқ-овқат маҳсулотлари, халқ истеъмоли моллари ва бошқа саноат буюмлари таъсирида ўзига етказилган зарарнинг ўрнини тўлатиб олишга ҳақлидир».

Демак, юқоридагилардан маълум бўлдики, етказилган зиённи қоплаш кўринишидаги инсон экологик ҳуқуқи Ўзбекистоннинг 3 та қонунда ўз аксини топган экан. Бу эса инсоннинг экологик ҳуқуқларини белгилашда жуда катта ютуқдир.

Инсон экологик ҳуқуқларининг навбатдаги асосий турига «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 52-моддаси кўрсатилган «Экология нуқтаи назаридан зарарли фаолиятни тўхтатиш хусусидаги даъво талаблари» ҳуқуқини киритса бўлади. Бу ерда белгиланишича, «Юридик ва жисмоний шахслар атроф табиий муҳитга, инсон саломатлиги ва одамларнинг мол-мулкига, халқ хўжалигига зиён етказаётган экология жихатидан зарарли фаолиятни тўхтатиш тўғрисида судга даъво билан мурожаат қилишга ҳақлидирлар. Суднинг экология нуқтаи назаридан зарарли фаолиятни тўхтатиш тўғрисидаги қарори айғиб ўтилган фаолиятни пул билан таъминлашни тўхтатиш учун асос бўлади».

Судга даъво билан мурожаат қилиш ҳуқуқининг ўзига хос хусусияти шундаки, уни амалга ошириш учун фуқаро ўзининг ҳуқуқ ёки манфаатлари бузилиши шарт эмас. Бунда «экология нуқтаи назардан зарарли фаолият» фактининг мавжуд бўлиши ва унинг «атроф табиий муҳитга, инсон саломатлиги ва одамларнинг мол-мулкига, халқ хўжалигига зиён» етказиши хусусий тартибда судга даъво аризаси киритиш ҳуқуқини беради.

«Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуннинг¹ 5-моддасида мустаҳкамланган қоидага кўра, фуқаролар ва жамоат бирлашмалари «ҳайвонот дунёсига ва унинг яшаш муҳитига етказилган зарарни қоплаш масаласини кўядилар». Бундай кўринишдаги ҳуқуқ ҳам хусусий тартибда судга даъво киритиш ҳуқуқининг аниқлаштирилган ҳолатидир десак янглишмиган бўламиз. Бундай ҳуқуқни амалга оширишнинг ягона йўли судга даъво билан мурожаат қилишдир. Бу ерда ҳам фуқаро ўзининг ҳуқуқ ёки манфаатини эмас, балки табиатнинг, хусусан ҳайвонотлар дунёсининг манфаатини химоя қилиб судга даъво билан мурожаат қилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 1-сон, 14-модда, 2000 йил, 5-6-сонлар, 153-модда.

Энди фуқароларнинг умумий асосларда табиатдан фойдаланиш ҳуқуқлари тўғрисида тушунча берамиз. Табиатдан умумий асосларда фойдаланиш деганда, унинг неъматларидан, яъни инсон яшаши ва тириклик шарти бўлган табиий унсурлардан кундалик табиий эҳтиёжни қондириш тушунилади. Инсон яшаши ва тириклиги учун сув, ҳаво, ўсимлик ва ҳайвонотлардан олинадиган истеъмол неъматлари, маиший хўжалиги ва уй-жой қуриши учун табиий зарур нарсалар, яъни ёнилғи, қурилиш материаллари ва бошқа хом ашёлардан фойдаланиб, табиий эҳтиёжларини қондириши умумий (яъни табиий) асосларда табиатдан фойдаланиш дейилади. У бирор-бир расмий рухсатсиз ва чекланишларсиз амалга оширилади. Табиат неъматларидан мана шундай асосларда фойдаланиш қонунларда **умумий фойдаланиш ҳуқуқи** деб эътироф этилади.

Инсоннинг умумий фойдаланиш ҳуқуқи кўринишидаги экологик ҳуқуқи айрим қонунларда очиқ акс эттирилган. Чунончи, «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддасида табиатдан умумий тарзда фойдаланиш ҳуқуқи акс эттирилган бўлиб, унга кўра фуқаролар бундай ҳуқуқни «ҳаётий зарур эҳтиёжларни қондириш учун текинга табиий ресурсларни айрим фойдаланувчиларга бириктирмай ва ҳеч қандай рухсатномалар бермай туриб амалга оширадилар».

Инсоннинг табиат неъматини бўлган сувдан умумий фойдаланиш ҳуқуқи «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуннинг 28-моддасида белгиланган. Бу ерда айтилишича, «Сувдан умумий фойдаланиш ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартибда **рухсатсиз ва чеклашларсиз** амалга оширилади».

«Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Қонунда¹ «умумий фойдаланиш» тушунчаси аниқ қилиб берилмаган. Бироқ, унинг 31-моддасида қуйидаги ҳолат белгиланган: «Ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар ўзларига берилган ер участка-

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 1-сон, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 12-сон, 604-модда.

лари доирасида ўз хўжалик ва рўзгор эҳтиёжлари учун портлатиш ишларини кўлламаган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда захиралари фойдали қазилмалар захиралари давлат баланси ҳисобига олинмаган кенг тарқалган фойдали қазилмаларни қавлаб олишни ҳамда ер ости иншоотларини куришни лицензия олмасдан амалга ошириш ҳуқуқига эга». Юқорида таъкидланганидек, рухсатсиз табиат неъматларидан фойдаланиш ҳар бир инсонга берилган табиий ҳуқуқ деб қаралиши лозим. Демак, ушбу Қонунда ҳам инсоннинг табиатдан умумий асосларда фойдаланиш ҳуқуқи акс эттирилгандир.

Инсон экологик ҳуқуқлари турларини санаб ўтишни давом эттирамиз. Навбатдаги ҳуқуқларга «аҳолининг» **«табиатни муҳофаза қилиш бўйича жамоат ташкилотларига бирлашмиш ҳуқуқи»** киради. Жамоат бирлашмаларига шиллуқли бирчи масалалар «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги (1991 йил) Қонун¹ билан тартибга солинади. Ушбу Қонуннинг 1-моддасида жамоат бирлашмаси тушунчаси берилган бўлиб, унга кўра «Ўз ҳуқуқлари, эркинликларини ҳамда сиёсат, иқтисодиёт, ижтимоий ривожланиш, фан, маданият, экология ва ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги қонуний манфаатларини биргаликда рўёбга чиқариш учун бирлашган фуқароларнинг хоҳиш-иродаларини эркин билдиришлари натижасида вужудга келган ихтиёрий тузилма жамоат бирлашмасидир». Ушбу тушунчадан маълум бўлдики, жамоат бирлашмалари ўз сафларига бирлашган фуқароларнинг бошқа манфаатлари билан бир қаторда экологик манфаатларини ҳам рўёбга чиқариш билан шуғулланадилар. «Табиатни муҳофаза

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 йил, 4-сон, 76-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 йил, 4-сон, 76-модда; 1992 йил, 9-сон, 363-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 4-5-сонлар, 126-модда; 1998 йил, 3-сон, 38-модда; 2004 йил, 1–2-сонлар, 18-модда, 5-сон, 90-модда, 2005 йил, 1-сон, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, 12-сон, 640-модда.

қилиш тўғрисида»ги Қонунда жамоат ташкилотларига бирлашиш ҳуқуқи «аҳолига» тегишли қилиб белгиланган бўлса, «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонуннинг 9-моддасида фуқаролар, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг шундай ҳуқуқлари ақс эттирилган. Демак, жамоат бирлашмаларига бирлашиш ҳуқуқи инсонлар (аҳоли)га эмас, балки ундан торроқ тушунча бўлган фуқаролар, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга тегишлидир.

Хориж адабиётларида экологик жамоат бирлашмаларининг нафақат инсон экологик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, балки экология сиёсатини юритишдаги роли жуда юқори баҳоланади. Россия олимларининг фикрича, экология масалалари бўйича жамоат бирлашмаларининг фаолият юритиши фуқаролик жамиятининг муҳим қиррасидир, фуқаролик жамиятининг давлат аппарати иши самарали бўлиши устидан назорат қилиш шаклидир. Жаҳоннинг ривожланган давлатларида жамоат экологик ташкилотлари катта нуфузли сиёсий куч бўлиб, сайловларда иштирок этиш ва ютиб чиқиш орқали вакиллик органларида ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида сезиларли ўринларни эгалламоқдалар. Экология нодавлат ташкилотлари таъсири остида бир қатор халқаро ва давлат тузилмалари (ОАВ, касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, бошқа жамоат бирлашмалари)нинг экологиялашуви юз бермоқда. Экологик ҳаракатнинг сиёсийлашуви ҳар тарафда кузатилмоқда, у глобал тарзда тус олиб, халқаро экологик ҳаракат ривожланишда глобал анъана бўлиб қолмоқда¹.

Шу қаторда «атроф табиий муҳитнинг аҳволи ҳамда уни муҳофаза қилиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларга доир ахборотларни талаб қилиш ва олиш ҳуқуқи»ни ҳам санаб ўтиш лозим. Бу ҳуқуқлар ҳам «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддасида ақс этти-

¹ Қаранг: «Об охране окружающей среды» // Научно-практический комментарий к Федеральному Закону от 10 января 2002 г. № 7 - ФЗ. // М.: «Деловой двор», 2010. С. 88.

рилган. Ушбу ҳуқуқлар тўғрисида гапирганда муҳим бир ҳолатни таъкидлаб ўтиш лозим. Биз юқорида «қулай атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқи»ни асосий (фундаментал) ҳуқуқ деб бежиз айтмадик. Чунки бу ҳуқуқнинг амалга оширилиши, яъни қонун тили билан айтганда, унинг «максади»га эришиш учун Қонуннинг ўзида «ёрдамчи» ҳуқуқ-кафолатлар мустаҳкамланган. Юқоридаги иккита ҳуқуқ ҳам айни шундай ҳуқуқ-кафолатларга киради. Бунда кўрсатилиб ўтилган ҳуқуқ-кафолатлар адабиётларда мустақил ҳуқуқ сифатида таърифланади¹.

Агар «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунда «ахборот олиш ҳуқуқи» ҳуқуқ-кафолат сифатида берилган бўлса, «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунда у асосий ҳуқуқ сифатида акс эттирилган. Яъни унда фуқароларнинг атмосфера ҳавосини «муҳофаза қилиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида ўз вақтида ва ишончли ахборот олиш» ҳуқуқи белгиланган.

Инсоннинг экологик ахборот олиш ҳуқуқи «Радиация хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддасида ҳам берилган. Унга биноан фуқаролар «атроф-муҳитнинг, фойдаланишдаги ва истеъмолдаги предметларнинг радиациявий ҳолати, радиациявий хавфсизликни таъминлаш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар, шунингдек, ўзлари олган нурланиш дозаси тўғрисида тўлиқ ва ҳолис ахборот олиш» ҳуқуқига эгадирлар.

Экологик ахборот олиш ҳуқуқи белгиланган навбатдаги қонун «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги Қонун бўлиб, унинг 5-моддасида «Ҳар бир киши касалликлар, эпидемия ва радиация вазияти, атроф-муҳитнинг ҳолати ҳамда уларнинг одамлар саломатлигига таъсири ҳақида, шунингдек, гигиена соҳасидаги ва махсус ўтказилган бошқа экспертизалар ҳақида ҳаққоний маълумот олиш ҳуқуқига эга» деб белгиланган.

¹ Қаранг: *Бришчук М.М.* Экологическое право. Учебник. // М.: «Юристъ». 2004. С. 118–119.

Ўзбекистон Республикасининг «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддасида «Фуқаролар ва жамоат ташкилотлари... ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш соҳасидаги ахборотни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда оладилар» деб кўрсатилиши экологик ахборот олиш ҳуқуқининг нақадар муҳим ҳуқуқ эканлигидан далolat беради.

Инсон экологик ҳуқуқлари сифатида экологик ахборот олиш ҳуқуқининг асосий ва муҳим эканлигини Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29- ва 30-моддаларида ақс эттирилган қоидалардан ҳам билса бўлади. Унинг 29-моддасида «Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга...» деб кўрсатилган бўлса, 30-моддасида «Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозим» дейилган. Конституциядаги бу қоидалар экологик ахборот олиш ҳуқуқининг «фундаменти» ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 58-моддасида белгиланишича, «Давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради».

«Ўзбекистонда жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги ва «Нодавлат ношжорат ташкилотлари тўғрисида»ги қонунларда жамоат тузилмаларининг мақсади фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш эканлиги белгилаб қўйилган. Шунга асосан бу ташкилотлар фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини реализация қилиш ва ҳимоя қилишда ҳам том маънода иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Инсоннинг экологик ахборот олиш ҳуқуқи тўғрисида сўз юритганда «экологик ахборот» тушунчасини англаб олиш мақсадга мувофиқдир. Проф. Б.Б.Бринчукнинг фикрича, экологик ахборотга: ер, сув, ҳаво, тупроқ, ер қаъри,

ўсимлик ва хайвонотлар дунёси ҳолати; одамлар соғлиги ва ҳаёти учун экологик хавф тўғрисида; атроф табиий муҳитга кимёвий, биологик, жисмоний ва бошқа таъсирлар ва уларнинг манбалари тўғрисида; атроф табиий муҳитга ва одамларга салбий таъсир қилаётган ёки таъсир қилиши мумкин бўлган фаолият тўғрисида; атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тадбирлари тўғрисида; давлат органлари, юридик шахслар ва тадбиркор фуқароларнинг табиат ресурсларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш ва химоя қилиш тўғрисидаги маълумотлар киради¹.

Ўзбекистоннинг экологик қонун ҳужжатларида экологик ахборотга доир аниқ ва батафсил тушунчалар берилмаган. Шундай бўлсада, у атроф-муҳит ҳолати (сифати) ва инсонлар соғлиги тўғрисидаги маълумотлар бўлиши «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунда белгилаб қўйилган.

Экологик ахборот тўғрисидаги тушунчаларни асосан халқаро ҳужжатларда учратиш мумкин. Хусусан, Европа Иттифоқи томонидан 1994 йилда қабул қилинган «Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги модел (намуна) Қонуннинг 21-моддасига кўра, экологик ахборот деб, ёзма, оғзаки, визуал ёки маълумотлар базасидаги сув, ҳаво, тупроқ, фауна, флора, ер ва алоҳида табиат участкалари тўғрисидаги; зарарли таъсир кўрсатиш билан боғлиқ фаолият тўғрисидаги, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш фаолияти ёки тадбирлари тўғрисидаги маълумотлар тушунилади².

1991 йилда қабул қилинган «Ахборотга эга бўлиш, қарорлар қабул қилиш жараёнларида иштирок этиш ва атроф-муҳит масалаларига тааллуқли масалалар бўйича одил судлов ҳуқуқи тўғрисида»ги Конвенцияси (Орхус Конвенцияси)нинг 2-моддасига кўра экологик ахборот деганда:

¹ Бринчук М.М. Экологическое право. (Право окружающей среды). Учебник. – М.: «Юристь». 1998. С. 248.

² Дубовик О.Л. Экологическое право. Учебник. – М.: «Проспект». 2010. С. 212–213.

ҳаво ва атмосфера, сув, тупроқ, ер, ландшафт ва табиий объектлар, биологик хилма-хиллик, унинг компонентлари ва генетик ўзгартирилган организмлар каби атроф-муҳит элементлари ҳолати ҳамда бу элементлар ўртасидаги ўзаро таъсирлар ҳақида;

моддалар, энергия, шовқин ва нурланиш каби омиллар, шунингдек фаолият ва чоралар, маъмурий чораларни ҳисобга олган ҳолда, атроф-муҳит соҳасидаги келишувлар, атроф-муҳит элементларига таъсир ўтказишига қодир ва ўтказилаётган сиёсат, қонунчилик, режа ва дастурлар, харажат ва натижаларнинг анализи, бошқа иқтисодий анализ ва атроф-муҳитга оид масалалар бўйича қарор қабул қилишга йўл қўйилишлар ҳақида;

инсонлар соғлиғи ва хавфсизлиги, уларнинг ҳаёт шароитлари, атроф-муҳит элементлари ҳолатига у ёки бу даражада таъсир этиши мумкин бўлган ёки таъсир этаётган иншоотлар, бинолар ва маданият объектларининг ҳолати тўғрисида ёзма, аудио, визуал, электрон ёки бошқа моддий шаклдаги ҳар қандай маълумотлар тушунилади.

Экологик ахборот манбаларига, яъни мазкур ахборотни фуқаролар ва уларнинг бирлашмаларига етказиб бевувчиларга шундай ахборотга эга бўлган давлат органлари, табиатдан фойдаланувчилар ёки унга бирор-бир таъсир қилувчи юридик шахслар, нодавлат ташкилотлар, шунингдек Ўзбекистонда фаолият юритаётган хорижий юридик ва жисмоний шахслар киради. Ахборотга эга манбалар республика ёки маҳаллий миқёсдаги органлар бўлиши мумкин.

Экологик ахборотлар тўғрисидаги халқаро ҳужжатларда фуқаролар ёки юридик шахслар маълумот олишда талаб этилаётган маълумотга ўз кизиқишларини исботлашлари лозим эмаслиги тамойили мустаҳкамланган¹. Бундай тамойилнинг Ўзбекистонда жорий этилиши фуқароларнинг экологик ахборот олиш ҳуқуқи эркинлигини янада кенгайтиради.

¹ Экологическое право России на рубеже XXI века. Проф. А.К.Голиценков таҳрири остида. – М.: Зерцало. 2000. С. 160.

Навбатдаги инсон экологик ҳуқуқларига «Радиация хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддасида кўрсатилган «радиациявий хавфсизликни таъминлаш масалалари муҳокамасида иштирок этиш» ҳуқуқи киради.

Россия Конституциясининг 17-моддаси 2-қисмига биноан инсоннинг асосий экологик ҳуқуқлари дахлсиз, табиий ҳуқуқлар сирасига киради. Бу ҳуқуқларнинг дахлсиз деб ҳисобланиши улардан маҳрум қилиш (чеклаш) мумкин эмаслиги ва йўл қўйилмаслигини билдиради. Бу ҳуқуқлар субъектив ва табиий ҳуқуқлардир, чунки улар табиат томонидан инсонга туғилган пайдан бошлаб ато этилади¹.

Инсон экологик ҳуқуқларини таснифлашдан олдин уларнинг тизимини тушуниш осон бўлиши учун улар акс эттирилган қонунларни кўрсатиб санаб (такрорлаб) ўтамиз:

қулай атропоф табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқи («Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги қонунлар);

ўз саломатлигини атропоф-муҳитнинг зарарли таъсиридан муҳофаза қилиш ҳуқуқи («Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонун);

соғлиққа ва мулкка етказилган зарарни ундириб олиш ҳуқуқи («Атмосфера хавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги, «Радиация хавфсизлиги тўғрисида»ги қонунлар);

экологик зарарли фаолиятни тўхтатиш бўйича даъво қилиш ва ҳайвонотлар дунёсига етказилган зарарни ундириб олишни талаб қилиш ҳуқуқи («Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Ҳайвонотлар дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунлар);

табиатдан умумий асосларда фойдаланиш ҳуқуқи («Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги (10-модда), «Ўрмон тўғрисида»ги қонунлар);

¹ Бринчук М.М. Экологическое право. (Право окружающей среды) Учебник. // М.: «Юристъ», 1998. С.132.

ахборот олиш ҳуқуқи («Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Ҳайвонотлар дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги (5-модда), «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги, «Радиация хавфсизлиги тўғрисида»ги қонунлар);

жамоат бирлашмаларига бирлашиш ҳуқуқи («Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонун);

экологик экспертиза ўтказишни талаб қилиш ҳуқуқи («Ҳайвонотлар дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонун);

жамоат назоратини амалга ошириш ҳуқуқи («Ҳайвонотлар дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонун);

ҳайвонот дунёсини ва унинг яшаш муҳитини муҳофаза қилиш тадбирларини амалга ошириш ҳуқуқи («Ҳайвонотлар дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонун);

ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат дастурлари рўёбга чиқарилишига кўмаклашиш ҳуқуқи (Ҳайвонотлар дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги (10-модда) қонунлар);

радиациявий хавфсизликни таъминлаш масалалари муҳокамасида иштирок этиш ҳуқуқи («Радиация хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонун).

Ўзбекистон қонунларида мустақамланган инсон экологик ҳуқуқларининг сони (турлари) нуктаи назаридан салмогини билиш учун уларнинг тизимини Россия қонунларида мустақамланган экологик ҳуқуқлар тизими билан солиштириб чиқамиз¹.

Демак, Россия Федерациясининг 2002 йил 10 январда қабул қилинган № 7/ФЗ «Об охране окружающей среды»

¹ Қиёсий таҳлилда М.Бринчук ва О.Дубовикларнинг маълумотларидан фойдаланилди. Қаранг: *Бринчук М.М. Экологическое право. Дарслик. // М.: «Юристъ», 2004, 118–121-б.; Дубовик О.Л. Экологическое право. Дарслик. 3-нашри.*

Қонунида фуқароларнинг қулай атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини рўёбга чиқаришга хизмат қиладиган қуйидаги экологик ҳуқуқлар кўрсатилган:

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида фаолият юритувчи жамоат бирлашмаларини, жамғармаларни ва бошқа нотижорат ташкилотларни тузиш;

яшаш ҳудудларида атроф-муҳитнинг ҳолати, уни муҳофаза қилиш тўғрисида ўз вақтида, тўлиқ ва ишончли ахборот беришларини сўраб давлат ҳокимияти органларига, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига, бошқа ташкилот ва мансабдор шахсларга мурожаат йўллаш;

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича мажлисларда, митинглар, намойишлар, юришлар ва норозилик билдиришларда, мурожаатларга имзо йиғишларда, референдумларда ва қонунда кўрсатилган бошқа ҳаракат (акция)ларда иштирок этиш;

белгиланган тартибда жамоат экологик экспертизасини ўтказиш тўғрисида таклифлар қилиш ва уни ўтказишда иштирок этиш;

давлат ҳокимияти органларига, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларига атроф-муҳит муҳофазаси масалаларида кўмаклашиш;

давлат ҳокимияти органлари, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларига ва бошқа ташкилотларга атроф-муҳитни муҳофаза қилишга тааллуқли масалалари бўйича аризалар, шикоятлар ва таклифлар билан мурожаат қилиш ҳамда ўз вақтида ва асослантирилган жавоблар олиш;

атроф-муҳитга етказилган зарарни тўлатиш бўйича судга даъво аризаси киритиш.

РФнинг 4 май 1999 йилда қабул қилинган «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунига биноан фуқаролар қуйидаги экологик ҳуқуқларга эга:

Атмосфера ҳавосининг ҳолати, унинг ифлосланиши, шунингдек, атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбалар ва унга салбий жисмоний таъсирлар тўғрисида ахборот олиш;

Атмосфера ҳавосининг сифатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган мўлжалланаётган хўжалик ва бошқа

фаолиятлар тўғрисида масалаларнинг муҳокамасида иштирок этиш;

Атмосфера ҳавосининг муҳофаза қилиш дастурлари муҳокамасида иштирок этиш ва уларга атмосфера ҳавосининг яхшиланишига тааллуқли таклифлар киритиш;

Атмосфера ҳавосининг ифлосланиши натижасида фуқароларнинг соғлиги ва мулкига, атроф-муҳитга етказилган зиённи қоплаш тўғрисида даъво кўзгатиш.

«Аҳолининг радиация хавфсизлиги тўғрисида»ги РФнинг Қонунига кўра фуқаролар:

радиациявий хавфсизлик;

ионлашган нурланиш манбаларидан фойдаланиш билан боғлиқ фаолиятни амалга ошираётган ташкилотлардан радиациявий вазият ва радиациявий хавфсизликни таъминлаш масалалари бўйича ишончли ахборот олиш;

қонунларда белгиланган тартибда жамоат бирлашмаларининг вакиллари ионлашган нурланиш манбалари билан ишлайдиган корхоналарга кириб, уларнинг фаолияти билан танишиш;

ионлашган нурланиш манбалари фаолияти ёки унда содир этилган авария натижасида ҳаётга ва соғлиққа зиён етказилганда, зарарни тўлагиш каби ҳуқуқларга эгадирлар.

Россиянинг «Аҳолининг санитария-эпидемиологик фаровонлиги тўғрисида»ги Қонунига кўра фуқаролар куйидаги экологик ҳуқуқларга эга:

сифатиинсонларсоғлигигасалбийтаъсиркўрсатмайдиган қулай атроф-муҳитга эга бўлиш;

тегишли давлат ҳокимият органларидан, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларидан ва давлат санитария-эпидемиология муассасаларидан ва бошқа юридик шахслардан атроф-муҳитнинг ҳолати, ишлаб чиқариш техник характердаги маҳсулотларнинг хавфсизлиги, бажарилаётган ишлар ва кўрсатилаётган хизматларнинг инсон саломатлигига хавфсизлиги тўғрисида ахборотлар олиш;

санитария қоидаларининг бажарилиши устидан жамоат назоратини олиб бориш;

давлат ҳокимияти органларига, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларига, давлат санитария-эпидемиология органларига аҳолининг санитария-эпидемиология фаровонлиги тўғрисида таклифлар киритиш;

санитария қонун ҳужжатларини бузилиши натижасида соғлиққа ва ҳаётга етказилган зиённи тўлиқ қоплатиб олиш;

Ва ниҳоят, РФнинг Шаҳарсозлик кодексида фуқароларнинг яшаш фаолияти учун қулай муҳитга эга бўлиш ҳуқуқи мустаҳкамланган.

РФ қонунларида белгиланган инсон экологик ҳуқуқлари билан танишгандан сўнг хулоса қилиб айтиш мумкинки, Ўзбекистонда белгиланган шундай ҳуқуқларнинг турлири нуқтаи назаридан ҳеч бир кам жойи йўқ. Ақсинча, Ўзбекистоннинг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунида мустаҳкамланган «ўз саломатлигини атроф-муҳитнинг зарарли таъсиридан муҳофаза қилиш ҳуқуқи» каби асосий ҳуқуқ Россия қонунларида белгиланмаган. Шу ерда адолатли бўлиш учун бир нарсани айтиб ўтиш лозим. Россиянинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунида алоҳида модда жамоат ва бошқа нотижорат бирлашмаларнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқларига тааллуқли бўлиб, уларнинг сони фуқароларга тегишли бўлган экологик ҳуқуқларидан қарийб икки баробар кўндир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистонда экологик ҳуқуқларни биз учун маъқул бўлган қуйидаги омиллар (критерия) асосида таснифласа бўлади, деб ҳисоблаймиз. Биринчи омил, яъни инсон ва атроф табиий муҳит алоқадорлиги даражасига қараб: 1) асосий ёки умумий экологик ҳуқуқлар; 2) алоҳида табиат объектларига нисбатан ҳуқуқлар¹. Иккинчи омил — инсоннинг ўз ҳуқуқига дахлдорлик масаласи нуқтаи назардан: 1) фақат ўзининг шахсий ҳуқуқлари ва

¹ Адабиётларда бундай ҳуқуқлар «бошқа ҳуқуқлар» деб аталади. Бу ҳолни унчалик мантиққа тўғри келмай, бу тоифадаги экологик ҳуқуқларнинг аҳамиятини сусайтиришга олиб келади.

манфаатларига тегишли ҳуқуқлар; 2) биргина инсоннинг ўзигагина эмас, балки ўзгаларнинг ҳуқуқлари ва саломатлиги, атроф табиий муҳитнинг муҳофазаси, жамият ва давлат манфаатларига тегишли ҳуқуқлар.

Асосий ёки умумий экологик ҳуқуқлар деб, табиат ёки атроф табиий муҳитнинг айрим объект (ер, сув, ҳаво ва ҳ.к.лар)га нисбатан эмас, балки бутун табиатга нисбатан белгиланган ҳуқуқларни атаймиз. Бундай ҳуқуқлар фундаментал конун бўлган «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунда ёки бошқа қонунларда акс эттирилган бўлса ҳам умуман табиатга нисбатан белгиланган бўлади. Бундай ҳуқуқларга: 1) қулай атроф табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқи; 2) ўз саломатлигини атроф-муҳитнинг зарарли таъсиридан муҳофаза қилиш ҳуқуқи; 3) соғлиққа ва мулкка етказилган зарарни ундириб олиш ҳуқуқи; 4) экологик зарарли фаолиятни тўхтатиш бўйича даъво қилиш ҳуқуқи; 5) табиатдан умумий асосларда фойдаланиш ҳуқуқи; 6) ахборот олиш ҳуқуқи; 7) жамоат бирлашмаларига бирлашиш ҳуқуқи; 8) экологик экспертиза ўтказишни талаб қилиш ҳуқуқи; 9) жамоат назоратини амалга ошириш ҳуқуқи киради.

Алоҳида табиат объектларига нисбатан ҳуқуқлар бирор-бир табиат объектига нисбатан белгиланади. Уларга: 1) ҳайвонот дунёсини ва унинг яшаш муҳитини муҳофаза қилиш тадбирларини амалга ошириш ҳуқуқи; 2) ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат дастурлари рўёбга чиқарилишига қўмаклашиш ҳуқуқи; 3) радиациявий хавфсизликни таъминлаш масалалари муҳокамасида иштирок этиш ҳуқуқи.

Иккинчи омил бўйича инсон экологик ҳуқуқларини таснифлашда мазкур ҳуқуқлар инсоннинг ўзига тегишли ёки тегишли эмаслиги назарда тутилади. Бундай ҳуқуқларга эга бўлиш ва уларни амалга оширишдан биринчи навбатда инсоннинг ўзи манфаатдор бўлади. Таъкидлаш лозимки, бундай омиллар бўйича инсон экологик ҳуқуқларини таснифлаш адабиётларда учрамайди.

Шундай қилиб, биринчидан, инсоннинг ўз ҳуқуқ ва манфаатларига тегишли ҳуқуқларига қуйидагилар киради: 1)

қулай атроф табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқи; 2) ўз саломамлигини атроф-муҳитнинг зарарли таъсиридан муҳофаза қилиш ҳуқуқи; 3) соғлиққа ва мулкка етказилган зарарни ундириб олиш ҳуқуқи; 4) табиатдан умумий асосларда фойдаланиш ҳуқуқи; 5) ҳайвонот дунёсини ва унинг яшаш муҳитини муҳофаза қилиш тадбирларини амалга ошириш ҳуқуқи; 3) ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат дастурлари рўёбга чиқарилишига кўмаклашиш ҳуқуқи.

Иккинчидан, инсон экологик ҳуқуқлари ичида шундай ҳуқуқлар борки, уларнинг асосида инсоннинг фақат ўз шахсий ҳуқуқ ва манфаатлари бузилиши ётмайди, балки бунди шахс ўзгаларнинг ҳуқуқи ва манфаатлари, атроф табиий муҳитнинг муҳофазаси, жамият ва давлат манфаатлари йўлида ҳам муайян ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлади. Бундай ҳуқуқларга: 1) ахборот олиш ҳуқуқи; 2) жамоат бирлишмаларига бириштириш ҳуқуқи; 3) экологик экспертиза ўтказишни талаб қилиш ҳуқуқи; 4) жамоат назоратини амалга ошириш ҳуқуқи; 5) радиациявий хавфсизликни таъминлаш масалалари муҳокамасида иштирок этиш ҳуқуқи қиради. Бу ерда ахборот олиш ҳуқуқи орқали инсон ўзининг ва ўзгаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишини тушунтириб ўтамайди. Айтайлик, фуқаро яшаб турган ҳудуддаги завод атроф-муҳитга захарли чикитларни чиқариб, унинг соғлиғига зарар етказаётган бўлса, у ушбу заводдан ўз манфаати йўлида экологик ахборот беришни талаб қилиши ва олиши мумкин. Бошқа ҳолатда, яъни фуқаронинг соғлиғига ва мулкига зарар етказилмаётган бўлса ҳам, у атроф-муҳитни муҳофаза қилиш мақсадларида ўша заводдан ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органидан ахборот олиши мумкин.

Энди бир ҳолатга ойдинлик киритиб олишга навбат келди. Юқорида биз аксарият ҳолларда «инсон экологик ҳуқуқлари» деган ифодани ишлатдик. Бироқ қонунларда, аввал таъкидланганидек, мазкур ҳуқуқларга нисбатан «фуқаро», «аҳоли», «хар бир одам», «жисмоний шахслар» ҳуқуқлари деган иборалар ҳам ишлатилган. Аслида бундай

хуқуқларни кимнинг хуқуқлари деб атаса тўғри бўлади? Ва ниҳоят, қонунларда акс эттирилиши нуқтаи назаридан «хуқуқ эгалари» тўғри эътироф этилганми? Уларни қандай деб атасак тўғри бўлади? Инсон экологик хуқуқларими? Фуқаро экологик хуқуқларими?

Қонунларда акс этиши бўйича фуқароларга куйидаги хуқуқлар тегишли: а) қулай атроф-муҳитга эга бўлиш хуқуқи, б) соғлиққа ва мулкка зиён етказилганда зарарни ундириб олиш хуқуқи; в) ахборот олиш хуқуқи; г) табиатдан умумий фойдаланиш хуқуқи; д) тегишли масалаларни муҳокама этишда иштирок этиш хуқуқи.

Ҳар бир одам — а) қулай атроф яшаш муҳитига эга бўлиш хуқуқи; б) соғлиққа ва мулкка етказилган зарарни ундириб олиш хуқуқи; в) ахборот олиш хуқуқига эга.

Аҳоли — а) қулай атроф-муҳитга эга бўлиш хуқуқи; б) ўз саломатлигини атроф-муҳит зарарли таъсиридан муҳофаза қилиш хуқуқи; в) жамоат бирлашмаларига бирлашиш хуқуқига эга.

Инсонга (қонун бўйича) биргина қулай атроф-муҳитга эга бўлиш хуқуқи тааллуқли.

Жисмоний шахс ҳам қонунга кўра даъво билан судга мурожаат қилиш хуқуқига эгадир.

Энди юқорида таҳлил қилинган субъектларнинг юридик тушунчаси нуқтаи назаридан ҳақиқатда ҳам (расман) субъект бўла олиш ёки олмаслигини кўриб чиқамиз.

Маълумки, фуқаро деганда инсоннинг давлатга расмий жиҳатдан тобелиги ёки унга фуқароликка эга бўлиш оркали боғланганлиги тушунилади. Хуқуқий муносабатларда инсоннинг давлатга расман боғлиқлигига кўра «фуқаролар», «фуқаролиги бўлмаганлар» ва «чет эл фуқаролари»нинг хуқуқий мақоми фарқланади. Шахснинг фуқаролик мақоми бўлмаса, у «Радиация хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонунда белгиланган «тегишли масалаларни муҳокама қилишда иштирок этиш хуқуқи»га эга деб айтиб бўлмайди. Худди шундай фикрни ахборот олиш ва умумий асосларда табиатдан фойдаланиш хуқуқига нисбатан ҳам айтиш керак. Шунингдек, даъво билан судга мурожаат қилиш хуқуқи Қонунда

жисмоний шахсга берилган бўлса ҳам, фақат фуқароларга тегишли бўлиши лозим. Иккинчи томондан, инсон экологик ҳуқуқларининг моҳиятига кўра, уларнинг аксариятини фақат фуқароларга тегишли деб бўлмайди. Масалан, қонун бўйича фуқароларга тегишли бўлган ҳуқуқларни, яъни қулай атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини, соғлиққа ва мулкка етказилган зарарни ундириб олиш ҳуқуқини, ўз соғлигини атроф-муҳит зарарли таъсиридан муҳофаза қилиш ҳуқуқини, жамоат бирлашмаларига бирлашиш ҳуқуқини фуқаро бўлмаган шахслар ва чет эл фуқароларига тегишли эмас деб бўлмайди. Албатта, улар бу ҳуқуқлардан фуқаролар билан тенг асосларда фойдаланади. Қолаверса, фуқаро бўлмаганлар тегишли шарт-шароитларда ва тартибларга кўра фуқаролар фойдаланадиган ҳуқуқлардан фойдаланишлари мумкинлигини инкор этиб бўлмайди. Бу фикрлар қонушлош акс эттирилган барча экологик ҳуқуқларни инсон ҳуқуқлари деб аташ учун яна битта асосдир.

Қонунларда инсон экологик ҳуқуқларини белгилашда субъектлар нуқтаи назаридан бир-бирига зид келиб қолган қондаларни ҳам учратиш мумкин. Масалан, ахборот олиш ҳуқуқи «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Радиация хавфсизлиги тўғрисида»ги ва «Ҳайвонотлар дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунларга кўра фуқароларга тааллуқлидир. Бирок бу ҳуқуқ «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги Қонунга биноан ҳар бир одамга ҳам тааллуқли келиб белгиланган. Ҳар бир одам фуқаролиги бор ёки йуқлигидан қатъий назар экологик ахборот беришларини талаб қилиб тегишли орган ёки ташкилотларга мурожаат қилаверса тўғри бўлармикан? Умуман олганда инсон экологик ҳуқуқлари акс эттирилган нормаларни: а) ибораларни бир хил ҳолга келтириш; б) субъектларнинг мақомини ойдинлаштириш; в) умумийлиги (универсаллиги)ни таъминлаш мақсадларида қайта кўриб чиқиш лозим. Бу масалага бўлгуси янги Қонун ёки Экологик кодекседа махсус бўлим ажратиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Маълумки, бундай ҳуқуқларни таърифлашда юқорида кўрсатилганидек, россиялик олимлар ҳуқуқ эгаларини «индивид» деб атаб, уларга фалсафий тус беришган. Уларнинг бу фикрларига қўшилиш мумкинми? Бизнингча, бундай фикрга қўшилиб бўлмайди. Ўз фикримизни оддий қилиб исботлайдиган бўлсак, барча халқаро хужжатлар ва хориж давлатлари қонунчилигида «инсон ҳуқуқлари» деган ибора ишлатилганлигини эслаш kifоя. Шундан келиб чиқиб, ушбу соҳадаги ҳуқуқ субъектларини «индивид» деб эмас, балки «инсон» деб аташ тўғри бўлади. Бу инсон экологик ҳуқуқлари деган ибора тўғри танланганлигини кўрсатувчи яна битта далилдир.

Бироқ, юқорида тилга олинган қонунлар қайси бир экологик ҳуқуқларни «фуқаро ҳуқуқлари», қайси бирларини «инсон ҳуқуқлари», «аҳоли ҳуқуқлари» ва ҳ.к. деб эътироф этган. Айтмоқчимизки, экологик ҳуқуқларнинг айримлари борки, улар фақат фуқароларга, айримлари эса инсонларга тегишли бўлади. Мана шу омил нуқтаи назаридан бу ҳуқуқларни таҳлил қилиб, уларни қонунларда тўғри ёки нотўғри акс этганлигини изоҳлашга ҳаракат қиламиз.

Ўзбекистоннинг қайси қонунда инсон экологик ҳуқуқлари энг кўп акс эттирилган?, деган савол тутилиши табиий. Бу саволга жавоб тариқасида шуни айтиш керакки, «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонунининг 5-моддаси «Фуқаролар ва жамоат бирлашмаларининг ҳайвонот дунёсини ҳамда унинг яшаш муҳитини муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари»га бағишланган бўлиб, унда 6 та экологик ҳуқуқ акс эттирилган. Унда, жумладан: фуқароларнинг ва жамоат бирлашмаларининг: 1) ҳайвонот дунёсини ва унинг яшаш муҳитини муҳофаза қилиш тадбирларини амалга ошириш; 2) ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат дастурлари рўёбга чиқарилишига кўмаклашиш; 3) экология соҳасида жамоатчилик экспертизасини ўтказиш; 4) жамоатчилик назоратини амалга ошириш; 5) ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш соҳасидаги ахборотни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда олиш; 6) ҳайвонот

дунёсига ва унинг яшаш муҳитига етказилган зарарни коплаш масаласини кўйиш ҳуқуқлари белгиланган.

Ушбу масалада иккинчи ўринда «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонун туради. Бу Қонунда 4 та асосий ҳуқуқ ва 2 асосий бўлмаган ҳуқуқ-кафолат кўрсатилган. Асосий ҳуқуқларга: 1) қулай атроф табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқи; 2) ўз саломатлигини атроф-муҳитнинг зарарли таъсиридан муҳофаза қилиш ҳуқуқи; 3) экологик зарарли фаолиятни тўхтатиш бўйича даъво қилиш; 4) табиатдан умумий асосларда фойдаланиш ҳуқуқи киради. Ҳуқуқ-кафолатларга эса: 1) ахборот олиш ҳуқуқи; 2) жамоат бирлашмаларига бирлашиш ҳуқуқи киради.

Инсон экологик ҳуқуқларининг тап олиниши ва ҳуқуқий тартибга солиниши фақатгина инсоннинг ўзигагина эмас, балки жамият ва давлат учун ҳам муҳимдир. Давлат бундай ҳуқуқларни белгилар экан, энди фуқаролар мазкур ҳуқуқларини рўёбга чиқара туриб, ўз навбатида давлат ўзининг табиатни муҳофаза қилиш фаолияти самарасини оширишга умид қилади ва шунга эришади. Масалан, фуқаролар экологик аҳамиятга эга бўлган қарорлар қабул қилиш жараёнида иштираётган этиш ҳуқуқини ёки экологик экспертиза ўтказиш ҳуқуқини амалга ошира туриб, тегишли ижро ҳокимияти органларининг фаолияти самарадорлигини оширишга кўмаклашадилар. Шунинг учун давлат бу ҳуқуқларни мустаҳкамлаб қўяр экан, нафакат уларни доимо рўёбга чиқарилишидан, балки фуқароларнинг фаол тарзда ўз ҳуқуқларидан фойдаланишларидан манфаатдор бўлади.

Инсоннинг экологик ҳуқуқлари фуқаролар субъектив ҳуқуқларининг бир тури бўлиб, улар давлат ҳокимияти ва подавлат ташкилотларига атроф-муҳитнинг тегишли сифатини таъминлаб туриш, шунингдек, атроф-муҳитнинг ноқулай таъсири натижасида инсонлар соғлиги ва ҳаётига салбий таъсир етказилишининг олдини олиш бўйича турли тадбирлар ўтказиб туриш мажбуриятини келтириб чиқаради. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мажбуриятлари турли хил тадбирлар орқали амалга оширилади. Бундай тадбирларни «Табиатни муҳофаза қилиш

тўғрисида»ги Қонуннинг 11-бўлимида белгиланган давлат ҳокимияти ва бошқаруви идораларининг ваколатларидан билиб олса бўлади. Уларга давлат назоратини олиб бориш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва унинг бойликларидан фойдаланиш бўйича нормативларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш, экологик тадбирлар ва лойиҳаларни молиялаштириш; ҳуқуқбузарларни жавобгарликка тортиш, давлат кадастрлари ва ҳисоботини юритиш, давлат экологик экспертизаларини ўтказиш ва бошқалар кирради.

Субъектив ҳуқуқ шахснинг давлат томонидан қафолатланган хулқ-атворининг белгиланган (рухсат этилган) ҳажми, унинг конституциявий мақомининг муҳим элементидир. Субъектив ҳуқуқ эгаси ҳар доим белгиланган тартибда ҳаракат қилиш ёки ҳаракатдан ўзини тийиш каби масалаларда ўз хоҳишига кўра танлаш имкониятига эга бўлади (масалан, ваколатли органлардан экологик ахборотни талаб қилиш ёки талаб қилмаслик).

Шундай қилиб, инсон экологик ҳуқуқларининг оғишмай рўёбга чиқарилиши иккита масалада асос сифатида ҳуқуқий аҳамиятга эга, яъни инсонларни нормал яшаш фаолиятини амалга оширишни таъминлайди, атроф-муҳитни қулай ва соғлом тарзда сақлаб туришни ва муҳофаза қилишни тақозо этади.

1.3. Сиёсий партиялар инсон экологик ҳуқуқларини ифода этиши ва рўёбга чиқаришининг ҳуқуқий асослари

Сиёсий партиялар жамият сиёсий тизимининг асосий элементларидан бири ҳисобланади ва сиёсий партиялар жамият сиёсий тизимининг асосий таркибий қисми ва сиёсий институт сифатида давлат ҳокимияти механизмининг ишлашида салмоқли вазифаларни бажаради, халқ оммаси билан ҳуқуқ нормаларини яратиш ўртасида муҳим кўприк бўлиб ҳисобланади, фуқароларнинг ижтимоий оғи ва маданияти шаклланиши ва юксалишига катта таъсир кўрсатади. Айниқса, ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнларини

сиёсий партияларнинг иштирокисиз тасаввур этиш мумкин эмас. И.Каримов ҳақли равишда таъкидлаганидек, «сиёсий партияларсиз ва жамоатчилик ҳаракатларисиз республикада вакиллик демократиясини тасаввур қилиб бўлмайди»¹.

Сиёсий партиялар моҳиятининг асосий мазмуни жамият аъзолари маълум қисмининг манфаатларини ифода этиш ҳамда бу манфаатларни сиёсий-ижтимоий жараёнларда қувватлаш ва давлат ҳокимияти даражасида қабул қилинадиган ҳужжатларда акс эттиришдир. Шу боис ҳам сиёсий партияларга тушунча берилганда марказий масала қилиб манфаатлар олинади. Чунончи, «Сиёсий партия бу – ижтимоий гуруҳ ёки табаканинг туб манфаатларини ўзида ифода этувчи, уларнинг энг илғор ва энг фаол вакилларини ўз атрофида жипслаштирувчи ҳамда уларнинг муайян мақсад-манфаатлари, орзу-умидларига эришишлари учун курашларида уларга сиёсий раҳбарлик қилувчи... ташкилотдир»². «Сайловларда иштирок этувчи ва унинг натижасида ўз номдорларини давлат органларига ўтказга олишга қодир бўлган ҳар қандай сиёсий гуруҳ партиядир»³.

Сиёсий партиялар фаолиятининг марказий масаласи инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари, шу жумладан инсоннинг экологик ҳуқуқлари, уларни ифодалаш ва рўёбга чиқариш деб қаралгани айни ҳақиқат. Лекин партияларни тушунишда инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ифодалаш ва рўёбга чиқариш масалалари билан чекланиб бўлмайди. Уларни тушунишда партиялар ҳозирда бажараётган функцияларни тўлиқ эътиборга олиш зарур. Бошқача қилиб айтганда, партияларга таъриф берилганда уларнинг «манфаатларни ифодалаш» ва «бошқаришда иштирок этиш» борасидаги функцияларини қандай усуллар ва механизмлар асосида амалга оширишини ҳисобга олиш лозим. Фаолият усуллари ва ме-

¹ И. Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-ж. // Т.: «Ўзбекистон». 1998. 152-б.

² Жумаев О. Сиёсий партияларнинг сайлов жараёнидаги этикаси. // Т.: УДЮИ. 2004. 3-б.

³ Цитата бўйича қаранг: Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: сиёсий партиялар, мафкуралар, маданиятлар. // Т.: «Шарк». 1998. 32-б.

ханизмлари сиёсий партияларга тааллуқли таърифнинг тавсифлари ва белгилари бўлиши лозим. Бирок сиёсий партиялар тўғрисидаги айрим таърифлар уларнинг умумий тусунчаси билан чекланиб қолинган.

Кўпинча тадқиқотчилар сиёсий партияларга таъриф берганларида «танга»нинг бир томони тўғрисида, яъни «манфаатларни ифода этиш» ёки «ҳокимият тармоқларини ташкил этиш» функцияларидан нарига ўтишмайди. Махсус адабиётларда бундай таърифларни кўплаб учратишимиз мумкин: «Сиёсий партиялар ижтимоий гуруҳлар манфаатларини ифодаловчи, уларнинг энг фаол вакилларини бирлаштирувчи сиёсий ташкилот. Сиёсий партиялар жамият сиёсий тизимининг муҳим ажралмас қисми бўлиб, улар давлат фаолиятининг йўналишларини аниқлашда иштирок этади, давлатнинг вакиллик ва ижро этувчи органларини шакллантиришда қатнашади»¹. «Сиёсий партиялар аҳоли муайян қатламларининг, фуқаролар ҳамда улар уюшмаларининг фикрини ҳамда нуқтан назарини ифодалашнинг муҳим демократик воситасидир»².

Айрим олимлар сиёсий партиялар функцияларини тавсифлаганларида, ҳаттоки уларнинг манфаатларини ифода этиш функциялари мавжудлигига эътибор ҳам беришмайди. Бинобарин, А.П.Кочетков партияларнинг куйидаги функцияларини кўрсатади:

- йирик ижтимоий гуруҳларни фаоллаштириш ва интеграциялаш;
- сиёсий мафкура ва сиёсий доктриналарни яратиш;
- сиёсий тизимни, уларнинг умумий тамойили, структура ва элементларини шакллантиришда қатнашиш;
- давлат ҳокимияти учун курашиш ва ижтимоий ўзгаришлар дастурини ишлаб чиқиш;
- давлат ҳокимияти ишида қатнашиш;
- жамоатчилик фикрини шакллантириш;

¹ Ҳамидова К.Т. Сайловлар ва сиёсий партиялар фаолиятини молиялаштириш // Т.: ТДҶОИ. 2004. 6-б.

² Одишқориев Х.Т. Конституция ва фуқаролик жамияти. // Т.: 2002. 89-б.

давлат аппарати, жамоат ташкилотларига кадарларни тайёрлаш ва тавсия этиш¹. Агар сиёсий партияларни шу йўсинда тушунадиган бўлсак, унда улар томонидан инсон ҳуқуқ ва манфаатларини, шу жумладан инсон экологик ҳуқуқларини ифода этиш ва рўёбга чиқариш каби функцияларни бажаришга ўрин қолмайди.

Демак, сиёсий партияларнинг функцияларига берилган таърифларни таҳлил қилиш натижасида олинган асосий хулоса шундан иборатки, уларнинг аксарияти «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонунда берилган тушунчага мос келмайди. Мазкур Қонунда партия «иродани рўёбга чиқариш», «давлат ва жамоат ишларини идора этишда қатнашувчи» бирлашма деб белгиланади. Бироқ илмий манбаларда сиёсий партияларга берилган таърифларда асосан уларнинг манфаатларини «ифода этиш» ва давлат ҳокимиятларини «шакллантиришда иштирок этиш» каби функциялари ажратиб кўрсатилади. Қонунда белгиланган «рўёбга чиқариш» ва «идора этишда қатнашиш» билан илмий манбаларда учрайдиган «манфаатларни ифода этиш» ва «шакллантиришда қатнашиш» ўртасида катта фарқ борлигини тушунтириб ўтиришнинг ҳожати йўқдир.

Маълумки, Ўзбекистонда сиёсий партияларга тааллуқли қонун ҳужжатларини яратиш ва такомиллаштириш ишлари муқаммал олиб борилиши ижтимоий-сиёсий ва қонун ижодкорлиги жараёнларида юз бераётган долзарб воқеликлардан биридир. Айтиш жоизки, сиёсий партиялар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қабул қилиш ва улар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини белгилашда Ўзбекистон кўп давлатларга ўрнак бўладиган натижаларга эришди. Шунга кўра, Ўзбекистонда партиялар тўғрисида ривожланган қонунчилик мавжуд, деган хулосага келиш мумкин. Бу қонунчилик улар фаолиятининг барқарор амалга оширилишининг кафолатларини таъминлаб, ўз вазифаларини тўлақонли бажаришлари ва шу тарзда инсон ҳуқуқ ва ман-

¹ Қаранг: *Кочетков А.Л.* Политические партии и партийные системы. // Вестник МГУ. Серия: Право. 1998. № 6. С. 3–18.

фаатлари, хусусан инсон экологик ҳуқуқларини таъминлаш ишларига муносиб ҳисса қўшишларига имконият яратади.

Бизнингча, сиёсий партиялар томонидан амалга ошириладиган «иродани рўёбга чиқариш» ва «давлат ва жамоат ишларини идора этишда қатнашиш» функциялари ўз ичига кенг маънодаги чора-тадбирларни амалга оширишни кўзлаган жараён (процесс) ларни қамраб олади. Бундай жараёнларга, бизнингча, сайловларда иштирок этиш, вакиллик ва ижро ҳокимияти бўғинларини ташкил этишда иштирок этиш, ҳуқуқ ва қонун ижодкорлигида иштирок этиш, парламент ва жамоат назоратини амалга ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш, ижтимоий-сиёсий ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтириш ва бошқалар киради.

Сиёсий партиялар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини яратиш ишлари бирваракайига ёки «кампания» тарзида амалга оширилган эмас. Бу жараён жамият ижтимоий-сиёсий жараёнлари ривожланишига ҳамоҳанг равишда кадам-бақадам амалга оширилгандир. Шу боис сиёсий партиялар фаолияти ҳуқуқий асослари яратилишини қуйидаги босқичларга бўлиш мумкин.

Биринчи босқич — 1991-1995 йиллар. Бу босқичда Ўзбекистонда сиёсий партиялар фаолиятини легитимлаштиришнинг дастлабки асослари яратилди. Сиёсий партия сиёсий-ҳуқуқий категория сифатида дастлаб «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалар тўғрисида»ги Қонунда (1991 йил 15 феврал), сўнгра Ўзбекистон Республикаси Конституциясида аке эттирилди.

Иккинчи босқич — 1996-2003 йиллар. Бу даврда «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонун қабул қилиниб (1996 йил 26 декабр), сиёсий партиялар тўғрисидаги махсус қонунчиликка асос солинди.

Учинчи босқич — 2004 йилдан то ҳозирги кунгача бўлган давр. Бу босқичда «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Қонун (2004 й. апрел), «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партиялар ролини кучайти-

риш тўғрисида»ги Конституциявий қонун (2007 йил март) ва Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» асосида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Конституциявий қонуни (2011 йил) қабул қилинган. Бу босқичда қабул қилинган қонунларнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, улар сиёсий партияларнинг давлат ҳокимияти механизмларини ташкил этиш ва бошқаришда иштирок этишини янада кучайтиришга замин яратди.

Таъкидлаш лозимки, сиёсий партиялар томонидан инсон экологик ҳуқуқларини ифода этиш ва амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини кўриш учун, албатта юқорида тилга олинган қонунларга мурожаат қилиш керак. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, сиёсий партиялар тўғрисидаги қонунларда инсон экологик ҳуқуқларини ифодалаш ва амалга ошириш ҳақида бевосита нормалар йўқ. Бундай нормаларни экологик қонун ҳужжатларидан ҳам топиб бўлмайди. Қонунчилик нуқтаи назаридан қараганда, инсон экологик ҳуқуқлари ва сиёсий партиялар тушунчаларини том маънода бир-бирига боғлаш мушкул.

Аммо агар гап инсон экологик ҳуқуқлари ва сиёсий партиялар «алоқадорлиги»нинг бавосита ҳуқуқий асослари ҳақида боралиган бўлса, унда сиёсий партиялар тўғрисидаги ҳамда экологик қонун ҳужжатларида ҳам бундай асослар борлигини дадил айтиш мумкин.

Чунончи, инсон экологик ҳуқуқларининг сиёсий партиялар томонидан ифодаланишининг ҳуқуқий асосини «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонуннинг сиёсий партия тушунчаси тўғрисидаги 1-моддасида берилган қуйидаги ҳолатлардан англашимиз мумкин: «Сиёсий партия Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг қарашлар, манфаатлар ва мақсадлар муштараклиги асосида тузилган,

давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда жамият муайян қисмининг сиёсий иродасини рўёбга чиқаришга интилувчи ҳамда ўз вакиллари орқали давлат ва жамоат ишларини идора этишда қатнашувчи кўнгилли бирлашмасидир». Сиёсий партиялар фаолиятининг мақсад ва моҳияти ядроси инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатлари эканлигини мазкур Қонуннинг 3-моддасида ифодаланган қуйидаги принциплардан ҳам билиш мумкин: «Сиёсий партиялар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш мақсадида, хоҳиш-иродани эркин билдириш, партияга ихтиёрий равишда кириш ва ундан чиқиш, аъзоларнинг тенг ҳуқуқлилиги, ўзини ўзи бошқариш, қонунийлик ва ошқоралик асосида тузилади ва фаолият кўрсатади» (Қонуннинг 3-моддаси).

Бундан ташқари, сиёсий партияларнинг ҳуқуқларини аниқ тасаввур қилиш учун «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддасида берилган ҳуқуқларини баён қиламиз. Унга кўра, сиёсий партиялар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотни эркин тарқатиш, ўз гоялари, мақсадлари ва қарорларини тарғиб қилиш;

сайлаб қўйиладиган давлат органларидаги ўз вакиллари орқали тегишли қарорларни тайёрлашда иштирок этиш;

қонунда белгилаб қўйилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти, давлат ҳокимияти органлари сайловларида иштирок этиш;

партия фаолияти билан боғлиқ йиғилишлар, конференциялар ва бошқа тадбирларни ўтказиш;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда оммавий ахборот воситалари таъсис этиш ва бошқа оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш;

Ўзбекистон Республикасининг сиёсий партиялари билан иттифоқ (блок) тузиш, улар билан ва бошқа жамоат бирлашмалари билан шартнома муносабатларини ўрнатиш.

Сиёсий партиялар ушбу Қонунда ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларида назарда тутилган ўзга ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

Юқоридагилардан маълум бўлдики, сиёсий партиялар бевосита ўз аъзоларининг ва бошқа фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқарадиган ва ҳимоя қиладиган бирор-бир фаолиятни амалга оширмайди.

Сиёсий партияларнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколати бундай тоифадаги бирлашмаларга ҳам тааллуқли бўлган «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонунда белгиланган ҳуқуқлар ичида ҳам учрамайди.

Ушбу Қонуннинг 15-моддасида жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари тўғрисида бундай дейилган:

«Жамоат бирлашмалари қонун олдида тенгдирлар. Жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари уларнинг уставларида кайд этилади. Жамоат бирлашмалари уставларида, дастурий ва бошқа ҳужжатларида белгиланган мақсадлар ва вазифаларни амалга ошириш учун ўз мақсадлари ва фаолияти тўғрисидаги маълумотни эркин тарқатади, қонунда кўзда тутилган қўлларни ва тартибда теса.

давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларини тузишда қатнашади;

давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг қарорларини тасдиқлашда иштирок этади;

давлат ва жамоат идораларида ўз аъзолари (қатнашчилари) номидан иш юритади ва уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилади;

ушбу Қонунда ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларида, Қорақалпоғистон Республикасида теса – Қорақалпоғистон Республикасининг ҳам ўзга қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ваколатларни амалга ошириди».

Бундан ташқари, сиёсий партияларнинг вазифаларини тавсифлайдиган айрим қоидалар борки, уларда ҳам сиёсий партиялар фаолиятининг марказида инсон ва унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатлари акс эттирилганлигини кўриш мумкин. Хусусан:

– партиялар алоҳида олинган фуқаролар, ижтимоий қатлам (табақалар) ва гуруҳлар манфаатларини бирлаштириб, улар-

ни сиёсий манфаатлар мажмуаси даражасига кўтариш, шунингдек, бу уйғунлашган манфаатларни уларнинг ҳаммаси учун бир хилда аҳамият касб этишини таъминлашдир;

– партиялар фуқароларнинг сиёсий манфаатларини илғаб, уларнинг ўзаро ўхшаш манфаатларини бирлаштириб, фуқароларнинг турли сиёсий ингилишларини партиявий доирага жамлаб, уларни парламентга етказувчи, ўз аъзолари ва хайрихоҳларини сиёсий жараёнларга сафарбар этувчи, шунингдек, фуқароларни бу жараёнларда фаол иштирок этишга рағбатлантириш воситасидир;

– партия халқ билан давлат органлари ўртасида алоқалар ва муносабатларни доимий равишда таъминлаб турувчи бўғиндир;

– партия қонунда белгиланган тартибда ўзининг парламентдаги вакиллари орқали парламент назорати ва бевосита жамоатчилик назоратини амалга ошириш орқали давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонунларнинг ижро этилишини таъминлашга таъсир ўткази оладиган, давлат ҳокимияти ва бошқаруви тузилмаларининг ҳокимият чексизлигига таъсир эта оладиган кучли сиёсий ташкилотдир.

Демак, инсон ҳуқуқлари ва сиёсий партиялар тушунчаларининг бир-бири билан чамбарчас боғлиқлиги нуктаи назардан қарайдиган бўлсак, бундай алоқадорлик улар фаолияти мазмун-моҳиятидан, уларнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқади.

Сиёсий партия бу – сиёсий жараёнларда иштирок этиш учун тузилган жамоат бирлашмаси бўлиб, доимий асосда ҳаракат қилади ва сиёсий дастурга эга бўлади¹. Сиёсий партиялар инсонлар маълум гуруҳларининг ҳаётий манфаатларини илғаб олади ва ифодалайди, уларни сиёсат даражасига кўтаради. Шунинг учун ҳам улар ўз гуруҳларининг авангарди (етакчиси) бўлиб майдонга чиқади².

¹ Юдин Ю.А. Политические партии и право в современном государстве. // М.: Форум / Инфра / М, 1998. С. 50.

² Чиркин В.Е. Современное государство. // М.: «Международные отношения», 2001. С. 283.

Маълумки, хориж давлатларида сиёсий партияларнинг роли ва бажарадиган вазифалари бирмунча кенгрок қилиб белгиланган. «Замонавий жамиятда, – деб ёзади «Общая теория права и государства» китобининг муаллифлари, ҳокимият учун кураш ва ҳокимиятни ушлаб туришда бош сиёсий бирлашмалар бўлиб сиёсий партиялар майдонга чиқди. Агар мана шундай ташкилотлар шаклланган бўлса, аҳоли ҳар хил қатламлари манфаатларини ифодалайдиган, фуқароларнинг эркини ҳаётга татбиқ қиладиган етакчиларни кидириб топиш осон бўлар эди. Лекин бундай ранг-баранг (плюралистик) демократия озод кишиларнинг эркин жамиятига хос бўлиши мумкин»¹.

Жамиятнинг сиёсий тизими ижтимоий-сиёсий тусдаги муносабатларда қатнашувчи ташкилотлардан иборат. Сиёсий тизимнинг ажралмас таркибий қисми ва унинг асосий бўғинларидан бири ҳар сиёсий партиялардир.

Партия – (лот. *Partio* – бўламан, ажратаман) гоёвий жиҳатдан маслакдош, манфаатлари муштарак бўлган, шунингдек, муайян ишни бажариш учун ажратилган кишилар гуруҳи².

Сиёсий партия жамиятда кишиларни бирлаштиради ва уларнинг мақсад-муддаолари бирлигини таъминлайди, вакиллик органлари учун курашиб, ўз сиёсий гуруҳларининг манфаатларини ҳимоя қиладилар. Олий Мажлис, халқ депутатлари кенгашларини шакллантиришда улар ҳам энг асосий сиёсий куч сифатида майдонга чиқадилар ҳамда ўз номзодларининг сайланиши билан ҳокимиятни тузишда ва давлат бошқарувида иштирок этадилар³.

Сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий мақсадини ифодалайди ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали дав-

¹ Қараи: Общая теория государства и права. Дарслик. 5-нашри. М.: НОРМА ИНФРА / М., 2010. 82-б.

² Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 6-жилд. Т.: 2003. 698-б.

³ Ўзбекистон Республикаси Конституциявий ҳуқуқи. Дарслик. // Т.: ТДЮИ, 2005. 361-б.

лат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар¹. Бундан ташқари «...партиялар жамият ва ҳокимият ўртасида востачилик вазифасини бажаради, ижтимоий қатламлар ва ижтимоий гуруҳларнинг турли сиёсий талаблари ва манфаатларини жамлайди².

Партиянинг энг муҳим вазифаси ҳокимият органлариши шакллантириш ва улар фаолияти устидан назорат олиб боришда иштирок этишдир³.

Ҳозирги пайтда сиёсий партиялар мамлакатимизда нафақат фуқаролик жамиятининг асосий мақсад ва вазифаларини рўёбга чиқарувчи, балки жамият аъзоларининг барча соҳалардаги ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ифодаловчи ва ҳимоя қилувчи маҳсус жамоат бирлашмалари бўлиб намоён бўлмоқда. Зеро, улар фуқароларнинг сиёсий фаол қатламларини бирлаштириш ва ифода этиш орқали инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида фуқаролик жамияти институтлари ичида алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисида сўзлаган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»га бағишланган маърузасида «Фуқаролик институтлари, нодавлат ноижорат ташкилотлари ҳозирги кунда демократик кадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувоза-

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституциявий ҳуқуқи. Дарслик. // Т.: ТДЮИ, 2005. 351-б.

² Бердиқулов С. Фуқаролик жамияти ва кўппартиявийлик тизимининг шаклланиш жараёналари. Тўп.: Глобаллашув, миллий ғоя ва мафкура: муаммолар, ечимлар, истиқболлар. // Т.: 2009. 37-б.

³ Ўзбекистон Республикаси Конституциявий ҳуқуқи. Дарслик. // Т.: ТДЮИ, 2005. 366-б.

нагини таъминлашга кўмаклашмоқда»¹ деб таъкидлаб, мазкур институтлар амалга ошираётган ишларнинг кўламини кўрсатиб ўтган эди.

Сиёсий партияларнинг фукаролик жамияти муҳим институти сифатидаги фаолиятининг марказий масаласи инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдир. Сиёсий партияларнинг моҳияти тўғрисидаги ушбу фикр жаҳоннинг аксарият давлатларида тан олингандир. Жумладан, юридик адабиётларда таъкидланишича, «Партиялар инсон ва одамларнинг маълум гуруҳлари ҳаётий манфаатларига эътибор қаратиш, ифода этиш, уларни сиёсат даражасига кўтаришга хизмат қилади. Шунинг учун ҳам партиялар ўз гуруҳларининг авангарди, улар манфаатларини янада тўлароқ рўёбга чиқарувчи ва ҳимоя қилувчи ташкилот сифатида намоён бўладилар»².

Ҳозирги кунда республикамизда Ўзбекистон халқ демократик партияси, «Адолат» социал-демократик партияси, «Миллий тикланиш» демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси фаолият юритиб келмоқдалар. Барча сиёсий партиялар ўз фаолиятларини Конституция ва қонунлар асосида амалга оширадилар. Ўзбекистонда сиёсий партиялар рангбаранглиги юқорида айтилганидек, бу ерда плюралистик демократия ўрнатилган эркин жамият шаклланганлигидан далолат беради.

Конституциямизнинг 60-моддасида белгиланганидек, «Сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини ташкил этишда иштирок этадилар».

¹ *И. Каримов*. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фукаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлиси сўзлаган маърузаси // Тошкент: «Ўзбекистон», 2010, 43-б.

² *Чиркин В.Е.* Современное государство. // М.: «Международные отношения», 2001. С. 285–286.

1996 йил 26 декабрда қабул қилинган «Сиёсий партиялар тўғрисида» ги Қонуннинг 1-моддасига кўра, сиёсий партия Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг қарашлар, манфаатлар ва мақсадлар муштараклиги асосида тузилган, давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда жамият муайян қисмининг сиёсий иродасини рўёбга чиқаришга интилувчи ҳамда ўз вакиллари орқали давлат ва жамоат ишларини идора этишда қатнашувчи кўнгилли бирлашмасидир.

Ўзбекистонда сиёсий партияларнинг давлат ва жамият ҳаётида иштирок этиш роли ва уларнинг ижтимоий-сиёсий аҳамияти нуқтаи назаридан барча демократик давлатлардаги партияларнинг мавқега ва бажарадиган вазифаларига деярли мос келади. Шу ўринда хориж давлатларидаги партияларнинг қонунларда ақс эттирилган белгиларини кўрсатиб ўтишни лозим топдик. Илмий манбаларда кўрсатилишича, бу белгилар қуйидагилар:

1) ўз-ўзини бошқариш асосларида фаолият юритувчи эркин ташкил этиладиган автоном ташкилот;

2) фуқароларни доимий асосда (аъзоликдан чиқиш ҳуқуқи сақланган ҳолда) бирлаштирадиган барқарор ташкилот;

3) партияга бирлашиш биринчи навбатда ғоявий факторлар — аъзоларнинг қарашлари ва мақсадлари асосида амалга оширилиб, бу ҳолат уларнинг дастурий ҳужжатларида ақс эттирилади;

4) партиялар даромад олишни мақсад қилиб қўймайди, бироқ уларнинг айрим тузилмалари партия эҳтиёжларини таъминлаш учун тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин;

5) партиялар конституциявий ва тинч воситалар орқали халқнинг сиёсий эркини шакллантириш ва ифодалашга, хусусан, сайловларда иштирок этиш орқали кўмаклашади,

6) партия бу — демократик тамойиллар асосида, ошқоралик, оммавийлик ва очиклик асосида тузилган ва фаолият юритувчи ташкилотдир¹.

¹ Юдин Ю.А. Политические партии и право в современном государстве. // М.: 1998. С. 44.

Инсон экологик ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш қатор ваколатли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан амалга оширилади. Бундай фаолиятни амалга оширишда фуқаролик жамияти институтлари ҳам ўз қонуний ваколатлари доирасида иштирок этадилар.

Шундай экан, фуқаролик жамиятининг муҳим институти бўлган сиёсий партияларнинг инсон экологик ҳуқуқларини ифода этиш ва амалга ошириш ишларида иштирок этиши нималарда ифодаланиши ва қандай қонуний асосларда амалга оширилиши масаласини ёритиб бериш катта аҳамият касб этади.

Дарҳақиқат, мазкур жамоат бирлашмаларининг инсон экологик ҳуқуқларини ифода этиш ва ҳимоя қилишга бевосита шукоси бор деб айтиш мумкин эмас. Гап шундаки, бу каби сиёсий бирлашмаларнинг қонун ҳужжатларида бевосита аниқлаштирилган вазифалари қаторида инсон экологик ҳуқуқларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш деган вазифа йўқ. Демак, бундай фаолиятнинг аниқ (нақд) қонуний асоси мавжуд эмас. Бироқ, уларнинг умумий маънодаги инсон ҳуқуқларини ифода қилиш ва рўёбга чиқариш борасидаги қонуний ваколатларидан, шунингдек, экология муаммоларини ҳал этишда иштирок этиш соҳасидаги амалиётидан келиб чиқиб, сиёсий партиялар ҳам бавосита инсон экологик ҳуқуқларига тааллуқли ишларни амалга ошириши мумкин.

Сиёсий партияларнинг инсон ҳуқуқлари ва манфаатларига, шу жумладан инсон экологик ҳуқуқларига тааллуқли ваколатлари «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонуннинг 1-моддасида берилган тушунчада ифодаланган бўлиб, улар «давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда жамият муайян қисмининг сиёсий иродасини рўёбга чиқаришга интилувчи ҳамда ўз вакиллари орқали давлат ва жамоат ишларини идора этишда қатнашувчи кўнгилли бирлашмалар»дир¹.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 2-сон, 36-модда; 1999 йил, 9-сон, 229-модда; 2004 йил, 1-2-сонлар, 18-модда, 5-сон, 90-модда; 2005 йил, 1-сон, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 4-сон, 163-модда; 2008 йил, 12-сон, 637, 640-моддалар.

Бундан ташқари сиёсий партияларнинг худди шундай фаолиятига тегишли қоидаларни «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонунда ҳам кўриш мумкин. Ушбу Қонуннинг 3-моддасига кўра, жамоат бирлашмалари «фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий, ҳуқуқлар ҳамда эркинликларни рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш» мақсадларида тузилади. Бу ерда эътиборни тортадиган ҳолат шундан иборатки, ушбу Қонун инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг «фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий» турларини кўрсатиб ўтгану, «экологик» ҳуқуқларга келганда бўшлиқ қолдирган. Қонундаги мазкур бўшлиқни тўлдириш қонун чиқарувчининг муҳим вазифаси бўлиши лозим.

Ушбу фикримизни Қонуннинг 1-моддасида жамоат бирлашмасига берилган тушунчага асосланиб исботлашга ҳаракат қиламиз. Бинобарин, 1-моддага кўра, «Ўз ҳуқуқлари, эркинликларини ҳамда сиёсат, иқтисодиёт, ижтимоий ривожланиш, фан, маданият, экология ва ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги қонуний манфаатларини биргаликда рўёбга чиқариш учун бирлашган фуқароларнинг хоҳиш-иродаларини эркин билдиришлари натижасида вужудга келган ихтиёрий тузилма жамоат бирлашмасидир». Кўриб турганимиздек, Қонун фуқароларнинг экология соҳасидаги манфаатлари мавжуд эканлигини тан олган. Агар Қонуннинг 1-моддасидаги тушунча тўғри бўлса, ундаги фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг барча турларини 3-моддага кўчириш лозим бўлади. Шундай қилиб, жамоат бирлашмалари, шу жумладан сиёсий партиялар томонидан фуқароларнинг барча ҳуқуқ ва эркинликлари қаторида экологик ҳуқуқларининг ҳам рўёбга чиқарилиши ва ҳимоя қилиниши қонунда белгиланган.

Сиёсий партияларнинг инсон экологик ҳуқуқларига тааллуқли фаолиятлари мазкур Қонуннинг 3-моддасида кўрсатилганидек, уларни тузиш ва фаолият кўрсатиш принципларидан келиб чиқади. Бу принциплар ичида сиёсий партиялар «фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амал-

га ошириш мақсадида» тузилиши кўрсатилган бўлиб, бунга кўра улар фуқароларнинг ҳар қандай ҳуқуқ ва манфаатларига, шу жумладан экологик ҳуқуқларини ҳам амалга оширишга дахлдор деб ҳисоблаш мумкин.

Сиёсий партиялар фуқароларнинг барча ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга доир фаолият юритишини Ўзбекистон халқ демократик партияси Уставида белгиланган қуйидаги қоидадан кўришимиз мумкин. Хусусан, Ўз.ХДПнинг бош мақсади – ҳар бир оила ва меҳнат қилишининг, миллати, дини, сиёсий эътиқоди, ижтимоий аҳволи ва келиб чиқишидан қатъи назар тинч ҳаёт кечиришини, шаъни ва кадр-қимматини, конституциявий ҳуқуқлари ва инсоний эркинликлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашдан иборатдир¹. Худди шундай мақсад Ўзбекистон «Адолат» социал демократик партияси Уставида ҳам ифода этилган².

Экологик муаммоларни ҳал этишда иштирок этиш деярли барча сиёсий партияларнинг дастурий ҳужжатларида ўз ифодасини топган. Хусусан, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партиясининг 2004 йилда қабул қилинган дастурида мазкур масалага бағишланган қуйидаги сўзлар акс эттирилган. «Партия ўзининг экологик сиёсатини инсон ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш, маънан ва жисмонан соғлом авлодни шакллантириш ҳамда миллат генофондини асраш мақсадида зарур бўлган барча шарт-шароитни яратиш асосида фаолият юритади. Партия табиатдан фойдаланувчиларнинг табиий захиралардан оқилона фойдаланиш ва агроф-муҳитни ҳимоялашда иқтисодий манфаатдорлик тизимини яратишга, экологик муаммоларни ҳал этиш учун республиканинг халқаро тизимларга узвий киришишини таъминлашга интилади»³.

¹ ЎзХДП Устави 1-бўлим 2 бўлими // Тошкент, 2005, 1-б.

² Ўз. «Адолат» СДП Устави (Янги таҳрир), 2.1 қисм. // Тошкент: 2006, 2-б.

³ Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати // ЎзЛиДеП Дастури. // Т.: 2004, 13-б.

Мазкур дастурда инсоннинг ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли қоида ва ҳолатлар берилган бўлиб, уларни инсон экологик ҳуқуқларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш масалаларини ҳам қамраб олади, деб айтиш мумкин. Жумладан, бунда Ўз.ЛиДеП инсоннинг уйғун ривожланиши, манфаатларини рўёбга чиқаришнинг амалий тизимини яратиш..., тарафдори эканлиги қайд этилган¹.

Сиёсий партиялар фаолияти ҳуқуқий асосларини белгилайдиган ҳужжатларнинг ичида Сайловолди дастурлар алоҳида ўринда туради. Уларда партияларнинг яқин келажакка мўлжалланган вазифалари ва амалга оширадиган ишлари замон талабларидан келиб чиқиб ва партиялар янги салоҳиятига мослаштирилиб аке эттирилади. Мана шундай ҳужжатларда сиёсий партиялар экологик муаммолар ва экологик ҳуқуқларга тааллуқли аниқ равшан вазифаларни белгилаб оладилар. Шу ўринда Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг сайловолди дастурида кўрсатилган вазифаларга эътиборни қаратамиз. Унда айтилишича, партиянинг вазифаларига «Экологик барқарор иқтисодиёт асосларини яратиш, унинг ҳуқуқий нормалари сўзсиз бажарилишига эришиш, атроф-муҳитга зарарли таъсири бўлган ишлаб чиқариш корхоналарини янгилаш, экологик тоза технологияларни ва хавфсиз хом ашёларни қўллашни татбиқ этиш»² киради.

Партиялар фақат Ўзбекистон фуқароларидан ташкил топса ҳам, улар нафақат фуқароларнинг, балки барча инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ифода этади ва ҳимоя қилади. Уларнинг мақсадларида «ҳар бир оила ва меҳнат кишиси», «ҳар бир киши» (масалан, Ўз.ХДП Устави, 1.2-банди) каби тушунчалар аке эттирилган бўлиб, уларнинг замирида барча инсонлар манфаатлари қамраб олинганлиги ётади.

¹ Ўша ҳужжат. 11-б.

² Ўзбекистон «Адолат» СДП Сайловолди дастури // Тошкент, 2009, 5-б.

Инсон Ўзбекистонда демократик ўзгаришларнинг бош мақсади ва ҳарикатлангирувчи кучи ҳисобланади. Партия унинг уйғун ривожланиши, манфаатларини рўёбга чиқаришнинг амалий тизимини яратиш, жамиятнинг ўзаги бўлган оилани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, эскирган бир қолипдаги фикрлаш тарзи ва ижтимоий феъл-атворни ўнгиртириш тарафдоридир.

Партия давлатнинг ижтимоий соҳага оид сиёсатидаги стратегик устувор йўналиш – **инсонга бўлган эътибор** ташкил этиши лозим деб ҳисоблайди. Партия ислохотларнинг барча босқичларида эришилган натижаларни аҳоли фаровонлигининг ўсиши билан изоҳлайди¹.

«Партиянинг асосий мақсади – мустақил Ўзбекистон ҳудудида яшаётган барча миллат ва элатларнинг умумий манфаатларига мос келадиган ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, шунингдек, жамиятда ижтимоий адолат ўрнатиш, **инсон ҳуқуқларини ва эркини таъминлаш**, маънавият ва маърифат қарор топган фуқаролик жамиятини таъминлашдир»².

Мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партиялар давлатнинг экологик сиёсатини амалга оширишда, одамларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлашда, шунингдек, аҳолининг экологик онгини юксалтиришда бир қатор самарали ишларни бажармоқдалар. Бирок бу ишлар талаб даражасида эмас. Бугун сиёсий партиялар олдида инсон, жамият ва давлатнинг экологик манфаатларига жавоб бера оладиган, келажак авлодлар экологик орзу-истакларига мос келадиган ва экологик-ҳуқуқий барқарорлик ҳамда хавфсизликни таъминлайдиган, шу алфозда мамлакат экологик ҳолатига самарали таъсир кўрсата оладиган, ҳаққоний фуқаролик жамияти институтига айланишдек вазифалар турибди.

¹ ЎзАн/Деп Дастури // Т.: 2004, 11-б.

² Ўз. «Адолат» СДП Устави (Янги таҳрир), 2.1. банди // Т.: 2006, 2-б.

1.4. Сиёсий партиялар томонидан инсон экологик ҳуқуқларини рўёбга чиқариш шакллари ва механизмлари

Сиёсий партияларнинг инсон экологик ҳуқуқларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолияти бир неча шакл ва усулларда амалга оширилади. Партиянинг Устав фаолияти масалаларини ҳал этиш учун партия аъзолари ва бошқа фуқароларни **жамоатчилик** ишларига жалб этишнинг қонунчиликка зид бўлмаган ҳар қандай шаклларида фойдаланишлари мумкин. Бунда тегишли вазифалар ишдан ташқари вақтда бажарилиши шарт¹.

«Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонунда, шунингдек, «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонунда ҳам сиёсий партияларнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилишнинг аниқ турлари ва усуллари кўрсатилмаган.

Шундай бўлсада, сиёсий партияларнинг қонун ҳужжатларида зикр этилган ҳуқуқларининг мазмун ва моҳиятидан келиб чиқиб ҳамда мавжуд амалиётга асосланиб, инсон экологик ҳуқуқларини рўёбга чиқариш ва уларни ҳимоя қилиш фаолияти қуйидаги шаклларда амалга оширилади, деб ҳисоблаймиз.

Биринчидан, сиёсий партиялар инсон экологик ҳуқуқлари тўғрисидаги ҳуқуқий нормалар, билимлар ва ҳолатларни кенг омма ичида тарғиб қилиш, шу соҳадаги қонунларга сўзсиз риоя қилишга чақиритиш ва аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга интилиш орқали уларнинг аҳамиятини ошириш, шу масалаларга давлат органларининг эътиборини жалб этиш, уларнинг таъминланиш кафолатларини кучайтиришга хизмат қилишлари мумкин.

Иккинчидан, давлат ҳокимияти вакиллик органлари сайловларида иштирок этиш ва ўзидан сайланган депутатлар орқали давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, идоралар ва жамоат бирлашмалари қабул қиладиган қарорларни

¹ ХДП Уставининг 5.34-бади.

тайёрлашда иштирок этиш ва уларни инсон манфаатлари йўлида хизмат қилишга «сафарбар» қилиш. Депутатлик сўроқларини ташкил қилиш ҳам шу йўсиндаги фаолиятга кирди.

Учинчидан, инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича ОАВларида ихборотлар тарқатиш, ҳуқуқ бузилишларига йўл қўйган давлат ва нодавлат органларининг фаолиятини очиб бериш, бундай ҳолатлар бўйича матбуотда муҳокамалар ўтказиши мумкин.

Тўртинчидан, инсон экологик ҳуқуқларини рўёбга чиқариш ва химоя қилишда жамоат назорати ваколатларини ишга солиши мумкин. Сиёсий партияларнинг жамоат назоратини амалга ошириши қонунларда аниқ белгиланмаган бўлса ҳам, бундай усулдан фойдаланиш амалиётда кенг қўлланилди.

Бундан ташқари, сиёсий партияларнинг ҳозирда амалга ошириётган фаолиятдан келиб чиқиб айтиш мумкинки, улар нафақат экологик маданиятни юксалтириш, балки қонуни лойиҳаларини муҳокама қилиш, уларни экологик экспертизадан ўтказиш, қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш, экологик қонунчилик талабларининг ижро этилишини назорат қилиш (жамоат экологик назорати), режалаштирилаётган ёки амалга оширилган фаолиятни жамоат экологик экспертизасидан ўтказиш, экологик аҳамиятдаги қарорлар қабул қилиш ва уларнинг ижросини таъминлашда иштирок этиш, экологик қонунчилик талаблари ижросининг бориши тўғрисида маълумотлар олиш, давлат органларига таклиф, ариза ва шикоятлар билан муурожаат қилиш, ваколатли органлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан яқиндан ҳамкорлик қилиш каби муҳим йўналишларда ўз фаолиятини амалга ошириб келмоқда.

Ҳозирги пайтда сиёсий партиялар томонидан жамоат назоратини олиб бориши ҳам амалий, ҳам сиёсий нуктаи назардан муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов жамоатчилик назоратини фуқаролик жамиятининг самарали механизмларидан би-

ри сифатида эътироф этиб, куйидаги фикрларни билдиради: «Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамият, фуқаролик институтлари назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизмини яратишга қаратилган «Ўзбекистон Республикаси жамоатчилик назорати тўғрисида»ги Қонунни қабул қилиш фурсати етди, Қонунда жамоатчилик назоратининг турлари, шакллари ва субъектларини, назорат предметини, уни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмларини, шунингдек, мазкур соҳада амалдаги қонун ҳужжатларини ижро этмагани учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги шартларини белгилаб қўйиш зарур»¹. Шу нуқтаи назардан улар томонидан олиб борилаётган жамоат назоратини инсон экологик ҳуқуқ ва манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш борасидаги ҳаққоний шакллардан бири деб ҳисобласак бўлади.

Экологик қонунчилик талабларини амалга оширишда жамоат бирлашмаларининг фаолият йўналишлари ва давлат экологик сиёсатида тутган ўрни ва моҳиятини таҳлил этган ҳолда профессор Ш.Х.Файзиев шундай таъкидлайди: «Жамоат ташкилотлари давлат экологик сиёсатининг асосий йўналишларини ҳаётга татбиқ этишда давлат органлари билан кенг ҳамкорликни амалга ошириш билан бир қаторда экологик қонун-талабларини барча вазирлик, идоралар, корхона ва ташкилотлар, шунингдек, мансабдор шахслар томонидан бажарилишини ўрганиши орқали ўзига хос жамоат назоратини олиб борадилар. Бу эса ўз навбатида жамоат ташкилотларининг табиатни муҳофаза қилиш юзасидан фаолиятини муҳим босқичга қўтаради»².

Аслини олганда сиёсий партияларнинг жамоат назоратини, шу жумладан жамоат экологик назоратини амал-

¹ *И.Каримов*. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси. // Т.: 2010.

² *Файзиев Ш.Х.* Давлат экологик сиёсатининг асосий йўналишлари: ҳуқуқий тартибга солиш масалалари. – Тошкент: «Ҳаёт ва қонун». 2004. 3-сон. 31–33-б.

га ошириши улар фаолиятини тартибга соладиган махсус қонунларда аниқ ва бевосита қилиб акс эттирилмаган. Шундй бўлсада, партиялар жамоат экология назоратини олиб бориши деб гапиришга қонуний ва бошқа асослар мавжуд. Бу асослар уларнинг жамоат бирлашмаларининг бир тури эканлигидан келиб чиқади.

Биринчидан, сиёсий партияларнинг жамоат бирлашмаси сифатида жамоат назоратини амалга ошириши айрим экологик қонунларда акс эттирилган. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 32-моддасига кўра, «Табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги жамоат назоратини жамоат бирлашмалари, меҳнат жамоалари, фуқаролар амалга оширадиганлар» Демак, сиёсий партиялар жамоат бирлашмаси бўли туриб, жамоат экологик назоратини амалга ошириши мумкин. Ушбу Қонуннинг 28-моддасида жамоат экологик назорати, «умумий» экологик назоратнинг бир тури эканлиги белгиланган. Қонуннинг 29-моддасида эса экологик назоратнинг вазифаларига атроф табиий муҳит ҳолатини ҳамда хўжалик юритиш ва бошқа фаолият таъсири остида унда бўладиган ўзгаришларни кузатиб бориш, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, атроф табиий муҳитни соғломлаштириш, табиатни муҳофаза қилишга доир қонунлар талаблари ва атроф табиий муҳит сифатининг нормативларига риоя этиш борасидаги дастурлар ҳамда айрим тадбирлар бажарилишини текшириш вазифиси кўйилган.

«Экология экспертизаси тўғрисида»ги Қонуннинг 23-моддасида жамоат экология экспертизаси нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар томонидан амалга оширилиши белгиланган. Нодавлат нотижорат ташкилотларга эса «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддасига биноан жамоат бирлашмалари ҳам кириди. Демак, сиёсий партиялар ҳам жамоат бирлашмаларининг бир тури сифатида жамоат экология экспертизасини ўтказиши мумкин.

Илмий манбаларда, хусусан проф. М.Усмонов тахрири остида чиққан «Экология ҳукуки» дарелигида жамоат назорати жамоат бирлашмалари, меҳнат коллективлари, фуқаролар, сиёсий партиялар, турли уюшма ва жамиятлар томонидан амалга оширилиши ҳамда улар томонидан олиб борилган текшириш натижалари тавсия аҳамиятига эга бўлиши, улар давлат ҳокимияти, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тақдим этилиши таъкидланади¹.

Бирок, айрим илмий тадқиқотчилар жамоат экологик назорати тушунчасига таъриф бера туриб, ноаниқликларга йўл қўйганлигини ҳам айтиб ўтиш ўринли бўлади. Хусусан О.Д.Утегеновнинг фикрича, «жамоат экологик назорати бу – қулай атроф табиий муҳитга эга бўлиш, соғлиқ ва мулкка етказилган зарарни қоплатиш, экологик оқибатларни талаб қилиб олиш ва қонун ҳужжатларида мустаҳкамланган бошқа экологик ҳуқуқларни ўзида қамраб олган ҳамда атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатларининг ижро этилишини кенг жамоатчилик томонидан назорат қилинишини кафолатлайдиган фуқаролар ва жамоат ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган экологик назорат тури»².

Жамоат назоратининг имкониятларидан фойдаланиш тўғрисида «Адолат» СДПнинг ҳужжатларида қуйидагича вазифа қўйилган: «Фаолият Дастури асосий йўналишлари бўйича белгиланган ишларни амалга ошириш учун мамлакатдаги барча бошланғич партия ташкилотлари, вилоят ва туман Кенгашлари, Марказий Кенгаш ўз ваколат доирасида кенг жамоатчилик назорати ўрнатишга эришиш, жамоатчилик назоратининг хилма-хил усулларида кенг фойдаланиш»³. Шунингдек, ушбу партиянинг бошқа бир ҳужжатида: «Қонуннинг самарали ижросини, қонун

¹ Экология ҳукуки. Дарелик. // Т.: ТДЮИ. 2001.

² Утегенов О.Д. Жамоат экологик назоратини ҳуқуқий тартибга солиш. // ю.ф.н. ил.дар. олиш учун ёз. дисс. автореферати. // Т.: 2010.

³ Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг 2006-2009 йилларга мўлжалланган фаолият дастури. – Т.: 2006, 15-б.

ости ҳужжатларининг (меъёрий ҳужжатларнинг) қонунга мунофиқлигини таъминлаш ва ушбу ҳужжатларни ҳаётга жорий қилишда давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш¹ ёки «... давлат бошқаруви устидан жамоатчилик назорати бўлишига эришиш» вазифаси белгиланган².

Ўзбекистон Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Либерал демократик партияси дастурида «партия вакиллик органларининг давлат ва жамият қурилиши жараёнидаги ролини ошириш, ижро этувчи ҳокимият, жумладан, ҳарбийлашган тузилмалар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишнинг самарали тизимини яратиш тарафдоридир»³ деб қайд этилиши ҳам ушбу партия бундай назорат имкониятларидан фойдаланишга катта эътибор бериётганлигини англатади.

«Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонуннинг 9-моддасида Ўзбекистон Республикасининг ўн саккиз ёшга тўлган фуқаролари республика сиёсий партияларининг аъзолари бўлишлари мумкинлиги белгиланган. Бу ҳолат уларнинг инсон ҳуқуқларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш соҳасидаги вазифаларини чекламайди. Улар нафақат Ўзбекистон фуқароларининг, балки барча инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ифода этади ва ҳимоя қилади. Шу ўринда сиёсий партиялар ҳужжатларида кўрсатилган «ҳар бир оила ва меҳнат кишиси», «ҳар бир киши» (ХДП Устави, 1.2. 1-абзац), «инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари» (Ўз.ЛиДеП Дастури) каби тушуничлар акс эттирилган бўлиб, унинг мақсадлари фикрларини фуқароларга эмас, балки барча инсонларга тегишли эканлигини билдиради⁴.

¹ «Адолат» СДП. Сайёловлар дастури. // Т.: 2004. 6-б.

² Шу жойда.

³ Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати // Ўз.ЛиДеП Дастури. // Т.: 2004. 6–7-б.

⁴ Фуқаро тушунчаси инсон тушунчасига нисбатан тор бўлиб, ҳар бир давлатда фуқародан ташқари чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган инсонлар яшайди. Бу тўғрисида тўлиқроқ маълумотни қаранг: Комаров С.А. Общая теория государства и права. 7-нашри // М.: «Итер». 2005. 192–199-б.

Ҳар бир кишининг ёки барча инсонларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласи кўтарилганда бир ҳолатни айтиб ўтиш лозим. Гап шундаки, жамиятнинг сиёсийлашуви, яъни сиёсий партияларнинг вужудга келиши жамият аъзоларини бир неча гуруҳларга бўлиши мумкин. Юридик адабиётларда сиёсийлашув жараёнларида одамларни уч гуруҳга бўлиш тўғрисида фикр билдирилган. Биринчи гуруҳга сиёсий партияларга нисбатан бефарқ бўлган кишилар кириб, улар сиёсатдан четда бўладилар ва улар кўпчиликни ташкил этади. Уларнинг сиёсий жараёнларда иштирок этиши бирор-бир депутатни сайлашда намоён бўлиб, улар сиёсий партия сайловолди дастурини ёқлаб эмас, балки депутат шахси ёқиб қолгани учун овоз беради. Иккинчи гуруҳни эса партиянинг дастурини қўлловчи ёки партияни ёқтирувчи фуқаролар ташкил этиб, улар партиянинг сўзсиз тарафдорлари бўлмайди, партия аъзолари таркибига кирмайди. Учинчи гуруҳга эса қарашлари ва кайфиятлари партиянинг тегишли ҳужжатларига тўлиқ ёки деярли тўлиқ мос келган ва партия сафига аъзо бўлган фуқаролар кирази¹.

Сиёсий партияларнинг инсон экологик ҳуқуқлари ва манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш борасидаги фаолияти мамлакатимиздаги барча инсонларга тааллуқли эканлигини улар томонидан амалга оширилаётган тадбирлардан ҳам кўриш мумкин. Уларнинг айримларини эслаб ўтиш юқорида айтилган фикрнинг амалий исботини кўрсатади. Шу ўринда «Чегаралараро экологик муаммолар: тўлақонли ва соғлом турмуш тарзи учун зарур инсоннинг қулай атроф-муҳит шароитига эга бўлиш ҳуқуқи» (Ўз.ХДП, 31 март 2010 йил), «Бола-лар ва ёшларнинг баркамол ривожланиши учун зарур қулай атроф-муҳит сифатини яратиш» (Ўз.ЛиДеП, 15 май 2010 йил) мавзуларида давра суҳбати, Сурхондарё вилоятида Тожикистон алюминий заводининг экологик таъсири натижасида вужудга келган экологик муаммоларни муҳокама қилиш

¹ Орлова О.В. Социальный и политический плюрализм. // Политические проблемы теории государства номли китобда. // М.: ИГПАН, 1993. 68-б.

на тегишли тавсиялар ишлаб чиқишга бағишланган семинар (Ўзбекистон «Миллий тикланиш» ДП, 27 март 2010 йил)¹ ва бошқаларни айтиб ўтиш мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкин-ки, сиёсий партияларни тузишдан мақсад «фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш» деб белгиланишига қарамадан («Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддаси) партияларга тааллуқли қонунларда улар томонидан қўлланиладиган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш борасидаги ваколатлари аниқ белгиланмаган. Шу боисдан ҳам партияларнинг бу соҳадаги ваколатларини тегишли қонунларда тўлиқ ёзиб қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Юридик адабиётларда назорат тушунчаси давлатда қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни таъминлашнинг исосий усули, бошқарувнинг муҳим функцияси², давлат бошқарувида қонунийликни таъминлаш воситаси³ сифатида тилга олинади.

Илмий манбаларда «назорат» иборасининг атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш муаммоларига боғланганлигини ҳар хил сўзлар билан биргаликда ифодаланганлигини учратамиз. Хусусан, уларнинг ичида «экологик назорат», «давлат экология назорати», «жамоат экология назорати», «ишлаб чиқариш экология назорати» ва ҳ.к. Экология соҳасидаги қонун ҳужжатларида ҳам худди шундай ифодаларни учратиш мумкин. Мазкур ифодалар ичида энг кенг маъно касб этадигани «экология назорати»дир. Уни кенг маънодаги ифода дейилишига сабаб, у барча турдаги назоратларни, яъни давлат экология назоратини ҳам, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда

¹ Сиёсий партиялар фаолиятига тааллуқли амалиёт материаллари ушунинг жорий архивларидан олинди.

² Журав Ю.А. Проблемы правового режима и охраны государственных памятников природы (на материалах Узбекистана) Отв. ред. проф. О.С. Колбасов. // Ташкент: «ФАН», 1990. 55-б.

³ Виситвети М.И. Правовые проблемы организации управления в сфере охраны окружающей среды. // М.: 2004. 65-126-б.

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари олиб борадиган жамоат экология назоратини ҳам, тижорат (хусусий) корхоналари томонидан амалга ошириладиган ишлаб чиқариш экология назоратини ҳам ўз ичига қамраб олади¹.

Давлат назоратидан фарқли ўларок, жамоат экологик назоратининг хулосалари тавсиявий характерга эга, идоравий ҳамда ишлаб чиқариш экологик назоратидан фарқли равишда у экологик назорат объектининг муайян бир қисми билан чекланиб қолмайди, аксинча давлат экологик назорати доирасига ҳам, ишлаб чиқариш бўйича экологик назорат соҳасига ҳам тааллуқли бўлади².

Россия Федерацияси олимларининг фикрига кўра, жамоат назорати қуйидаги шаклларда амалга оширилиши мумкин: а) жамоатчилик эшитувлари ва уларнинг махсус шакли бўлган парламент эшитувлари; б) референдумлар; в) жамоат экологик экспертизаси; г) ОАВга мурожат қилиш; д) ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва судга шикоятлар, аризалар ва даъволар йўллаш³. Бундан ташқари М.И.Васильеванинг фикрича, жамоат экологик назорати давлат органлари таркибидаги ҳар хил комиссиялар, кузатув, маслаҳат, эксперт ва консультатив тузилмалар фаолиятида иштирок этиш орқали ҳам амалга оширилади⁴.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, жамоат экологик назоратининг моҳиятига аниқлик киритишга уни амалга ошириш учун қўлланиладиган воситаларни таҳлил қилиш орқали эришиш мумкин. Чунончи, жамоат экология назоратининг

¹ Калонов Б.Х. Ўзбекистон Республикасида давлат экология назоратининг ҳуқуқий муаммолари. // Ю.ф.н. ил. даражасини олиш учун ёзилган автореферати. // Тошкент. 2004. 16-17-б.

² Турдубоева Р.Э. Экологик қонунчиликни амалга оширишда экологик онг ва экологик маданиятни ўрни. // «Экологик қонунчиликни қўллаш механизмини такомиллаштириш муаммолари» мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. // Тошкент: ТДЮИ, 2007. 89-б.

³ Дубовик О.Л. Экологическое право. Дарслик. 3-нашри. // М.: «Проспект», 2010. 334-б.

⁴ Васильева М.И. Правовые проблемы организации управления в сфере охраны окружающей среды. // 130-131-б.

кўзда тутилган мақсадига эришиш учун қуйидаги бир неча усуллар қўлланилади: а) бу жараёнда жамоатчиликка ахборот бериш усуллари ишга туширилади ва маълум самарилар беради; б) жамоат ташкилотлари ҳуқуқ бузилиши фактининг олдини олиш ва унга қарши тегишли чоралар кўришни талаб қилади.

Жамоат экологик назорати сиёсий партиялар томонидан, биринчидан, уларнинг ўз ташаббуси бўйича, иккинчидан, табиатдан фойдаланувчилар ва атроф-муҳит муҳофазаси соҳасидаги махсус ваколатланган давлат органлари билан тузилган келишувлар асосида амалга оширилиши мумкин.

М.М.Бринчук инсон, унинг ҳуқуқи ва эрки олий қадрият эканлигини ҳисобга олган ҳолда улардан ҳар бирининг мақбул атроф-муҳитдан фойдаланиш ҳуқуқини амалга ошириш мақсадида, шунингдек, давлат томонидан экологик функциянинг бажарилиши самарадорлиги паст эканлиги сабабли жўюю ия ҳуқуқида жамоат экологик назоратининг замонавий концепциясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш кескин мумимо сифатида юзага келганлигини кўрсатиб ўтади¹.

Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексида табиатни муҳофаза қилиш жамиятлари, илмий жамиятлар ва бошқа жамоат бирлашмалари, шунингдек фуқаролар ерларидан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан назоратни амалга оширишда давлат органларига ва посёлка, қишлоқ, овул фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларига кўмаклашишлари белгиланган (84-м.).

Экологик талабларнинг бажарилишини текшириш бўйича жамоат назорат функцияси ҳам атроф-муҳитга, жамоат экологик экспертизасига режалаштирилган фаолиятнинг таъсирини баҳолаш натижалари бўйича жамоатчилик асосида тинглаш доирасида амалга оширилади.

Экологик қонунларда кўзда тутилган, табиатни муҳофаза қилиш фаолияти ва атроф-муҳитнинг ҳолати ҳақида ахборот талаб қилиб олиш ҳуқуқи корхоналар ва давлат идора-

¹ Бринчук М.М. Экологическое право. Дарслик. // М.: 2004, 351–352-б.

лари фаолияти устидан жамоат экологик назоратини амалга оширишнинг муҳим шакли ҳисобланади. Олинган ахборотга асосан фуқаролар ва жамоатчилик тузилмалари уларнинг экологик ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини бузадиган қарор, ҳаракат (ҳаракатсизлик) устидан умумий тартибда судга шикоят қилишга ҳақлидирлар («Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддаси ва «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 1- ва 2-моддаларига биноан).

Демак, жамоат экология назорати тушунчаси ва моҳияти қисқа қилиб айтганда, қонуннинг бажарилишини назорат қилиш учун давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тизими ваколатларида кўзда тутилган усулларни амалга оширишни талаб қилиш билан изоҳланади.

Жамоат экология назоратининг объектларига, авваламбор, мазкур назоратнинг таъсир доирасига тушувчи атроф табиий муҳитнинг ҳолати сифати киради.

Жамоат экология назоратининг яна бир моддий объекти табиат бойликларига нисбатан субъектив ҳуқуқнинг вужудга келиши ва ўзгаришидир. Зеро, фуқаролар ва юридик шахсларнинг табиат бойликларига нисбатан муайян (чекланган) субъектив ҳуқуқларга эга бўлиши ўз навбатида бу соҳада жамоатчилик назоратини амалга ошириш заруриятидан далолат беради.

Б.Ҳ.Калонов таъкидлаганидек, атроф табиий муҳит объектларига нисбатан ҳуқуқий муносабатда бўлиш бир неча шаклларда амалга оширилиши мумкин. Биринчидан, атроф-муҳит объектларига нисбатан мулкчилик ҳуқуқий муносабатлари вужудга келиши ва ўзгариши мумкин; иккинчидан, бундай объектларга нисбатан эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи муносабатлари вужудга келиши ва ўзгариши мумкин; учинчидан, табиат объектларини эгалик қилишга ва фойдаланишга олмай туриб, уларга таъсир қилиш ҳуқуқи вужудга келиши ва ўзгариши мумкин. Бу ҳолатга мисол қилиб атмосфера ҳавосига заҳарли чиқиндиларни чиқаришни келтирса бўлади.

Атроф табиий муҳит объектларига нисбатан энг кўп тарқалган ҳуқуқий муносабатлар бўлиб уларга эгалик қилиш ва фойдаланиш хисобланади. Табиат объектларига таъмир қилиш ва фойдаланишнинг вужудга келиш асослари ҳамда бундай ҳуқуқни амалга ошириш табиат объектларига таъсир қилмаслиги керак. Табиат объектларига таъсир турлича бўлиши мумкин. Таъсирларни академик Е.К.Фёдоров туртга шаклга бўлган.

1) Ер юзаси тузилишини ўзгартириб юбориш (ерларни ҳайдаш, ўрмонларни кесиш, мелиорация, сунъий кўллар ва денгизларни вужудга келтириш ва ер усти сувлари режими-ни бошқача тарзда ўзгартириш ва ҳ.к.);

2) биосфера таркибини, ундаги моддалар мувозанати ва айлланишини ўзгартириб юбориш (қазилма бойликларини қазиб олиш, чиқинди «тоғ»ларини яратиш, атмосферага ва сув ҳавфларига ҳар хил захарли моддаларни чиқариб ташлаш, шимлик айлланишини ўзгартириб юбориш);

3) ер шарининг айрим ҳудудлари ва ер шарига энергетик, шу жумладан иссиқлик мувозанатини ўзгартириб юбориш;

4) тирик организмларнинг айримларини қириб юбориш, ҳайвонларнинг ва ўсимликларнинг айрим янги наслларини яратиш, уларни янги яшаш жойларига кўчириш натижасида муайян ўзгартиришлар киритиш. Бундай ҳаракатларнинг ҳар бири табиий тенглик (мувозанат)нинг у ёки бу элементини бузади¹.

Шу сабабдан жамоат экология назоратининг таъсир кучи табиат объектига нисбатан эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқининг вужудга келиш босқичидаёқ амал қилади.

Жамоат томонидан олиб бориладиган экология назорати фаолиятининг объектларини уч турга, яъни: биринчидан, атроф табиий муҳит ҳолати ва сифатини таъминлаш; иккинчидан, табиат объектларига нисбатан мулк ҳуқуқининг вужудга келиши ва ўзгаришида экологик хавфсизликни таъминлаш; учинчидан, инсоннинг қулай атроф-муҳитга

¹ Фёдоров Е.К. Экологический кризис и социальный прогресс. // Л.: 1977. С. 53.

бўлган ҳуқуқини кафолатлашга ажратишини таклиф эта-
миз.

Инсон манфаатларини экологик ҳуқуқ объекти сифати-
да эътироф этиш муҳим назарий ва амалий аҳамият касб
этади. Табиий адолатни тиклаш, қонунчиликда борлиқнинг
асл моҳиятини ақс эттиришдан ташқари, инсонни экологик
муносабатлар объекти сифатида эътироф этиш яна экологик
ҳуқуқ салоҳиятини кучайтириш имкониятини ҳам беради.
Зотан табиатнинг инқирозга юз тутиши жараёнида у билан
бирга инсон ҳам завоқ топиши муқаррар.

Жамоат экология назорати бу – қулай атропоф табиий
муҳитга эга бўлиш, соғлиқ ва мулкка етказилган зарар-
ни қоплатиш, экологик ахборотларни талаб қилиб олиш
ва қонун ҳужжатларида мустаҳкамланган бошқа эколо-
гик ҳуқуқларни ўзида қамраб олган ҳамда атропоф табиий
муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона
фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлашга
қаратилган қонун ҳужжатларининг ижро этилишини кенг
жамоатчилик томонидан назорат қилинишини кафолатлай-
диган фуқаролар ва жамоат ташкилотлари томонидан амал-
га ошириладиган экологик назорат туридир.

Илмий манбаларда жамоат назоратининг шакли сифати-
да жамоатчиликнинг қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш,
қонун лойиҳаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш
тўғрисида қонун лойиҳаларини тайёрлаш ҳамда қонунлар
ижросини талаб қилиш каби фаолиятни амалга ошириш
кўрсатилади¹. Ўз вақтида Президент И.Каримов ҳам давлат
ҳокимияти органлари томонидан қарорлар қабул қилиш жа-
раёнлари устидан жамоат назоратини амалга оширилиши
тўғрисида фикр билдириб, шундай деган: «Жамиятда демо-
кратия қай даражада эканлигини белгиловчи қаида учта
мезон бор. Булар халқ қарорлар қабул қилиш жараёнидан
қанчалик хабардорлигидир. Ҳуқуқат қарорлари халқ томо-

¹ *Ўтегенов О.Д.* Жамоат экологик назоратини ҳуқуқий тартибга со-
лиш. Ю.ф.н. ил. дар. олиш учун ёзилган дисс. автореф. // Т.: 2010.

нидан қанчалик назорат қилиниши оддий фуқаролар давлатни бошқаришда қанчалик иштирок этишидир»¹.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш керакки, сиёсий партияларнинг инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш борасидаги ваколатлари ҳамда уларни амалга ошириш шакл ва усуллари шу бирлашмалар тўғрисидаги қонунларда аниқ ва тўлиқ ақс эттирилиши лозим. Ўз ўрнида бундай қоидалар махсус экологик қонунларда ривожлантирилиб, уларда инсон экологик ҳуқуқларини нафақат давлат ҳокимияти ва бошқаруви томонидан таъминлаш, балки нодавлат ташкилотлар, шу жумладан сиёсий партиялар иштирокида ифода этиш, рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш ақс этирилиши лозим.

¹ И. Қаримов. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустакил тараққиёт йўли. // Т.: «Ўзбекистон», 2007, 33-б.

2-БОБ. ИНСОН ЭКОЛОГИК ҲУҚУҚЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ОММАВИЙ- ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТЛАРНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

2.1. Оммавий-ижтимоий ҳаракатлар ҳуқуқий тушунчаси ва фуқаролик жамиятида тугган ўрни

Фуқаролик жамияти ва унинг муҳим институтларидан бўлмиш жамоат бирлашмаларининг ҳозирги пайтда амалга ошираётган «ваколатлари» ичида экологик масалаларни ҳал этишдаги роли алоҳида аҳамиятга эга. Кейинги даврларда жамоатчилик экологик ҳаракати ҳақли равишда Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини тавсифлайдиган реал воқелик бўлиб ривожланмоқда. Шу ўринда экология муаммолари билан махсус шуғулланаётган жамоат бирлашмаларининг сони 100 дан ортиб кетганлигини айтиб ўтиш зарур.

Президентимиз И.Каримов иккинчи чақириқ Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палаталарининг қўшма мажлисида сўзлаган нутқида ҳар бир жамият аъзосининг экология муаммоларига нисбатан фаол муносабатда бўлиш масаласига алоҳида тўхталиб ўтган. Чунончи, Президентимиз фикрича «... биз танлаган давлат ва жамият қурилиши моделини татбиқ этиш жараёнида фуқароларнинг мамлакат бошқарувидаги ролини ошириб боришни асосий ўринга қўядиган «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» дастурини амалга ошириш бўйича ишларни янада фаоллаштириш масаласини

бугун ҳаётнинг ўзи кун тартибига тобора катъий қилиб қўймоқда¹.

Ўзбекистонда инсон экологик ҳуқуқларини таъминлашда давлат тузилмаларининг етакчилик ролини таъкидлаб ўтиш лозим. Зеро, аксарият ҳолларда инсоннинг экологик ҳуқуқлари давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг, қолаверса, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг фаолиятида таъминланади. Шундай шароитда фуқаролик жамияти тузилмаларининг ҳам инсон экологик ҳуқуқларини таъминлашдаги ролини эътибордан четда қолдирмаслик керак. Бирок, фуқаролик тузилмаларининг ҳуқуқни таъминлаш ваколатларини том маънодаги ҳуқуқни таъминлаш билан тенглаштирмаслик керак. Бунда унинг ўзига хос хусусиятлари ва белгилари мавжуд.

Фуқаролик жамияти институтларининг ичида инсоннинг экологик ҳуқуқларини таъминлаш масалалари билан бирмунча тўлақонли шуғулланадигани бу жамоат бирлашмаларидир.

Жамоат бирлашмаларининг инсон экологик ҳуқуқларини таъминлаш билан шуғулланиш фаолияти тобора такомиллашиб бораётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида амалга оширилади. Бундай ҳуқуқий асосларга қуйидагилар киради. Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 58-моддасига кўра, давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштираётган этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради². Маълумки, ижтимоий ҳаётнинг тушунчаси жуда кенг бўлиб, у иқтисодий, ижтимоий, маданий ва бошқа соҳаларни камраб олади. Ижтимоий ҳаётда экологик муаммолар ва инсон экологик ҳуқуқларини таъминлаш асосий масалалардан биридир.

¹ И. Каримов. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. Халқ сўзи. 2010 йил 28 январь.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгагининг Ахборотномаси. 1993, 1-сон 4-модда.

Жамоат бирлашмаларининг Конституцияда кўрсатилган ижтимоий ҳаётда, ва хусусан, унинг асосий соҳаларидан бири бўлган атроф-муҳитни муҳофаза қилишда иштирок этиши Ўзбекистон Республикаси «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 12-моддасида янада ривожлантирилган. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ўз саломатлиги ва келажак авлоднинг саломатлиги учун қулай табиий муҳитда яшаш, ўз саломатлигини атроф-муҳитнинг зарарли таъсиридан муҳофаза қилиш ҳуқуқига эга. Ана шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси аҳолиси табиатни муҳофаза қилиш бўйича жамоат ташкилотларига бирлашиш, атроф табиий муҳитнинг аҳволи ҳамда уни муҳофаза қилиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларга доир ахборотларни талаб қилиш ва олиш ҳуқуқига эга¹.

Кўриниб турибдики, мазкур нормада жамоат бирлашмаси деган ифода ишлатилмаган. Бундан ташқари, бу ерда инсон экологик ҳуқуқларини таъминлаш тушунчаси ҳам берилмаган. Шундай бўлсада, ушбу қоида замиридан одамлар ўз экологик ҳуқуқларини таъминлашлари учун жамоат бирлашмаларига бирлашишлари ва уларнинг сафида фаолият кўрсатишлари мумкинлигини акс эттиради, деган маъно бор. Бунинг сабаби «жамоат ташкилотига бирлашиш» ифодаси билан «жамоат бирлашмаси» ифодаси айнан бир хил тушунча эканлигидадир. Бошқа томондан эса атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш умумий тушунча бўлиб, у ўз ичига инсонларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлашни ҳам қамраб олади.

Айтиш лозимки, фуқаролик жамиятининг фаол институтларидан бири бўлган оммавий ҳаракатлар, қонун ҳужжатларига кўра аслида жамоат бирлашмаларининг бир туридир. Шу боисдан ҳам оммавий ҳаракатлар экологик фаолияти ҳуқуқий асосларини баён этишдан олдин умумий бўлган «жамоат бирлашмалари» тушунчасига тўхтаб ўтишни лозим деб ҳисоблаймиз. Ўзбекистон Республикаси

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Қенгашининг Ахборотномаси. 1993, 1-сон. 38-модда

Конституциясининг 56-моддасига асосан касаба уюшмалар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмаси сифатида эътироф этилган.

Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий асоси яратилган. Конституциянинг XIII боби ҳамда фуқароларнинг жамият ва давлатни бошқаришда иштирок этиши (32-модда), касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга, жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда катнашиш (34-модда) ҳуқуқи кафолатланган.

Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 15 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонунида жамоат бирлашмаси тушунчаси, мақсади, шакллари, фаолият доираси ва ҳуқуқлари, макоми ва рўйхатга олиниши каби нормалар ўз ифодасини топган.

Ўз ҳуқуқлари, эркинликларини ҳамда сиёсат, иқтисодиёт, ижтимоий ривожланиш, фан, маданият, экология ва ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги қонуний манфаатларини биргаликда рўёбга чиқариш учун бирлашган фуқароларнинг хоҳиш-иродаларини эркин билдиришлари натижасида вужудга келган ихтиёрий тузилма жамоат бирлашмаси ҳисобланади.

Жамоат бирлашмалари уставида белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун ташкил этилади. «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддасига кўра, «Жамоат бирлашмалари фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар ҳамда эркинликларни рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш, фуқароларнинг фаоллиги ва ташаббускорлигини, давлат ва жамият ишларини бошқаришда уларнинг иштирок этишини ривожлантириш касбкор ва ҳаваскорлик қизиқишларини қондириш; илмий, техникавий ва бадий ижодкорликни ривожлантириш; аҳолининг сиҳат-саломатлигини сақлаш, хайрия фаолиятида катнашиш; маданий-маърифий, физкультура-соғломлаштириш ва спорт ишларини ўтказиш; табиатни, тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш; ватанпарварлик ва инсонпарвар-

лик тарбияси; республикалараро ва халқаро алоқаларни кенгайтириш, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлаш; қонунда тақиқланмаган бошқа фаолиятни амалга ошириш мақсадида тузилади».

Жамоат бирлашмаси деганда унинг моҳиятига эътибор бериш керак бўлади. Жамоат бирлашмаси бирон-бир шахсни ёки оилани ёхуд айрим гуруҳларнинг шахсий фойда олиш истагини ифодаламайди. Жамоат бирлашмалари одатда гоҳ, ирода билан ҳаракатга келади, уларнинг ягона мақсади – жамиятни такомиллаштириш. Улар ўз олдига назорат қилиш ёки фойда олиш вазифасини қўймайди, балки улар жамиятни мукамаллаштириш йўналиши ва истагида фаолият юритади. Демак, жамоат бирлашмалари фуқароларга ўзларига ўзлари ёрдам беришлари, ўз ҳаётларини жамиятни такомиллаштириш орқали яхшилашлари имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 74-моддасида жамоат бирлашмаларининг тушунчаси берилган. Унга кўра, маънавий ёки ўзга номоддий эҳтиёжларни қаноатлантириш учун ўз манфаатларининг муштараклиги асосида қонунда белгиланган тартибда бирлашган фуқароларнинг ихтиёрий бирлашмалари жамоат бирлашмалари ҳисобланади¹.

«Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонуннинг 1-моддасида ҳам жамоат бирлашмаларининг тушунчаси берилган. Унга кўра, ўз ҳуқуқлари, эркинликларини ҳамда сиёсат, иқтисодиёт, ижтимоий ривожланиш, фан, маданият, экология ва ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги қонуний манфаатларини биргаликда рўёбга чиқариш учун бирлашган фуқароларнинг хоҳиш-иродаларини эркин билдиришлари натижасида вужудга келган ихтиёрий тузилма жамоат бирлашмасидир².

Демак, юқоридаги тушунчалардан маълум бўлдики, жамоат бирлашмалари ҳам юқорида таъкидлаганимиздек, ҳуқуқ,

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1996, 11-12 (илова).

² Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1991, 4-сон. 76-модда.

эркинлик ва манфаатларни унга бирлашган фуқаролар номидан рўёбга чиқариш, яъни таъминлаш ваколатига эга. Жамоат бирлашмаларининг мақсадлари «хуқуқлар ҳамда эркинликларни рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш», «табиатни, тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш» эканлигини мазкур Қонуннинг 3-моддасида ҳам кўриш мумкин.

Жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг ўзаро муносабатларини тавсифлайдиган бўлсак, фуқаролар қуйидагича хуқуқларга эга бўлади: 1) ихтиёрий асосда жамоат бирлашмасига бирлашиш, яъни уни биргаликда тузиш; 2) илгари тузилган жамоат бирлашмасига аъзо бўлиш ёки аъзо бўлишдан сақланиш; 3) жамоат бирлашмасидан чиқиш.

Фуқароларнинг жамоат бирлашмаларини тузиши ёки унга аъзо бўлиши ихтиёрий равишда амалга оширилади. Бу шунинг билан, фуқаролар жамоат бирлашмаларини тузаётган вақтларида ёки унга аъзо бўлаётганда ҳеч кимдан рухсат сўрашлари шарт эмас.

Жамоат бирлашмаларининг инсон экологик хуқуқларини рўёбга чиқариш фаолияти мазмунини қандай тушуниш керак? Бу саволга жавоб бериш учун жамоат бирлашмалари хуқуқларини таҳлил қилиб чиқиш лозим бўлади. Чунинчи, «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонуннинг 15-моддасида жамоат бирлашмаларининг хуқуқлари кўрсатиб ўтилган. Уларнинг ичида экологик хуқуқларни таъминлаш нуқтаи назаридан аҳамиятлилари: 1) ўз мақсадлари ва фаолияти тўғрисидаги ахборотни эркин тарқатиши; 2) қонунда кўзда тутилган ҳолларда ва тартибда эса: а) давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларини тузишда қатнашиши; б) давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг қарорларини тайёрлашда иштирок этиши; в) давлат ва жамоат идораларида ўз аъзолари (қатнашчилари) номидан иш юритиши ва уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши каби хуқуқларидир.

Жамоат бирлашмаларининг давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларини тузишда қатнашиши ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг қарорларини

тайёрлашда иштирок этиши каби ҳуқуқлари асосан сиёсий партияларга ва Ўзбекистон экологик ҳаракатига тегишли бўлиб, улар шу тарзда инсон экологик ҳуқуқларини таъминлаш ваколатларини амалга оширишлари мумкин. Зеро, бу жамоат бирлашмалари ўз вакилларини вакиллик органларига сайлаб ва сайланган депутатлари орқали ўз мақсад ва вазифаларини амалга оширишлари мумкин.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасида «Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга» деб белгиланган. Мана шу ҳуқуққа кўра, ҳар бир жамоат бирлашмаси ўз сафидаги аъзолари номидан тегишли давлат органларига, ташкилотларига ва бошқа тузилмаларга таклифлар киритиши мумкин.

Жамоат бирлашмаларининг айрим ваколатлари «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунда кўрсатилган. Масалан, унинг 27-моддасида жамоат экология экспертизасининг мақоми берилган бўлиб, уни ўтказиш жамоат бирлашмаларининг ташаббусига кўра уларнинг маблағлари ҳисобидан ёки жамоатчилик асосида мутахассисларнинг мустақил гуруҳлари томонидан амалга оширилади. Ушбу қонуннинг 32-моддасида эса жамоат бирлашмалари жамоат экологик назоратини юритиши мумкинлиги тўғрисида қоида бор.

Жамоат экологик бирлашмаларининг инсон экологик ҳуқуқларини таъминлашдаги иштироки бирмунча бошқачароқ тарзда тушунилади. Масалан, Европа Иттифоқи ҳужжатларида фуқаролар ва уларнинг бирлашмалари: а) экологик аҳамиятга эга бўлган қарорларни қабул қилишда иштирок этиш, б) экологик ахборот олишга эркин эга бўлиш ҳуқуқини амалга ошириш, в) экологик аҳамиятга эга бўлган қарорлар устидан шикоят қилиш ҳуқуқидан фойдаланиш ва атроф-муҳитга таъсир кўрсатишни баҳолашда иштирок этиш каби шаклларда

инсон экологик ҳуқуқларини таъминлашни амалга оширадилар¹.

Хуллас, таъкидлаш керакки, Ўзбекистон қонунларида жамоат экология бирлашмаларининг ҳуқуқлари тўлиқ кўрсатилган махсус қондалар йўқ. Биз бундай бирлашмаларнинг ҳуқуқларини бир нечта қонунлардан йиғиб кўрсатишга ҳаракат қилдик. Бирок ўзга давлатларда жамоат экология бирлашмаларининг ваколатларини тўлиқ қилиб кўрсатиш тажрибаси мавжуд. Масалан, Россия, Қозоғистон, Украина ва бошқа давлатлар атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш қонунларида бундай бирлашмаларнинг ҳуқуқлари тўлиқ қилиб берилган².

Шу ўринда Россия қонунчилигида белгиланган жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари диққатга сазовордир. Россия «Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 12-моддасига кўра, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида фаолият олиб боровчи жамоат ва бошқа но-тижорат бирлашмалари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

1) белгиланган тартибда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида дастурларни ишлаб чиқиш, тарғиб этиш ва амалга оширишга, фуқароларнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш фаолиятини амалга оширишда фуқароларнинг ихтиёрийлик асосида жалб этишга;

2) ўзларининг шахсий ва жалб этилган маблағлари эвазига экологик хавфсизликни таъминлаш, табиий ресурсларни қайта тиклаш, атроф-муҳит муҳофазаси соҳасидаги фаолиятини амалга ошириш ва тарғиб этишга;

¹ Қаранг: *Третьякова А.А.* Экологические права граждан: основы правового регулирования на общеевропейском и национальном уровнях в государствах – членах Европейского союза. // Экологическое право России на рубеже XXI века // М.: «Зерцало». С.153–174.

² Қаранг: *Краснов О.И.* Экологическое право. Дарслик. // М.: «Норма». 2004. 94-б.

3) атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги масалаларни ҳал қилишда давлат органларига ва маҳаллий давлат органларига ёрдам кўрсатишга;

4) намойишлар, митинглар, йиғилишлар, пикетлар уюштириш, петициялар асосида имзолар йиғиш ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўра тегишли тадбирларда қатнашиш, лойиҳаларни муҳокама этиш тўғрисидаги ва атроф-муҳит муҳофазасига оид масалалар юзасидан референдум ўтказиш таклифини киритишга;

5) атроф-муҳит муҳофазаси ҳолати, уни муҳофаза этишнинг чора-тадбирлари, атроф-муҳитга ҳамда фуқароларнинг соғлигига зарар етказувчи хўжалик ва бошқа фаолият фактлари ва шароитлари ҳақида ишончли ва тўлиқ, ўз вақтида маълумот олиш мақсадида давлат органлари, маҳаллий давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларига мурожаат қилишга;

6) атроф-муҳитга, фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мулкига салбий таъсир этиши мумкин бўлган хўжалик ва бошқа қарорларнинг қабул қилинишида белгиланган тартибда иштирок этишга;

7) атроф-муҳит муҳофазасига салбий таъсир этиши мумкин бўлган масалалар юзасидан давлат органлари, маҳаллий давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларига аризалар, шикоятлар ва таклифлар билан мурожаат этишга ҳамда улардан ўз вақтида ва асослантирилган жавоблар олишга;

8) атроф-муҳитга, фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мулкига салбий таъсир этадиган лойиҳалаштириш, объектларни жойлаштириш масалалари юзасидан қонунда белгиланган тартибда эшитишлар (слушания) ташкил этиш ва ўтказиш;

9) белгиланган тартибда жамоат экологик экспертизасини ташкил этиш ва ўтказишга;

10) давлат экологик экспертизасининг ўтказилишида ўз вақилининг қатнашишини тавсия этишга;

11) давлат органлари, маҳаллий давлат органлари ва судга атроф-муҳит муҳофазасига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган хўжалик ва бошқа фаолиятга тегишли объ-

ектларнинг лойиҳалари, жойлаштирилиши, ишга туширилиши, қурилиши, реконструкция қилинишини бекор қилиш ҳақида ҳамда атроф-муҳит муҳофазасига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган хўжалик ва бошқа фаолиятни тугатиш, тўхтатиш ва вақтинча тўхтатиб туриш ҳақида мурожаат қилишга;

12) атроф-муҳитга етказилган зарарни ундириш ҳақида судга даъво аризалари тақдим қилишга;

қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга эгадирлар¹.

«Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 13-моддаси «Табиатни муҳофаза қилиш жамоат бирлашмаларининг ваколатлари» деб номланган бўлса ҳам унда ҳавола нормадан бошқа қонда йўқ. Шундай ҳолатни ҳисобга олиб ва хилқаро тажрибига кўра келгусида қабул қилинажак Экология кодексиди атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишда жамоат тузилмаларининг иштирокига алоҳида қисм ажратилиши ва унда жамоат бирлашмаларининг экология соҳасидаги ҳуқуқлари тўлиқ кўрсатилиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида «оммавий ҳаракатлар» деган ифода сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмалари билан бир қаторда мустақил институт сифатида тилга олинади. Жумладан, Конституциянинг 34-моддасида «Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, қасаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар» деб белгиланган.

Конституциядаги мазкур тушунчадан келиб чиқиб, ҳулоса қилиш мумкинки, оммавий ҳаракатларнинг икки хил тушунчаси мавжуд. Биринчиси, жамоат бирлашмаси сифатида мақомга эга бўлмаган ва демак жамоат бирлашмаси деб ҳисоблаб бўлмаган оммавий ҳаракатлар. Бу ҳолатга мисол қилиб Ўзбекистонда жамоатчиликнинг экоҳаракати ри-

¹ Қаранг: Об охране окружающей среды. Научно-практический комментарий к Федеральному закону от 13 января 2002 г. // М.: «Деловой двор». 2010. С. 103–110.

вожланиб, шу масала билан шуғулланадиган бирлашмаларнинг сони 100 дан ошиб кетганлигини мисол қилса бўлади. Иккинчиси, жамоат бирлашмаси умумий тушунчасига тааллуқли бўлган, расман шундай ташкилот деб тан олинган ва тегишли ташкилий-ҳуқуқий бирликка эга бўлган ташкилотлардир. Бунга мисол қилиб Ўзбекистон экоҳаракатини келтирса бўлади.

Жамоат бирлашмаларидан фарқли равишда ижтимоий ҳаракат фаолияти кенг оммавий ва муайян формалашган кўринишда таркиб топади. Баъзан улар битта кенг микёсдаги ижтимоий-сиёсий муаммони ҳал қилиш мақсадида ўз таркибига турли жамоат бирлашмаларини жалб этадилар. Ижтимоий ҳаракатнинг кенг ижтимоий базага эга эканлиги, ташкилий таркоклиги, таркибининг беқарорлиги кўпинча ички тартибсиз тузилмавий-ташкилий фаолиятига сабаб бўлади. Ҳаракатга расмий аъзолик бўлмай, катнашчилар орасидаги боғлиқлик фақатгина ғоявий-сиёсий характерга эга бўлиб, ташкилий уюшқоқликнинг йўқлиги намоён бўлади.

Шу ўринда жаҳон микёсида экологик ҳаракатлар тарихига бир назар солиш ўринлидир. Таъкидлаш лозимки, илк экологик ҳаракат ташаббускор (энтузиаст) одамлар томонидан тузилган бўлиб, улар ўз олдига табиат қонуниятларини тушуниш, унинг ажойиб ва қимматбаҳо қисмлари ва вакилларини сақлаб қолиш ва одамларни табиатни муҳофаза қилиш руҳида тарбиялаш мақсадларини қўйишган.

Иккинчи турдаги оммавий ҳаракатларга кўплаб мисолларни Россия экологик амалиётидан топиш мумкин. Мана улардан биттаси. Россияда «номақбул» экологларнинг бирлашуви юз бериб, «Россия ижтимоий форуми» тузилганлигини эълон қилишди. Мазкур ҳаракат иштирокчилари Россия Президентига хат йўллашиб, ҳаққоний ваколатларга эга бўлган Экологик хавфсизлик миллий Агентлигини тузишни, Давлат Думасидан Россияга олиб кирилаётган радиоактив чиқиндиларга тааллуқли қонунлар пакетини қабул қилмаслик ёки тўхтатиб туришни, Президент томонидан вето қўйилган «Экологик хавфсизлик тўғрисида»ги федерал қонунни имзолашни, экологик моҳиятга эга бўлган бизнесга

солик имтиёзлари бериш тўғрисида қонун лойиҳасини ишлаб чиқишни, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган хайрия тадбирларидан чеклашларни олиб ташлашни ҳамда Россиянинг экологик ва барқарор ривожланиш муаммолари бўйича Кенгашини тузишни таклиф қилишди. Форум иштирокчиларининг фикрича, Россия дунёдаги бошқа ривожланган давлатлар қаторида ҳукуматни «яшиллаштириш» лозим. Германияда ҳукумат таркибининг аксарияти экологлардир. Шунинг учун ҳам Германияда аллақачондан бери атом станциялари, полихлорвинилдан ясалган эшик ва деразалар чиқиндиларини ёқадиган заводлар қурилмайди, жуда даромадли бўлган ядро чиқиндиларини сақлаш ва қайта ишлаш учун ҳаракат қилмайди¹.

Чег давлатларда фаолият юритаётган ҳаракатларни турли мачоилар бўйича таснифлаш мумкин. Жумладан, фаолиятнинг ҳудудига кўра, экологик ҳаракатларни ушбу соҳада катортадқиқотчиларини олиб борган С.Р.Фомичев қуйидаги икки гуруҳга ажратди: 1) халқаро миқёсда олиб бориладиган экологик ҳаракатлар (масалан, Гринпис, «Яшиллар» ҳаракати ва бошқалар) ва 2) давлат миқёсида фаолият юритувчи экологик ҳаракатлар («Дронт» экологик маркази, Байкил экологик ҳаракати ва бошқалар)².

Бугунги кунда дунё миқёсида жамоат бирлашмаларининг фаолият йўналишлари бўйича қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. Асосий фаолият йўналиши бевосита табиатни муҳофаза этиш ишлари устидан жамоат назоратига қаратилган экоҳаракатлар, экологик кўнгиллилар уюшмалари (Россия).

2. Асосий фаолият йўналиши экологик дастурларни, шу жумладан болаларни экологик таълим ва тарбиясини оширувчи лойиҳаларга қаратилган таълим экологик ҳаракатлари (БМТнинг ЮНЕП дастури).

¹ Т.Дмитриенко, Барнаул, tadmit@ab.ru, 15 февраль материал интернет, 2001 йил январь.

² Фомичев С.Р. Крайние зеленые // Социологические исследования. – Москва: 2005. № 8. С. 36–41.

3. Асосий фаолият йўналиши табиатни ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунларни қабул қилиш, такомиллаштириш ва уларнинг ижросини назорат қилувчи юридик экологик ҳаракатлар (Ўзбекистон экологик ҳаракати, Германиядаги «Яшиллар» партияси).

4. Асосий фаолият йўналиши тўғридан-тўғри атроф табиий муҳитга зарар келтирувчи лойиҳаларнинг қурилиши ва фаолиятини турли норозилик тадбирлари (митинг, намойиш ва бошқалар) ўтказишга қаратилган ҳаракатлар (Рукс жамияти (Ruckus Society), «Сьерра клуб» (Sierra club), Ернинг дўстлари (Friends of the Earth).

5 Асосий фаолият йўналиши ноширлик (экологик йўналишдаги китоблар, тўпламлар, таҳлилий маърузалар, даврий нашрлар чоп этиш) шунингдек, бошқа турли шаклдаги маълумот тарқатиш билан боғлиқ бўлган ташвиқот ва маълумот тарқатувчи ҳаракатлар (Шимолий Кореядаги «Сийсий ва ахборот бирдамлик маркази», Бельгиядаги «Альтернативларнинг халқаро форуми»).

Юқоридагилардан ташқари, экологик ҳаракатларни ташиқий шаклига кўра таркибига ихтиёрий (фуқаролар ташаббуслари, клублар, ассоциациялар, ҳаракатлар) киришни назарда тутувчи эркин бирлашма, профессионал бирлашмалар (экомарказлар, фондлар ва экологик институтлар)га ажратиш мумкин. Шу ўринда ривожланган жорий давлатларда фаолият юритиб келаётган экологик ҳаракатларнинг вужудга келиши ҳамда уларнинг асосий фаолият йўналишларига эътибор қаратиш лозим.

Бошқа жамоат бирлашмасига хос бўлгани каби экологик ҳаракатларнинг асосий белгиларидан бири бу – аъзоларнинг ягона мақсад йўлида, бажарилган иш учун ҳеч қандай ҳақ олмасдан ҳамда ихтиёрий равишда бирлашиб ҳаракат қилишлари ҳисобланади. Илк экологик ҳаракат ўз олдига табиатни муҳофаза қилишни ўрганиш ва одамларни ана шу руҳда тарбиялашни мақсад қилиб қўйган одамлар томонидан тузилган. Бунда дастлабки ана шундай бирлашмани тузишга атроф табиий муҳитга етказилган катта зарар эмас, балки келгусида инсоният томонидан еткази-

лиши мумкин бўлган зарарларга таъсисчиларни ишонтириш сабаб бўлади. 1892 йилда АҚШда тузилган «Сьерра клуб» ана шундай бирлашманинг биринчиси бўлди. У Калифорния ва Стенфорд университетларининг профессорлари Сенжер, адвокат Уоррен Олни, профессор Джордж Давидсон каби атроф-мухитни муҳофаза қилиш бўйича олимларнинг ташаббуси билан тузилди. Ушанда ташкилотнинг асосий мақсади сифатида ёввойи табиатни ўрганиш, ундан баҳраманд бўлиш ва муҳофаза қилиш; ер ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланишда жавобгарлик хиссини уйғотиш; одамларни атроф-мухит сифатини муҳофаза қилиш ва унга жалб қилиш руҳида тарбиялаш; ушбу вазифаларни хал қилишда барча қонуний воситалардан фойдаланиш белгилаб олинган эди¹.

Айни пайтда эса «Сьерра» клубининг асосий фаолияти ёввойи табиатни муҳофаза қилиш, АҚШ ҳудудида жойлашган миллий боғ ва бошқа кўриқхоналарни сақлаб қолиш ва кенгайтириш учун кураш олиб бориш ҳамда аҳоли ўртасида кенг тарбиявий-ташвиқот ишларини олиб боришдан иборатдир. XX асрнинг 60-йилларигача мавжуд бўлган экологик ҳаракатларнинг асосий фаолияти экологик тарбияни олиб бориш, одамларнинг табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги карашларини кучайтириш ва атроф-мухит муҳофазаси масалаларини тарғиб қилишдан иборат бўлган. Демак, юқоридагилардан келиб чиқиб хулоса сифатида айтилган бўлсак, дастлабки экологик ҳаракатларнинг асосий фаолият мақсади одамларни табиатни муҳофаза қилиш руҳида тарбиялаш ва бу борада тегишли тарғибот ишларини олиб бориш в қиратишган. Экологик ҳаракатларнинг бундай фаолияти XX асрнинг 60-йилларига қадар давом этган.

XX асрнинг 60-йиллари охири – 70-йиллари бошига келиб, инсониятнинг атроф табиий мухитга таъсир даражаси ўзининг юқори чўққисига етди. Ушбу даврга келиб кўплаб одамларинсонхўжаликфаолиятинатижасидаатроф-мухитга

¹ *Красникова Н.О.* Экологическое право и управление в США – Москва: Байкальская Академия, 1992. С. 33.

етказилаётган таъсир табиатнинг ўзини ўзи бошқариш ва тиклаш имкониятларидан кучли бўлаётганлигини англаб етдилар. Айнан шу сабабли жаҳон афкор оммасининг фаоллиги ошиб, атроф-муҳит муҳофазаси бўйича жамоатчилик ҳаракати кучайиб кетди.

Ўзбекистонда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиат бойликларидан самарали фойдаланиш масалалари бўйича оммавий ҳаракат жамоат экологик ташкилотларининг вужудга келиши ва фаолият юритиши билан бошланган. Бундай ҳаракатнинг «сезиларли» бошланиш вақти Ўзбекистон сиёсий мустақилликка эришган пайт, яъни 90-йилларнинг боши ҳисобланади.

XX асрнинг 90-йиллари охирларида мавжуд фуқаролик ташаббуслари, халқаро ташкилот ва жамғармаларнинг ташаббуси ва қўллаб-қувватлаши натижасида Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида қатор янги экологик жамоат ташкилотлари ҳамда ташаббускор гуруҳлар ташкил этилган. Ҳозирги вақтда экологик ННТлари мамлакатнинг деярли барча ҳудудларида: Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Қашқадарё, Бухоро, Фарғона, Андижон, Самарқанд, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида фаолият юритмоқда.

2.2. Оммавий-ижтимоий ҳаракатлар томонидан инсон экологик ҳуқуқларини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари

Кейинги йилларда Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ва унинг институтларининг ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги, шу жумладан экологик муаммоларни ҳал этишдаги роли ошиб бормоқда. Айниқса, бу масалаларда фуқароларнинг фаоллиги ошиб бормоқда. Мамлакатимизда яшаётган барча миллат вакиллари экологик муаммоларнинг нақадар долзарб эканлигини ва кишиларнинг яшаш тарзи, маиший-моддий фаровонлик табиат эҳсонларига бевосита боғлиқ эканлигини чуқур ҳис этиб, бундай муаммоларни англаш ва уларни ҳал этишда ялпи ижтимоий ҳаракат лозимлигини аллақачон тушуниб етганлар.

Фуқаролик жамиятида фуқароларнинг экология масалалари бўйича ижтимоий фаол ҳаракатининг шакллари умуман олганда, бизнингча, икки хилдир: биринчиси – фуқаролар бирор-бир жамоат бирлашмасига қўшилмай туриб, ижтимоий-иқтисодий ҳаётда юз бераётган экологик аҳамиятли воқеаларга муносабат билдириш, муаммоларни кўтариб чиқиш ва ҳал этишда иштирок этиш, мониторинг ва назорат олиб бориш ва бошқа шаклларда фаолият юритиб давлат органларига кўмаклашадилар ва таъсир кўрсатадилар. Бундай ижтимоий ҳаракат энг оммавий ва кенг қамровлидир. Иккинчиси – жамоат бирлашмалари ва бошқа жамоавий тузилмаларга бирлашиб, ижтимоий ҳаракатда иштирок этишдир.

Экологик оммавий ҳаракатни бутун бир фуқаролик жамиятини тавсифлайдиган ижтимоий ҳодиса деб тушуниш логик. Бундай «ҳаракатни» фуқаролик жамиятининг барча институтлари ўз ваколатлари доирасида амалга оширадилар, унинг мақсад ва вазифаларига эришишида иштирок этадилар.

Экологик оммавий ҳаракат биргина махсус жамоат бирлашмаларининг ваколати эмас, балки фуқаролик жамияти барча тузилмалари томонидан амалга ошириладиган оммавий фаолиятдир. Бу тўғрисида Россия Табиатни муҳофаза қилиш жамияти президиуми ходими И.Ф.Баришпол шундай ёзади: «Россияда экологик ҳаракат фуқаролик жамиятининг фаол секторларидан биридир. У ташкилий таъинлари, мақсад ва вазифалари, сони, фаолияти шакли ва йўналиши жиҳатидан ҳар хил бўлган умумроссия, ҳудудий ва маҳаллий жамоат бирлашмалари томонидан амалга оширилади»¹.

Экологик маърифат ва тарбия, илмий ва амалий табиатни муҳофаза қилиш, жамоат назорати ва жамоат экологик

¹ *Баришпол И.Ф.* Развитие общественного экологического движения России // путь к формированию устойчивого гражданского общества // Материалы XII Международной конференции по экологическому образованию: «Устойчивый мир: на пути к экологическому безопасному гражданскому обществу» // Владимир. 2005. С. 49. (48–51).

экспертизаси, экологик сертификациялаштириш ва аудит, аҳолининг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қонун ижодкорлиги жараёнларида иштирок этиш ва бошқа фаолиятлар билан шуғулланадиган барча жамоат бирлашмалари экологик ҳаракат сектори фаолиятининг йўналишлари деб ҳисобланади¹.

Экологик ижтимоий ҳаракат иштирокчиларининг амалга ошираётган фаолияти кўп йўналишли бўлгани билан жамиятдаги мавжуд экологик муаммоларни ҳал этишга давлат экологик тузилмаларига қараганда ноанъанавий ёндашиб, пировардида давлатнинг экологик функцияси ва вазифаларининг бажарилишига олиб келадиган самарани беради ва шу боисдан уларнинг мақсад ва вазифалари бир-бирига мос келади.

Дунёнинг кўпгина давлатларида экологик ҳаракат ташкилотлари биргина атроф-муҳитни муҳофаза қилишни эмас, балки атроф-муҳит муҳофазаси фаолияти ташкилий ва ҳуқуқий асосларини яратиш жараёнларининг иштирокчиларига айланмоқда. Ҳозирги пайтда экологик ҳаракатнинг сиёсийлашуви ҳар тарафда кузатилмоқда, у глобал тарзда тус олиб, халқаро экологик ҳаракат ривожланишида анъана бўлиб қолмоқда².

Россия «Яшиллар» экологик ҳаракатининг уставида ҳам ушбу жамоат бирлашмаси фаолиятининг қуйидаги йўналишлари кўрсатилган: а) мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида барча шаклларда иштирок этиш, давлат тузилмалари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, хўжалик ва бошқа ташкилотлар, жамоат бирлашмалари билан ҳамкорлик қилиш; б) фуқаролар соғлигини, табиий ресурслар ва атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишни таъминловчи ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш, шу жумладан, қонунчиликда белгиланган тартибда қонунчилик ташаббусларини ишлаб чиқишда қатнашиш; в) соғлиқни сақлаш,

¹ Ўша жойда.

² Қаранг: «Об охране окружающей среды» // Научно-практический комментарий к Федеральному Закону от 10 января 2002 г. № 7 – ФЗ. // М.: «Деловой двор», 2010. С. 89.

атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш соҳасида илмий тадқиқот ишларини ўтказиш; г) кам чиқитли ва экологик тоза технологияларни яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш; жамоат ва экологик экспертизаларини ўтказиш; д) амалдаги қонунчиликка бинотан, сайлов ва референдумларда иштирок этиш¹.

Экоҳаракатнинг ташкил этилганлиги мамлакатимизда экологик жамоат бирлашмалари ривожланишининг янги босқичини бошлаб берди. Эндиликда юртимизда фаолият юритаётган экологик жамоат бирлашмалари Экоҳаракат тимсолида атроф табиий муҳит ва инсон саломатлиги муҳофазаси бўйича барча саноат-ҳаракатларини бирлаштириш ҳамда сафарбар этиш имкониятига эга бўлдилар. Эндиликда Ўзбекистонда экологик муаммоларни ҳал этиш, хусусан инсон экологик ҳуқуқларини ифода этиш ва амалга ошириш нафақат давлат органларининг, балки фуқаролик жамияти институтларининг ҳам муҳим вазифаларидан бири эканлиги амалий ифодасини топди.

Ўзбекистон экологик ҳаракати сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни амалга ошириш жараёнида экологик ёндашув мамлакатнинг барқарор ривожланишида энг муҳим омил бўлиб ҳисобланишига ишонган, атроф-муҳит ва инсон саломатлиги ҳақидаги ғояларни қўллаб-қувватловчи ҳамда уларни амалга ошириш истагида бўлган фуқаролар ва нодавлат ноғижорат ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида тузилган оммавий жамоат ҳаракатидир.

Ўтган вақт ичида Экоҳаракат томонидан табиатни муҳофаза қилиш, аҳоли саломатлигини яхшилаш ва экологик вазиятни соғломлаштиришга қаратилган ўтказилаётган тадбирларнинг аниқ вазифалари қилиб экологик қонун ҳужжатлари устуворлигини таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш зарурияти ва талаблари, қайта тикланадиган энергия манбаларини татбиқ этиш, экологик

¹ Устав Российского экологического движения «Зеленые» // www.greenparty.ru

муаммоларни ҳал этишда фуқаролик жамияти институтлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фаоллигини ошириш ва бошқа масалалар белгиланмоқда.

Жамоат бирлашмаларининг давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларини тузишда қатнашиши ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг қарорларини тайёрлашда иштирок этиши каби ҳуқуқлари асосан сиёсий партияларга ва Ўзбекистон экологик ҳаракатига тегишли бўлиб, улар шу тарзда инсон экологик ҳуқуқларини таъминлаш ваколатларини амалга оширишлари мумкин. Зеро, бундай жамоат бирлашмалари ўз вакилларини вакиллик органларига сайлаб ва сайланган депутатлари орқали ўз мақсад ва вазифаларини амалга оширишлари мумкин.

«Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 27-моддасида жамоат экология экспертизасининг мақоми берилган. Уни ўтказиш жамоат бирлашмаларининг ташаббусига кўра, уларнинг маблағлари ҳисобидан ёки жамоатчилик асосида мутахасссларнинг мустақил гуруҳлари томонидан амалга оширилади. Ушбу қонуннинг 32-моддасида эса жамоат бирлашмалари жамоат экологик назоратини юритиши мумкинлиги тўғрисида қоида бор. Демак, оммавий-ижтимоий ҳаракатлар жамоат бирлашмаларининг бир тури сифатида жамоат экологик экспертизасини ўтказиши ҳамда жамоат назоратини олиб бориши мумкин.

Ўзбекистонда «ҳаракат» ифодаси билан боғлиқ иккита жамоатчилик тузилмаси мавжуд: Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Ўзбекистон экологик ҳаракати. Мазкур ҳаракатларнинг фаолияти тегишли қонун ҳужжатлари ва тегишли низом ҳамда дастурлари билан тартибга солинади.

Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини тавсифлайдиган, унинг мақсад ва вазифаларини рўёбга чиқарадиган тузилмалар ичида оммавий ҳаракатлар алоҳида ўрин тутади. Бугунги кунда экологик муаммолар, хусусан инсон экологик ҳуқуқларини амалга ошириш билан Ўзбекистон экологик ҳаракати (Экоҳаракат) оммавий ҳаракати маҳсуе шуғулланмоқда. Шу билан бир қаторда Ўзбекистон «Камолот»

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш соҳасида илмий тадқиқот ишларини ўтказиш; г) кам чиқитли ва экологик тоза технологияларни яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш; жамоат ва экологик экспертизаларини ўтказиш; д) амалдаги қонунчиликка биноан, сайлов ва референдумларда иштирок этиш¹.

Экоҳаракатнинг ташкил этилганлиги мамлакатимизда экологик жамоат бирлашмалари ривожланишининг янги босқичини бошлаб берди. Эндиликда юртимизда фаолият юритаётган экологик жамоат бирлашмалари Экоҳаракат тимсолида атроф табиий муҳит ва инсон саломатлиги муҳофазаси бўйича барча саъй-ҳаракатларини бирлаштириш ҳамда сафарбар этиш имкониятига эга бўлдилар. Эндиликда Ўзбекистонда экологик муаммоларни ҳал этиш, хусусан инсон экологик ҳуқуқларини ифода этиш ва амалга ошириш нафақат давлат органларининг, балки фуқаролик жамияти институтларининг ҳам муҳим вазифаларидан бири эканлиги амалий ифодасини топди.

Ўзбекистон экологик ҳаракати сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни амалга ошириш жараёнида экологик ёндашув мамлакатнинг барқарор ривожланишида энг муҳим омил бўлиб ҳисобланишига ишонган, атроф-муҳит ва инсон саломатлиги ҳақидаги ғояларни қўллаб-қувватловчи ҳамда уларни амалга ошириш истагида бўлган фуқаролар ва нодавлат ношароат ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида тузилган оммавий жамоат ҳаракатидир.

Ўтган вақт ичида Экоҳаракат томонидан табиатни муҳофаза қилиш, аҳоли саломатлигини яхшилаш ва экологик вазиятни соғломлаштиришга қаратилган ўтказилаётган тадбирларнинг аниқ вазифалари қилиб экологик қонун ҳужжатлари устуворлигини таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш зарурияти ва талаблари, қайта тикланадиган энергия манбаларини таъбиқ этиш, экологик

¹ Устав Российского экологического движения «Зеленые» // www.greenparty.ru

авлодга экологик ҳуқуқларининг маъносини ва қонуний асосларини тушунтириш, ҳуқуқлар тўлиқ мужассам бўлиши учун экологик-ҳуқуқий мажбуриятларни бажариш лозимлигини аниқлаш, табиатни муҳофаза қилишда қонунларни қўллаш билишлик маҳоратини шакллантириш ҳамда экологик ҳуқуқий маданиятни юксалтириш билан боғлиқ масалалар ягона тизим шаклида махсус ўқув-тарбия йўналиши килиб яратилмаган.

Мана шу ҳолатни ҳисобга олиб, бизнинг назаримизда Ўзбекистон «Камолот» ЁИХ «Ёшлар экологик ҳуқуқий маданиятини юксалтириш дастури»нинг лойиҳасини ишлаб чиқиш ва уни тегишли тартибда қабул қилиш шу куннинг талабларига мос вазифадир.

Ўзбекистонда «Камолот» ЁИХ тузилганлиги ва фаолият юрнтаётганлиги ҳуқуқ ва амалиёт майдонида «ижтимоий ҳаракат» ифодасининг вужудга келганлиги ва қарор топганлигини билдиради. Президент И.Каримов мазкур ижтимоий ҳаракат ташкил топган вақтда унинг улкан вазифаларини амалга оширишига ишонч билдирган эди: «Ҳаракатнинг асосий вазифаси – ёшларни бирлаштириш, соғлом турмуш талаблари асосида тарбиялаш, жамиятда муносиб ўрин эгаллашига кўмаклашиш, уларнинг манфаатини ҳар томонлама ҳимоя қилишдан иборат бўлиши даркор»¹.

Шундай килиб таъкидлаш жоизки, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати «ижтимоий ҳаракат» мақомига эга бўлганлигига қарамасдан амалда жамоат ташкилоти мавқеига эга. Ундаги яқка аъзолик, аниқ таркиб, махсус бошқарув аппарати, муайян турғун таркиб, сайланадиган органларнинг иерархияси ва бошқаларнинг мавжудлиги шундай ҳулоса қилишга асос бўлади. Бу ҳолат унинг номланиши билан ҳаққоний ҳуқуқий мақоми ўртасидаги фарқни йўқотиш мақсадида мавжуд қонунчилик асосларини қайта кўриб чиқиш заруриятини тугдиради.

¹ И.Каримов. «Камолот ёшларимизнинг чинакам суянчи ва таянчи бўлсин». – Т.: «Ўзбекистон», 2001. 18-б.

Шунга қарамедан, «Камолот» ЁИХ экологик масалалар бўйичи мунтазам тадбирлар ўтказиб келади. Чунончи, Ўзбекистон экологик ҳаракати Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бўлими «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда ташкил этилган «Атроф табиий муҳит муҳофизатиси» мавзудаги тадбирда тупроқ ҳосилдорлигини ошириш, деҳқончилик ва мелиорация, сув ресурслари ва уларнинг муҳофазатиси билан боғлиқ масалалар хусусида ўзаро фикр алмашилди¹.

«Камолот» ЁИХ томонидан «Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллигига 20 туп дарахт - менинг тухфам» акциясида иштирок этишда ҳиссаси кагта бўлмоқда. Бу акцияга ёшларни кенг жалб этиш бўйича қизгин тадбирлар амалга оширилган. Жумладан, бу борада ҳаракатнинг 104 та маҳаллий кенгашилари қошида ишчи гуруҳлар ташкил этилди. Уларда ҳаракатнинг маҳаллий Кенгашлари масъул ходимлари, таълим муассасалари бошланғич ташкилотлари фаолларидан иборат 10530 нафар киши жалб этилди².

Бироқ Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида «ижтимоий ҳаракат» тушунчасига таъриф берилмаган. Лекин илмий манбаларда ва анъанавий амалиётда ижтимоий ҳаракат муайян умумий мақсадларни ўз олдига мақсад қилиб қўювчи фуқароларнинг биргаликдаги фаолияти бўлиб, ушбу фаолият аниқ таркибий тузилишга ва қайд этилган аъзоликка эга бўлмайди.

Жамоат бирлашмаларидан фарқли равишда ижтимоий ҳаракат фаолияти кенг оммавий ва муайян формаллашган кўринишда таркиб топади. Баъзан улар битта кенг микёсдаги ижтимоий – сиёсий муаммони ҳал қилиш мақсадида ўз таркибига турли жамоат бирлашмаларини жалб этадилар. Ижтимоий ҳаракатнинг кенг ижтимоий базага эга эканлиги, ташкилий ва ғоявий тарқоқлиги, таркибининг ностабиллиги ва кўпинча ички тартибсиз тузилмавий ташкилий фаолият

¹ «Жамият» газ. 22 апрель 2011 й., 16-сон. 9-б.

² «Жамият» газ. 22 апрель 2011 й., 16-сон. 9-б.

тига сабаб бўлади. Ҳаракат аъзолари орасидаги боғлиқлик фақатгина ғоявий-сиёсий характерга эга бўлиб, ташкилий уюшқоқликнинг йўқлиги намоён бўлади.

Сиёсий партияларга нисбатан ижтимоий ҳаракатлар вакиллик ҳокимиятга эришиш мақсадини ўз олдига қўймайди. Хориж давлатларида сайлов уюшмалари сифатида ташкил этилган ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар бундан мустасно бўлиб, улар сиёсий партияларга айланиш (трансформация қилиш) босқичида бўладилар.

Хориж давлатлари тажрибасидан маълумки, ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар ўз ривожланишида бир канча босқичларни босиб ўтадилар. Бошида ўзларининг мақсадларини эълон қилган ҳолда ташаббускор гуруҳлар ташкил этилади, кейин эса эълон қилинган мақсадга ҳаммаслақ бўлган фаоллар доираси кенгайиб боради. Бу босқичда ғоя ва талабларни аниқ шакллантириш мақсадида ҳаракатнинг умумий форуми ўтказилиши мумкин. Бунда баъзан мувофиқлаштирувчи бўлималар ташкил этилади, лекин шундай бўлсада ҳаракатлар партиялардан фарқли равишда ягона таркибий тузилишга, тизимли интизомга ва формал ички иерархиясига эга бўлмайди. Кейинчалик ижтимоий-сиёсий фаолияти ҳаракатнинг ижтимоий-сиёсий ташкилотга трансформация қилинишига ёки дастлабки ўз олдларига қўйган мақсаднинг сусайиши ёхуд бу мақсаднинг амалга ошириш истиқболи йўқлиги сабабли ҳаракатнинг тўхтаб қолишига олиб келади.

Ўзбекистон амалиётида кенг қўлланиладиган «жамоат ташкилоти» ва «ижтимоий ҳаракат» тушунчаларининг ўзаро нисбати нималардан иборат? Улар бир канча жиддий фарқларга эга. Уларнинг ташкилий характердаги фарқи шундаки, жамоат ташкилотлари қайд этилган аъзоликка эга бўлсалар, ижтимоий ҳаракатлар бундай аъзоликка эга бўлмайдилар.

Жамоат ташкилотлари деб, илмий адабиётларда ва чет мамлакатларнинг қонунчилигидаги умум қабул қилинган илмий талқинларга асосан: бу муайян муқаррар ташкилий

Давлат экология экспертизаси Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда ўтказилади.

Давлат экология экспертизасининг мақсади мўлжалланган ёки амалга оширилаётган хўжалик фаолияти ёки ўзга фаолиятнинг экология жихатдан қай даражада хавфли эканлигини аниқлаш, бу хилдаги фаолият табиатни муҳофаза қилиш қонунларининг талабларига қанчалик мувофиқлигини баҳолаш, лойиҳаларда назарда тутилаётган табиатни муҳофаза қилиш тадбирларининг қай даражада етарли ва асосли эканлигини аниқлашдан иборатдир.

25-модда. Давлат экология экспертизасининг объектлари

Давлат экология экспертизаси объектлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Давлат экология экспертизасининг ижобий хулосасисиз лойиҳаларни рўёбга чиқариш ман этилади.

26-модда. Давлат санитария-экология экспертизаси

Давлат санитария-экология экспертизаси атроф табиий муҳит ифлосланишининг инсон саломатлигига қанчалик зарарли таъсир кўрсатишини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Давлат санитария-экология экспертизаси соғлиқни сақлаш идораларининг, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг ташаббусига кўра Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тайинланади.

Давлат санитария-экология экспертизасини ўтказиш тартиби ва усуллари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза этиш давлат қўмитаси билан келишиб туриб тасдиқлайди.

27-модда. Жамоатчилик асосидаги экология экспертизаси

Жамоатчилик асосидаги экология экспертизаси жамоат бирлашмаларининг ташаббусига кўра уларнинг маблағлари ҳисобидан ёки жамоатчилик асосида мутахассисларнинг мустақил гуруҳлари томонидан амалга оширилади.

Жамоатчилик асосидаги экология экспертизасининг хулосалари тавсия тамойилига эга бўлади.

VII. ЭКОЛОГИК НАЗОРАТ

28-модда. Атроф табиий муҳит мониторинги

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф табиий муҳитнинг ҳолати ва унинг ресурсларини кузатиш, ҳисобга олиш, уларга баҳо бериш ва уларнинг истиқболлини белгилашни таъминлаш мақсадида атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинги тизими ташкил этилади.

Атроф табиий муҳитнинг ҳолати, табиий ресурслардан фойдаланиш устидан кузатув махсус ваколат берилган идоралар, шунингдек фаолияти атроф табиий муҳитнинг ҳолатини ёмонлаштирадиган ёки ёмонлаштириши мумкин бўлган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар томонидан амалга оширилади.

Махсус ваколат берилган идоралар, шунингдек айтиб ўтилган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ўз кузатувларига доир материалларни тегишли давлат идораларига бепул беришлари шарт.

Мониторинг тузилиши, мазмуни ва уни амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан ишлаб чиқилади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

29-модда. Экологик назорат вазифалари

Экологик назорат олдида:

атроф табиий муҳит ҳолатини ҳамда хўжалик юритиш ва бошқа фаолият таъсири остида унда бўладиган ўзгаришларни кузатиб бориш;

атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, атроф табиий муҳитни соғломлаштириш, табиатни муҳофаза қилишга доир қонунлар талаблари ва атроф табиий муҳит сифатининг нормативларига риоя этиш борасидаги дастурлар ҳамда айрим тадбирлар бажарилишини текшириш вазифаси кўйилган.

Экологик назорат тизими давлат атроф табиий муҳит ҳолатини кузатиб бориш хизмати, табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат, идоравий, ишлаб чиқариш ва жамоат назоратидан иборат.

30-модда. Давлат атроф табиий муҳит ҳолатини кузатиб бориш хизмати

Давлат атроф табиий муҳит ҳолатини кузатиб бориш хизмати табиий муҳитда содир бўлаётган физик, кимёвий, биологик жараёнларни, атмосфера ҳавоси, тупроқ, ер усти ва ер ости сувларининг ифлосланиш даражасини, ифлосланишнинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига таъсири оқибатларини кузатиб бориш, манфаатдор ташкилотлар ва аҳолини атроф табиий муҳитда бўлаётган ўзгаришлар ҳақида жорий ва шошилинч ахборотлар ҳамда бу муҳит ҳолатига доир тахминлар билан таъминлаш мақсадида ташкил этилади.

Атроф табиий муҳит ҳолати тўғрисидаги ахборот очик-ошкора йўсинда бўлиб, унинг асосий кўрсаткичлари давлат табиатни муҳофаза этиш идоралари томонидан эълон қилиш учун мунтазам бериб борилади.

Давлат табиатни муҳофаза қилиш идоралари фалокатлар ва бошқа ҳодисалар натижасида атроф табиий муҳит нормативда белгиланганидан ҳам ортиқроқ даражада ифлосланган тақдирда бундай фалокат ва ҳодисалар тўғрисида жамоатчиликни дарҳол хабардор этишлари шарт.

Табиий ресурсларнинг миқдор, сифат ва бошқа хил кўрсаткичларини, улардан фойдаланишнинг ҳажми, тартиб тамойилини ҳисобга олиб бориш учун давлат табиий ресурслар кадастрлари юритилади.

Атроф табиий муҳит ҳолатига зарарли таъсир қиладиган ёки номақбул тарзда таъсир этиши мумкин бўлган объектлар, атроф табиий муҳитга тушадиган зарарли моддаларнинг турлари ва микдори, чиқиндиларнинг ҳажмлари ва таркиби ҳам назорат этиб борилади ва давлат ҳисобига олинади.

Давлат атроф табиий муҳит ҳолатини назорат этиш хизматининг таркиби, уни ташкил этиш ва фаолият кўрсатиши тартиби, давлат табиий ресурслар кадастрларини, атроф муҳитга зарарли таъсир этувчи объектларнинг давлат ҳисобини юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилаб берилади.

31-модда. Табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат назорати

Табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат назорати давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари, махсус ваколатли давлат табиатни муҳофаза қилиш идоралари томонидан амалга оширилади.

Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қазрини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси махсус ваколатли давлат табиатни муҳофаза қилиш идоралари ҳисобланади.

Махсус ваколатли давлат табиатни муҳофаза қилиш идоралари табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат назоратини амалга оширишда қатнашишга идоравий экологик

хизмат бўлинмаларини белгиланган тартибда жалб этишлари мумкин.

32-модда. Табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги идоравий, ишлаб чиқариш ва жамоат назорати

Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг экология хизмати шу вазирлик, давлат кўмитаси ёки идора тасарруфидаги корхоналар ва ташкилотлар фаолияти устидан табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги идоравий назоратни амалга оширади.

Табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ишлаб чиқариш назоратини корхоналар, бирлашмалар, ташкилотларнинг экология хизмати амалга оширади ва табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни тиклаш, атроф табиий муҳитни соғломлаштириш, табиатни муҳофаза қилишга доир қонунларнинг талаблари bajarилиши юзасидан дастурлар ҳамда айрим тадбирлар ижросини текшириш мақсадини кўзлайди.

Табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги жамоат назоратини жамоат бирлашмалари, меҳнат жамоалари, фуқаролар амалга оширадilar.

Идоравий, ишлаб чиқариш назоратини амалга оширувчи экология хизматларини ва экология соҳасидаги жамоат назоратини ташкил этиш ҳамда уларнинг фаолият кўрсатиши тартиби ушбу қонун ва мазкур хизматлар ҳамда жамоат назорати тўғрисидаги низомлар билан тартибга солиб бoрилади.

VIII. ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИҚТИСОДИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

33-модда. Табиатни муҳофаза қилишни таъминлашнинг иқтисодий тартиботи

Табиатни муҳофаза қилишни таъминлашнинг иқтисодий тартиботи:

табiiй ресурслардан махсус фойдаланганлик учун, атроф табiiй мухитни ифлослантирганлик (шу жумладан чиқиндиларни жойлаштирганлик) ва атроф табiiй мухитга бошқача тарзда зарарли таъсир кўрсатганлик учун тўлов ундиришни;

камчиқитли ва ресурсларни тежайдиган технологиялар жорий этилганида, табиатни муҳофаза қилиш ва табiiй ресурсларни қайта тиклашда самара берувчи фаолият амалга оширилганида корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга, шунингдек айрим шахсларга солиқ, кредит имтиёзлари ва ўзга имтиёзлар беришни;

экология нуқтаи назаридан хавфли технологияларни қўллаганлик ва ўзга фаолиятни амалга оширганлик учун корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга нисбатан махсус солиқлар жорий этишни;

атроф табiiй мухитни ифлослантирувчи моддаларни чиқариш, оқизиш ёхуд экология нуқтаи назаридан ўзга зарарли фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиялар (рухсатномалар) олишни;

табiiй мухитнинг қулай ҳолатини бузган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар зиммасига уни тиклаш вазифасини юклашни;

табиат объектларини бузиш ёки йўқ қилиб юбориш оқибатида етказилган зарар учун белгиланган тартибда тоvon пули ундиришни;

табиатни муҳофаза қилиш борасидаги режалар ва чоратадбирлар бажарилмаган, табиатни муҳофаза қилишга доир қонунларнинг норматив-техник ва бошқа талаблари бузилган ҳолларда мансабдор шахслар ёки бошқа ходимларни асосий ишлаб чиқариш фаолиятида эришилган натижалар бўйича бериладиган пул мукофотлари ёки бошқа мукофотлардан тўлиқ ёки қисман маҳрум этишни;

экологик соф маҳсулот чиқарганлик учун рағбатлантирувчи нархлар ва устама ҳақлар белгилашни;

табiiй ресурслардан оқилona фойдаланмаслик, меъёрда белгиланганидан ортиқча фойдаланганлик учун табиатдан фойдаланувчиларга нисбатан иқтисодий жазо чораларини

ҳамда табиий ресурслардан тежаб-тергаб ва оқилона фойдаланганлик учун иқтисодий рағбатлантиришни қўлланишни;

табиий муҳитни сақлаш соҳасида ва экологик соф маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳаммадан юқори кўрсаткичларга эришган давлат, кооператив, жамоат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари, бошқа корхоналар, муассасалар ҳамда ташкилотларнинг жамоаларини ва айрим ходимларини, шунингдек айрим шахсларни моддий рағбатлантиришни кўзда тутади.

Ўзбекистон Республикасининг қонунларида, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг қарорларида табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни иқтисодий рағбатлантиришнинг бошқа турлари ҳам назарда тутилиши мумкин.

Табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни иқтисодий рағбатлантириш тадбирлари Ўзбекистон Республикаси қонунларида, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг қарорларида белгилаб қўйиладиган тартибда қўлланилади.

34-модда. Табиатдан махсус фойдаланганлик ва атроф муҳитни ифлослантирганлик учун тўловлар

Табиатдан махсус фойдаланганлик ва атроф муҳитни ифлослантирганлик учун тўловлар табиий ресурслардан фойдаланганлик учун солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлардан, шунингдек атроф муҳитни ифлослантирганлик (ифлослантирувчи моддаларни чиқарганлик, оқизганлик ва чиқиндиларни жойлаштирганлик) учун компенсация тўловларидан, табиий ресурсларни муҳофаза қилганлик ва қайта тиклаганлик учун тўловлардан иборат бўлади.

Табиий ресурслардан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари ва бошқа мажбурий тўловларнинг миқдорлари, шу жумладан ижара тўловининг миқдори табиий ресурсларнинг қай даражада кенг тарқалганлиги, сифати, уларни қайта тиклаш имкониятлари, улардан фойдаланишнинг қай даражада қулайлиги, комплекслилиги, самарадорлиги, улар-

чиликнинг судга мурожаат қилиш имкониятини шартли ра-
вишда тўрт турга бўлсак бўлади:

биринчиси — экологик ҳуқуқларни ҳимоя қилиш бўйича
ҳар қандай шахснинг судга мурожаат қилиш ҳуқуқи (Гол-
ландия, Ирландия);

иккинчиси — экологик ҳуқуқларни ҳимоя қилиш бўйича
ҳар қандай манфаатдор шахснинг судга мурожаат қилиш
ҳуқуқи (Франция, Буюк Британия, Испания, Швеция, Фин-
ландия);

учинчиси — экологик ҳуқуқларни ҳимоя қилиш бўйича
фақатгина ҳуқуқи бузилган даъвогарнинг судга мурожаат
қилиш ҳуқуқи (Германия);

тўртинчиси — экологик ҳуқуқларни ҳимоя қилиш бўйича
тегишли ассоциациянинг судга мурожаат қилиш имкония-
ти (Италия, Греция)¹.

Юқорида кўриб ўтганимиздек, Ўзбекистон экологик
ҳаракати қонун ижодкорлиги фаолиятининг ҳаққоний субъ-
екти бўлиш билан бир қаторда ҳуқуқ ижодкорлиги жараён-
ларида ҳам иштираётган этиш имкониятларига эга бўлиши мум-
кин.

Субъектив ҳуқуқларнинг катта роли тўғрисида юри-
дик адабиётларда аниқ фикрлар айтилган. Таниқли олим
В.Н.Кудрявцевнинг фикрича, улар «мавҳум нормага нис-
батан қабул қилинаётган қарорга ва демак ҳаққоний ҳулк-
атворга кучлироқ таъсир қилади»².

Экоҳаракатнинг амалиётда ҳозирги пайтда олиб бораёт-
ган назорат усулларида бири жамоатчилик эшитувининг
ташқил этилаётганлигидир. Жамоат эшитувининг асо-
сий мақсади табиат бойликларидан самарали фойдаланиш
ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган қонун
ҳужжатларини тегишли давлат ҳокимияти ва бошқаруви
органлари, идоралар ва ташкилотларда ижро этилиши ма-
салалари бўйича бажарилган ишларни муҳокама қилишни

¹ Каранг: Хартия Европейского Союза об основных правах: коммента-
рий // Отв. ред. Кашкин С.Ю. // М.: 2001.

² Кудрявцев В.Н. Право и поведение. // М.: 1978. С. 69.

ташкил этиш ва тегишли хулоса ҳамда қарорлар қабул қилишдан иборатдир. Жамоат эшитуви асосида тегишли давлат органлари ва улар мансабдор шахсларининг масъулиятини ошириш, улар фаолиятига тегишли баҳо бериш, экологик маданиятни кучайтириш, мансабдорларни танкид қилиш ёки рағбатлантириш каби амаллар бажарялади. Ўзбекистон экологик ҳаракати томонидан 2009 йилнинг 16 июлида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 19 сентябрдаги «2008-2012 йилларда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш дастури тўғрисида»ги 212-сонли қарорида белгиланган чора-тадбирлар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қандай бажарилаётганлиги бўйича Тошкент шаҳрида ва Наманган вилоятининг Қосонсой шаҳрида «жамоатчилик эшитувлари» ўтқазилди. Шунингдек, Чирчиқ шаҳридаги «МАҲАМ-CHIRCHIQ» очик акциядорлик жамиятида «Табиғатни муҳофазат қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг бажарилиши бўйича жамоатчилик эшитуви ташкил этилди. Ўзбекистон Экология ҳаракати томонидан уюштирилган мазкур тадбирларда 900 дан ортиқ киши иштирок этди. Эшитувларда атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш бўйича давлат назорат органлари вакиллари таҳлиллари, шунингдек давлат экология дастурларини бажаришга масъул, давлат органларининг ҳисоботлари муҳокамага қўйилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ташкилот ва корхоналар раҳбарлари ва меҳнат жамоалари вакиллари, эколог олимлар иштирок этган жамоатчилик эшитувлари натижалари бўйича табиатни муҳофаза қилишга қаратилган чора-тадбирлар самарадорлигини оширишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилди ва тегишли органларига тавсия этилди¹.

Ўзбекистон экологик ҳаракати қошида ишлаб турган «Ишонч телефони»га табиат муҳофазаси, санитария меъёрларининг бузилгани тўғрисида 2011 йилнинг биринчи чора-

¹ Ўзбекистон экологик ҳаракати Марказий Кенгаши архивидан.

гида 60 дан зиёд оғзаки ва ёзма хабарлар, шунингдек, атроф табиий муҳит ҳамда аҳоли саломатлиги муҳофазаси масалалари бўйича турли хил лойиҳавий ташаббуслар, шарҳлар, муурожаатлар келиб тушди. Жамоатчилик экологик назорати тажрибаси шуни кўрсатадики, мамлакатимиз аҳолисини, биринчи навбатда ўсимлик дунёси муҳофазаси масалалари, қаттиқ ва майший чиқиндилар муаммолари хавотирга солмоқда¹.

Тошкент вилояти Зангиота туманининг «Эркин», «Қурилиш» ва бошқа катор маҳаллаларида қурилиш ва майший чиқиндилар билан канал йўлининг ифлосланиши, сизот сувларининг кўтарилиши натижасида экологик вазиятнинг ёмонлашуви муносабати билан Экоҳаракатдан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида бир неча маротаба жамоатчилик рейдлари ўтказилди. Мазкур масалага Зангиота тумани ҳокимлиги ва Тошкент вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси вакиллари ҳам жалб этилди².

Тошкент шаҳар Учтепа тумани 26-мавзеси фуқаролари муурожаатлари асосида Экоҳаракат, Учтепа тумани ҳокимлиги, Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси билан ҳамкорликда ўтказилган рейд жараёнида Ўзбекистон Республикасининг экологик қонунчилик талаблари жиддий бузилиши 107-сонли мактаб ва болалар боғчаси яқинида қаттиқ майший чиқиндилар тўпланиши ҳамда ёқилиши ҳолати аниқланди. Рейд натижасига биноан Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан тегишли тартибда далолатнома тузилди, мутасадди уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмалари раҳбарларига жарима санкциялари қўлланилди³.

Оммавий ҳаракатлар томонидан амалга ошириладиган жамоат назоратининг яна бир шакли экологик масалалар

¹ «Жамият» газ. 22 апрель 2011 йил, 16-сон. 9-б.

² Шу манба.

³ Шу манба.

бўйича қарорлар қабул қилиш жараёнларида иштирок этишдир. «Масалалар муҳокамасида иштирок этиш» ҳуқуқи ҳозирда хорижда жуда долзарб бўлган экологик ҳуқуқдир. Ўзи давлатлар ва халқаро ҳужжатларда бу аслида атроф-муҳит масалалари бўйича қарорлар қабул қилишда иштирок этиш ҳуқуқи деб аталади. Бу ҳуқуқнинг белгиланиши илмалда рўёбга чиқарилиши давлатда демократик жараёнларнинг ривожланганлигини кўрсатади. Гарчи «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги каби фундаментал Қонунда «масала муҳокамасида иштирок этиш» очик акс эттирилмаган бўлса ҳам Ўзбекистон қонунчилигида бу ҳуқуқни қарор топтириш бўйича муҳим қадам қўйилган.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги халқаро ҳужжатлар инсоннинг экологик ҳуқуқлари деган тушунчадан фойдаланмаса ҳам фуқароларнинг экологик ахборотга бўлган ҳуқуқи ва экологик аҳамиятга эга бўлган қарорлар қабул қилишда иштирок этиш ҳуқуқини таъминлаш деган тушунчаларни акс эттиради.

Шундай ҳуқуқларни ифодалаган ҳужжатларга Трансчегаравий миқёсда атроф-муҳитга таъсир қилишни баҳолаш тўғрисидаги Конвенция (25 февраль 1991 й.)¹, БМТ Иқлим ўзгариши тўғрисидаги Андаза Конвенцияси (9 май 1992 й.)², Биохилма-хиллик тўғрисидаги Конвенция (5 июнь 1992 й.)³, Саноат аварияларининг трансчегаравий таъсири тўғрисидаги Конвенция (17 март 1992 й.)⁴, Трансчегаравий сув оқимлари ва кўлларни муҳофаза қилиш ва фойдаланиш тўғрисидаги Конвенция (17 март 1992 й.)⁵ ва бошқалар қиради.

Инсон экологик ҳуқуқларини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш мақсадларида халқаро ҳужжатларга мунтазам мурожаат қилиб туриш, уларнинг

¹ Қаранг: Международное публичное право. Ҳужжатлар тўплами. 2-ж. // М.: «БЕК», 1996, 199–207-б.

² Шу манба. 138–154-б.

³ Шу манба. 155–167-б.

⁴ Биоллетень международных документов. // М.: 2000. № 6. 19–46-б.

⁵ Шу манба. 1999. 10-сон. 3–18-б.

моҳиятини кенг жамоатчилик орасида тарғиб қилиш катта аҳамият касб этади. Шу ўринда экологик аҳамиятга эга бўлган қарорлар¹ қабул қилинишида фуқаролар ва жамоатчиликнинг иштирок этиши масаласининг халқаро ҳуқуқий асосларини кўриб чиқиш долзарб ҳисобланади.

Халқаро ҳужжатлар атроф-муҳитга етказилаётган ёки етказилиши мумкин бўлган таъсирни баҳолаш жараёнларида фуқароларнинг иштирок этиш масаласи кўпроқ тартибга солинган. Шу соҳадаги ҳужжатлар ичида биринчилар қаторида Европа Иттифоқи Иқтисодий ҳамжамияти томонидан 1985 йилда Люксембургда қабул қилинган Атроф-муҳитга айрим давлат ва хусусий лойиҳаларнинг таъсирини баҳолаш бўйича Директиваси (қисқача ОВОС Директиваси) туради. Ундан сўнг Европа давлатлари Атроф-муҳит вазирларининг София шаҳрида бўлиб ўтган учинчи конференцияси Декларацияси билан тасдиқланган Экологик ахборотларга бўлган ҳуқуқни таъминлаш ва атроф-муҳит соҳасида қарорлар қабул қилиш жараёнларида жамоатчиликнинг иштирок этиши Раҳбарий тамойиллари (қисқача Раҳбарий тамойиллар)ни кўрсатиш мумкин.

Мазкур масала бўйича 1998 йилда Орхусда қабул қилинган «Атроф-муҳит масалаларига тааллуқли бўлган масалалар бўйича ахборотни қўлга киритиш, қарорлар қабул қилиш жараёнларида жамоатчиликнинг иштирок этиш ҳуқуқи ва одил судловга эришиш тўғрисида»ги Конвенция (Орхус Конвенцияси)² алоҳида аҳамиятга эга.

Дарвоқе, ўтган асрнинг 70-йилларида халқаро ҳужжатларда инсоннинг соғлом (қулай) атроф-муҳитга

¹ «Экологик аҳамиятга эга қарорлар» легенда атроф табиий муҳитга алоқадор ҳар қандай қарорлар тушунилади. Шу соҳага тегишли бўлган тушунчалар тўғрисида қараи: Шакирова О.Д. Экологические значимые решения. Термины и определения. // Экологическое право России на рубеже XXI века. Мақолалар тўплами // М.: «Зерцало», 2001. 84–94-б.

² Орхус Конвенцияси ҳудудий халқаро ҳужжат бўлиб, шартнома катнашувчилари бўлиб Европа иқтисодий комиссиясига аъзо давлатлар назарда тутилган. Аммо ушбу Конвенция БМТ аъзоси бўлган ҳар қандай давлат кўшилашини инкор этмайди.

бўлган ҳуқуқи расман эътироф этилган. Шу ўринда 1972 йилда Стокгольмда бўлиб ўтган БМТнинг атроф-муҳит бўйича конференциясида қабул қилинган Тамойиллар декларацияси мазкур ҳуқуқнинг дастлабки халқаро манбаси бўлганлигини эътироф этиш лозим. Ҳозирда бу ҳуқуқ инсон ва фуқаронинг асосий ҳуқуқларидан бири деб ҳисобланади¹. Кейинчалик шу ҳуқуқ асосида инсоннинг экологик ҳуқуқлари деган концепция вужудга келди. Шунга кўра, инсоннинг экологик ҳуқуқлари тизими, гарчи қонунчиликда айни шундай ҳуқуқлар тўғрисида аниқ ифодалар бўлмаса ҳам кенгайтиб бормокда. Аниқроғи инсонларнинг табиат бойликларидан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш масалаларига тегишли барча ҳуқуқлари инсоннинг экологик ҳуқуқлари деб тан олинмокда.

Таъкидлаб ўтилганидек, халқаро ҳужжатларда инсоннинг экологик ҳуқуқлари тўғрисида аниқ ифодалар бўлмаса ҳам, уларда инсоннинг шундай ҳуқуқлари белгиланганки, уларни амалга ошириш орқали инсонлар атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқларини бемалол қондира олишлари мумкин деб ҳисобланади². Инсоннинг атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқлари халқаро ҳужжатларда ифодаланган куйидаги инсон ҳуқуқлари орқали амалга оширилади:

а) фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар – яшаш ҳуқуқи; ахборот олиш ҳуқуқи, ўз фикрини билдириш ҳуқуқи; бирлашмаларга бирлашиш ҳуқуқи; бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи; ҳимоя ҳуқуқи ва бошқалар;

б) иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлари – соғлиқни сақлаш ҳуқуқи, соғлиқни ва фаровонликни таъминлаш учун зарур яшаш даражасига эга бўлиш ҳуқуқи; билим олиш ҳуқуқи; дам олиш ҳуқуқи; жамиятнинг маданий ҳаётида иштирок этиш ҳуқуқи ва бошқалар.

¹ Бринчук М.М. Экологическое право. Дарслик. // М.: «Юристъ». 2004, 121-б.

² Третьякова А.А. Экологические права граждан по законодательству государств – членов Европейского Союза. Ўқув қўлланма. // М.: МГУ., 2003, 34-б.

Агар бордию ушбу хуқуқлар бузиладиган бўлса, уларнинг замирида инсон экологик хуқуқларининг ҳам бузилишини кўриш мумкин.

Жамоат бирлашмаларининг экологик назоратини тартибга солишга қаратилган бир қатор норматив-хуқуқий асослар қабул қилинган. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддаси Ўзбекистон Республикасида барча фуқароларнинг бир хил хуқуқ ва эркинликларга эга эканлигини, уларнинг жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенглиklarини мустаҳкамлар экан, 34-моддада эса Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш хуқуқига эгалikлари белгиланган. Мазкур норма ривожлантирила бориб, Конституциянинг 35-моддасида давлат ҳар бир шахсга бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш хуқуқини кафолатлайди. Кўриниб турганидек, бу ўринда Конституция фуқароларнинг тенг хуқуқлилигини эълон қилиш билан бирга уларни турли жамоат бирлашмаларига уюшиш хуқуқини ҳамда шу билан боғлиқ равишда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш хуқуқини ҳам кафолатлаб қўйди.

1991 йил 15 февралда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддасида қонун чиқарувчи жамоат бирлашмаларини фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий хуқуқлар ҳамда эркинликларни рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш; фуқароларнинг фаоллиги ва ташаббускорлигини, давлат ва жамият ишларини бошқаришда уларнинг иштирок этишини ривожлантириш; касб-кор ва ҳаваскорлик қизиқишларини қондириш; илмий, техникавий ва бадиий ижодкорлик-

ни ривожлантириш; аҳолининг сихат-саломатлигини сақлаш, хайрия фаолиятида қатнашиш; маданий-маърифий, физкультура-соғломлаштириш ва спорт ишларини ўтказиш; табиатни, тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш; ватанпарварлик ва инсонпарварлик тарбияси; республикалараро ва халқаро алоқаларни кенгайтириш, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлаш; қонунда тақиқланмаган бошқа фаолиятни амалга ошириш мақсадида тузилишини ҳам мустаҳкамлайди¹. Бу ўринда қонун чиқарувчи бир тарафдан фуқароларга табиатни, тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш мақсадида жамоат бирлашмаларига бирлашиш ҳуқуқини кафолатласа, бошқа томондан қонун билан тақиқланмаган бошқа фаолият мақсадини кўзлаб жамоат бирлашмаси тузиш имкониятини ҳам чекламайди. Албатта бу ўринда иккинчи ҳолат миллий қонунчилигимизнинг ютуғи сифатида намоён бўлади. Шу билан бирга қонун қандай жамоат бирлашмалари тузилишига йўл қўйилмайди? деган саволга жавоб бериб, фаолиятни жамиятнинг ахлоқий негизларини, умумбашарий инсонпарварлик қадриятларини бузишга қаратилган, шунингдек, конституцион тузумни ғайриқонуний йўл билан ўзгартириш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг бирлигини бузиш, урушни, зўравонликни ва шафқатсизликни, жамиятни парчалашга олиб борадиган ижтимоий, шу жумладан синфий, шунингдек, ирқий, миллий ва диний адоватни авж олдириш, қонун билан тақиқланган бошқа хатти-ҳаракатлар қилиш мақсадини кўзлайдиган жамоат бирлашмаларининг тузилишига йўл қўйилмаслигини ҳам қатъий мустаҳкамлайди.

Нафақат жамоат экологик назорати, балки табиатни муҳофаза қилиш соҳасида ҳам асосий қонун бўлиб ҳисобланувчи «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 27-моддасида жамо-

¹ «Қорхоналар, уюшмалар ва ташкилотлардан солиқ олиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси 15.02.1991 й. 225-ХII-сонли Қонуни билан қабул қилинган. // Ўзбекистон ССЖнинг Олий Кенгаш Ахборотномаси, 1991 й., 4-сон, 86-модда.

атчилилик асосидаги экология назорати деб номланиб, жамоатчилилик экологик назоратининг умумий қоидалари мазкур нормада мустаҳкамланган¹. Жумладан, қонунда жамоатчилилик асосидаги экология экспертизаси жамоат бирлашмаларининг ташаббусига кўра уларнинг маблағлари ҳисобидан ёки жамоатчилилик асосида мутахассисларнинг мустақил гуруҳлари томонидан амалга оширилиши белгиланган. Айни пайтда қонун жамоатчилилик асосидаги экология экспертизасининг хулосалари тавсия тамойилига эга бўлиши ҳам мустаҳкамланган.

Миллий қонунчилик таҳлили шуни кўрсатадики, баъзи қонунларда жамоат бирлашмаларининг жамоат экологик назорати ўтказиш билан боғлиқ нормаларни ўзида ифода этувчи ҳолағлар ҳам мустаҳкамланган. Хусусан, 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасида жамоат экологик назоратини назарда тутувчи қоидалар белгиланган². Қонунга кўра, фуқаролар ва жамоат бирлашмаларининг ҳайвонот дунёсини ҳамда унинг яшаш муҳитини муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

- ҳайвонот дунёсини ва унинг яшаш муҳитини муҳофаза қилиш тадбирларини амалга ошириш;
- ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат дастурлари рўёбга чиқарилишига кўмаклашиш;
- экология соҳасида жамоатчилилик экспертизасини ўтказиш;
- жамоатчилилик назоратини амалга ошириш;
- ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш соҳасидаги ахборотни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда олиш;

¹ «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси 09.12.1992 й., 754-ХII-сонли Қонуни билан қабул қилинган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаш Ахборотномаси, 1993 й., 1-сон, 38-модда.

² «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси 26.12.1997 й. 545-1-сон Қонуни билан қабул қилинган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1998 й. 1-сон, 14-модда.

– ҳайвонот дунёсига ва унинг яшаш муҳитига етказилган зарарни қоплаш масаласини қўйиш.

Худди шу санада қабул қилинган «Ўсимлик дунёсини муҳофиза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 27-моддаси¹да ўсимлик дунёси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш устидан жамоатчилик назорати қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилиши мустаҳкамланган бўлсада, ҳалигача бундай қонун ҳужжати қабул қилинмаган.

1999йил 15 апрелда қабул қилинган ҳамда экология соҳасидаги муҳим қонун ҳужжати бўлиб ҳисобланувчи Ўзбекистон Республикасининг «Ўрмон тўғрисида»ги Қонуни²да ҳам шундай ҳолат кузатилади. Хусусан, қонунда қонун чиқарувчи ўрмонларни муҳофаза қилиш, қўриқлаш, улардан фойдаланиш ва уларни такрорий кўпайтириш устидан назорат деб номланувчи алоҳида модда ажратган бўлсади, факатгина унда давлат экологик назорати хусусида гўхталиб ўтади, ҳолос. Ушбу қонуннинг айтиб ўтилаётган 12-моддаси 2-қисмида эса идоравий экологик назорат ҳақида гўхталиб ўтилиб, ўрмонларни муҳофаза қилиш, қўриқлаш, улардан фойдаланиш ва уларни такрорий кўпайтириш устидан идоравий назорат Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси томонидан амалга оширилиши таъкидланади. Аммо жамоат бирлашмалари томонидан ўтказиладиган экологик назорат ҳақида ҳеч нарса дейилмайди. Ваҳоланки, мазкур ҳолатда республикамизда жойлашган ўрмонлар жамоатчилик экологик назорати ўтказилиши лозим бўлган муҳим табиий ресурс объектларидан бири бўлиб ҳисобланади.

¹ «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси 26.12.1997 й. 543-1-сон Қонуни билан қабул қилинган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1998 й. 1-сон, 12-модда.

² «Ўрмон тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси 15.04.1999 й. 770-1-сон Қонун билан қабул қилинган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1999 й. 5-сон, 122-модда.

2000 йилнинг 31 августда қабул қилинган «Радиациявий хавфсизлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 8-моддасида радиациявий хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги жамоат назорати нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролар томонидан амалга оширилиши мустаҳкамланган¹. Ухшаш қоида 2002 йил 5 апрелда қабул қилинган «Чикиндилар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 13-моддасида ҳам учрайди. Бунда ушбу қонун фуқароларга чикинди билан боғлиқ ишларни амалга оширишдаги ҳуқуқи сифатида жамоат назоратини амалга оширишни белгилайди².

2006 йил 28 августда қабул қилинган «Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни атроф-табiiй муҳит хавфсизлиги учун муҳим аҳамиятга эга бўлсада, бироқ мазкур қонунда жамоатчилик экологик назорати ҳақида ҳеч қандай норма мустаҳкамланмаган. Аммо Қонуннинг 12-моддасида саноат хавфсизлигига риоя этилиши устидан давлат назорати, 18-моддасида эса саноат хавфсизлиги талабларига риоя этилиши устидан ишлаб чиқариш назорати мустаҳкамланган³. Бизнингча, бу ўринда қонун чиқарувчи томонидан ушбу қонунда жамоат экологик назорати билан боғлиқ қоидаларни мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

2009 йил 30 сентябрда қабул қилинган «Ёнгин хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуннинг 9-моддасида алоҳида ҳолат кўзга ташланади. Бунда қонун чиқарувчи фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ёнгин хавфсизлиги та-

¹ «Радиациявий хавфсизлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси 31.08.2000 й. 120-П-сон Қонун билан қабул қилинган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 2000 й. 7–8-сон, 212-модда.

² «Чикиндилар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси 05.04.2002 й. 362-П-сон Қонуни билан қабул қилинган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 2002 й. 4–5-сон, 72-модда.

³ «Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 28.09.2006 й. ЎРҚ-57-сонли Қонуни билан қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 й., 9-сон, 499-модда.

лабларига риоя қилиниши устидан жамоат назоратини амалга ошириш масаласини юклайди¹.

Айни пайтда шуни ҳам таъкидлаш керакки, жамоат экологик назоратини амалга ошириш самарадорлигини таъминлаш бевосита аҳолининг ҳуқуқий онги ва савиясига боғлиқ бўлиб ҳисобланади. Бу борада сўз экологик таълим тўғрисида кетмоқда.

¹ «Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 30.09.2009 й. ЎРҚ-226-сонли Қонуни билан қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2009 й. 9-сон, 340-модда.

3-БОБ. СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ВА ОММАВИЙ-ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТЛАР ТОМОНИДАН ХУҚУҚ ВА ҚОНУН ИЖОДҚОРЛИГИ ФАОЛИЯТИДА ИНСОН ЭКОЛОГИК ХУҚУҚЛАРИНИ ИФОДАЛАШ ВА РЎЁБГА ЧИҚАРИШ

3.1. Сиёсий партиялар, экологик ва бошқа оммавий-ижтимоий ҳаракатлар ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнлари иштирокчиси сифатида

Инсон экологик ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, таъминлаш ва ҳимоя қилишда сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар ва бошқа жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнларида иштирок этиши муҳим аҳамиятга эга. Зеро, бундай бирлашмаларнинг нафақат амалдаги қонунларда ифодаланган ҳуқуқларни рўёбга чиқариши ва ҳимоя қилиши, балки уларнинг яратилиши жараёнларида ҳам иштирок этиши бир-бири билан боғлиқ ва тўлдириб турувчи бир бутун ҳодиса деб қаралиши лозим.

Сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар ва бошқа жамоат бирлашмаларининг инсон экологик ҳуқуқларини ифода этиш, рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилишга тааллуқли қонун ҳужжатларини яратиш жараёнларида иштирок этишини тор маънода тушунмаслик, яъни уни фақатгина инсон экологик ҳуқуқлари билан боғламаслик керак. Мухтасар қилиб айтганда, ҳаётда том маънода, яъни соф ҳолатда инсон экологик ҳуқуқларига тааллуқли ҳуқуқ ижодкорлиги мавжуд эмас. Бундан ташқари ҳуқуқ ижодкорлиги асосан инсон экологик

хуқуқларининг объекти бўлган атроф табиий муҳит, уни муҳофаза қилиш ва унинг бойликларидан самарали фойдаланиш масалаларига тааллуқли бўлади. Инсон экологик хуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш негизида шундай хуқуқлар талабларига жавоб берадиган атроф-муҳитнинг тегишли сифати ва миқдори ётади. Партиялар ва оммавий ҳаракатларнинг инсон хуқуқларига тааллуқли норматив-хуқуқий ҳужжатларни яратишда иштирок этишини айнан шундай маънода тушуниш лозим.

Мазкур бирлашмаларнинг хуқуқ ижодкорлиги жараёнларида иштирок этиши мамлакатда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва модернизация қилиш бўйича ҳозирги пайтда илгари сурилаётган концептуал вазифаларни амалга ошириш билан бевосита боғлиқ. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисида сўзлаган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» номи маърузасида давлат ва жамият ҳаётига оид муҳим муаммоларни ҳал этишда жамоат бирлашмаларининг ўрни ва аҳамияти алоҳида йўналиш сифатида белгиланиб, куйидагича эътироф этилган: «Соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳолини, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларни қўллаб-қувватлаш ва шу каби катта социал аҳамиятга молик бошқа масалалар бўйича муҳим давлат дастурларини амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари иштирокининг хуқуқий асосини яратиб берадиган қонун ҳужжатлари мажмуасини ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этмоқда»¹.

Юқорида айтиб ўтилганидек, сиёсий партиялар, оммавий-ижтимоий ҳаракатлар инсон хуқуқларини ифодалаш ва таъ-

¹ *И.Каримов*. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси. — Т.: «Ўзбекистон», 2010. 47-б.

минлаш масалалари бўйича ўзларига юклатилган вазифаларни бир неча усул ва воситалар асосида амалга оширади. Шуларнинг ичида уларнинг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиши ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Инсон экологик ҳуқуқларини ифодалаш ва рўёбга чиқаришнинг ҳуқуқий асосларини яратиш «воситаси» сифатида ҳуқуқ ижодкорлиги тушунчаси ва тавсифларига бирмунча батафсил тўхталиб ўтиш лозим. Қолаверса, бу масала давлат ва ҳуқуқ назарияси фанининг долзарб масалаларидан биридир. Бундай долзарблик Ўзбекистонда ҳуқуқ ижодкорлигининг инсон ҳуқуқ ва манфаатларига мос ва хос эканлиги, уларни тўлиқ қамраб олганлиги, ҳуқуқ ва манфаатларни белгилаш ва рўёбга чиқаришда жамиятдаги мавжуд кайфият ва мойилликларнинг ҳисобга олинishi, умуман олганда, давлат ва ҳуқуқнинг моҳияти ва функциялари инсон ҳуқуқ ва манфаатларига бўйсунганлиги ва уларга хизмат қилишлиги билан изоҳланади.

Ўз моҳиятига кўра, ҳуқуқ ижодкорлиги халқ иродасини қонун даражасига кўтариш, уни барча учун умуммажбурий юридик қоидалар тарзида ифода этишдан иборатдир. Бу ҳуқуқ ижодкорлигининг умум тан олинган тушунчасидир. Илмий адабиётларда ҳуқуқ ижодкорлигининг бундан кенгрок тушунчасини учратиш мумкин. Жумладан, ҳуқуқ ижодкорлиги нафақат халқ иродасини қонун даражасига кўтаради, балки «партиялар, давлат ва жамиятнинг сиёсий курсини ифодаловчи ҳуқуқий актлар яратади»¹, деб тушунтириш ҳам мавжуд. Илмий манбаларда ҳуқуқ ижодкорлигини аксарият ҳолларда давлатнинг тегишли ваколатга эга бўлган турли органлари амалга оширади деб тушунтиришади. Давлат ҳокимияти ва бошқарув (ижро этувчи) органларининг фаолияти орқали ҳуқуқий нормаларнинг асосий мажмуини яратади².

¹ Общая теория государства и права. Академический курс в 3 томах. Т.2. // М.:Издательство «Норма», 2010. 397-б.

² *Одиқориев Х.Т., Тультеев Г., Мухамедов Ў.* Икки палатали парламент. ИИВ Академияси. 2004. 71-б.

Юкоридаги тушунчаларда давлат ҳуқуқ ижодкори бўлиб, сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар ва бошқа жамоат бирлашмаларининг гўёки ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятидаги иштироки эътиборга олинмагандек. Бироқ бу жараённинг том маънодаги субъектлари бўлмаса ҳам, «иштирок этиш» ваколатлари нуктаи назаридан уларнинг ролини инкор этиш катта хатолик бўлар эди.

Сиёсий партиялар ва оммавий-ижтимоий ҳаракатларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни яратишдаги иштирокини биз шартли равишда бир-бирдан фарк қиладиган икки хил жараёнда амалга оширилади, деб ҳисоблаймиз. Биринчи ҳолатда улар соф жамоат бирлашмаси сифатида (парламентдаги партия фракцияси эмас) бундай жараёнларда иштирок этадилар. Бу ҳолатга уларнинг давлатни бошқаришда иштирок этишининг бир шакли сифатида қаралиб, ҳуқуқ ижодкорлиги деб аталади. Иккинчи ҳолатда бу бирлашмалар парламентдаги депутатлар фракциялари ва Экоҳаракат депутатлар гуруҳи сифатида бевосита қонун ижодкорлигининг субъекти сифатида фаолият юритадилар. Бу жараён ҳуқуқ ижодкорлигидан фарк қилиб, қонун ижодкорлиги деб аталади. Сиёсий партиялар ва оммавий ҳаракатларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар яратишда иштирок этишини икки хил шаклда амалга оширади, деб ҳисоблашнинг куйидагича назарий ва ҳуқуқий асослари мавжуд.

Юридик адабиётларда ҳуқуқ ижодкорлиги «қонун ижодкорлиги»га қараганда ўзгача тушунча касб этиши ва ундан кенг тушунча эканлигига алоҳида эътибор қаратилади. «Ҳуқуқ ижодкорлиги, — деб ёзади Х.Т.Одилқориев ва Ш.У.Якубовлар, — ҳуқуқ яратишнинг нисбатан кенгрок жараён бўлган таркибий қисми ҳисобланади»¹. «Қонунчилик (қонунни яратиш) жараёни — давлат олий вакиллик органининг Конституцияда белгиланган янги қонунлар яратишга, амалдаги қонунларга қўшимча ва ўзгартиришлар кири-

¹ *Одилқориев Х.Т., Якубов Ш.У.* Миллий ҳуқуқий тизим ва миллий кадриятлар. 2010. 252-б.

тишга қаратилган, шунингдек, эскирган қонунларни бекор қилиш борасидаги ҳаракатлари йиғиндиси бўлиб, у қонун билан тартибга солиниши зарур бўлган муносабатларни аниқлаш, қонун лойиҳасини тайёрлаш, уни муҳокама этиш ва қабул қилишни ўз ичига олади»¹. ...қонунчилик жараёни асосан парламентнинг қонун яратиш фаолияти тартиби бўлиб қолаверади².

Қонун чиқариш жараёни ҳуқуқ ижодкорлигидаги асосий шакллардан бири саналади³. Бошқа бир илмий манбада қонун ижодкорлиги ҳуқуқ ижодкорлиги бешта турининг алоҳида бир туридир деб таъкидланади⁴.

Таъкидлаш керакки, айрим илмий манбаларда «ҳуқуқ ижодкорлиги» ва «қонун ижодкорлиги»нинг фаркига берилмайди. Чунончи, таниқли олим З.И.Исламовнинг «Давлат ва ҳуқуқ назарияси» китобида: «**Ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнида** қуйидаги функциялар: қонунларнинг янгиланиши, яъни янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни чоп этиш; эскирган юридик ҳужжатларни барҳам топтириш, уларни бекор қилиш; ҳуқуқдаги бўшлиқларни тўлдириш амалга оширилади»⁵ деб ҳисоблайди. «Ҳуқуқ ижодкорлиги давлат фаолиятининг шундай турики, унинг натижасида халқ иродаси **қонун мақомига кўтарилади**, ҳуқуқ нормасида, ҳуқуқнинг муайян манбаида ўз ифодасини топади»⁶.

Айрим илмий манбаларда жамоатчиликнинг қонун лойиҳалари ишлаб чиқилиши борасидаги ваколатлари тан олинсада, бироқ бу ҳолат қонун ишлаб чиқариш жараёни деб талқин қилинади. Бунга мисол қилиб қуйидаги фикр-

¹ *Одилқориев Х.Т.* Конституция ва фуқаролик жамияти. 250-б.

² *Ўша жойда.* 251-б.

³ *Одилқориев Х.Т., Якубов Ш.У.* Миллий ҳуқуқий тизим ва миллий кадриятлар. 252-б.

⁴ Ҳуқуқ ижодкорлигининг бешта турига: қонун ижодкорлиги, қонун ости ҳуқуқ ижодкорлиги, бевосита ҳуқуқ ижодкорлиги, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари локал норма ижодкорлиги, шартномавий норма ижодкорлиги. Қаранг: *Общая теория государства и права. Академический курс в 3 томах. Т. 2.* 404-б.

⁵ *Исламов З.М.* Давлат ва ҳуқуқ назарияси. 590-б.

⁶ *Шу асар.* 585-б.

ларни келтириш мумкин. Сиёсий партиялар, оммавий-ижтимоий ҳаракатлар ва бошқа жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнларидаги иштирокини айрим муаллифлар «қонун ижодкорлиги соҳасидаги жамоат назорати» деб тавсифлаб, унинг мазмунига «жамоатчиликнинг қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш, қонун лойиҳаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қонун лойиҳаларини тайёрлаш ҳамда қонун лойиҳаларига таклифлар ишлаб чиқиш, қонунлар ижросини таъминлашни талаб қилиш сингари усул ва воситалар» киришини таъкидлайди¹. Бошқа бир муаллифлар эса қонун ижодкорлигини «фуқароларнинг экологик ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда экологик хавфсизликни таъминлашда итроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардин оқилона фойдаланиш мақсадида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ўзгартиришлар киритиш юзасидан тегишли лойиҳалар тайёрлаш ишларида бевосита иштирок этиш ишларини тушунишни таклиф этадилар².

Сиёсий партиялар ва оммавий-ижтимоий ҳаракатларнинг парламентдаги вакиллари орқали инсон экологик ҳуқуқларига тааллуқли қонун ижодкорлигида фаолият юритишининг ҳуқуқ ижодкорлигида қатнашишидан фарқи борлигини кўрсатиб ўтиш учун илмий манбалардаги «ҳуқуқ ижодкорлиги»нинг таърифига эътибор қаратамиз. Чунончи, «Халқ, давлат органлари (ҳокимият ва бошқарув органлари), мансабдор шахслар ҳуқуқ ижодкорлари субъектлари сифатида майдонга чиқадилар. Шунга боғлиқ равишда ҳуқуқ ижодкорлигининг қуйидаги турларини ажратиш кўрсатиш мумкин: халқнинг бевосита ҳуқуқ ижодкорлиги; давлат органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги; мансабдор шахсларнинг ҳуқуқ ижодкорлиги³».

¹ Утегенов О.Д. Жамоат экологик назоратини ҳуқуқий тартибга солиш. Юрид. фан. номз. дисс. ... автореф. —Тошкент: 2010. 9-б.

² Хамраев Ў.Р. Экологик қонунчилик талабларини амалга оширишда жамоат бирлашмалари иштирокининг ҳуқуқий масалалари. Ю.ф.н.дисс. ... автореферата. // Т.: 2011. 14-б.

³ Исломов З. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. // 589-590-б.

Ушбу таърифда давлат органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари билан бир қаторда халқ ҳам ҳуқуқ ижодкорлигининг субъекти бўлиши мумкинлиги кўрсатилади. Сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар ва бошқа жамоат бирлашмаларини шу ўринда халқ (фукаролар)нинг ҳуқуқ ва манфаатларини ифода қилиш, рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш мақсадида фаолият юритадиган ташкилотлар деб ҳисобласак бўлади.

Бундан ташқари ҳуқуқ ижодкорлиги билан қонун ижодкорлигининг бир-биридан фарқ қиладиган бошқа фаолият эканлигини қуйидаги фикрдан ҳам кўrsa бўлади: «Давлат ҳуқуқнинг эмас, балки қонунларнинг танҳо яратувчиси ва манбаидир. Давлат ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини эмас, балки қонун ижодкорлиги фаолиятини монополлаштириб олади, шу тарзда ривожланаётган фикрларга кўра, қонун ва ҳуқуқ ижодкорлигининг натижаси сифатида қонун ва ҳуқуқ ҳеч ҳам бир-бирига мос эмас»¹.

Юқоридаги фикрлардан хулоса қилиш мумкинки, сиёсий партиялар ва оммавий-ижтимоий ҳаракатларни биргина қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этади, дейиш бундай жамоат бирлашмаларининг парламентдаги депутатлар гуруҳлари ваколатлари билан чекланиб қолишига олиб келади. Маълумки, бу бирлашмалардан сайланган депутатлар гуруҳлари улар таркибининг кичик бир қисми бўлиб, улар фаолиятини бирлашманинг айнан ўзи билан тенглаштириб бўлмайди. Уларнинг парламентдан «ташқарида» қолган асосий ташкилоти, яъни бирлашманинг ўзи том маънода қонун ижодкорлиги жараёнларида фаолият юрита олмайди. Улар умумий маънода ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнларида иштирок этиши мумкин. Мана шу ҳолатдан келиб чиқиб ҳам, ҳуқуқ ва қонун ижодкорлигини бир-биридан фарқ қиладиган жараёнлар деб қараш мақсадга мувофиқдир.

Сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар ва бошқа жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнлари-

¹ Общая теория государства и права. Академический курс. Т. 2. 3-нашри. 39-б.

да қатнашиши айрим ҳолларда нодавлат органлар (ташкilotлар)нинг ҳуқуқ ижодкорлиги деб аталади¹. «Ҳуқуқнинг шаклланишига мамлакатдаги сиёсий ҳолат, жамиятнинг турли қатламлари ва аҳоли гуруҳлари ўртасидаги ўзаро муносабат характери, сиёсий партиялар, ҳаракатлар ва жамоат бирлашмаларининг фаоллик даражаси катта таъсир кўрсатади (сиёсий факторлар)»².

Шу алфозда нодавлат ҳуқуқ ижодкорлигининг иккита тури ажратиб кўрсатилади. Биринчиси, ваколат берилган (делегированное) ҳуқуқ ижодкорлиги деб аталади. Бунда давлат бирор-бир нодавлат ташкилотга у ёки бу масала бўйича илгаридан меъёрий ҳужжат қабул қилиш ҳуқуқини бериб кўяди.

Иккинчиси, тасдиқланган ҳуқуқ ижодкорлиги деб қабул қилинади. Бунда нодавлат ташкилоти бирор-бир ҳужжатни яратди ва у давлатнинг тегишли ваколатга эга бўлган органи томонидан тасдиқланади (санкцияланади). Бундай ҳужжатларга акциядорлик ва бошқа хўжалик жамиятлари томонидан яратилган уставлар ва уларни тегишли давлат органи томонидан рўйхатга олиш мисол бўлиш мумкин³.

Ҳуқуқ ижодкорлиги тартиб-қондасининг демократизми норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни яратишда партиялар, оммавий ҳаракатлар ва бошқа жамоат бирлашмалари фаол иштирок этишини, уларнинг ташаббускорлигини, қонунчиликда назарда тутиладиган эркин, кенг ва ишчанлик руҳидаги муҳокамаларни талаб этади. Бирок бу жараён ҳуқуқ ижодкорлиги борасида қайси шаклда амалга оширилмасин, барибир давлат фаолияти, давлатнинг жамият устидан ҳукмронлик шакли эканда деган маънони

¹ Қаранг: *Исломов З.М.* Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик. // Т.: «Адолат». 2007. 590-б.; *Общая теория права и государства. В.В.Лазерев умумий таҳрири остида Дарслик, 5-нашри.* // М.: «НОРМА ИНФРА/М». 2010. 204-б.

² *Проблемы общей теории права и государства. Учеб. 2-нашри.* // М.: Издательство «Норма Инфра/М», 2010.336-б.

³ *Общая теория права и государства. В.В.Лазерев умумий таҳрири остида. Дарслик, 5-нашри.* // М.: «НОРМА ИНФРА/М». 2010. 204-б.

англатмайди. Давлат ўзининг органлари оркали ҳукукий нормаларнинг асосий қисмини яратади. Агар бундай нормаларни нодавлат ташкилотлари эълон қилса, уларнинг ҳуқуқ ижодкорлиги ваколатлари давлат томонидан белгиланади¹.

Сиёсий партиялар ва оммавий-ижтимоий ҳаракатларнинг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиши асосан норматив ҳукукий ҳужжатларни тайёрлаш, лойиҳаларни муҳокама қилиш, жамоат экспертизаси хулосаларини бериш, альтернатив лойиҳалар ишлаш ва бошқалар бўйича амалга оширилиши мумкин. Адабиётларда таъкидланганидек, улар ҳуқуқни қўллаш соҳасидаги фаолиятининг ҳуқуқ ижодкорлигига алоқаси йўқ².

Сиёсий партиялар ва оммавий-ижтимоий ҳаракатларнинг ҳуқуқ ижодкорлигида иштирок этиши умумий тушунча бўлиб, уни тавсифловчи асосий нарса бу бирлашмаларнинг нодавлат ташкилот эканлигидир. Сиёсий партиялар ва оммавий ҳаракатларнинг ҳуқуқ ижодкорлиги тушунчасини таърифлашда улар томонидан ҳуқуқ нормаларини яратишда иштирок этиш билан бундай нормаларни бевосита яратиш (референдум)ни фарқлаш лозим. Мазкур бирлашмалар томонидан референдум асосида ҳуқуқ нормалари яратиш улар амалга оширадиган ҳуқуқ ижодкорлигининг алоҳида шакли бўлиб, унда қабул қилинадиган ҳуқуқ нормалари экология муаммоларига бевосита алоқаси бўлмагани учун ҳам унга махсус тўхталмаймиз. Ундан ташқари ушбу бирлашмаларнинг ҳуқуқ ижодкорлигидаги иштироки қуйидаги услуб ва шаклларда амалга оширилади: 1) халқнинг ҳукукий ташаббускорлигини амалга ошириш; 2) ҳукукий ҳужжат (қонун) лойиҳасининг умумхалқ муҳокамасида иштирок этиш; 3) қонун лойиҳаларини жамоат экспертизасидан ўтказиш.

¹ Бу ҳақда батафсилроқ қarang: Проблемы общей теории права и государства. М.: Издательство «Норма/Инфра М», 2010. С. 333–334.

² Исломов З. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. 590-б.

Сийсий партиялар ва оммавий ҳаракатларнинг ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнларида иштирок этиши тўғрисида сўз борганда шу нарсани таъкидлаш керакки, уларнинг бундай жараёнларида қатнашиши муҳим демократик кўрсаткич бўлиб, умуман олганда мазкур ижтимоий-сий фаолиятни нафақат инсон ҳуқуқ ва манфаатларини, шу жумладан экологик ҳуқуқларини ифода этиш ва рўёбга чиқариш эмас, балки фуқароларнинг давлатни бошқарув ишларида иштирок этишининг ҳам муҳим бир шакли деб тушуниш лозим. Қошверса, илмий адабиётларда таъкидланганидек, «жамоат бирлашмалари, сийсий партиялар ва нодавлат ташкилотлар орқали кенг халқ оммасининг ҳуқуқий нормаларни яратиш ҳамда уларни амалга ошириш жараёнларига жалб этилиши мамлакатимизда шаклланаётган ҳуқуқий маданиятнинг ўзини хос хусусиятидир»¹. Бу жараённинг шаклланиши ва ривожлантирилиши мамлакатда фуқаролик жамияти юқори савияда қарор топаётганлигини англатади. Бундан ташқари, партиялар ва оммавий ҳаракатларнинг инсон экологик ҳуқуқларини ифодалаш ва рўёбга чиқаришга гавллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни яратиш жараёнларида иштирок этиши бундай ҳуқуқларнинг қафолатларини мустаҳкамлайди ва уларни реализация қилишнинг ичкил механизмларини белгилайди. Бу эса ўз навбатида инсон экологик ҳуқуқларининг моддий қафолатлари асосини ташкил этувчи атроф табиий муҳитнинг тегишли сифати ва миқдори таъминланишини такозо этади. Бошқача айтганда, бу масалада талаб (экологик ҳуқуқ) ва таклиф (соғлом атроф-муҳит) ўртасида мутаносиблик қарор топиши керак.

Ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятида партиялар ва оммавий ҳаракатлар мақомини юридик тилда «халқ ҳуқуқ ташаббускорлиги» субъекти деб баҳолаш мумкин. Уларнинг бундай ваколати «халқ ҳокимиятнинг бирдан-бир манбаи»

¹ *Одиқориев Х.Т.* Ҳуқуқий ислохотларнинг маънавий-маданий замини. Ҳуқуқий ондан юксак ҳуқуқий маданият сари (илмий-амалий конференция материаллари) / Т.: 2006. 46-б.

деган конституциявий тамойилга асосланади. Мана шу ҳуқуқий кадрятдан келиб чиқиб, сиёсий партиялар ва оммавий ҳаракатлар бевосита ҳокимиятнинг асосий субъекти бўлмиш халқнинг (аҳолининг) жамоат бирлашмасига уюшган бир гуруҳи (катлами, жамоаси) сифатида ҳуқуқий нормалар яратилишининг ташаббускори бўлиши мавжуд демократик тамойилларга мос келади. Партиялар ва оммавий ҳаракатлар ҳуқуқ ташаббускорлиги халқнинг айна шундай мақомидан ҳосил бўлади. Зотан, «Халқнинг ҳуқуқ ижодкорлиги ташаббуси деганда, халқ ёки аҳолининг муайян қисми томонидан янги ҳуқуқий-норматив ҳужжат (қонун) қабул қилинишига, амалдагисини ўзгартиришга ёки бекор қилишга йўналтирилган таклифнинг билдирилиши тушунилади»¹.

Сиёсий партиялар ва оммавий ҳаракатларнинг ўз ташаббусларига кўра норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва тақдим этиш ваколатларини Конституциянинг 83-моддасида кўрсатилган «қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи» билан тенглаштириб бўлмайди. Бу моддага биноан, «Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига Ўзбекистон Республикаси Президенти, ўз давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органи орқали Қорақалпоғистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди, Олий суди, Олий ҳўжалик суди, Бош прокурори эгадирлар ва бу ҳуқуқ қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари томонидан қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига кириштиш орқали амалга оширилади».

Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи мазкур ҳуқуқ субъектлари томонидан киритилган қонун лойиҳаси парламент томонидан кўриб чиқилиши шартлигини билдиради. Тўғри, қонунни қабул қилиш ёки қабул қилмаслик масаласини

¹ *Одилқориев Х.Т., Якубов Ш.У.* Миллий ҳуқуқий тизим ва ҳуқуқий кадрятлар. 238-б.

парламент ҳал қилади: парламент мазкур қонун лойиҳасини қабул қилишга мажбур эмас, аммо у (унинг ваколатли органи) киритилган лойиҳани кўриб чиқиши шарт.

Нодонлиқ ташкилотлар ва фуқаролар томонидан ҳуқуқ ташаббускорлигини амалга оширишнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, улар тайёрлаган лойиҳалар фақатгина парламентга қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида қонун лойиҳаларини киритадиган давлат органлари ва мансабдор шахслар орқали эмас, балки тўғридан-тўғри парламентнинг ўзига киритилиши мумкин. Шу масалада илмий манбаларда билдирилган айрим фикрларга қўшилиш қийин. Уларда таъкидланишича, «Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлмаган давлат ва жамоат идоралари ёки айрим фуқаролар таклиф этган қонун лойиҳалари ёки қонун чиқариш таклифлари мазкур ҳуқуққа эга бўлган идоралар ва шахслар орқали (Янги Мажлисга киритилиши мумкин)¹».

Гувоҳи бўлганимиздек, халқ ҳуқуқ ташаббускорлиги билан қонунчилик ташаббускорлиги жараёнлари моҳиятан бир-биридан катта фарқ қилади. Нодавлат ташкилотларининг маълум бир қонунни ишлаб чиқиш ёки қонун ҳужжатларини такомиллаштириш тўғрисидаги ташаббуси «мушайян органлар, нодавлат ташкилотлар ва мансабдор шахсларнинг қонунлар чиқариш масаласини кўйиш ва уларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқиш учун қонун чиқарувчи органга такдим этиш ҳуқуқидир»². Фуқаролар ва улар жамоат бирлашмаларининг «ташаббуси»дан фарқли ўлароқ, қонунчилик ташаббуси шундай бир ҳаракатлар йиғиндиси дирки, бунинг натижасида қонун чиқарувчи органга қонун лойиҳаси ёки қонунчилик таклифи киритилади ва парламент янги қонун чиқариш, амалдагисини ўзгартириш ёхуд бекор қилиш масаласини кўриб чиқиш учун қабул қилади³.

Партиялар, оммавий ҳаракатлар ва бошқа жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқ ташаббускорлиги маҳсули бўлмиш

¹ *Одилқориев Х.Т.* Конституция ва фуқаролик жамияти. // Т.: «Шарк». 2002. 253-б.

² *Исломов З.М.* Давлат ва ҳуқуқ назарияси. 596-б.

³ *Одилқориев Х.Т.* Конституция ва фуқаролик жамияти. 253-б.

лойиҳа, таклиф ёки ҳулосаларда халқ оммасининг кайфияти, интилишлари, эҳтиёжлари, иродаси ва бошқалар аке этади. Бундай лойиҳа, таклиф ёки ҳулосанинг мавжуд бўлиши қонун ижодкорлиги билан шугулланувчи давлат органларига ҳуқуқий ҳужжатларда халқ иродасини имқон қадар тўла ифодалаш имқониятини беради. Нафсиламбирини айтганда, ҳуқуқ ижодкорлиги натижалари халқ иродасининг бир маҳсули сифатида қонун ижодкорлиги «маҳсулотлари» учун асос ва манба бўлиб хизмат қилади.

Сиёсий партиялар ва оммавий ҳаракатларнинг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти натижасида вужудга келган ҳужжат норматив-ҳуқуқий ҳужжат бўлиши лозим. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тушунчаси «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонунда берилган. Чунончи, мазкур Қонуннинг 4-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари, Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилувчи органлар ёки мансабдор шахслар (бундан буён матнда органлар деб юритилади) ҳисобланадилар. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар турларига а) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси; б) Ўзбекистон Республикасининг қонунлари; в) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари; г) Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари; д) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари; е) вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳужжатлари; ж) маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари қиради (ушбу Қонуннинг 5-моддаси).

Сиёсий партиялар ва оммавий ҳаракатларнинг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти натижасида вужудга келган ҳужжат фақатгина қонун деб тушунилиши керак эмас, балки улар турли хил норматив-ҳуқуқий ҳужжат бўлиши лозим. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда сиёсий партиялар ва оммавий ҳаракатларнинг иштироки масаласи «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуннинг

16-моддасида куйидагича берилган: «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни тайёрлашда лойиҳани ишлаб чиқувчи орган: ... давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва жамоат бирлашмалари, шунингдек, фуқароларнинг таклифлари, оммавий ахборот воситаларининг материалларини, илмий муассасалар, олимлар ва мутахассисларнинг тавсияларини, жамоатчилик фикрини аниқлашнинг бошқа воситалари маълумотларини умумлаштиради ва улардан фойдаланади.

... Қонун лойиҳалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда умумхалқ муҳокамасига қўйилиши мумкин. Бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари жамоатчилик ёки мутахассислар муҳокамасига қўйилиши мумкин».

Илмий ишбилдириларида жамоатчилик тузилмаларининг ўзликларини асосида ҳуқуқ ижодкорлигида иштирок этиши масаласига унчалик эътибор берилмайди. Бундай жараёнларда «асосий роль ўйновчи субъект сифатида халқ майдонига чиқади»¹. Аслида ҳуқуқ ижодкорлигида халқнинг иштирокини тасвирлашда асосий эътиборни халққа берилган ташкилий-ҳуқуқий воситаларга (сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, оммавий ҳаракатлар ва ҳ.к.) ва уларнинг фаолияти масалаларига қаратиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Сиёсий партиялар ва оммавий ҳаракатларга бирлашган фуқароларнинг ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнларида иштирок этишининг энг умумий ҳуқуқий асослари ва тамойиллари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида берилган. Уларга куйидагилар киради: «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевоқиф ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади» (32-модда);

¹ *Одильқориев Х.Т., Якубов Ш.У.* Миллий ҳуқуқий тизим ва ҳуқуқий кадрлар. 242-б.

«Фуқаролар ўз ижтимоий фаолликларини Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ митинглар, йиғилишлар ва намойишлар шаклида амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар» (33-модда); «Ўзбекистон Республикаси фуқаролари касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Сиёсий партиялар, жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда, шунингдек, хокимиятнинг вакиллик органларида озчиликни ташкил этувчи муҳолифатчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қадр-қимматини ҳеч ким камситиши мумкин эмас» (34-модда); «Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан муурожаат қилиш ҳуқуқига эга» (35-модда) ва бошқалар.

Илмий адабиётларда ифодаланган халқнинг ҳуқуқ ижодкорлигида иштирокининг асосида ётиши мумкин бўлган омиллар биринчи навбатда жамоат тузилмалари томонидан ҳис этилади ва муомалага чиқарилади. Шу билан ҳам халқ тушунчасига тааллуқли ҳулосалар асосида оммавий ҳаракатларга хос бўлган хусусиятларни изҳор этамиз. Халқ вакилларидан иборат бўлган оммавий ҳаракатлар ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятида иштирок этишининг ўзига яраша хусусиятларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятида ўз манфаатларини устувор ўринга кўяди ва шу асосда фикр билдиради;

ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятида қатнашувчи фуқаролар омма орасидаги эҳтиёжлар ва муаммоларни яхши англайдилар;

ҳаракат иштирокчилари ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятида ўз ижтимоий турмуш тарзи, одат ва анъаналарини ҳисобга олган ҳолда ҳаракатланади;

жамоатчилик ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятида тарихий-маданий мерос ва азалий ижобий ҳаёт тарзи ҳамда қадриятларга асосланади.

Оммавий ҳаракатлар ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларига кўра жамият аъзоларининг турли қатламларини

ва аҳолининг ҳар хил гуруҳларини қамраб олади. Бундай ҳаракат таркибида сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан билимли, инсон, жамият ва давлат манфаатларини яхши ҳис этадиган, ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар тартибга соладиган ҳуқуқий муносабатларнинг тавсифини тушунадиган, илму фаннинг тегишли тармоқларидан хабари бўлган турли-туман соҳаларнинг вакиллари ва мутахассислари бўлиши мумкин. Умуман олганда, оммавий ҳаракат иштирокчиларининг касб ва мутахассисликлари бўйича таркиби парламентда фаолият юригадиган депутатларнинг малака ва мутахассисликларига қараганда хилма-хил ва салмоқли бўлиши мумкин. Уларнинг оммавий ҳаракатлар номидан ҳуқуқ ижодкорлигида иштирок этиши ва маълум таклиф, ҳулоса ва тавсияларни бериши айрим маънода аниқ ваколатли бўлиши мумкин. Бу қатлам ва гуруҳларнинг ҳуқуқ ижодкорлигида иштирок этишини қонуни ижодкорлигида иштирок этадиган парламент ва қонуни лойиҳаларига алоқадор бошқа субъектларга нисбатан «ташқи муҳит» иштироки деб баҳолаш мумкин. Демак, қонуни ижодкорлигининг «ҳаққоний» иштирокчиларини бундай вазиятда «ички муҳит» деб атаса бўлади.

«Ташқи муҳит» жамиятдаги вазият, кенг омманинг руҳий ҳолати, инсон, жамият ва давлат алоқаларидаги ўзаро муносабатлардаги муаммолар, уларни ҳал этишнинг йўл-йўриқлари, ҳуқуқий ҳужжатларни амалда ижро этишдаги нуқсон ва камчиликлар, уларни бартараф этиш йўллари, қонунчиликни янада такомиллаштиришнинг истиқболлари ва бошқаларни ўзида акс эттиради. Шунинг учун ҳам ҳуқуқий нормаларнинг тамал тошини қўйиш аслида шу омилларга асосланади. Кенг жамоатчилик муҳити, яъни «ташқи муҳит» қонуни ижодкорлиги жараёнларидан ташқарида бўлгани учун ҳам жамиятнинг мазмуни, моҳияти ва ривожланиш қонуниятларининг белгиловчи ролини бажаради. Бу эса ўз навбатида инсон ҳуқуқлари, шу жумладан унинг экологик ҳуқуқларини ифодалаш ва рўёбга чиқаришнинг муҳим шarti бўлиб ҳисобланади.

Жамиятнинг ҳақиқий аҳволи, объектив ҳақиқат ва кишиларнинг реал ҳулк-атвори мана шу оммавий ҳаракат иш-

тирокчиларининг онгида акс этади. Бошқача қилиб айтганда, бу муҳит ҳуқуқий нормаларни яратиш учун жамиятдаги манба бўлиб ҳисобланади. Мана шу манба қонунчиликаи ривожлантириш учун дастлабки ва энг асосий куч бўлиб юзага чиқади. Ҳуқуқий нормалар шу манбадан куч олиб ва унга таяниб ривожланади ҳамда ўзлари ҳам шу муҳитга мос бўлиши, ундаги зарурият ва қонуниятларни илғаб олиб, уни янада ривожлантириш учун хизмат қилиши лозим. Бундай ҳолатларни ҳисобга олмасдан туриб инсон экологик ҳуқуқларини ҳуқуқ нормаларида акс эттириш ва рўёбга чиқарилишини таъминлаш мумкин эмас.

Омма (халқ) нинг ҳуқуқ ижодкорлигида иштирок этишини демократик давлатга хос энг улуғ қадрият эканлигини таъкидлаб, Х.Одилқориев ва Ш.Якубовлар шундай деб ёзади: «Халқнинг бевосита ҳуқуқ ижодкорлиги ахлоқий, миллий, маънавий қадриятларни қонунчиликка олиб киришнинг қулай, раво ва оқилона йўлидир. Бошқача айтганда, анъаналар ҳамда уларнинг эҳтиёжларини ифодаловчи қадриятлар, одатда халқ ҳуқуқ ижодкорлиги учун сарчашма манбаи бўлиб хизмат қилади»¹.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, жамият аъзоларининг оммавий ҳаракатларга бирлашган «ташқи муҳити»ни тавсифловчи қисмига хос бўлган қуйидаги омилларни ажратиб кўрсатиш мумкин: а) ҳуқуқ нормаларининг яратилиши ва ривожланиши учун манба бўлиши; б) жамият ривожланиши қонуниятларини аниқ ва объектив ифода этиши; в) ҳуқуқ нормаларининг янгилаш, ўзгартириш ва бекор қилиш заруриятини ифодалаш; г) талабларни «қондириш» учун яратилган янги ҳуқуқий нормаларни қабул қилиши, ўзига сингдириши ва самарасини таъминлаши; д) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар амалий ва назарий сифатларининг яхшиланишига улуш қўшиши; е) ҳуқуқий тартибга солиш мақсад ва вазифаларининг оптимал таъминлаши ва х.к.

¹ *Одилқориев Х.Т., Якубов Ш.У.* Миллий ҳуқуқий тизим ва ҳуқуқий қадриятлар. 239-б.

Нодавлат ташкилотлар ва бошқалар таклиф қилган лойиҳаларни Парламент кўриб чиқиши шарт эмас. Шу боисдан ҳам қонун лойиҳаларини ишлаш оммавий ҳаракатларнинг нақд ҳуқуқи эмас, балки потенциал ҳуқуқи бўлиб ҳисобланади. Улар бундай ҳуқукдан зарурият туғилганда, вақтинлиги билан фойдаланадилар.

Жамоат бирлашмаларининг бир тури сифатида оммавий ҳаракатларнинг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятида иштирок этишининг ҳуқуқий асосларини «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонуннинг 3- ва 15-моддаларида кўриш мумкин. Хусусан, Қонуннинг 3-моддасида жамоат бирлашмаларини тузишдан кўзда тутилган мақсад «Жамоат бирлашмалари фуқаролик, сиёсий, ижтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар ҳамда эркинликларни рўйбга чиқариш ва ҳимоя қилиш; фуқароларнинг фаоллиги ва ташаббускорлигини, давлат ва жамият ишларини бошқаришда уларнинг иштирок этишини ривожлантириш ...» эканлиги белгилаб қўйилган. Зеро, фуқароларнинг фаоллиги ва ташаббускорлиги, давлат ва жамият ишларини бошқаришдаги иштироки деганда, уларнинг тегишли давлат органларига айрим қонун лойиҳалари ва бошқалар бўйича таклифлар бериши ҳам назарда тутилиши мумкин.

Оммавий ҳаракатларнинг ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнларида иштирок этиш ҳуқуқи юқоридаги Қонуннинг 15-моддасида бирмунча аниқроқ қилиб белгиланган. Жумладан, улар қонунда кўзда тутилган ҳолларда ва тартибда давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларини тузишда қатнашади; давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг қарорларини тайёрлашда иштирок этади. Бу ерда «қарорлар» ифодасини Конституциянинг 30-моддасида аке эттирилган «қарорлар» ифодасидек кенг маънода, яъни қонунлар тайёрлашда ҳам иштирок этади, деб тушуниш лозим¹.

¹ Конституциянинг 30-моддасига биноан «Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозим.

Оммавий ҳаракатларнинг ҳуқуқ ташаббускорлиги ваколати асосида инсон экологик ҳуқуқларига доир ҳуқуқ ижодкорлигида иштирок этиши «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида» Қонуннинг 7-моддасида янада аниқроқ берилган. Бу ерда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ҳуқуқлари кўрсатилган бўлиб, уларнинг ичида «ижтимоий ҳаётнинг турли масалаларига доир ташаббуслар билан чиқиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига таклифлар киритиш; давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг қарорларини ишлаб чиқишда қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда иштирок этиш» каби ҳуқуқлари биз сўз юритаётган масалага бевосита тааллуқлидир. Мазкур Қонуннинг бундай қондаси Ўзбекистон Президенти И.Каримовнинг «Жамиятда демократия қай даражада эканлигини белгиловчи камида учта мезон бор, булар – халқ қарорлар қабул қилиш жараёнларидан қанчалик хабардорлиги, ҳукумат қарорлари халқ томонидан қанчалик назорат қилиниши, оддий фуқаролар давлатни бошқаришда қанчалик иштирок этишидир»¹ деган сўзларига айтилиши мумкин.

Оммавий ҳаракатлар ичида Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳам ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнининг ҳақли равишда мустақил субъекти бўлиб ҳисобланади. «Ҳаракат фаолиятининг асосий мақсади – ёшларни бирлаштириш, соғлом турмуш талаблари асосида тарбиялаш, жамиятда муносиб ўрин эгаллашига кўмаклашиш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, ёш йигит-қизларнинг ўз ақлзаковати, куч-ғайратини тўла намоеъ этиши учун зарур шарт-шароит яратиб бериш, ёш авлоднинг таянчи ва суянчи бўлишдан иборатдир»².

Мана шундай мақсадни амалга ошириш борасида «Камолот» ҳуқуқ ижодкорлигига тааллуқли бўлган вазифаларни амалга оширади. Хусусан, унинг Уставида бел-

¹ И. Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-ж. // Т.: 1998. 156–157-б.

² Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ЁИХ нинг Дастури (янгиласи таҳрири). 2-б.

гилянган сиёсий-ҳуқуқий вазифаларига «Ёшларга доир қонун лойиҳалари, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар муҳокамасида иштирок этиш, ёшлармуаммоларини ўрганиш ва уларни ҳал қилиш юзасидан давлат ҳокимиятининг қонунчилиги ва ижроия органларига ўз таклифларини кириштириш» кўрсатилган¹.

Бундан ташқари, «Қамолот» ЁИХ Уставининг 11-бандида белгиланган мақсадларига биноан «давлат ёшлар сиёсатини шакллантириш ва рўёбга чиқаришда, бевосита болалар ва ёшларга тааллуқли қонун ҳужжатлари, ижроия норматив аклари ва барча поғонадаги ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва жамоат экспертизасида иштирок этиш, уларни рўёбга чиқариш механизмларини яратишда иштирок этиш» вазифаларини бажариши ақс эгтирилган². Бундай вазифаларни бажариш замирида мазкур Ҳаракатнинг ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнларида иштирок этиши ва шу зайдда экологик фойдалиги, шунингдек, инсон ҳуқуқларини йодолаш ва рўёбга чиқариши амалга ошириши мумкинлиги назарда тутилади.

Ўзбекистон экологик ҳаракати оммавий ҳаракат сифатида ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнида тегишли «ташаббус» билан иштирок этиши Ҳаракат Уставининг 2.1.3-бандида ақс эгтирилган. Унга кўра, Экоҳаракатнинг мақсадларидан бири «қонунчилиги талабларига риоя этган ҳолда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, инсон саломатлигини сақлаш ва экологик ҳавфсизликни таъминлаш борасидаги умуммажбурий тусга эга норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалга оширилишини таъминлаш, шунингдек, ушбу соҳага оид зарур қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилиши юзасидан ташаббуслар билан чиқиш³»дир.

¹ Ўзбекистон Республикаси «Қамолот» ЁИХнинг Дастури (янги таҳрири). 2-б.

² Уша жойда. 11-банд.

³ Ўзбекистон экологик ҳаракати Устави // Т. 2008. 4-б.

Юкорида кўриб ўтганимиздек, Экоҳаракат қонун ижодкорлиги фаолиятининг ҳаққоний субъекти бўлиш билан бир қаторда ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнларида ҳам иштирок этиш имкониятларига эга бўлиши мумкин. Оммавий ҳаракатлар ичида Ўзбекистон ёшлар ижтимоий ҳаракати «Камолот» ҳам ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнининг субъекти бўлиши мумкин. Оммавий ҳаракатлар ва шунингдек бошқа нодавлат ташкилотларнинг ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнларида қатнашиши юридик адабиётларда нодавлат органлар (ташкилотлар)нинг ҳуқуқ ижодкорлиги деб аталади¹.

Ҳозирги пайтда инсон экологик ҳуқуқларига тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг яратилишида Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг роли тобора ортиб бормоқда. Унинг бу соҳадаги вазифалари оммавий ҳаракат бўлган Экоҳаракатнинг мазмун ва моҳиятидан келиб чиқади. Шунга кўра, Экоҳаракат Ўзбекистон фуқароларининг ҳозирги ва келгуси авлоди кулай атроф-муҳит шароитида яшаш, аҳоли саломатлигини яхшилаш, барча табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш ҳуқуқларини ҳамда уларга сўзсиз риоя этилишини таъминлашга қаратилган янгиланиш жараёнларини янада чуқурлаштиришда жамиятнинг бор куч ва салоҳиятини сифарбар қилишга интилади².

Экоҳаракатнинг ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнларида иштирок этишининг янада кенгрок ва тўлиқрок ифодаси Ўзбекистон экологик ҳаракати Дастурининг 11-бўлимида акс эттирилган. Унда ёзилишича, «Экоҳаракат давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органлари томонидан экологик ва табиатни муҳофаза қилиш борасидаги масалаларни ҳуқуқий тартибга солиш-

¹ Қаранг: *Исломов З.М.* Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик. // Т.: «Адолат», 2007. 590-б.; *Общая теория права и государства. В.В.Лазерев умумий таҳрири остида.* Дарслик, 5-нашри. // М.: «НОРМА ИНФРА/ М». 2010. 204-б.

² Ўзбекистон экологик ҳаракати: саволлар ва жавоблар. // Т.: 2009. 4-б.

ни такомиллаштириш, экологик ва аҳоли саломатлиги муҳофазаси соҳасидаги қонунчиликни халқаро ҳуқуқнинг умумтаътироф этилган нормалари ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ ҳолда риоялантириш мақсадида янги қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши, амалдаги қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ҳамда қўшимчалар киритилиши бўйича ташаббуслар билан чиқади»¹. Ушбу қоида Экоҳаракатнинг ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнларида мустақил равишда ҳуқуқ ташаббускорлигининг субъекти сифатида «халқ ҳуқуқ ташаббускорлиги»ни рўёбга чиқаришда иштирок этишининг асосларини белгилайди. Бундай «иштирок этиш» эса пировард натижада инсон экологик ҳуқуқларини рўёбга чиқариш ва таъминлашни ҳам қамраб олади.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, Ўзбекистонда сиёсий партиялар, оммавий-ижтимоий ҳаракатлар ва бошқа жамоат бирлашмалари табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, шунингдек шундай фаолиятнинг туб моҳияти ўларок, инсон экологик ҳуқуқларини ифода этиш ва рўёбга чиқаришга тааллуқли ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнларида тўлақонли ҳолда иштирок этиш имкониятларига ва ҳуқуқий қафолатларига эгадир. Уларнинг бундай фаолияти натижасида ҳосил бўлган лойиҳалар, таклифлар, хулосалар, фикрлар ва ҳ.к.лар инсон экологик ҳуқуқларига тааллуқли қонунларни парламентда қабул қилиш учун асос (манба) бўлиб хизмат қилади. Уларнинг экологик ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти парламентдаги қонун ижодкорлигининг мазмунини ва моҳиятини белгилаб беради. Бу ҳолат парламентгача бўлган ва парламентдаги ҳуқуқий нормалар яратиш жараёнларининг тўлиқ демократик тамойиллар асосида амалга оширилишини ва улар бир-бирининг ажралмас қисми эканлигидан далolat беради.

¹ Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг дастури. // Т.: «Чинор ЕНК». 2009. 5-б.

3.2. Сиёсий партиялар ва Экоҳаракат: қонун ижодкорлиги фаолиятида инсон экологик ҳуқуқларини ифодалаш ва рўёбга чиқариш

Қонун ижодкорлигининг инсон экологик ҳуқуқларига тааллуқли аҳамиятини уч хил маънода тушунтириш мумкин. Биринчиси, мазкур фаолият натижасида бундай ҳуқуқлар қонунларда белгиланади, яъни тан олинади, агар тан олинган бўлса, уларнинг мавқеи кучайтирилади. Иккинчиси, инсон ҳуқуқларининг ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа кафолатлари ҳамда ҳимоя қилиш механизмлари яратилади ёки такомиллаштирилади. Учинчиси, қонун чиқаришга бевосита алоқаси бўлмаса ҳам, инсон ҳуқуқларининг ҳаққоний (реал), амалий долзарб бўлишини ва ижро этилишини таъминлашга хизмат қиладиган «парламент назорати» деб аталувчи фаолият амалга оширилади. Бу ерда шу нарсани унутмаслик керакки, қонун ижодкорлиги мутлақ мустақил ёки фуқаролик жамиятидан ажратиб қўйилган фаолият эмас. У парламентгача бўлган ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнларига таянади, уларда юзага келган халқ ҳуқуқ ташаббускорлиги натижаларини манба килиб олади ва мунтазам равишда парламент «сирти»даги жараёнлар билан узвий боғлиқ бўлади. Шунингдек қонун ижодкорлиги кўпчилик ҳолларда халқ ҳуқуқ ташаббускорлигига бўйсунди, бундаги ҳуқуқий ташаббусларни ҳисобга олишга мажбурдир.

Инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, хусусан экологик ҳуқуқларининг юридик категория сифатида расман яратилиши ва кафолатланиши қонун ижодкорлиги фаолиятида амалга оширилади. Қонун ижодкорлиги ҳуқуқий нормаларни яратишга, шунингдек, уларни янада такомиллаштириш, ўзгартириш ва бекор қилишга қаратилган давлат фаолиятининг шаклидир¹. Қонун давлат ҳокимияти маҳсули фаолиятининг маҳсули сифатида вужудга келади. Давлат амрининг олий ифодаси бўлмиш

¹ Проблемы общей теории права и государства. Дарслик. В.С.Нерсесян таҳрири остида. 2-нашри. // М.: «Норма Инфра/М»: 2010. 333-б.

қонуи, ҳокимиятнинг алоҳида ваколатли органи томонидан амалга ошириладиган мураккаб жараён натижасида яратилади¹.

Қонун ижодкорлигини «давлат фаолияти» ёки «давлат ҳокимияти махсус фаолияти» деб тан олиниши уни фақат давлат органлари амалга оширади деган хулосани англатмайди. Қонун ижодкорлиги «асосан парламентнинг қонун яратиш фаолияти» бўлса ҳам, унинг амалга оширилиши биргина давлат ҳокимияти органлари томонидан бажарилмайди. Парламент давлатнинг қонун чиқарувчи идкилик органи бўлгани билан у фуқароларнинг, сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар ва жамоатчиликнинг бе-назир демократик кадрият бўлган «минбари»дир. Қонун ижодкорлиги давлат ҳокимиятининг фуқаролик жамияти тузилмалари билан биргаликдаги фаолиятидир. Бу жараён ҳар иккала томон амалга оширадиган келишув бўлиб, у давлат ҳокимиятининг фуқаролик жамияти манфаатларига хизмат қилиши ва бўйсунishi тамойилига асосланади.

Инсон экологик ҳуқуқлари инсоннинг бошқа барча ҳуқуқ ва эркинликлари каторида қонун ижодкорлигининг таркибий қисмига айланган барча сиёсий партиялар фракциялари томонидан қонунлар яратиш жараёнларида ифодаланади, ҳуқуқий кадриятлар сифатида улар фаолиятининг асосий мазмуни бўлиб ҳисобланади. Яқин-яқинларгача инсон экологик ҳуқуқларига тааллуқли қонун ижодкорлиги парламентга жалб қилинган сиёсий кучлар нуктаи назаридан фақатгина сиёсий партиялар томонидан амалга оширилар эди. Бироқ давлат сиёсатида экология муаммоларига ва шунга кўра инсон экологик ҳуқуқларига эътибор борган сари муҳим аҳамият касб этаётганлиги, Ўзбекистонда экология масалалари билан шуғулланадиган оммавий ҳаракатнинг тузилганлиги, қонун ижодкорлигида Экоҳаракат депутатлар гуруҳи

¹ *Одилқориев Х.Т.* Конституция ва фуқаролик жамияти. // Т.: «Шарқ», 2002. 250-б.

алоҳида «ўрин» эгаллаганлиги билан экология муаммолари, хусусан инсон экологик ҳуқуқлари масалаларини қамраб олиш махсус фаолият даражасига кўтарилди. Бу воқеликнинг энг муҳим жиҳати шундан иборатки, инсон экологик ҳуқуқларига тааллуқли қонун ижодкорлиги эндиликда биргина сиёсий партиялар фракциялари билан чекланиб қолмайди. Бу жараёнда барча сиёсий партиялар фракциялари билан бир қаторда Экоҳаракат депутатлари ҳам тенг ҳуқуқлар асосида иштирок этиши қонун ижодкорлиги борасида эришилган катта ютуқдир. Бу ютуқ Ўзбекистонда парламентаризмни жаҳондаги энг замонавий, яъни «яшил маркали» парламентлар даражасига ҳақли равишда кўтарилишига олиб келди.

Қонун ижодкорлигида экология муаммоларига, хусусан инсон экологик ҳуқуқларига тааллуқли масалалар билан махсус шуғулланадиган «эколог» депутатлар гуруҳининг мавжудлиги уларни бошқа, масалан, ижтимоий ёки иқтисодий масалалардан устувор ёки биринчи навбатдаги қилиб белгиланишини аниқлатмайди. Шу ўринда инсон экологик ҳуқуқларини унинг бошқа ҳуқуқ ва манфаатларига қараганда устувор деб тушунмаслик ҳам лозим. Худди шундай алфозда давлатнинг иқтисодий ёки ижтимоий манфаатларига қараганда экологик манфаатлар устун эканда, деган фикр ҳам бўлиши мумкин эмас. Ҳуқуқ ва манфаатларнинг нисбатига келганда, шуни таъкидлаш керакки, фуқароларнинг барча ҳуқуқ ва манфаатлари тенг, яъни улар ҳаммага бир хил сифатда ва ҳажмда тааллуқли бўлади. Давлат манфаатларини турли тармоқ (иқтисодий, ижтимоий ва ҳ.к.) ларга ажратиш мумкин, бироқ уларни ҳам бирини паст, бирини юқори деб баҳолаб бўлмайди. Қонун ижодкорлигида манфаатларни ифдалашда шундай тенглик таъминланиши шарт. «Қонун чиқарувчининг ҳақиқий устакорлиги, – деб ёзади проф. Э.Х.Халилов, – фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шахсий ва жамоат манфаатлари орасидаги оптимал чегараларни белгилаш, бу чегараларни на фуқаролар, на давлат ва унинг мансабдор шахслари томонидан бузилишига йўл қўядиган

ҳар қандай имкониятларни бартараф қилишда ўз ифодасини топади¹».

Бошқа томондан олиб қараганда қонун ижодкорлигида Экоҳаракат депутатлар гуруҳи иштирокини бунда экология муаммолари, хусусан инсон экологик ҳуқуқларига тааллуқли масалаларни маълум бир тор тармоққа ёки жамият маълум қатламларига тегишли корпоратив манфаатларни ифода этади, деб ҳам ўйламаслик керак. Экология ва инсон экологик ҳуқуқлари масалалари фақатгина индивидларга эмас, балки бутун кишилик жамиятига тегишли, бу масалаларнинг ҳал этилганлиги ёки етарли таъминланганлиги бутун жамият манфаатларидан келиб чиқади ва уларнинг инъикоси ҳисобланади. Инсонга табиат неъматларини зарур сифатлар ва миқдорларда таъминлаб бериш ҳар қандай давлатнинг, шу жумладан Ўзбекистоннинг ҳам муҳим вазифасидир. Шу боисдан ҳам қонун ижодкорлигида экологик ҳуқуқ ва манфаатларни камраб олиш умумдавлат аҳамияти нуқтаи назардан амалга оширилади. Қонун ижодкорлигида сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар ва бошқа жамоат бирлашмаларининг иштироки умумдавлат аҳамиятига эга бўлиши лозим, деган илмий қарашлардан² келиб чиқиб айтиш керакки, бундан ташқари экологик ҳуқуқ ва манфаатлар ҳам умумдавлат эркига мос келади. Парламентда экологик ҳуқуқ ва манфаатларга тааллуқли фаолият ундаги бошқа сиёсий тузилмалар олға сураётган ғоя ва дастурлардан фарқ қилиши мумкин, лекин улар ҳам умуммиллий эрк ва ғояларга мос келади.

Инсон экологик ҳуқуқларини қонун ижодкорлиги жараёнларида янада тўлиқ ифодалаш ва рўёбга чиқариш мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ҳаётни демократлаштириш ва либераллаштиришнинг

¹ Халилов Э.Х. Высший законодательный орган Республики Узбекистан: от формального представительства до реального парламентаризма. – Т.: «Ўзбекистон». 2001. 72-б.

² Қаранг: Лапаева В.В. Фракции и депутатские группы в Государственной Думе как субъекты парламентского процесса // Законодательство и экономика. 1998. № 4. 8-б.

асосий мақсадларидан келиб чиқади. Ҳозирги ҳуқуқий ҳаётимизнинг асл моҳияти ва муҳим хусусияти шундаки, яхлит воқелик сифатидаги ҳуқуқий тизим ҳамда унинг ҳар бир таркибий бўғини, яъни ҳуқуқ нормалари, ҳуқуқ ижодкорлиги жараёни, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқий муносабатлар, юридик муассасалар тизими, юридик амалиёт, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий сиёсат, ҳуқуқий маданият ва шу қабилар алоҳида институт сифатида модернизация қилинмоқда¹. Модернизациялаш жараёнларининг маъзида инсон ҳуқуқ ва манфаатларининг устуворлигини таъминлаш, ҳозирги пайтда «долзарб» бўлган ҳуқуқлар билан бир қаторда бошқа ҳуқуқларни, яъни инсоннинг табиий ҳуқуқлари сирасига кирувчи экологик ҳуқуқларни ҳам «долзарб» ҳуқуқлар сифатида ифодалаш, қарор топтириш ва ҳимоя қилиш масалалари ётади. Бундай ҳуқуқларнинг рўёбга чиқарилишини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатларини қабул қилиш ва уларнинг ижро этилиши устидан тегишли назоратни амалга оширишда сиёсий партиялар ва оммавий ҳаракат (Экоҳаракат)нинг қонун ижодкорлигида иштироки ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш фаолияти муҳим роль ўйнайди.

Сиёсий партияларнинг қонун чиқарувчи вакиллик органи фаолиятида иштирок этиши, шу асосда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ифодалаш, қарор топтириш, рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилишни амалга ошириш уларнинг ҳокимият тизимида сиёсий куч сифатидаги фаолиятининг асосий моҳиятидан келиб чиқади. Бу соҳада партиялар фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини илғаб олиб, уларнинг ўзаро ўхшаш манфаатларини бирлаштиради. Бунда улар аҳоли турли гуруҳ ва катламларининг сиёсий интилишларини партиявий доирага жамлаб, парламентга етказувчи, ўз аъзолари ва хайрихоҳларини сиёсий жараёнларга сафарбар этувчи, шунингдек, фуқароларни бу жараёнда фаол ишти-

¹ *Одильқориев Х.Т., Якубов Ш.У.* Миллий ҳуқуқий тизим ва ҳуқуқий кадриятлар. 72-б.

рок этишга рағбатлантириш воситаси эканлиги яққол иямоёи бўлади. Шу ўринда партияларнинг қонун ижодкорлиги жараёнларида инсон экологик ҳуқуқлари ва манфаатларини муҳим билиб, ифода этиши ва рўёбга чиқариши алоҳида аҳамиятга эга.

Сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар ва бошқа жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнларида иштирок этиб, инсон экологик ҳуқуқларини ифодалаши, қарор қилиши ва таъминлаши фуқаролик жамияти ривожланишининг юксак мавқеини билдирувчи омилдир. Ушбу ҳолатни таъкидлашда бир нарсани ёдда тутиш лозим: бу воқелик нечоғлик демократик бўлиб ҳисобланмасин, унинг мавжудлиги ва такомиллашиб бораётганлигига асосланиб сиёсий тизимда бундай институтлар давлат ҳокимияти тузилмалари ўрнини эгаллаши эвазига фаолият юритади, деб ҳисобламаслик лозим.

Илмий манбаларда тўғри таъкидланганидек, қонун ижодкорлигида сиёсий партияларга ўрин берилиши улар фаолиятини янги босқичга кўтариш баробарида, сиёсий партияларнинг жамият сиёсий тизимидаги ўрни ва ролини янада оширади¹, бироқ бу «ўрин» улар ваколатларини ҳеч бир чекловларсиз амалга оширишини, манманлик ва гегемонликка берилиб кетишини, давлат тузилмалари билан зиддиятли муносабатларни вужудга келтиришини аниқлатмайди. Аксинча, қонун ижодкорлигида сиёсий партияларнинг фаоллигини ва иш самарадорлигини оширадиган бошқа ҳолатлар, яъни улар орасидаги тортишувчанлик ва ўз ғояларини ўтказиш каби ҳислатлар доимо ривожланиб бориши керак. Президент И.Каримов сиёсий партияларнинг қонун ижодкорлик жараёнларида иштирок этишининг самарасини ошириш шакл ва усулларига тўхталиб, шундай дейди: «Айнан парламент фаолиятида, таъбир жоиз бўлса, ғоя ва дастурлар беллашуви доимий тус олиши, ҳар қандай партия ўз олдига қўйган

¹ *Ҳамидова К.* Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва жамоат бирлашмалари. – Т.: 2005. 19-б.

мақсад-муддаоларига ана шундай кураш орқали эришиши мумкин»¹.

Давлат, унинг органлари ва жамоатчилик бирлашмалари муносабатларида бирламчилик роли нимада эканлиги тўғрисида сўз кетганда XIX асрда яшаб ўтган рус юрист олими Н.М.Коркунов куйидаги фикрларни билдирган: инсоният мулоқотининг хилма-хил шакллари ичида «устуворлик роли ҳеч шубҳасиз давлатга тегишли бўлиши лозим». Шундай замонлар бўлганки, – деб ўз сўзини давом эттиради у, – давлат инсон ҳаётининг батамом ҳамма томонларини қамраб олган, шу зайлда қадимги дунёда инсон «тўлиқлигича давлат фуқароси тушунчасига тобе бўлган». Ҳозирги вақтда ҳам, – деб хулоса қилади Н.М.Коркунов, – давлат билан бир қаторда инсонлар жамоавий бирликларининг турли шакллари кам бўлмаса ҳам «давлат ижтимоий ҳаётнинг барча томонларига барибир ҳам у ёки бу ҳолатда ўз таъсирини ўтказди. Нима бўлганда ҳам инсоният тарихи аввало давлат фаолияти томонидан яратилади»². Демак, сиёсий партиялар ва оммавий ҳаракатларнинг ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнларида халқ ҳуқуқ ташаббускори сифатида парламентдан «ташқи муҳит»да туриб иштирок этганидан кўра, бевосита қонун ижодкорлиги фаолиятининг субъекти бўлиб, «давлат ва жамоат институтлари бирлиги» сифатида иштирок этиши кагта аҳамиятга эга. Уларнинг давлат фаолияти «ичида» туриб, у билан жипслашиб, сиёсий тизимнинг бир қисмига айланганлиги сўзсиз устувор аҳамият касб этади.

Сиёсий партияларнинг парламентдаги қонун ижодкорлигида фаолият юритадиган тузилмалари фракциялар деб номланади. Фракциялар тўғрисида гап кетганда, уларнинг қонун яратиш жараёнларида жамият маълум қатламлари ва гуруҳлари ҳуқуқ ва манфаатларини ифода этувчи ва рўёбга

¹ *И. Каримов*. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи. 2010 йил 28 январь.

² *Коркунов Н.М.* Лекции по общей теории права. // СПб. 1898. 235-б.

чиқарувчи тузилмалар эканлигини таъкидлаш лозим. Шу ўринда сиёсий масалаларни ҳал этиш билан шуғулланиш уларнинг ваколатларига кирмайди¹, деган фикрнинг тўғрилигига ҳеч шубҳа йўқ.

Партия фракцияларининг ваколатлари бир неча қонунлар билан аниқ қилиб белгилаб қўйилган. Чунинчи, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонуннинг 13-моддасига биноан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги сиёсий партия фракциялари қўйидаги ҳуқуқларга эга: қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартибини тузишда иштирок этиш; Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини лавозимидан озод этиш тўғрисидаги ташаббус билан Ўзбекистон Республикаси Президентига мурожаат қилиш; Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартибидаги ҳар бир масала бўйича музокараларда фракция вакилига кафолатланган сўз берилиши; тоғинли равишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикерига ва Ўзбекистон Республикаси ҳукуматига, вазирларга, шунингдек бошқа давлат органларининг раҳбарларига сўров билан мурожаат этиш; Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосарлигига, қўмиталари ва комиссиялари раислигига номзодлар бўйича таклифлар киритиш; Қонунчилик палатасининг мажлисида муҳокама қилинаётган масала бўйича фракция фикрини баён қилиш.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Қонуннинг 25-моддасига биноан фракция ва депутатлар гуруҳи: 1) Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартиби, муҳокама қилинаётган масалаларни кўриб чиқиш тартиби ва моҳияти юзасидан таклифлар ҳамда фикр-мулоҳазалар киритади; 2) Қонунчилик палатаси мажлисида муҳокама қилинаётган ҳар бир масала юзасидан музокараларда фракция, депутатлар гуруҳи вакилига кафолатланган тарзда сўз берилиши ҳуқуқидан фойдаланади; 3) келишув комиссияси ва бошқа комиссиялар

¹ Халилов Э.Х. Кўрсатқичлар. 116-б.

тузиш тўғрисида масала кўяди; 4) Қонунчилик палатаси мажлисида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига уларнинг тасарруфига кирадиган масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан мурожаат этади; 5) Қонунчилик палатаси мажлисида муҳокама қилинаётган масала юзасидан фракциянинг, депутатлар гуруҳининг фикрини Қонунчилик палатаси депутатлари ўртасида тарқатади; 6) Қонунчилик палатасининг Кенгаши, кўмиталари ва комиссиялари ишида иштирок этади; 7) Қонунчилик палатасида муҳокама қилинаётган қонун лойиҳалари ва бошқа қарорларнинг лойиҳалари юзасидан ўз таклифларини киритади; 8) ҳукумат аъзоларини уларнинг фаолияти масалалари юзасидан эшитиш тўғрисида масала кўяди.

Юқорида айтиб ўтилган партия фракцияларининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонунда белгиланган ҳуқуқлари ҳозирда эскириб, долзарблиги сусайган. Ундаги ваколатлар «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Қонунда белгиланган ваколатлар ҳажми ва мазмунидан фарқ қилади. Шу боис «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонунда кўрсатилган фракция ҳуқуқларини «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Қонунда белгиланган ваколатлари билан мослаштириш зарур. Умуман олганда, ҳар иккала қонундаги фракциялар ва депутатлар гуруҳлари ваколатларини «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»¹га асосан Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган кўшимча ва ўзгартиришларга мослаштириш зарур.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» тўғрисидаги маърузаси. – Т.: «Ўзбекистон». 2011.

Ҳозирча сиёсий партияларнинг инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ифода этиш ва рўёбга чиқариш борасидаги амалий фаолиятини жуда юқори даражада деб айтиш қийин. Бундай фикрни социологик сўровлар натижалари билан мустаҳкамлаш мумкин. Чунончи, социологик сўровда «Мамлакатимизда қонуний асосда фаолият юритаётган сиёсий партиялардан қайси бири Сизнинг сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий-маданий манфаатларингизни рўёбга чиқармоқда ва қай даражада?» деб берилган саволга респондентларнинг 28,1 %и ХДПни, 21,9 %и ЎзЛиДеПни, 15,3 %и «Адолат» СДПни, 8,3 %и «Миллий тикланиш» ДПни кўрсатишган. Респондентларнинг 14 %и «бундай партия йўқ», 12,7 %и эса «билмадим» деб жавоб берганлар¹.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси таркибига Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакилларининг депутат бўлиб кiritилиши бу орган тўғрисидаги «халқ вакиллари органи» деган тушунчани янада кенгайтиради. Шу пайтгача бу органга жамланган ҳамма депутатлар сайловларда сайланган вакиллар бўлиб ҳисобланар эди. «Барча депутатлар, – деб ёзади таниқли олим З.Исламов, – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланадилар. Айнан шунинг учун ҳам қонун чиқарувчи ҳокимият вакиллик ҳокимияти ҳисобланади. Айнан сайловлар асосида халқ ўз вакилларига ҳокимиятни топширади ва вакиллик органларига давлат ҳокимиятини амалга ошириш ваколатини беради»². Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «эколог» депутатлар гуруҳининг ташкил этилгани қонун ижодкорлигида «янги мақом»га эга бўлган депутатлар иштирок этаётганлигини кўрсатади.

¹ Қарағ: «Ижтимоий фикр» жамоатчилик марказининг 2009 йилнинг 22 октябрь – 2 ноябрь кунлари Ўзбекистон Республикасининг турли вилоятларида «Парламент ва сиёсий партиялар Ўзбекистон жамоатчилиги фикрида» мавзусида ўтказган сўров натижалари.

² Исламов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик. // Т.: 2007. 362–363-б.

Ушбу «янги мақом»ни тавсифловчи ҳолат шундан иборатки, эндиликда қонун чиқарувчи орган таркибида том маънода халқ вакилларидан ташқари бошқача маънода «вакиллик» мақомига эга бўлган депутатлар ҳам иштирок этмоқда. Бундай вазият қонун ижодкорлиги тушулчасини ҳам янги-ча, модернизациялашган шаклини келтириб чиқаради.

Айни дамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Экоҳаракат депутатлик гуруҳи ва унинг депутатлари «том маънодаги вакиллик» депутатлари билан бир қаторда қонун чиқарувчи ҳокимиятга хос қуйидаги усул ва воситалардан ҳам фойдаланиш имкониятига эгадирлар: парламент назорати, депутатлик назорати, депутатлик сўрови, мансабдор шахс ҳисоботларини тинглаш, мансабдор шахсларга тавсиялар бериш, парламент қарорини қабул қилиш, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи орқали атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, шунингдек, инсон экологик ҳуқуқларига тааллуқли қонун ҳужжатларининг қабул қилинишига эришиш ва бошқалар.

Экоҳаракат депутатлар гуруҳининг ўтган қисқа вақт ичида қонун ижодкорлиги жараёнларида иштирок этишини ўрганиш ва таҳлил қилиш мазкур фаолиятни амалга оширишда янги-ча ёндашув ва усуллар қўлланилаётганлигини кўрсатмоқда. Уларнинг айримларини кўрсатиб ўтамиз: а) хорижий давлатлар ва халқаро қонунчиликни қиёсий ўрганиш ва хулосалар қилиш; б) экологик хавфсизлик масалалари бўйича ўзга давлатларга сўров билан мурожаат қилиш; в) қонунлар ижроси устидан парламент назоратини амалга оширишда янги-ча усуллардан фойдаланиш; г) илгари қабул қилинган (амалдаги) қонунларни тафтиш қилиш асосида уларни замонавий талаб ва ўзгаришларга мослаштириб беришга муҳим эътибор бериш; д) қонун ижодкорлигида илм-фан ютуқларидан кенг фойдаланиш.

Экоҳаракат депутатлар гуруҳи томонидан хорижий давлатлар ва халқаро қонунчилик тажрибаларини ўрганиш унинг иш режаларига киритилган бўлиб, уни махсус ташкил этилган ишчи гуруҳлар амалга оширади. Энг муҳими

бу масала гуруҳнинг оддий маънодаги назорат-таҳлил фаолияти деб қаралмайди. Шу ўринда гуруҳнинг 2011-2014 йилларга мўлжалланган иш режасига мувофиқ ўтган давр давомида АҚШ, Англия, Франция, Германия, Россия, Украина, Қозоғистон ва бошқа давлатлар қонунчилиги киёсан ўрганиб чиқилганлигини ва бу иш ҳозирда давом этаётганлигини таъкидлаб ўтиш лозим.

Хорижий давлатлар қонунчилик тажрибасини ва халқаро ҳуқуқ нормаларини ўрганиш халқаро даражаларда ўтказиладиган конференция, учрашув ва бошқа тадбирларда фаол иштирок этиш орқали амалга оширилмоқда. Шу ўринда Экоҳаракат вакилларининг 2010 йил мобайнида АҚШ Атлантика кенгаши Евросиё маркази директори билан минтақавий экологик хавфсизлик ва жамоатчиликнинг трансчегаравий экологик муаммоларни ҳал қилишда иштирокига оид масалалар муҳокама қилинган учрашувини (Тошкент, 2010 й. 31 март); ЕХХТ нинг «Энергетика ва транспортни барқарор ривожлантириш соҳасида ЕХХТ минтақасида ҳамкорликни ва биргаликдаги ҳаракатларни рағбатлантириш»га бағишланган XIX Иқтисодий-экологик форумида (Вена, 2010 й. 7–8 февраль) иштирок этганлигини; ЮНЕСКО вакиллари билан ҳамкорликда «Ўзбекистонда сув ресурсларидан барқарор фойдаланиш – анъаналар, қонунчилик, фан ва таълим орқали технологиялар» мавзусидаги семинар-тренинг ўтказилганлигини (Тошкент, 2010 й. 6-7 июль); Жаҳон экологик фондининг «Шарқий Европа, Кавказ ва Марказий Осиё мамлакатларида трансчегаравий сув ресурсларини баҳолаш учун маълумотларни бошқариш бўйича захира яратиш» мавзусидаги семинар-тренингда иштирок этганлигини (Тошкент, 2010 й. 19–20 июль) ва бошқа шунга ўхшаш тадбирларни мисол тариқасида кўрсатиб ўтиш мумкин¹.

Экоҳаракат депутатлар гуруҳининг парламент назоратини амалга ошириши борасида амалга оширган янги тадбир-

¹ Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлик гуруҳи томонидан 2010 йилда амалга оширилган ишлар гўғрисида ҳисобот. – Тошкент, 2011. 14–16-б.

ларидан бири Ўзбекистондаги ўтқир экологик муаммолари бўйича чет давлатга сўров билан мурожаат қилиш амалиётининг жорий қилинганлигидир. Шундай сўров Тожикистонда қурилаётган Роғун ГЭСи масаласида амалга оширилган. Сўров нағижаси бўйича Тошкент шаҳрида Жаҳон банки, унинг Марказий Осиё бўйича минтақавий вакиллари ва Ўзбекистон бўйича вакили Тожикистонда Вахш дарёсида Роғун ГЭС қурилишининг салбий оқибатларига бағишланган учрашувлар бўлиб ўтди (2010 й. 22 март, 13 май ва 17 сентябрь). Экоҳаракат фаолиятида «мурожаатнома» шаклидаги сўров ҳам амалга оширилаётганлиги шу йўсиндаги янги тадбирлардан биридир. Чунончи, Экологик ҳаракат вакиллари ва Экоҳаракат депутатлар гуруҳи аъзолари Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, Соғлиқни сақлаш ва Халқ таълими вазирликларининг вилоят бошқармалари билан ҳамкорликда аҳоли ва жамоатчилик вакиллари иштирокида 2011 йил 18–21 август кунлари Тожикистон алюминий заводи (ТалКО) фаолиятининг салбий таъсири масаласи бўйича БМТ Бош Ассамблеясига Тожикистонга атмосфера ҳавосини ифлослантиришни тўхтатишга қаратилган таъсир чорасини кўллаш бўйича 757 минг нафар фуқаролар имзо чеккан мурожаатнома юборишга қарор қилганлиги шу масалага мисол бўла олади¹.

Экоҳаракат депутатлар гуруҳи Экоҳаракат билан бирга-ликда парламент назоратини амалга оширишда масалаларни муҳокама қилишнинг «парламент эшитуви» ва «жамоатчилик эшитуви» каби янгича шаклларида фойдаланмоқда. Бундай муҳокамаларда нафақат қонунлар, балки давлат дастурлари ва уларни бажариш билан боғлиқ муаммолар кўриб чиқилади ва қарорлар қабул қилинади. Шу ўринда Экоҳаракат депутатлик гуруҳи томонидан 2010–2011 йилларда 2 та парламент эшитуви ва 10 дан ортиқ жамоатчилик эшитуви ўтказилганлигини айтиб ўтиш лозим. Бундан ташқари 2010 йилнинг ўзида Экоҳаракат депутатлик гуруҳи томонидан экологик қонунчилиқни такомиллаштириш, атроф-муҳитни

¹ Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлик гуруҳи томонидан 2010 йилда амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳисобот. – Тошкент, 2011. 16-б.

муҳофаза қилиш ва жойлардаги алоҳида экологик муаммоларга турли дастурларнинг ижро этилишига бағишланган 38910 иштирокчи қатнашган 184 та турли учрашувлар ташкил этилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси фракцияси ва кўмиталари томонидан ташкил этилган 543 та турли конференциялар, семинарлар ва давра суҳбатларида иштирок этганлар¹.

Қонун ижодкорлиги фаолиятини амалга оширишда Экоҳаракат депутатлар гуруҳи томонидан илгари қабул қилинган (амалдаги) қонунларни тафтиш қилиш асосида уларни замонавий талаб ва ўзгаришларга мослаштириш ишларига алоҳида эътибор бериш ҳам гуруҳнинг янгича иш услубларидан бири деб ҳисоблаш керак. Унинг «тафтиш қилиш» фаолиятида 30 га яқин экологик қонунлар қайта кўриб чиқилган. Натижада уларни такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилиб, улар шу қонунларга кўшимча ва ўзгартиришлар сифатида қабул қилинди. Шулар жумласига Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Экологик экспертиза тўғрисида»ги, «Радиациявий хавфсизлик тўғрисида»ги, «Чиқиндилар тўғрисида»ги, «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги қонунлари, Ер кодекси, Жиноят кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ва бошқаларни киритиш мумкин. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Экологик назорат тўғрисида»ги Қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилди ва ушбу қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ялпи мажлисида биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қабул қилинди².

Қонун ижодкорлигида асосий фаолият амалдаги қонунларни такомиллаштириш ва янги қонунларни яратиш

¹ Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлик гуруҳи 2010 йилда амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳисобот. 2011.

² Ўзбекистон экологик ҳаракатининг 2011 йил 9 ойлик фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи. 2011.

эканлиги умум тан олинган воқелиқдир. Бу парламентнинг Конституцияда белгиланган асосий ваколати ва унга юклатилган вазифалардан келиб чиқади.

Қонунларни ижро этиш эса ижроия ҳокимиятининг бево-сита вазифаси бўлиб, аксарият ҳолларда битта қонуннинг иж-росини таъминлаш учун бир неча қонун ости ҳужжатларини қабул қилиш лозим бўлади. Демак, қонунни яратиш битта субъект, унинг ижро этилишини таъминлайдиган норматив-хуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш иккинчи субъект томо-нидан амалга оширилади. Қонунни қабул қилиш ва ижро этишда давомийлик ва узвийликнинг мавжудлиги унинг долзарблиги, самарадорлиги ва барқарорлиги кафолати-дир. Бу масалада «мендан кетгунча – эгасига етгунча» кабилидаги муносабат бўлиши мумкин эмас.

Парламентаризм амалиётида «давомийлик ва узвий-лик олтин қондасини» таъминлашга, яъни «мендан кет-гунча...» муносабатининг олдини олишга қаратилган ме-ханизмлар ўрнатилган. Уларнинг энг асосийси қонунлар ижроси устидан парламент назоратини амалга ошириш-дир. Қонун лойиҳаларининг аксарияти қонунларни иж-ро этувчи орган – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайёрланиши ҳам қонунларнинг ижросига тааллуқли кафолатларни таъминлашнинг муҳим воситаси бўлиб ҳисобланади. Шу ва шунга ўхшаш бошқа мавжуд механизмлар қонунлар ижросини таъмин-лашда етарли эканлигига шубҳа қилмасдан, ижро жара-ёнларини янада кучайтиришга хизмат қиладиган айрим фикрларни билдириш фойдадан холи эмас.

Хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси кўмити ва комиссияларида кўриб чиқилган ёки ташаббус қилинган, шунингдек, сиёсий партиялар фракциялари ва Экоҳаракат депутатлик гуруҳи қўллаб-қувватлаган қонун лойиҳалари қабул қилиниши баробарида уларнинг ижросини таъмин-лашга қаратилган тавсиянома ишлаб чиқилиши ва иж-роия ҳокимиятига киритилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бундай тавсияномалар кўмиталар, партия фракция-лари ва Экоҳаракат депутатлар гуруҳи мажлисларида ёки

улар томонидан уюштирилган махсус конференция ва йиғилишларда муҳокама қилиниши ва қабул қилиниши лозим. Уларда биринчи навбатда Қонунни тегишли тарзда ижро этиш учун зарур қонун ости ҳужжатларини ишлаш ва қабул қилиш кўзда тутилиши керак. Таъкидлаш керакки, ҳозирда қонуннинг ижросини бундай тарзда кучайтиришга қаратилган аниқ механизм белгиланмаган.

Шуни алоҳида айтиб ўтиш керакки, қабул қилинган қонунларнинг ижросини таъминлаш механизмларини янада кучайтириш зарурлигини Президент И.Каримов ўз вақтида ўртага ташлаган эди: «замонавий талабларга жавоб берадиган, эл-юртимизнинг асл ва чуқур манфаатларини инобатга олган қонунларни қабул қилиш ўз йўли билан. Айни пайтда бу қонунларнинг ҳаётимизда жорий бўлганини, ўз аксини топганини кўриш – бу одамларимизга мутлақо бошқача мамнуният бағишлайдиган ва уларни рози қиладиган вазият эканлигини барчамиз яхши тушунамиз. ... Биз қонунларнинг матни, маъно-мазмунини ҳақида кўп бош қоғирамиз, аммо уларда белгилаб қўйилган талабларни амалга ошириш учун қонунчиликда муҳим аҳамиятга эга бўлган, шу қонунни жорий қилиш учун керак бўладиган актларни қабул қилишни, бу масала бўйича жавобгарликни жойига қўйишни кўпинча унутиб қўямиз»¹.

Экоҳаракат депутатлар гуруҳи томонидан қонун ижодкорлиги фаолиятида илм-фан ютуқларидан фойдаланиш масаласи янгича шаклда амалга оширилмоқда. Бундай фаолият ҳаракат қошида тузилган Олимлар Кенгашига асосланади. Кенгаш гуруҳ томонидан бажарилаётган лойиҳалар ва тадбирларга илмий хулосалар берилишини, уларнинг илмий асосланишини таъминлайди. Аксарият ҳолларда Экоҳаракатнинг бундай маслаҳат органи қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш, тавсия, хулосалар, илмий асослар ва изоҳлар бериш ишларини амалга оширади. Бирок бундай органининг диққатини қонун лойиҳаларига нисбатан

¹ И. Каримов. Биз ташлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-ж. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2003. 35-б.

альтернатив лойиҳалар ишлаб чиқиш ва тақдим этиш, шунингдек, лойиҳаларни «экологиялаштириш» бўйича ишларга кўпроқ жалб қилиш ҳам катта самара берар эди.

Умуман олганда, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси кўмиталари, партия фракциялари ва Экоҳаракат депутатлар гуруҳи таркибида тузилган мутахассислар ва жамоатчиликдан иборат бўлган маслаҳат органларининг фаолиятини янада яхшилаш ва қолаверса, палата таркибида жамоатчилик маслаҳат органини тузишни ўйлаш мумкин. Парламентда жамоатчилик органларини тузиш ўзга давлатлар амалиётида мавжуд бўлиб, уларнинг мавқеи тобора ортиб бормоқда. Жумладан, Россия парламентида Жамоатчилик палатаси, маҳаллий кенгашлар ҳузурида ёшлар парламентлари ва бошқа кўплаб жамоатчилик кенгашлари тузилганлиги¹ эътиборга лойиқдир.

Илмий адабиётларда Экоҳаракат таркибидан депутатлар сайланиши ва уларнинг қонун ижодкорлиги жараёнларида иштирок этишини жамоатчиликнинг экологик аҳамиятга эга қарорлар қабул қилишдаги иштироки деб² баҳоланмоқда. Бу ерда шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати сайлов округларидан ёки Экоҳаракатдан сайланишидан қатъи назар, уларнинг фаолиятини жамоатчиликнинг экологик аҳамиятга эга қарорлар қабул қилиш жараёнларида иштирок этиши билан тенглаштириб бўлмайди. Зеро, депутатлар (вакиллар) фаолият юритадиган қонунчилик органи том маънодаги қонун ижодкорлигини амалга оширадиган тузилмадир.

¹ *Йўлдошев А.* Фуқароларни давлат бошқарувидаги иштирокини кенгайтиришдан ҳуқуқий маданиятни юксалтириш сари // *Ҳуқуқий онгдан - юксак ҳуқуқий маданият сари.* Конф. материаллари. – Т.: 2006. 106–107-б.

² *Ўтеганов О.Д.* Жамоат экологик назоратини ҳуқуқий тартибга солиш. Ю.ф.и. илм. дар. олиш учун ёзилган диссер.автореф. // Т.: 2010.

ХУЛОСА

Ҳозирги экологик муаммолар глобаллашуви шароитида уларни бартараф этиш, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, экологик аҳволни соғломлаштириш ва аҳоли саломатлигини сақлаш, экологик хавфсизликни таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар кўламининг кенглиги, дунё мамлакатларида давлат органлари, жамоат бирлашмалари, фуқаролик жамияти институтлари ва фуқароларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш заруратини келтириб чиқармоқда.

Юртбошимиз томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги кўшма мажлисида эълон қилинган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да давлат ва жамият ҳаётига оид муҳим муаммоларни ҳал этишда жамоат бирлашмаларининг ўрни ва аҳамияти алоҳида йўналиш сифатида белгиланиб, «соғликни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳолини, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларни кўллаб-қувватлаш ва шу каби катта социал аҳамиятга молик бошқа масалалар бўйича муҳим давлат дастурларини амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари иштирокининг ҳуқуқий асосини яратиб берадиган қонун ҳужжатлари мажмуасини ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этмоқда»¹, деб эътироф этилгани ҳам бежиз эмас.

¹ И. Каримов. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2010. 47-б.

Айниқса, 2008 йил 2 августда Ўзбекистон экологик ҳаракатининг ташкил этилганлиги мамлакатимизда экологик жамоат бирлашмалари ривожланишининг янги босқичини бошлаб берди. Эндиликда юртимизда фаолият юритаётган экология йўналишидаги жамоат бирлашмалари Ўзбекистон экологик ҳаракати тимсолида атроф табиий муҳит ва инсон саломатлиги муҳофазаси бўйича барча саъй-ҳаракатларни бирлаштириш ҳамда сафарбар этиш имкониятидан фойдаланмоқдалар. Шундай экан, сиёсий партиялар ва оммавий-ижтимоий ҳаракатлар фаолиятида инсон экологик ҳуқуқларини таъминлаш масалаларини ўрганиш ҳозирги кунда тобора долзарб аҳамият касб этиб бормоқда.

Ўзбекистондаги ҳар қандай ҳаракатнинг амалга оширишида, улар қонунчилик ташаббуси билан чиқишлари, ҳукуматга ва маҳаллий давлат органларига сўров билан мурожаат этишлари, муҳокама қилинаётган кун тартиби бўйича партия нуктаи назарини тушунтириб беришлари мумкин¹.

«Парламент назоратини амалга ошириш, қуйидаги бир неча мақсадларни кўзда тутди: биринчидан, қонуннинг самарадорлигига таъсир қилувчи омилларни ва шароитларни аниқлаш; иккинчидан, ҳар бир ҳуқуқий норманинг аниқ бир ижтимоий муносабатни тартибга солиш учун хизмат қилишини таъминлашга эришиш; учинчидан, қонунлардаги камчиликларни зудлик билан бартараф этиш; тўртинчидан, қонунлар ижросини таъминлашда мансабдор шахсларнинг юксак масъулиятини ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишни таъминлаш»².

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституциявий ҳуқуқи. 786-б.

² *Исмоилов Н.М.* Қонунлар ижроси устидан парламент назорати. – Т.: «Адолат». 1999. 4-б.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Раҳбарий манбалар

1. *И. Каримов*. Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Т.: «Ўзбекистон», 1996.
2. *И. Каримов*. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. – Т.: «Ўзбекистон», 1996.
3. *И. Каримов*. Ватан саждағоҳ каби муқаддасдир. – Т.: «Ўзбекистон», 1996.
4. *И. Каримов*. Бунёдкорлик йўлидан. – Т.: «Ўзбекистон», 1996.
5. *И. Каримов*. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. – Т.: «Ўзбекистон», 1996.
6. *И. Каримов*. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Асарлар. – Т. 6. // Т.: «Ўзбекистон», 1998, 108, 152, 156–157-б.
7. *И. Каримов*. Ўз келажигимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. – Т.: «Ўзбекистон», 1999.
8. *И. Каримов*. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. – Т.: «Ўзбекистон», 2000.
9. *И. Каримов*. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. – Т.: «Ўзбекистон», 2001.
10. *И. Каримов*. «Камолот» ёшларимизнинг чинакам суянчи ва таянчи бўлсин. – Т.: «Ўзбекистон», 2001. 18-б.
11. *И. Каримов*. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. – Т.: «Ўзбекистон», 2002.
12. *И. Каримов*. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-ж. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2003. 35-б.

13. *И. Каримов*. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. – Т.: «Ўзбекистон», 2004.
14. *И. Каримов*. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. – Т.: «Ўзбекистон», 2005.
15. *И. Каримов*. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т.: «Ўзбекистон», 2005.
16. *И. Каримов*. Эришилган ютуқларни мустақкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. // «Тошкент окшоми». 2006.
17. *И. Каримов*. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил таракқиёт йўли. // Т.: «Ўзбекистон», 2007, 32–33-б.
18. *И. Каримов*. Юксак маънавият – енгилмас куч. // Т.: «Маънавият», 2008.
19. *И. Каримов*. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг 2010 йил 12 ноябрь кўшма мажлисидаги маърузаси // Тошкент: «Ўзбекистон», 2010, 43, 47-б.
20. *И. Каримов*. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. Халқ сўзи. 2010 йил 28 январь.
21. *И. Каримов*. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. // Т.: «Ўзбекистон», 2011.

Расмий манбалар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2003.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 йил, 4-сон, 76–86-модда; 1992 й., 9-сон, 355-, 363-модда; 1993 йил, 1-сон, 38-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, 6-сон, 118-модда; 1997 йил, 2-сон, 36-, 52-модда, 4-5, 126-модда; 1998 йил, 1-сон, 14-модда, 3, 38-модда; 1999 йил, 1–5 сон, 20-, 124-модда, 9-сон, 229-модда; 2000 йил, 5–6-сон, 7-8, 153-, 217-модда, 7–8-сон, 217-модда; 2002 йил, 9-сон, 165-модда; 2003

- Йил, 1-сон, 5-модда, 9-10, 149-модда; 2004 йил, 1–2-сон, 18-модда, 5, 90-модда; 2005 йил, 1-сон, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, 10-сон, 536-модда; 2007 йил, 4-сон, 163-модда, 12, 604-модда; 2008 йил, 12-сон, 637-, 640-модда.
3. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 6-том. – Т.: 2003. 698-бет.
 4. ЎзХДП Устави 1-бўлим. 2-бўлимма // Тошкент, 2005, 1-б.
 5. Ўзбекистон «Адолат» СДП Устави (Янги тахрир), 2.1 қисм. // Тошкент: 2006, 2-б.
 6. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – ЎзЛиДеП Дастури. // Т.: 2004, 6-7, 13-б.
 7. Ўзбекистон «Адолат» СДП Сайловолди дастури // Тошкент, 2004, 4-б, 2009. 5-б.
 8. Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг 2006-2009 йилларга мувофиқлаштирилган феолият дастури. – Т.: 2006, 15-б.
 9. «Жиният» гизетаси. 2011 йил 22 апрель. № 16. 9-б.
 10. Хартия Европейского Союза об основных правах: комментарий // Отв. ред. Кашкин С.Ю. // М.: 2001.
 11. «Корхоналар, уюшмалар ва ташкилотлардан солиқ олиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси 15.02.1991 й. 225-ХП-сонли Қонуни билан қабул қилинган. // Ўзбекистон ССЖнинг Олий Кенгаши Ахборотномаси, 1991 й. 4, 86-модда.
 12. «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси 09.12.1992 й. 754-ХП-сонли Қонуни билан қабул қилинган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаш Ахборотномаси, 1993 й. 1-сон, 38-модда.
 13. «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси 26.12.1997 й. 545-1-сон Қонуни билан қабул қилинган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси, 1998 й. 1-сон, 14-модда.
 14. «Радиациявий хавфсизлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси 31.08.2000 й. 120-П-сон Қонун билан қабул қилинган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 2000 й. 7–8-сон, 212-модда.
 15. «Чиқиндилар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси 05.04.2002 й. 362-П-сон Қонуни билан қабул қилинган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2002 й. 4–5-сон, 72-модда.

16. «Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 28.09.2006 й. ЎРҚ-57-сонли Қонуни билан қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 й. 9-сон, 499-модда.
17. «Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 30.09.2009 й. ЎРҚ-226-сонли Қонуни билан қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2009 й. 9-сон, 340-модда.
18. Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ЁИХнинг Дастури (янги таҳрири). 2-б.
19. Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Устави. // Т.: 2009. 4-б.
20. Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Дастури. // Т.: «Чинор ЕНК». 2009. 5-б.
21. Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг 2011 йил 9 ойлик фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи, 2011 йил.
22. Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлик гуруҳи томонидан 2010 йилда амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳисобот. – Т.: 2011.
23. Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуни, 1993 йил 6 май. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси, 1993, 5, 221-модда.
24. Ўзбекистон Республикасининг «Алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар тўғрисида»ги қонуни, 1993. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси, 1993, 255-модда.
25. Ўзбекистон Республикасининг «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуни, 1996. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1997, 52-модда.
26. Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси», 1998. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 1998, 5, 6–82-модда.
27. Ўзбекистон Республикасининг «Ўсимлик дунёсини муҳофаза этиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуни, 1997. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1998, 1, 12-модда.
28. Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонуни, 1998. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 5–6, 86-модда.

29. Ўзбекистон Республикасининг «Дехкон хўжалиги тўғрисида»ги қонуни, 1998. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 5–6, 88-модда.
30. Ўзбекистон Республикасининг «Ўрмон тўғрисида»ги, 1999. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1999, 5, 122-модда.
31. Ўзбекистон Республикасининг «Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида»ги қонуни, 2000.
32. Ер муносабатларини тартибга солишга доир қонун ва меъёрий ҳужжатлар тўплами. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси, 2000.
33. Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. – Т.: «Адолат», 2002.
34. Ўзбекистон Республикасининг «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги қонуни, 2002. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2003, 1-2, 1-модда.
35. Ўзбекистон Республикасининг «Жиноят кодекси». – Т.: «Адолат», 2004.
36. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролик кодекси». – Т.: «Адолат», 2004.
37. Ўзбекистон Республикасининг «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги Кодекси. – Т.: «Адолат», 2005.

III. Илмий ва оммабон манбалар

1. *Мамаюсунов М.* «Инсон экологик ҳуқуқларини таъминлашнинг ҳуқуқий кафолатлари ва механизмлари» номли ю.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. // Т.: ТДЮИ. 2010.
2. *Мамаюсунов М.* «Инсон экологик ҳуқуқлари: умумий тавсифи ва таснифи». Инсон ҳуқуқлари ва демократлаштириш. 2010. № 1. 94–96-б.
3. *Хамраев Ў.Р.* «Экологик қонунчилик талабларини амалга оширишда жамоат бирлашмалари иштирокининг ҳуқуқий масалалари» номли ю.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. // – Т.: ТДЮИ. 2011.
4. *Петров В.В.* Экологическое право и реальность. // Вест. МГУ. Сер. 11. «Право». 1990. № 3, с. 12.

5. *Петров В.В.* Эколого-правовой словарь // Охрана окружающей природной среды: Постатейный комментарий к закону России. – М.: 1993.
6. *Дубовик О.Л.* Экологическое право. Дарслик. 3 нашри. // М.: «Проспект», 2010. с. 195-196, 212-213, 334 б.
7. *Бринчук М.М.* Экологическое право (Право окружающей среды). Дарслик. // М.: «Юрист». 1998, С. 131-132, 248
8. *Бринчук М.М.* Экологическое право. Дарслик. // М.: «Юрист». 2004, С. 118–119, 121, 351–352.
9. *Голиченков А.Г.* Экологические права и обязанности в их новейшем понимании / Актуальные проблемы теории права и государства и экологического права. Илмий мақолалар тўплами. 2-чиқиш // М.: Юрид. инс./т МГУПС, 2000.
10. *Боголюбов С.А.* Защита экологических прав: пособие для граждан и общественных объединений. // М.: 1998.
11. *Икрамов Р.А.* «Фуқароларнинг кулай атроф табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқи», Т.: ЎзР ФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2008 й.
12. *Третьякова А.А.* Понятие экологических прав по законодательству странах членов Европейского Союза // «Экологическое право», 2002, № 1, С. 52.
13. *Третьякова А.А.* Экологические права граждан по законодательству государств - членов Европейского Союза. Ўқув кўлланма. // М.: МГУ., 2003, 34 б.
14. *Третьякова А.А.* Экологические права граждан: основы правового регулирования на общеевропейском и национальном уровнях в государствах – членах Европейского союза.// Экологическое право России на рубеже XXI века // М.: «Зерцало». С. 153–174.
15. *Голиченков А.К.* Экологическое право России на рубеже XXI века. — М.: «Зерцало». 2000. 160 б.
16. *Жумаев О.* Сиёсий партияларнинг сайлов жараёнидаги этикаси. // Т.: ТДЮИ. 2004. 3 б.
17. *Қирғизбоев М.* Фуқаролик жамияти: сиёсий партиялар, мафқуралар, маданиятлар. // Т.: «Шарқ». 1998. 32-б.
18. *Ҳамидова К.Т.* Сайловлар ва сиёсий партиялар фаолиятини молиялаштириш // Т.: ТДЮИ. 2004. 6-б.
19. *Ҳамидова К.Т.* Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва жамоат бирлашмалари. – Т.: 2005. 19-б.

20. *Одилқориев А.Т.* Конституция ва фуқаролик жамияти. // – Т.: 2002. 89-б.
21. *Юдин Ю.А.* Политические партии и право в современном государстве. // М.: Форум/Инфра/М.: 1998. С. 44, 50.
22. *Чиркин В.Е.* Современное государство // М.: «Международные отношения», 2001. С. 283, 285–286.
23. *Бердикулов С.* Фуқаролик жамияти ва кўппартиявийлик тизимининг шаклланиш жараёнлари. Тўп.: Глобаллашув, миллий гоё ва мафкура: муаммолар, ечимлар, истикболлар. // Т.: 2009. 37-б.
24. *Файзиев Ш.Х.* Давлат экологик сиёсатининг асосий йўналишлари: ҳуқуқий тартибга солиш масалалари. – Тошкент: «Ҳаёт ва қонун». 2004. 3-сон, 31-33-б.
25. *Утегенов О.Д.* Жамоат экологик назоратини ҳуқуқий тартибга солиш. // Ю.ф.н. ил.дар.олиш учун ёз.дисс. автореферати. // Т.: 2010. 9-б.
26. *Комаров С.А.* Общая теория государства и права. 7-нашри // М.: «Питер». 2005. С. 192-199.
27. *Орлова О.В.* Социальный и политический плюрализм. // Политические проблемы теории государства. // М.: «ИГ-ПАН», 1993, С. 68.
28. *Жураев Ю.А.* Проблемы правового режима и охраны государственных памятников природы (на материалах Узбекистана) Отв. ред. проф. О.С.Колбасов. // Ташкент: «ФАН», 1990. С. 55.
29. *Васильева М.И.* Правовые проблемы организации управления в сфере охраны окружающей среды. // М.: 2004. С. 65-126, 130–131.
30. *Калонов Б.Х.* Ўзбекистон Республикасида давлат экология назоратининг ҳуқуқий муаммолари. / Ю.ф.н. ил.дараж. олиш учун ёз.дисс.автореферати // Тошкент, 2004, 16–17-б.
31. *Турдибоева Р.Э.* Экологик қонунчиликни амалга оширишда экологик оғ ва экологик маданиятнинг ўрни. // «Экологик қонунчиликни қўллаш механизмини такомиллаштириш муаммолари» мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. // Тошкент: ТДЮИ, 2007. 89-б.
32. *Фёдоров Е.К.* Экологический кризис и социальный прогресс. // Л., 1977, С. 53.

33. *Рахматуллаев Т.* Сиёсий партия ва демократик тамойиллар. // Самарқанд.: «Зарафшон» 1999, 22-б.
34. *Крассов О.И.* Экологическое право. Дарслик. // М.: «Норма». 2004. С. 94.
35. *Фомичев С.Р.* Крайние зеленые // Социологические исследования. – Москва: 2005, № 8, С. 36-41.
36. *Краснова И.О.* Экологическое право и управление в США – Москва: Байкальская Академия, 1992. С. 33.
37. *Кудрявцев В.Н.* Право и поведение. // М.: 1978. С. 69.
38. *Боршипол И.Ф.* Развитие общественного экологического движения России // Путь к формированию устойчивого гражданского общества // Материалы XII Международной конференции по экологическому образованию: «Устойчивый мир: на пути к экологическому безопасному гражданскому обществу» // Владимир. 2005, С. 49.
39. *Сериков А.Е.* Ненасильственные методы в экологическом движении (на примере «Гринпис») // Сборник: Опыт ненасилия в 20 столетии. – М.: «Аслан», 1996. С. 98–121.
40. *Шакирова О.Д.* Экологические значимые решения. Термины и определения. // Экологическое право России на рубеже XXI века. Мақолалар тўплами. // М.: Зерцало, 2001. С. 84-94.
41. *Одилқориев Х.Т., Якубов Ш.У.* Миллий ҳуқуқий тизим ва миллий ҳуқуқий қадриятлар. // Т.: 2010. 34–35, 114, 237–242, 252-б.
42. *Одилқориев Х., Тутьтеев Т., Мухамедов Ў.* Икки палатали парламент. ИИВ Акад. 2004. 34, 71-б.
43. *Одилқориев Х.Т.* Конституция ва фуқаролик жамияти. // Т.: «Шарқ», 2002, 250–253-б.
44. *Одилқориев Х.Т.* Ҳуқуқий ислохотларнинг маънавий-маданий замини. Ҳуқуқий онгдан юксак ҳуқуқий маданият сари (илмий-амалий конференция материаллари) // Т.: 2006. 46-б.
45. *Исламов З.М.* Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик. // Т.: «Адолат», 2007, 362–363, 585–590, 596-б.
46. *Исламов З.М.* Общая теория права и государства. В.В.Лазеров умумий таҳрири остида. Дарслик, 5-нашри. // М.: «НОРМА/ИНФРА/М», 2010, С. 204.

47. *Латаева В.В.* Фракции и депутатские группы в Государственной Думе как субъекты парламентского процесса // Законодательство и экономика. 1998. № 4. С. 8.
48. *Ўлдошев А.* Фуқароларнинг давлат бошқарувидаги иштирокини кенгайтиришдан ҳуқуқий маданиятни юксалтириш сари // Ҳуқуқий онгдан юксак ҳуқуқий маданият сари. Конф. материаллари. – Т.: 2006. 106–107-б.
49. *Исмоилов Н.М.* Қонунлар ижроси устидан парламент назорати // Т.: «Адолат». 1999. 4 б.
50. *Коржунов Н.М.* Лекции по общей теории права // СПб. 1898. 235 б.
51. *Рўзиназаров Ш.* Юридик фанни модернизация қилишнинг айрим масалалари. // Олий ҳўжалик суди ахборотномаси, 2011. 4-сон. 24-б.
52. Устав Российского экологического движения «Зеленые» // www.greenparty.ru/dvizh_ustav.php
53. Энциклопедия Кольера. – Открытое общество. 2000.
54. Германия демократик экологик партиясининг расмий сайти: www.oedp.de
55. *Dann Christine.* The development of the first two Green parties New Zeland and Tasmania. From Earth's last islands. The global origins of Green politics. Global Greens. Retrieved 4 August 2011.
56. «Об охране окружающей среды» // Научно-практический комментарий к Федеральному Закону от 10 января 2002 г. № 7 / ФЗ. // М.: «Деловой двор», 2010. С. 88-89-б.
57. Общая теория государства и права. Академический курс в 3 томах. Т. 2. // М.: Издательство «Норма», 2010. 82, 397, с. 404.
58. Ўзбекистон Республикаси конституциявий ҳуқуқи. Дарслик. // Т.: ТДЮИ, 2005. С. 351, 361, 366, 424.
59. Экология ҳуқуқи. Дарслик. // Т.: ТДЮИ. 2001.
60. Об охране окружающей среды. Научно-практический комментарий к Федеральному закону от 13 января 2002 г. М.: «Деловой двор». 2010. С. 103–110.
61. Международное публичное право. Хужжатлар тўплами. Т.2. // М.: «БЕК», 1996, С. 199–207.
62. Бюллетень международных документов. // М.: 2000. № 6. С. 19-46.
63. Проблемы общей теории права и государства. Учеб. 2 издание. // М.: Издательство «Норма Инфра/М», 2010. С. 336.

64. *Таджиханов У., Одилқориев Х., Саидов А.* Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳукуқи. – Т.: «Шарқ», 2001.
65. Проблемы теории государства и права – М.: Юридическая литература, 1987.
66. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти иқлим ўзгариши бўйича доиравий конвенциянинг Киото баённомаси. – Т.: UNFCCC, 2005.
67. *Колбасов О.С.* Концепция экологической безопасности (юридический аспект) // Советское государство и право. – М.: 1988.
68. *Намозов Ф.С.* Ўзбекистонда ўрмонлардан фойдаланиш ҳукуқи. – Т.: НПО «Восток», – 2000.
69. *Нигматов А.Н.* Ўзбекистон Республикасининг экология ҳукуқи. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2004.

**СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР
ВА ОММАВИЙ-ИЖТИМОЙ
ҲАРАКАТЛАР ФАОЛИЯТИГА ОИД
АЙРИМ МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ
ҲУЖЖАТЛАР**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

1991 йил 15 февраль 223-ХII-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Умумий декларацияга, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига асосланиб, ушбу Қонунда фуқароларнинг жамоат бирлашмаларини тузиш эркинлиги уларнинг ажралмас ҳуқуқи сифатида мустаҳкамлаб қўйилади.

І БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Жамоат бирлашмаси тушунчаси

Ўз ҳуқуқлари, эркинликларини ҳамда сиёсат, иқтисодиёт, ижтимоий ривожланиш, фан, маданият, экология ва ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги қонуний манфаатларини биргаликда рўёбга чиқариш учун бирлашган фуқароларнинг хоҳиш-иродаларини эркин билдиришлари натижасида вужудга келган ихтиёрий тузилма жамоат бирлашмасидир.

Сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, касаба уюшмалари, хотин-қизлар, ёшлар ва болалар ташкилотлари, ветеранлар ва ногиронлар ташкилотлари, илмий-техникавий, маданий-маърифий, физкультура-спорт ва бошқа кўнгилли жамиятлар, ижодий уюшмалар, юртдошлар уюшмалари, ас-

социациялар ва фуқароларнинг бошқа бирлашмалари жамоат бирлашмалари деб эътироф этилади.

Ушбу Қонун тижорат мақсадларини кўзлайдиган ёхуд бошқа корхоналар ва ташкилотлар фойда (даромад) ортиришига кўмаклашадиган кооператив ташкилотларга ҳамда бошқа ташкилотларга, диний ташкилотларга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, шунингдек ташкил этиш ва фаолият кўрсатиш тартиби бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган ўзга органларга нисбатан тағбиқ этилмайди.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг жамоат бирлашмалари тўғрисидаги қонунлари

Ўзбекистон Республикасининг жамоат бирлашмалари тўғрисидаги қонунлари жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий ҳолати асосларини белгилаб берадиган ушбу Қонундан, Қорақалпоғистон Республикасининг жамоат бирлашмалари тўғрисидаги Қонундан, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларидан иборат бўлади.

3-модда. Жамоат бирлашмаларини тузишдан кўзда тутилган мақсад

Жамоат бирлашмалари фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий, ҳуқуқлар ҳамда эркинликларни рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш; фуқароларнинг фаоллиги ва ташаббускорлигини, давлат ва жамият ишларини бошқаришда уларнинг иштирок этишини ривожлантириш; касб-кор ва ҳаваскорлик кизиқишларини қондириш; илмий, техникавий ва бадиий ижодкорликни ривожлантириш; аҳолининг сihat-саломатлигини сақлаш, хайрия фаолиятида қатнашиш; маданий-маърифий, физкультура-соғломлаштириш ва спорт ишларини ўтказиш; табиатни, тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш; ватан-парварлик ва инсонпарварлик тарбияси; республикалараро ва халқаро алоқаларни кенгайтириш, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлаш; қонунда

тақиқланмаган бошқа фаолиятни амалга ошириш мақсадида тузилади.

Фаолияти жамиятнинг ахлоқий негизларини, умумба-шарий инсонпарварлик кадриятларини бузишга қаратилган, шунингдек конституцион тузумни ғайриқонуний йўл билан ўзгартириш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг бир-лигини бузиш, урушни, зўравонликни ва шафқатсизликни, жамиятни парчалашга олиб борадиган ижтимоий, шу жум-ладан синфий шунингдек ирқий, миллий ва диний адо-ватни авж олдириш, қонун билан тақиқланган бошқа хатти-ҳаракатлар қилиш мақсадини кўзлайдиган жамоат бирлашмаларининг тузилишига йўл қўйилмайди.

Ҳарбийлаштирилган жамоат бирлашмалари ва куролли тузилмалар, шунингдек диний характерга эга партиялар, уларнинг филиаллари ва бошқа структура бўлаклари таш-кил этиш тақиқланади.

Жамоат бирлашмалари ва уларнинг идоралари томони-дан қонуний ва демократик йўл билан шакллантирилган ҳокимият ва бошқарув идоралари ҳамда ҳокимият вако-латларига эга бўлганларга нисбатан ғайридемократик тарз-да қуч ишлатиб тазйиқ ўтказиш тақиқланади. Қонуний ра-вишда амал қилиб турган ҳокимият ва бошқарув идоралари ҳамда мансабдор шахсларга демократик усулда ҳал этиш баҳонаси билан тазйиқ ўтказишга бўлган ҳар қандай ури-нишга Қонун билан барҳам берилади.

Аҳолининг саломатлиги ва ахлоқига, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига тажовуз қиладиган жамоат бирлашмаларини тузиш ва улар-нинг фаолияти қонунга мувофиқ таъқиб қилинади.

4-модда. Жамоат бирлашмалари тузилиши ва фаолиятининг қондалари

Жамоат бирлашмалари ўз аъзолари (қатнашчилари)нинг ихтиёрийлиги, тенгҳуқуқлилиги, ўзини ўзи бошқариш, қонунийлик ва ошкоралик асосида тузилади ва ҳаракат қилади.

Барча жамоат бирлашмалари ўз уставларида, бошқа ҳужжатларда назарда тутилган вазифаларни бажаришда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунлари доирасида иш қўрадилар.

Фуқаронинг жамоат бирлашмаси фаолиятида қатнашиши ёки қатнашмаслиги унинг ҳуқуқлари ва эркинликларини чеклаш ёки унга имтиёзлар бериш учун, шу жумладан давлат ташкилотида лавозимни эгаллаш шарт ёки Қонунда кўзда тутилган мажбуриятларни бажармаслик учун асос бўла олмайди.

Меҳнат тўғрисидаги қонунлар, шунингдек меҳнатқашларнинг ижтимоий таъминоти ва ижтимоий суғурта қилдириш тўғрисидаги қонунлар жамоат бирлашмалари аппарати ходимларига нисбатан жорий этилади.

5-модди. Давлат ва жамоат бирлашмалари

Давлат жамоат бирлашмалари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди ҳамда Конституцияга мувофиқ улар ўз уставларидаги вазифаларни бажаришлари учун шарт-шароит яратилишига қафолат беради.

Давлат ёшлар ва болалар ташкилотларига моддий ва маънавий мадад беради, уларга нисбатан имтиёзли солиқ сиёсати ўтказилишини таъминлайди, болалар ташкилотларига, мактаб, мактабдан ташқари муассасалар биноларидан, клублардан, маданият саройлари ва уйларида, спорт иншоотлари ва бошқа иншоотлардан бепул ёки имтиёзли шартлар билан фойдаланиш ҳуқуқини беради.

Қонунда кўзда тутилган ҳоллардан ташқари давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига аралашишига, худди шунингдек, жамоат бирлашмаларининг давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг фаолиятига аралашишига йўл қўйилмайди.

Жамоат бирлашмалари ташкилотларининг тадбирлари улар аъзоларининг (қатнашчиларнинг) асосан ишдан бўш

вақтида ва мазкур бирлашмалар маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

Сиёсий партиялар ва сиёсий мақсадни кўзловчи оммавий жамоат ҳаракатлари фаолиятининг давлат томонидан молиявий таъминланиши тақиқланади, қонун ҳужжатларига мувофиқ сайлов кампанияларини молиявий таъминлаш ҳоллари бундан мустасно.

Жамоат бирлашмалари манфаатларига дахлдор масалалар қонунларда кўзда тутилган ҳолларда тегишли жамоат бирлашмалари иштирокида ёки улар билан келишилган ҳолда давлат идоралари ва хўжалик ташкилотлари томонидан ҳал қилинади.

6-модда. Республика жамоат бирлашмалари ва бошқа жамоат бирлашмалари

Уставда белгиланган вазифаларга мувофиқ фаолияти бутун республика ҳудудида амалга ошириладиган жамоат бирлашмалари республика жамоат бирлашмаларига киради. Бунда сиёсий партиянинг камида саккизта ҳудудий субъектда (вилоятда), шу жумладан Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида яшаётган камида йигирма минг, қасаба уюшмасининг эса, камида уч минг аъзоси бўлиши керак.

Вилоят, ноҳия, шаҳар, посёлка ва қишлоқ жамоат бирлашмалари маҳаллий жамоат бирлашмаларига киради.

Уставда белгиланган вазифаларга мувофиқ фаолияти бутун вилоят ҳудудида, Тошкент шаҳрида эса бутун шаҳар ҳудудида амалга ошириладиган жамоат бирлашмалари вилоят, Тошкент шаҳар жамоат бирлашмаларига киради.

Уставда белгиланган вазифаларга мувофиқ фаолияти бутун ноҳия (шаҳар) ҳудудида амалга ошириладиган жамоат бирлашмалари ноҳия (шаҳар) жамоат бирлашмаларига киради.

Уставда белгиланган вазифаларга мувофиқ фаолияти посёлка, қишлоқ ҳудудида амалга ошириладиган жамоат бирлашмалари посёлка, қишлоқ жамоат бирлашмаларига киради.

Зарурат пайдо бўлган ҳолларда вилоятлараро ва ноҳиялараро жамоат ташкилотлари тузилиши мумкин.

7-модда. Жамоат бирлашмаларининг иттифоклари

Жамоат бирлашмалари ихтиёрийлик асосида жамоат бирлашмаларининг иттифокларига уюшишга ҳақлидирлар.

Жамоат бирлашмаларининг иттифоклари ушбу Қонунда жамоат бирлашмалари учун белгилаб кўйилган тартибда тузилади, амал қилади ва ўз фаолиятини тўхтатади.

II БОБ. ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА УЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ТЎХТАТИЛИШИ

8-модда. Жамоат бирлашмаларини тузиш

Жамоат бирлашмаси камида ўн нафар фуқаронинг ташаббуси билан тузилади.

Жамоат бирлашмасини тузиш ташаббускорлари таъсис съездини (конференциясини) ёки умумий йиғилишини чакирадилар, унда устав (низом, ўзга асосий ҳужжат) қабул қилинади ва раҳбар идоралар тузилади.

9-модда. Жамоат бирлашмасига аъзолик

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари жамоат бирлашмаси аъзолари (катнашчилари) бўладилар. Сиёсий партиялардан ташқари жамоат бирлашмаларининг уставида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг бирлашмага аъзо бўлишлари кўзда тутилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг ўн саккиз ёшга тўлган фуқаролари республика сиёсий партияларининг аъзолари бўлишлари мумкин.

Бир сиёсий партиянинг аъзоси айна вақтда бошқа сиёсий партиянинг аъзоси бўла олмайди.

Сиёсий партиялар ва касаба уюшмаларидан ташқари жамоат бирлашмаларининг фаолиятида уларнинг устав-

ларида кўзда тутилган ҳолларда жамоа аъзолари: корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг меҳнат жамоатлари, фуқароларнинг бирлашмалари иштирок этишлари мумкин.

10-модда. Жамоат бирлашмасининг устави

Жамоат бирлашмасининг уставида қуйидагилар кўзда тутилиши керак:

- 1) жамоат бирлашмасининг номи, мақсади ва вазифаси;
- 2) жамоат бирлашмасининг ички тузилиши, унинг ўз фаолиятини амалга оширадиган ҳудуд;
- 3) жамоат бирлашмаси аъзолигига қабул қилиш шартлари ва тартиби, агар бирлашма рўйхатда қайд этиладиган аъзоларга эга бўлса. бундай ҳолларда ундан чиқиш шартлари ва тартиби;
- 4) жамоат бирлашмаси аъзолари (катнашчилари)нинг ҳуқуқлари ва бурчлари;
- 5) жамоат бирлашмаси ҳамда унинг ташкилотлари раҳбар идораларининг ваколатлари ва уларни тузиш тартиби, уларнинг ваколат муддати;
- 6) жамоат бирлашмаси ҳамда унинг ташкилотларининг маблағлари ва бошқа мол-мулкани ҳосил қилишнинг пул билан таъминланиш манбалари;
- 7) жамоат бирлашмасининг раҳбар идораси қаерда жойлашганлиги;
- 8) жамоат бирлашмаси уставига ўзгартишлар, қўшимчалар киритиш тартиби;
- 9) жамоат бирлашмаси фаолиятини тўхтатиш тартиби. Уставда жамоат бирлашмаси фаолиятига тааллуқли бошқа коидалар ҳам кўзда тутилиши мумкин. Жамоат бирлашмасининг устави амалдаги қонунларга зид бўлмаслиги керак.

11-модда. Жамоат бирлашмалари уставларини рўйхатга олиш

Ўзбекистон Республикасида амал қилувчи халқаро, жамоат ташкилотларининг республика, вилоятлараро бирлаш-

маларининг уставлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинади.

Қорақалпоғистон Республикасида жамоат бирлашмасининг уставини рўйхатга олиш тартиби Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари билан белгиланади.

Вилоят, ноҳия, шаҳар, посёлка, қишлоқ ҳудудида ёки икки ва ундан ортиқ ноҳия, шаҳар, посёлка, қишлоқ ҳудудида фаолиятини амалга оширадиган жамоат бирлашмаларининг уставлари вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликларининг адлия бошқармалари томонидан рўйхатга олинади.

Жамоат бирлашмаси уставини рўйхатга олиш учун устав қабул қилинган кундан бошлаб бир ой муддат ичида мазкур жамоат бирлашмаси раҳбар идораси аъзолари томонидан имзоланган ва шу аъзолар ҳар бирининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, истиқомат жойи кўрсатилган ариза топширилади. Аризага устав, уставни қабул қилган таъсис съезди (конференцияси) ёки умумий йиғилиш протоколи, ушбу Қонунинг 6 ва 8-моддалари талаблари бажарилганлигини тасдиқловчи бошқа материаллар илова қилинади.

Уставни рўйхатга олиш ҳақидаги ариза у топширилган кундан бошлаб икки ой муддатда кўриб чиқилади.

Жамоат бирлашмалари уставларига киритилган ўзгаришлар, қўшимчалар ҳам уставларни рўйхатга олиш тартиби ва муддатларига мувофиқ рўйхатга олинishi лозим.

Жамоат бирлашмалари уставларини рўйхатга олувчи идоралар ана шу бирлашмалар рўйхатини тузиб борадилар.

Жамоат бирлашмаси ёки унинг ташкилотлари (идоралари) уларнинг уставлари рўйхатга олинган кундан бошлаб ушбу Қонунда белгилаб қўйилган тартибда ўз фаолиятларини амалга оширадилар ва граждандлик қонунларига мувофиқ ҳуқуқий шахс, деб тан олинishi мумкин.

Халқаро жамоат бирлашмаларининг уларнинг бўлинмаларининг филиаллари, шу жумладан оммавий ҳаракатлари ва уларнинг тармоқ бўлинмаларининг шунингдек республика ва маҳаллий жамоат бирлашмалари (шу жумладан оммавий ҳаракатларининг) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазир-

лигида ва унинг жойлардаги идораларида ўз уставларини рўйхатдан ўтказмаган бўлсалар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатишларига йўл қўйилмайди.

Жамоат бирлашмаси уставини, унга киритилган кейинги ўзгартишлар ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказганлик учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган миқдорда давлат божи ундирилади.

12-модда. Жамоат бирлашмаси уставини рўйхатга олишни рад этиш

Агар жамоат бирлашмасининг устави ушбу Қонуннинг 3, 4 ёки 10-моддалари қоидаларига зид бўлса, ёхуд илгари худди шу номдаги жамоат бирлашмаси рўйхатга олинган бўлса, жамоат бирлашмаси уставини рўйхатга олишни рад этиш мумкин.

Уставни рўйхатга олиш рад этилган тақдирда бу ҳақда тақдим этилган устав қайси қонуннинг қоидаларига зид эканлиги кўрсатилиб, ариза берувчига ёзма равишда хабар қилинади.

Жамоат бирлашмасининг уставини рўйхатдан ўтказишнинг рад этилиши устидан судга шикоят қилиш мумкин ва бу иш Ўзбекистон Республикаси гражданлик процессуал қонунида кўзда тутилган тартибда қараб чиқилади.

Халқаро, республика ва вилоятлараро жамоат бирлашмаларининг уставини рўйхатдан ўтказишнинг рад этилиши устидан – Ўзбекистон Республикаси Олий судига, маҳаллий жамоат бирлашмалари уставини рўйхатдан ўтказишнинг рад этилиши устидан эса – тегишли вилоят, Тошкент шаҳар судига шикоят қилиш мумкин.

13-модда. Жамоат бирлашмаларининг рамзлари

Жамоат бирлашмалари рамз сифатида ўз тимсолига, байроғига ва вимпелига эга бўлиши мумкин.

Жамоат бирлашмаларининг тимсоллари уставга мувофиқ, уларнинг раҳбар идоралари томонидан тасдиқланади. Жамоат бирлашмаларининг тимсоллари ва вимпеллари

ушбу Қонуннинг 3-моддаси иккинчи қисмида кўрсатилган мақсадларни тарғиб этишга хизмат қилмаслиги керак.

Байроқлар ва вимпеллар белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

14-модда. Жамоат бирлашмалари фаолиятининг тўхтатилиши

Жамоат бирлашмаларининг фаолияти уларни қайта ташкил этиш (қўшилиш, бирлашиш, ажралиш) ёки тугатиш йўли билан тўхтатилиши мумкин.

Жамоат бирлашмалари уларнинг съездлари (конференциялари) ёки умумий йиғилишлари қарори билан қайтадан ташкил этилади. Жамоат бирлашмаларини қайта ташкил этгандан сўнг янгидан тузилган жамоат бирлашмасининг устави ушбу Қонуннинг 11-моддасида кўзда тутилган тартибда рўйхатга олинади.

Жамоат бирлашмаси съезд (конференция) ёки умумий йиғилиш қарорига мувофиқ, ёхуд ушбу Қонуннинг 22-моддасида кўзда тутилган асосларга мувофиқ ва тартибда тугатилади.

Съезд (конференция) ёки умумий йиғили қарорига мувофиқ тугатилган жамоат бирлашмасининг мол-мулки унинг уставида кўзда тутилган мақсад йўлида сарфланади.

Сиёсий партиянинг фаолиятини тугатиш ёки тўхтатиб туриш «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ амалга оширилади.

III БОБ. ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА УЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ

15-модда. Жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари

Жамоат бирлашмалари қонун олдида тенгдирлар.

Жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари уларнинг уставларида қайд этилади.

Жамоат бирлашмалари уставларда, дастурий, бошқа ҳужжатларда белгиланган мақсадлар ва вазифаларни амалга ошириш учун ўз мақсадлари ва фаолияти тўғрисидаги ахборотни эркин таркатади, қонунда кўзда тутилган ҳолларда ва тартибда эса:

давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларини тузишда қатнашади;

давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг қарорларини тайёрлашда иштирок этади;

давлат ва жамоат идораларида ўз аъзолари (қатнашчилари) номидан иш юритади ва уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилади;

ушбу Қонунда ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа Қонун ҳужжатларида Қорақалпоғистон Республикасида эса – Қорақалпоғистон Республикасининг ҳам ўзга қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ваколатларни амалга оширади.

16-модда. Сиёсий партиялар, оммавий жамоат ҳаракатлари, касаба уюшмалари

Сиёсий партиялар давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда жамият муайян қисмининг сиёсий иродасини рўёбга чиқаришга интилади ҳамда ўз вакиллари орқали давлат ва жамоат ишларини идора этишда қатнашади.

Партияларнинг дастурий ҳужжатлари бўлади, улар омmanın эъгибори учун матбуотда эълон қилинади.

Сиёсий партиялар депутатликка номзодлар кўрсатиш, сайловолди ташвиқот ишларини олиб бориш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида фракциялар ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларида партия гуруҳлари тузиш ҳуқуқига эгадир.

Оммавий жамоат ҳаракатлари сиёсий ёки ўзга мақсадларни кўзлайдилар ҳамда уларнинг рўйхатга олинган аъзолари бўлмайди.

Харбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларида лавозимни эгаллаб турган шахслар ўз хизмат фаолиятида қонун талабларига амал қиладилар ва сиёсий партиялар ҳамда сиёсий мақсадларни кўзловчи оммавий жамоат ҳаракатларининг қарорлари билан боғлиқ бўлмайдилар.

Касаба уюшмалари давлат идоралари, хўжалик ташкилотлари, кооператив ва ўзга жамоат бирлашмалари билан ўзаро муносабатларда касаба уюшмалари тўғрисидаги амалдаги қонунларга мувофиқ касаба уюшмаси аъзоларининг ишлаб чиқариш, ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳадаги манфаатларини кўзлаб иш олиб боради ва уларни ҳимоя қилади.

Сиёсий партиялар ва касаба уюшмаларининг фақат якка тартибда рўйхатга олинadиган аъзолари бўлади.

17-модда. Жамоат бирлашмаларининг ишлаб чиқариш ва бошқа тадбиркорлик фаолияти

Жамоат бирлашмалари қонунларда белгилаб қўйилadиган тартибда ишлаб чиқариш ва бошқа тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадилар ҳамда фақат уставдаги вазифаларни бажариш мақсадида ҳуқуқий шахс мақомига эга бўлган корхоналар ва хўжалик ҳисобидаги ташкилотларни барпо этадилар.

Жамоат бирлашмаларининг ишлаб чиқариш ва бошқа тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлар ана шу бирлашмалар аъзолари (катнашчилари) ўртасида қайта тақсимланмайди ва ундан фақат устав вазифаларини бажариш учун фойдаланилади; жамоат бирлашмалари ўз маблағларидан ҳатто ўз уставида кўрсатилмаган бўлса ҳам, хайрия мақсадлари йўлида фойдаланишларига йўл қўйилади.

Жамоат бирлашмалари тузадиган корхоналар ва ташкилотлар қонунда белгилаб қўйилган тартибда ва миқдорда бюджетга пул ўтказадилар.

Жамоат бирлашмалари, уларнинг ташкилотлари бинолар, иншоотлар, уй-жой фонди, ускуналар, асбоблар, маданий-маърифий ва соғломлаштириш мақсадлари учун мўлжалланган мулкларга, пул маблағига, акцияларга, бошқа қимматли қозғаларга ҳамда уларнинг уставларида кўзда тутилган фаолиятни моддий таъминлаш учун зарур бўлган ўзга мол-мулкка, шунингдек интеллектуал мулк объектларига эгаллик қилишлари мумкин. Бирлашмаларнинг уставларида кўрсатилган мақсадларга мувофиқ уларнинг маблағи ҳисобидан барпо этилган наشريётлар, бошқа корхоналар, хайрия муассасалари, жамоат бирлашмаларининг мулки бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида, Қорақалпоғистон Республикасида эса – Қорақалпоғистон Республикасининг ҳам қонун ҳужжатларида давлат ва жамоат хавфсизлиги мулоҳазалари билан ёки халқаро шартномаларга мувофиқ жамоат бирлашмалари мулки бўла олмайдиган мол-мулк турлари белгилаб қўйилиши мумкин.

Жамоат бирлашмаларининг пул маблағлари, агар уставда кўзда тутилган бўлса, бирлашмага кириш ва аъзолик бадалларини тўлашдан; ихтиёрий равишда ўтказилган пул ва хайриялардан; уставга мувофиқ ўтказилган лекциялар, кўргазмалар, спорт тадбирлари ҳамда бошқа тадбирлар, лотереялар тушумларидан, ишлаб чиқариш, хўжалик ва ноширлик фаолиятдан олинган даромадлардан; қонун билан тақиқланмаган бошқа тушумлардан ташкил топади.

Сиёсий партиялар ва сиёсий мақсадларни кўзловчи оммавий ҳаракатларнинг чет давлатлардан, халқаро ташкилотлар ҳамда чет давлатларнинг юридик шахслари, уларнинг ваколатхоналари ва филиалларидан, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналардан, чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслардан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, диний ташкилотлардан, номи яширилган ёки фақат тахаллуси кўрсатилган шахслардан молиявий ва ўзгача моддий ёрдам олиши ман этилади. Бундай ёрдам олинган тақдирда мазкур маблағлар қайтарилиши,

қайтариш имконияти бўлмаган тақдирда эса, давлат даромадига ўтказилиши лозим.

Сиёсий партияларни молиялаштириш «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ амалга оширилади.

Сиёсий партиялар ўз бюджетларини омманинг эътибори учун ҳар йили эълон қиладилар.

Жамоат бирлашмаларининг мулки қонун билан муҳофаза қилинади.

Иттифоқларнинг ва уларга кирувчи бирлашмаларнинг ана шу иттифоқ ва унга қўшилган бирлашмаларга қаршли мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш, тасарруф этишга доир ваколатлари жамоат бирлашмалари иттифоқларининг уставларида белгилаб қўйилади.

19-модда. Жамоат бирлашмаларининг оммавий ахборот воситалари ва ноширлик фаолияти

Жамоат бирлашмалари оммавий ахборот воситаларини таъсис этишга ҳамда амалдаги матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонунларга мувофиқ ноширлик фаолияти билан шуғулланишга ҳақлидирлар.

Сиёсий мақсадларни кўзловчи сиёсий партиялар ва оммавий жамоат ҳаракатлар диний ташкилотлардан, шунингдек чет эл давлатлари, ташкилотлари ва фуқароларидан келиб тушган маблағлар эвазига ноширлик фаолиятини юритишга нашрларини таъмин этишга ҳақли эмас.

IV БОБ. ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ҚОНУНИ БУЗГАЙЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

20-модда. Жамоат бирлашмалари фаолиятини назорат қилиш ва кузатиб бориш

Молия идоралари жамоат бирлашмаларини маблағ билан таъминлаш ва улар даромадларининг манбаларини,

улар олган маблағ миқдорини ва солиқлар тўғрисидаги қонунларга мувофиқ солиқ тўланишини назорат қилиб борадилар.

Жамоат бирлашмаларининг қонунларни бажаришини прокуратура идоралари назорат қилиб борадилар.

Жамоат бирлашмаси уставини рўйхатга олган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги идоралари жамоат бирлашмаси фаолиятининг мақсадларига тааллуқли устав қоидаларига риоя этилишини назорат қилади. Рўйхатга олувчи идора жамоат бирлашмасининг раҳбар органидан қабул қилинган қарорларни тақдим этишни талаб қилишга, жамоат бирлашмалари ўтказадиган тadbирларда қатнашиш учун ўз вакилларини юборишга, жамоат бирлашмаси уставига риоя қилиш билан боғлиқ масалалар юзасидан жамоат бирлашмаси аъзоларидан ва бошқа фуқаролардан тушунтириш олишга ҳақлидир.

21-модда. Жавобгарлик асослари

Жамоат бирлашмалари тўғрисидаги Қонунни бузиш амалдаги қонунларга мувофиқ жиноий, маъмурий, моддий ёки ўзга жавобгарликка сабаб бўлади.

Жамоат бирлашмалари тўғрисидаги Қонунни бузганлик учун бу ишда айбдор бўлган давлат ва жамоат идораларининг мансабдор шахслари, шунингдек фуқаролар жавобгар бўладилар.

Жамоат бирлашмаси, шу жумладан ўз уставини рўйхатдан ўтказмаган жамоат бирлашмаси жамоат бирлашмалари тўғрисидаги қонунни бузган тақдирда қонунга мувофиқ жавобгар бўлади.

Жамоат бирлашмаси унинг уставида белгилаб қўйилган мақсадлар ва вазифалар доирасидан четга чиқадиган ёки қонунни бузадиган хатти-ҳаракатлари содир этган тақдирда ана шу жамоат бирлашмасининг раҳбар идораси жамоат бирлашмаси уставини рўйхатга олган идора ёки прокурор томонидан ёзма равишда огоҳлантирилиши мумкин.

22-модда. Жамоат бирлашмаси устав ёки қонун талабларини бузган тақдирда уни тугатиш

Жамоат бирлашмаси ушбу Қонун 3-моддасининг 2, 3, 4-қисмида ва 18-моддасининг тўртинчи қисмида кўзда тутилган хатти-ҳаракатларни содир этган тақдирда суд қарорига биноан тугатилиши мумкин.

Жамоат бирлашмаси ушбу Қонуннинг 21-моддаси тўртинчи қисмида кўзда тутилган ҳаракатларни бир йил давомида такроран содир этганлиги учун суд уни тугатиши мумкин.

Суд қарори билан тугатилган жамоат бирлашмасининг мол-мулки қайтариб бермаслик шарти билан давлат мулкига айлантирилиши мумкин.

Халқаро жамоат бирлашмалари, унинг бўлинмалари, филиаллари, республика ва вилоятлараро жамоат бирлашмалари Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг, Бош Давлат солиқ бошқармасининг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан ваколат берилган бошқа идоралари ва мансабдор шахсларнинг тақдимига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий суди чиқарган қарорга мувофиқ тугатилади. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жамоат бирлашмасини тугатиш тўғрисидаги қарори устидан шикоят қилинмайди.

Маҳаллий жамоат бирлашмалари тегишли вилоят, Тошкент шаҳар судлари томонидан тугатилади. Бунда суднинг қарори устидан Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят қилиниши мумкин.

V БОБ. ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАРИ ХАЛҚАРО ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ, ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАР

23-модда. Жамоат бирлашмаларининг халқаро алоқалари

Жамоат бирлашмалари Ўзбекистон Республикаси қонунларига ва ўз уставларига мувофиқ халқаро жамоат (ноҳукумат)

бирлашмаларига қўшилиши, бевосита халқаро алоқалар ўрнатилари, тегишли битимлар тузишлари мумкин.

24-модда. Халқаро жамоат бирлашмалари

Агар Ўзбекистон Республикасида тузилган жамоат бирлашмасининг фаолияти уставга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва битта ёки ундан кўпроқ хорижий давлат ҳудудида амал қилса, у халқаро жамоат бирлашмаси деб эътироф этилади.

Башарти, чет элда тузилган халқаро жамоат бирлашмаси таркибига республика жамоат бирлашмаси коллектив аъзо сифатида кирса, республика жамоат бирлашмасининг устави ҳам ушбу Қонунга мувофиқ рўйхатга олинishi керак.

Ўз фаолиятини хорижий давлат ҳудудида ҳам амалга оширадиган жамоат бирлашмаси зарур ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилган уставини қайта рўйхатдан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим этади.

Тинчликни мустаҳкамлашни, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришни, инсонпарварлик фаолиятининг ўзга турларини мақсад қилиб қўйган жамоат бирлашмалари қонунда белгиланган имтиёزلардан фойдаланишлари мумкин.

Ушбу Қонуннинг қоидалари хорижий давлатлар жамоат бирлашмаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тузилган бўлимлари (филиаллари ва бошқа таркибий бўлимлари) фаолиятига нисбатан қўлланади.

25-модда. Халқаро шартномалар

Агар Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномасида ушбу Қонундагидан ўзга қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартномадаги қоидалар қўлланади.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. Каримов

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

1992 йил 9 декабрь 754-ХП-сон

ТАБИАТНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ушбу қонун табиий муҳит шароитларини сақлашнинг, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асосларини белгилаб беради. Қонуннинг мақсади инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар уйғун мувозанатда ривожланишини, экология тизимлари, табиат комплекслари ва айрим объектлар муҳофаза қилинишини таъминлашдан, фуқароларнинг қулай атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини кафолатлашдан иборатдир.

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг табиатни муҳофаза қилишга доир қонунлари

Ўзбекистон Республикасида табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги муносабатлар ушбу қонун билан, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг ер, сув, ўрмон, ер ости бойликлари тўғрисидаги, атмосфера хавосини, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонунлари билан, бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Қорақалпоғистон Республикасида табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикасининг қонунлари билан ҳам тартибга солинади.

2-модда. Табиатни муҳофаза қилиш объектлари ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар

Табиатни муҳофаза қилиш объектлари (ер, ерости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, атмосфера ҳавоси) ифлосланишдан, бузилишдан, зарарланишдан, ориқлаб кетишдан, вайрон бўлишдан, йўқ бўлиб кетишдан, нооқилона фойдаланишдан муҳофаза этилиши лозим.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар жумласига давлат кўриқхоналари, мажмуа (ландшафт) буюртма кўриқхоналари, табиат боғлари, давлат табиат ёдгорликлари, айрим табиий объектлар ҳамда мажмуаларни сақлаб қолиш, такрор кўпайтириш ва тиклаш учун мўлжалланган ҳудудлар, муҳофаза этиладиган ландшафтлар, айрим табиий ресурсларни бошқариш учун мўлжалланган ҳудудлар, давлат биосфера резерватлари, давлатлараро муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар киради.

3-модда. Табиатни муҳофаза қилишдан мақсад

Табиатни муҳофаза қилишдан мақсад:

инсон саломатлиги учун, экологик мувозанатни сақлаш учун, республикани самарали ва барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш манфаатлари йўлида табиатдан оқилона ва уни ишдан чиқармайдиган қилиб фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

жонли табиатнинг турлари ва генетик фонди бойлигини сақлаб қолиш;

экология тизимлари, ландшафтлар ва ноёб табиат объектлари хилма-хиллигини сақлаб қолиш;

экология хавфсизлигини таъминлаш;

табиат объектлари билан боғлиқ маданий меросни асраб қолишдир.

4-модда. Табиатни муҳофаза қилиш мақсадларига эришиш

Табиатни муҳофаза қилиш мақсадларига эришиш учун давлат ҳокимияти маҳаллий идоралари, вазирликлар ва идоралар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, фермерлик ва кооператив хўжаликлар, шунингдек айрим шахслар хўжалик, бошқарув ҳамда бошқа фаолиятни амалга ошириш жараёнида қуйидаги қоидаларга амал қилишлари керак:

инсоннинг яшаш муҳити бўлмиш биосфера ва экология тизимлари барқарорлигини сақлаб қолиш, одамларнинг экологик жиҳатдан хавфсизлиги, инсон ва унинг келгуси авлодлари генетик фонди ҳақида ғамхўрлик қилиш;

фуқароларнинг ҳаёт учун қулай табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш, барча турдаги таълим муассасаларида экология ўқувининг мажбурийлиги;

жамиятнинг экологик, иқтисодий ва ижтимоий манфаатларини илмий асосланган ҳолда уйғунлаштириш;

табиатдан махсус фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш ва умумий асосларда фойдаланганлик учун ҳақ тўламаслик;

экология экспертизаси ўтказишнинг мажбурийлиги;

табиатдан оқилона фойдаланишни ва табиатни муҳофаза қилишни рағбатлантириш;

табиий ресурсларни тиклаш зарурлиги, атроф табиий муҳит ва инсон сиҳат-саломатлиги учун зарарли, тиклаб бўлмас оқибатларга йўл қўймаслик;

табиатни муҳофаза қилиш вазифаларини ҳал этишда ошқоралик;

табиатни муҳофаза қилиш соҳасида миллий, регионал ва халқаро манфаатларни уйғунлаштириш;

табиатни муҳофаза қилиш қонунлари талабларини бузганлик учун жавобгар бўлиш.

5-модда. Табиий ресурсларга нисбатан мулкчилик

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий ресурслар умуммиллий бойлик-

дир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат мухофазасидадир.

Табиий ресурсларни бериш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни мухофаза қилишнинг шартлари ва тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонунлари билан белгиланади.

6-модда. Табиатдан умумий тарзда ва махсус йўсинда фойдаланиш

Ўзбекистон Республикасида табиатдан умумий тарзда ва махсус йўсинда фойдаланилади.

Табиатдан умумий тарзда фойдаланиш фуқаролар томонидан ҳаётий зарур эhtiёжларни қондириш учун текинга табиий ресурсларни айрим фойдаланувчиларга бириктирмай ва ҳеч қандай рухсатномалар бермай туриб амалга оширилади.

Табиатдан махсус йўсинда фойдаланиш тарикасида корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқароларга ишлаб чиқариш ва ўзга хил фаолиятни амалга ошириш учун табиий ресурслар ҳақ олиб махсус рухсатномалар асосида эгаллик қилишга, фойдаланиш ёки ижарага берилади.

II. ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВ ИДОРАЛАРИНИНГ ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ЭТИШГА ТААЛЛУҚЛИ ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШ СОҲАСИДАГИ ВАКОЛАТЛАРИ

7-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг табиатни мухофаза қилишга оид ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатларига қуйидагилар кирadi:

табиатни мухофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш;

давлат экология дастурларини тасдиқлаш;
табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунларни иш-
лаб чиқиш ва қабул қилиш;
худудларни фавқулодда экологик вазият, экологик офат
ва экологик ҳалокат зоналари деб эълон қилиш, бундай зо-
наларнинг ҳуқуқий режимини ва жабрланганларнинг мақо-
мини белгилаш;
табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжат-
лари ижроси устидан назоратни мувофиқлаштириб бориш;
табиий ресурслардан фойдаланганлик учун ҳақнинг че-
гара миқдорларини белгилаш, шунингдек тўловларни унди-
риш бўйича имтиёзлар белгилаш;
қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа масалалар-
ни ҳал қилиш.

8-модда. Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишнинг давлат бошқаруви

Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва таби-
ят ресурсларидан фойдаланишнинг давлат бошқарувини
Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва бошқа нор-
матив ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республика-
си Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Таби-
ятни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, давлат бошқаруви
маҳаллий идоралари амалга оширадилар.

9-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатлари

Табиатни муҳофаза қилиш соҳасида:
табиатни муҳофаза қилишга доир ягона сиёсат юри-
тиш;
табиат ресурсларидан фойдаланишни тартибга солиш;
табиий ресурсларга нисбатан табиат кадастри юритилиши
тартибини белгилаш ва бундай кадастр юритилишини таъ-
минлаш, республика аҳамиятига молик табиий ресурслар-
нинг захираларини тасдиқлаш;

экология жихатидан танг вазиятлар, табиий офатлар ва фалокатларнинг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

табиий офатлар ва йирик аварияларнинг оқибатларини тугатиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

табиий ресурслардан фойдаланганлик, атроф табиий муҳитни ифлослантирганлик, чиқиндилар, зарарли таъсир этувчи бошқа нарсалар жойлаштириб ташлаганлик учун ҳақ тўлаш тартибини, шунингдек табиий ресурслардан фойдаланиш, чиқиндилар жойлаштириш лимитларини белгилаш;

экология маорифи ва тарбияси тизимини яратиш ҳамда унинг амал қилишини таъминлаш;

табиатдан алоҳида тартибда фойдаланиладиган ҳудудларнинг чегараларини, табиатни муҳофаза қилиш ва хўжалик фаолияти режимларини тасдиқлаш;

табиатни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида давлатлараро муносабатларни ривожлантириш;

Ўзбекистон Республикасининг конун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа тадбирларни амалга ошириш
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколат доирасига киради.

10-модда. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви маҳаллий идораларининг табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатлари

Табиатни муҳофаза қилиш соҳасида:

ўз ҳудудида табиатни муҳофаза қилишнинг асосий йўналишларини белгилаш, минтақанинг (ҳудуднинг) экология дастурини тасдиқлаш;

табиий ресурсларни ҳисобга олиш ва уларнинг аҳволига баҳо бериш, экология жихатидан зарарли бўлган объектларни рўйхатга олиш;

табиатни муҳофаза қилишга доир тадбирларни моддий-техника жихатидан таъминлаш;

табиий ресурслардан фойдаланиш ҳукуқини берувчи, sanoat чиқиндиларини ёки рўзғор чиқиндиларини тўплаш

ёки кўмиб ташлашга рухсатномаларни белгиланган тартибда бериш ёки уларни бекор қилиш;

табiiй ресурслардан фойдаланганлик учун тўловлар ундириш;

табиатнинг муҳофаза қилиниши устидан назорат ўрнатиш, атроф муҳитга зарар етказаётган маҳаллий аҳамиятга молик объектлар фаолиятини вақтинча ёки бутунлай тўхтатиш ва қайта ихтисослаштириш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

Ўзбекистон Республикаси қонунларида кўзда тутилган бошқа масалаларни тартибга солиш давлат ҳокимияти ва бошқаруви маҳаллий идораларининг ваколатига киради.

Атроф муҳитга зарар етказаётган тадбиркорлик субъектлари ҳисобланган маҳаллий аҳамиятга молик объектларнинг фаолиятини тўхтатиб қўйиш (фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва саломатлиги учун бошқа реал хавф юзага келишининг олдини олиш билан боғлиқ ҳолда фаолиятни ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб қўйиш ҳоллари бундан мустасно) ёки тугатиш ва қайта ихтисослаштириш, шунингдек уларга берилган табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқига доир рухсатномани бекор қилиш суд тартибида амалга оширилади.

11-модда. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига бўйсунди ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, шунингдек айрим шахслар томонидан ер, ер ости бойликлари, сув, ўрмон, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсидан, атмосфера ҳавосидан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилишга доир қонунларга риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ваколатлари Ўзбекистон Республика-

си Олий Мажлиснинг Сенати тасдиқлайдиган Низом билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлар давлат идоралари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар учун мажбурийдир.

III. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИНING ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ СОҲАСИДАГИ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

12-модда. Инсоннинг яшаш учун қулай атроф табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқи ва бу муҳитни сақлаб қолиш борасидаги бурчи

Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ўз саломатлиги ва келажак авлоднинг саломатлиги учун қулай табиий муҳитда яшаш, ўз саломатлигини атроф муҳитнинг зарарли таъсиридан муҳофаза қилиш ҳуқуқига эга.

Ана шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси аҳолиси табиатни муҳофаза қилиш бўйича жамоат ташкилотларига бирлашиш, атроф табиий муҳитнинг аҳволи ҳамда уни муҳофаза қилиш юзасидан қўрилаётган чора-тадбирларга доир ахборотларни талаб қилиш ва олиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси аҳолиси табиий ресурслардан оқилона фойдаланиши, табиат бойликларига эҳтиётлик билан муносабатда бўлиши, экология талабларига риоя этиши шарт.

13-модда. Табиатни муҳофаза қилиш жамоат бирлашмаларининг ваколатлари

Табиатни муҳофаза қилиш соҳасида фаолият кўрсатувчи жамоат бирлашмаларининг ваколатлари Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ қабул қилинган уставларида белгилаб қўйилади.

IV. АТРОФ ТАБИЙ МУҲИТ СИФАТИНИ НОРМАТИВЛАР БИЛАН ТАРТИБГА СОЛИШ

14-модда. Атроф табиий муҳит сифатининг нормативлари ва стандартлари

Хўжалик фаолиятининг атроф табиий муҳитга зарарли таъсири атроф табиий муҳит сифатининг аҳолининг экология жиҳатидан хавфсизлигини, табиий ресурсларни тиклаш ва муҳофаза қилишни кафолатловчи нормативлари ва стандартлари билан чеклаб қўйилади.

Ҳудудий-ишлаб чиқариш мажмуиларини таркиб топтиришда, саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилишни ривожлантиришда ҳамда шаҳарлар, бошқа аҳоли пунктларини қайта қуриш ва таъмирлашда атроф табиий муҳитга бўладиган таъсирнинг йўл қўйиш мумкин бўлган меъёрлари белгиланади.

15-модда. Экологик нормативларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш

Корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар атроф муҳитга таъсирнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган энг юқори даражаларини тартибга солувчи экологик ва бошқа йўсиндаги мезонларни ишлаб чиқишлари шарт.

Экологик нормативларни ўзларига берилган ваколатларга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қабрини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси тасдиқлайдилар.

Кимёвий дори-дармонларни қишлоқ хўжалигида ишлаштишга Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ рухсат этилади.

V. ТАБИЙ РЕСУРСЛАРДАН ФЙДАЛАНИШНИ ТАРТИБГА СОЛИШ

16-модда. Табиатдан фойдаланишга йўл қўйилиши

Табиатдан фойдаланишга атроф табиий муҳитни яшаш учун яроқли ҳолда сақлаш, табиий ресурслардан белгиланган тегишли нормативлар доирасида фойдаланиш ва қайта тикланадиган ва қайта тикланаётган табиий ресурслар қайта тикланишини таъминлаш шарти билан йўл қўйилади.

17-модда. Тупроқдан фойдаланиш шартлари

Тупроқ дейилганида ер қобиғининг тириклик учун фойдаланиладиган ва ўсимликлар билан бирга амал қиладиган юзадаги унумдор қатлами тушунилади.

Тупроқдан унинг унумдорлигини пасайтирмаган ҳолда табиий ва маданий ўсимликлардан ҳосил олиш учун фойдаланилади.

Тупроқнинг иншоот остида қоладиган гумусли қатлами бошқа жойларда ҳосилдорликни ошириш учун олиб кетилиши керак.

18-модда. Ер ости бойликлари ва фойдали қазилмалардан фойдаланиш шартлари

Ер ости бойликлари дейилганида ер қобиғининг юқори қисмини қамраб олувчи, тадқиқотлар ўтказиш ва фойдали қазилмалар қавлаб олиш мумкин бўлган сатҳ, фойдали қазилмалар дейилганида эса иқтисодий ва соғломлаштириш аҳамиятига молик геологик ҳосилалар тушунилади.

Ер ости бойликлари ва фойдали қазилмалардан қуйидаги шартлар билан фойдаланилади:

казиб олишда ана шу бойлик ва қазилмалар ҳамда уларга қўшилиб чиқадиган бошқа табиий ресурслардан комплекс ва оқилона фойдаланиш таъминланса, шунингдек атроф табиий муҳит ва ер ости бойликлари ифлосланишининг олди олинса;

фойдали қазилмаларни кавлаб олиш чоғида ҳолати ўзгарган ерлар рекультивация қилинса;

қайта тикланадиган фойдали қазилмалардан табиий қайта тикланишига эришиладиган даражадагина фойдаланилса.

19-модда. Сувлар ва сув ҳавзаларидан фойдаланиш шартлари

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ер усти, ер ости ва денгиз сувларидан зарур миқдордаги сувнинг табиий айланишини сақлаш, унинг нормативда кўрсатилган даражада тозалигини таъминлаш, сув ўсимликлари ва ҳайвонларини асраш, сув ҳавзаларининг ифлосланишига йўл қўймаслик, уларда экология мувозанатини сақлаш ва сув ҳавзасига ландшафт элементи сифатида зиён етказмаслик шарти билан йўл қўйилади.

Маҳаллий ҳокимият идоралари, ўрмон ва сув хўжалиги идоралари дарё ирмоқлари ҳосил бўладиган жойларда, сув ҳавзалари соҳили минтақаларида дарахтзорларни тиклашлари ва дов-дарахтни кўпайтиришлари ҳамда уларнинг сақланишини таъминлашлари шарт.

20-модда. Атмосфера ҳавосидан фойдаланиш шартлари

Атмосфера ҳавоси дейилганида Ўзбекистон Республикаси ҳудуди устидаги ҳаво бўшлиғи тушунилади. Ҳалодан фойдаланишга муайян ҳудуд ҳавосининг сифатини ўзгартирмаслик, уни белгиланган нормативлардан ортик даражада ифлослантирмаслик ёки сийраклаштирмаслик шарти билан йўл қўйилади.

Халқаро битимга мувофиқ вазирликлар ва идоралар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, хусусий шахслар озон қатламига зарарли таъсир этувчи кимёвий моддалар ишлаб чиқариш ҳамда бундай моддалардан фойдаланишни қисқартиришлари ва келгусида батамом тўхтатишлари шарт.

21-модда. Жонли табиат объектларидан фойдаланиш шартлари

Жонли табиат дейилганида табиий ўсимликлар, шу жумладан ўрмон, табиатда эркин яшайдиган хайвонлар ва бошқа жонли организмлар тушунилади.

Жонли табиат объектларидан:

уларнинг қайта тикланиш қобилиятини сақлаш;

уларнинг хилма-хил турини ва тўдаларининг барқарорлигини сақлаш;

атроф табиий муҳитнинг биологик жиҳатдан ифлосланишига йўл қўймаслик шарти билан фойдаланилади.

22-модда. Чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш шартлари

Чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда олиб борилади.

Чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга оширишнинг атроф муҳитга хавфсизлиги учун чиқиндиларнинг мулкдорлари жавоб берадилар. Чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш объектларини тегишли ҳудудга жойлаштириш масалаларини маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳал қилади.

23-модда. Табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум этиш

Табиий ресурслардан фойдаланиш талабларини муттасил бузадиган фойдаланувчи табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин.

VI. ЭКОЛОГИЯ ЭКСПЕРТИЗАСИ

24-модда. Давлат экология экспертизаси

Давлат экология экспертизаси хўжалик қарори қабул қилинишидан олдин ўтказилиши шарт бўлган атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш тадбиридир.

Давлат экология экспертизаси Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда ўтказилади.

Давлат экология экспертизасининг мақсади мўлжалланган ёки амалга оширилаётган хўжалик фаолияти ёки ўзга фаолиятнинг экология жиҳатдан қай даражада хавфли эканлигини аниқлаш, бу хилдаги фаолият табиатни муҳофаза қилиш қонунларининг талабларига қанчалик мувофиқлигини баҳолаш, лойиҳаларда назарда тутилаётган табиатни муҳофаза қилиш тадбирларининг қай даражада етарли ва асосли эканлигини аниқлашдан иборатдир.

25-модда. Давлат экология экспертизасининг объектлари

Давлат экология экспертизаси объектлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Давлат экология экспертизасининг ижобий хулосасисиз лойиҳаларни рўёбга чиқариш ман этилади.

26-модда. Давлат санитария-экология экспертизаси

Давлат санитария-экология экспертизаси атроф табиий муҳит ифлосланишининг инсон саломатлигига қанчалик зарарли таъсир кўрсатишини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Давлат санитария-экология экспертизаси соғлиқни сақлаш идораларининг, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг ташаббусига кўра Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тайинланади.

Давлат санитария-экология экспертизасини ўтказиш тартиби ва усулларини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза этиш давлат қўмитаси билан келишиб туриб тасдиқлайди.

27-модда. **Жамоатчилик асосидаги экология экспертизаси**

Жамоатчилик асосидаги экология экспертизаси жамоат бирлашмаларининг ташаббусига кўра уларнинг маблағлари ҳисобидан ёки жамоатчилик асосида мутахассисларнинг мустақил гуруҳлари томонидан амалга оширилади.

Жамоатчилик асосидаги экология экспертизасининг хулосалари тавсия тамойилига эга бўлади.

VII. ЭКОЛОГИК НАЗОРАТ

28-модда. **Атроф табиий муҳит мониторинги**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф табиий муҳитнинг ҳолати ва унинг ресурсларини кузатиш, ҳисобга олиш, уларга баҳо бериш ва уларнинг истикболини белгилашни таъминлаш мақсадида атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинги тизими ташкил этилади.

Атроф табиий муҳитнинг ҳолати, табиий ресурслардан фойдаланиш устидан кузатув махсус ваколат берилган идоралар, шунингдек фаолияти атроф табиий муҳитнинг ҳолатини ёмонлаштирадиган ёки ёмонлаштириши мумкин бўлган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар томонидан амалга оширилади.

Махсус ваколат берилган идоралар, шунингдек айтиб ўтилган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ўз кузатувларига доир материалларни тегишли давлат идораларига бепул беришлари шарт.

Мониторинг тузилиши, мазмуни ва уни амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси томонидан ишлаб чиқилади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

29-модда. **Экологик назорат вазифалари**

Экологик назорат олдида:

атроф табиий муҳит ҳолатини ҳамда хўжалик юритиш ва бошқа фаолият таъсири остида унда бўладиган ўзгаришларни кузатиб бориш;

атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, атроф табиий муҳитни соғломлаштириш, табиатни муҳофаза қилишга доир қонунлар талаблари ва атроф табиий муҳит сифатининг нормативларига риоя этиш борасидаги дастурлар ҳамда айрим тадбирлар бажарилишини текшириш вазифаси қўйилган.

Экологик назорат тизими давлат атроф табиий муҳит ҳолатини кузатиб бориш хизмати, табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат, идоравий, ишлаб чиқариш ва жамоат назоратидан иборат.

30-модда. Давлат атроф табиий муҳит ҳолатини кузатиб бориш хизмати

Давлат атроф табиий муҳит ҳолатини кузатиб бориш хизмати табиий муҳитда содир бўлаётган физик, кимёвий, биологик жараёнларни, атмосфера ҳавоси, тупроқ, ер усти ва ер ости сувларининг ифлосланиш даражасини, ифлосланишнинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига таъсири оқибатларини кузатиб бориш, манфаатдор ташкилотлар ва аҳолини атроф табиий муҳитда бўлаётган ўзгаришлар ҳақида жорий ва шошилинч ахборотлар ҳамда бу муҳит ҳолатига доир тахминлар билан таъминлаш мақсадида ташкил этилади.

Атроф табиий муҳит ҳолати тўғрисидаги ахборот очик-ошкора йўсинда бўлиб, унинг асосий кўрсаткичлари давлат табиатни муҳофаза этиш идоралари томонидан эълон қилиш учун мунтазам бериб борилади.

Давлат табиатни муҳофаза қилиш идоралари фалокатлар ва бошқа ҳодисалар натижасида атроф табиий муҳит нормативда белгиланганидан ҳам ортиқроқ даражада ифлосланган тақдирда бундай фалокат ва ҳодисалар тўғрисида жамоатчиликни дарҳол хабардор этишлари шарт.

Табиий ресурсларнинг миқдор, сифат ва бошқа хил кўрсаткичларини, улардан фойдаланишнинг ҳажми, тартиб тамойилини ҳисобга олиб бориш учун давлат табиий ресурслар кадастрлари юритилади.

Атроф табиий муҳит ҳолатига зарарли таъсир қиладиган ёки номақбул тарзда таъсир этиши мумкин бўлган объектлар, атроф табиий муҳитга тушадиган зарарли моддаларнинг турлари ва миқдори, чиқиндиларнинг ҳажмлари ва таркиби ҳам назорат этиб борилади ва давлат ҳисобига олинади.

Давлат атроф табиий муҳит ҳолатини назорат этиш хизматининг таркиби, уни ташкил этиш ва фаолият кўрсатиши тартиби, давлат табиий ресурслар кадастрларини, атроф муҳитга зарарли таъсир этувчи объектларнинг давлат ҳисобини юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилаб берилади.

31-модда. Табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат назорати

Табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат назорати давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари, махсус ваколатли давлат табиатни муҳофаза қилиш идоралари томонидан амалга оширилади.

Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси махсус ваколатли давлат табиатни муҳофаза қилиш идоралари ҳисобланади.

Махсус ваколатли давлат табиатни муҳофаза қилиш идоралари табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат назоратини амалга оширишда қатнашишга идоравий экологик

хизмат бўлишларини белгиланган тартибда жалб этишлари мумкин.

32-модда. Табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги идоровий, ишлаб чиқариш ва жамоат назорати

Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг экология хизмати шу вазирлик, давлат кўмитаси ёки идора тасарруфидаги корхоналар ва ташкилотлар фаолияти устидан табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги идоровий назоратни амалга оширади.

Табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ишлаб чиқариш назоратини корхоналар, бирлашмалар, ташкилотларнинг экология хизмати амалга оширади ва табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни тиклаш, атроф табиий муҳитни соғломлаштириш, табиатни муҳофаза қилишга доир қонунларнинг талаблари бажарилиши юзасидан дастурлар ҳамда айрим тадбирлар ижросини текшириш мақсадини кўзлайди.

Табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги жамоат назоратини жамоат бирлашмалари, меҳнат жамоалари, фуқаролар амалга оширадилар.

Идоровий, ишлаб чиқариш назоратини амалга оширувчи экология хизматларини ва экология соҳасидаги жамоат назоратини ташкил этиш ҳамда уларнинг фаолият кўрсатиши тартиби ушбу қонун ва мазкур хизматлар ҳамда жамоат назорати тўғрисидаги низомлар билан тартибга солиб борилади.

VIII. ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИҚТИСОДИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

33-модда. Табиатни муҳофаза қилишни таъминлашнинг иқтисодий тартиботи

Табиатни муҳофаза қилишни таъминлашнинг иқтисодий тартиботи:

табий ресурслардан махсус фойдаланганлик учун, атроф табий мухитни ифлослантирганлик (шу жумладан чикиндиларни жойлаштирганлик) ва атроф табий мухитга бошқача тарзда зарарли таъсир кўрсатганлик учун тўлов ундиришни;

камчикитли ва ресурсларни тежайдиган технологиялар жорий этилганида, табиатни муҳофаза қилиш ва табий ресурсларни қайта тиклашда самара берувчи фаолият амалга оширилганида корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга, шунингдек айрим шахсларга солиқ, кредит имтиёзлари ва ўзга имтиёзлар беришни;

экология нуктаи назаридан хавфли технологияларни қўллаганлик ва ўзга фаолиятни амалга оширганлик учун корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга нисбатан махсус солиқлар жорий этишни;

атроф табий мухитни ифлослантирувчи моддаларни чиқариш, оқизиш ёхуд экология нуктаи назаридан ўзга зарарли фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиялар (рухсатномалар) олишни;

табий мухитнинг қулай ҳолатини бузган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар зиммасига уни тиклаш вазифасини юклашни;

табиат объектларини бузиш ёки йўқ қилиб юбориш оқибатида етказилган зарар учун белгиланган тартибда то-вон пули ундиришни;

табиатни муҳофаза қилиш борасидаги режалар ва чоратадбирлар бажарилмаган, табиатни муҳофаза қилишга доир қонунларнинг норматив-техник ва бошқа талаблари бузилган ҳолларда мансабдор шахслар ёки бошқа ходимларни асосий ишлаб чиқариш фаолиятида эришилган натижалар бўйича бериладиган пул мукофотлари ёки бошқа мукофотлардан тўлиқ ёки қисман маҳрум этишни;

экологик соф маҳсулот чиқарганлик учун рағбатлантирувчи нархлар ва устама ҳақлар белгилашни;

табий ресурслардан оқилона фойдаланмаслик, меъёрда белгиланганидан ортиқча фойдаланганлик учун табиатдан фойдаланувчиларга нисбатан иктисодий жазо чораларини

ҳамда табиий ресурслардан тежаб-тергаб ва оқилона фойдаланганлик учун иқтисодий рағбатлантиришни қўлланишни;

табиий муҳитни сақлаш соҳасида ва экологик соф маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳаммадан юқори кўрсаткичларга эришган давлат, кооператив, жамоат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари, бошқа корхоналар, муассасалар ҳамда ташкилотларнинг жамоаларини ва айрим ходимларини, шунингдек айрим шахсларни моддий рағбатлантиришни кўзда тутади.

Ўзбекистон Республикасининг қонунларида, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг қарорларида табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни иқтисодий рағбатлантиришнинг бошқа турлари ҳам назарда тутилиши мумкин.

Табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни иқтисодий рағбатлантириш тадбирлари Ўзбекистон Республикаси қонунларида, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг қарорларида белгилаб қўйиладиган тартибда қўлланилади.

34-модда. Табиатдан махсус фойдаланганлик ва атроф муҳитни ифлослантирганлик учун тўловлар

Табиатдан махсус фойдаланганлик ва атроф муҳитни ифлослантирганлик учун тўловлар табиий ресурслардан фойдаланганлик учун солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлардан, шунингдек атроф муҳитни ифлослантирганлик (ифлослантирувчи моддаларни чиқарганлик, оқизганлик ва чиқиндиларни жойлаштирганлик) учун компенсация тўловларидан, табиий ресурсларни муҳофаза қилганлик ва қайта тиклаганлик учун тўловлардан иборат бўлади.

Табиий ресурслардан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари ва бошқа мажбурий тўловларнинг миқдорлари, шу жумладан ижара тўловининг миқдори табиий ресурсларнинг қай даражада кенг тарқалганлиги, сифати, уларни қайта тиклаш имкониятлари, улардан фойдаланишнинг қай даражада қулайлиги, комплекслиги, самарадорлиги, улар-

нинг жойлашган ери, чиқиндиларни қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш имкониятлари ҳамда бошқа жиҳатларни инобатга олган ҳолда, шунингдек тегишли лимитлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқланади ва тасдиқланади.

Атроф-муҳитни ифлослантирганлик учун компенсация тўловларининг миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Табиий ресурсларни муҳофаза қилганлик ва қайта тиклаганлик учун тўловларнинг миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Табиий ресурслардан фойдаланганлик учун тўловлар табиатдан фойдаланувчи корхоналар маҳсулотларининг (бажарган ишларининг, кўрсатган хизматларининг) таннархи-га қўшилади.

Атроф муҳитни ифлослантирганлик учун, шунингдек табиатдан лимитда (нормативда) белгиланганидан ташқари ва ўзгача тарзда нооқилона махсус фойдаланганлик учун компенсация тўловлари юридик шахснинг даромадидан (фойдасидан) ундирилади.

Табиий ресурслардан фойдаланганлик, уларни муҳофаза қилганлик ва қайта тиклаганлик учун тўлов Давлат бюджети-га тушади.

Атроф муҳитга ифлослантирувчи моддалар чиқарганлик ва оқизганлик ҳамда чиқиндилар жойлаштирганлик учун компенсация тўловларининг суммалари табиатни муҳофаза қилиш жамғармаларига тушади.

Табиатдан махсус фойдаланганлик учун тўловлар ва атроф муҳитни ифлослантирганлик учун компенсация тўловлари бўйича имтиёзлар қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Табиий ресурслардан фойдаланганлик учун тўловларни ва атроф муҳитни ифлослантирганлик учун компенсация тўловларини тўлаганлик юридик ва жисмоний шахсларни экология тадбирларини бажаришдан ва етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш мажбуриятидан озод этмайди.

35-модда. Табиатни муҳофаза қилиш жамғармалари

Табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини пул билан таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва унинг жойлардаги идоралари хузурида табиатни муҳофаза қилиш республика жамғармаси ҳамда маҳаллий жамғармалари ташкил этилади.

Табиатни муҳофаза қилиш жамғармаларини таркиб топтириш ва улардан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Табиатни муҳофаза қилиш жамғармалари тўғрисидаги низоом билан белгилаб қўйилади.

Табиатни муҳофаза қилиш жамоат фондлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкил этилади ва ўз фаолиятини амалга оширади.

36-модда. Экология суғуртаси

Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳитнинг ифлосланиши ва табиий ресурслар сифатининг ёмонлашуви оқибатида зарар етиши ҳолларини назарда тутиб корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг мол-мулки ҳамда даромадлари, фуқароларнинг ҳаёти, саломатлиги ва мол-мулки ихтиёрий ҳамда мажбурий суғурта қилинади.

Экология суғуртасининг тартиби ва шартлари Ўзбекистон Республикасининг қонунларида белгилаб қўйилади.

37-модда. Табиатни муҳофаза қилиш тизимидаги рағбатлантириш

Табиатдан оқилона фойдаланиш, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишни рағбатлантириш:

корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва табиатни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини амалга оширганлари тақдирида уларга солиқ солишда имтиёзлар бериш;

табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва табиат муҳофазасини таъминлаш борасидаги чора-тадбирларни

руёбга чиқариш учун имтиёзли шартларда қисқа муддатли ва узок муддатли кредитлар (ссудалар) бериш;

асосий ишлаб чиқариш фондлари учун юқори амортизация нормалари белгилаш;

атроф табиий муҳитга ифлослантирувчи моддалар чиқариш ва окизиш ҳамда чиқиндиларни жойлаштириш барқарор суръатда пасайтириб борилган тақдирда бундай моддаларни чиқарганлик ва оқизганлик ҳамда чиқиндиларни жойлаштирганлик учун тўловларни камайтириш;

табиатни муҳофаза қилиш жамғармалари маблағларининг бир қисмини ифлослантирувчи моддалар чиқариш ва окизишни камайтириш чора-тадбирларини руёбга чиқариш мақсадида корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва айрим шахсларга фоизли қарзлар сифатида шартнома асосида бериш орқали амалга оширилади.

IX. ФАВҚУЛОДДА ЭКОЛОГИЯ ВАЗИЯТЛАРИ

38-модда. Фалокатларни ва уларнинг экологияга зарарли оқибатларини бартараф этиш

Фалокат содир бўлган тақдирда корхона, муассаса ёки ташкилотлар фавқулодда экология вазиятларига мўлжалланган ўз ҳаракат режаларига мувофиқ фалокатни бартараф этишга дарҳол киришишлари шарт. Айни вақтда улар фалокат ҳақида ва уни бартараф этиш юзасидан кўриляётган чора-тадбирлар тўғрисида маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларига, давлат табиатни муҳофаза қилиш идораларига, шунингдек бундай фалокатларнинг экологияга зарарли оқибатларини бартараф этишга ихтисослашган хизматларга дарҳол хабар қиладилар.

39-модда. Фавқулодда экология вазияти ва экология офати минтақалари

Хўжалик фаолияти ва бошқа йўсиндаги фаолият, табиат стихияли кучларининг вайрон этувчи таъ-

сири ёхуд рўй берган фалокат ёки ҳалокат натижасида муайян ҳудудларнинг, шу жумладан сув ва ҳаво бўшлиғининг атроф табиий муҳитда инсон саломатлигига, табиий экология тизимларининг, ўсимлик ва ҳайвонлар генетик фондларининг ҳолатига таҳдид солувчи барқарор салбий ўзгаришлар содир бўлаётган қисми фавқулодда экология вазияти минтақалари деб эълон қилинади.

Муайян ҳудуднинг табиат мувозанати, табиий экология тизимлари бузилиши билан боғлиқ ҳолда табиий муҳитда барқарор ёки тузатиб бўлмас ўзгаришлар рўй берган ёки рўй бераётган қисми экология офати минтақалари деб эълон қилинади.

Фавқулодда экология вазияти ёки экология офати минтақалари деб эълон қилиш тўғрисидаги қарор қонунларда белгилаб қўйилган тартибда қабул қилинади.

Фавқулодда экология вазияти ва экология офати минтақаларида шу вазиятни келтириб чиқарган ишлар тўхтатиб қўйилади, атроф табиий муҳитга зарарли таъсир этувчи фаолият (аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ фаолият бундан мустасно) тақиқланади, табиий муҳитни тиклаш ва соғломлаштириш чора-тадбирлари кўрилади.

40-модда. Экология нуқтаи назаридан хавф туғдирадиган вазиятлар

Экология нуқтаи назаридан хавф туғдирадиган вазиятлар деганда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан биринчи даражали хавфли моддалар жумласига киритилган ўта захарли, кучли таъсир этувчи захарли моддалар, радиоактив ва бошқа моддаларни сақлаш, ташиш ва улардан фойдаланиш чоғида атроф табиий муҳитнинг ортиқча даражада ифлосланиши, табиат тизимларининг шикаст топиши, инсон саломатлигига ва ҳаётига зиён етиши таҳдиди билан боғлиқ бўлган вазиятлар тушунилади.

Экология нуқтаи назаридан хавф тугдирадиган вазиятлар юзага келган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг идоралари тегишли ишлаб чиқариш объектлари атрофида, транспорт магистрал йўллари бўйлаб алоҳида ҳуқуқий тартиб ўрнатадилар.

Х. ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИ ВА БОШҚА ЙЎСИНДАГИ ФАОЛИЯТГА ДОИР ЭКОЛОГИЯ ТАЛАБЛАРИ

41-модда. Корхоналар, иншоотлар ва бошқа объектларни жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш, реконструкциялаш, улардан фойдаланиш ва уларни тугатишга доир экология талаблари

Корхоналар, иншоотлар ва бошқа объектларни жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш, реконструкциялаш, кенгайтириш ва техника билан қайта ускуналаш, улардан фойдаланиш ва уларни тугатиш чоғида экология хавфсизлиги талаблари бажарилмоғи, табиатни муҳофаза қилиш чоратадбирлари назарда тутилмоғи лозим.

Корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, айрим шахслар чикитсиз ва камчикит технологияларни жорий этишлари, чиқиндиларнинг ҳосил бўлишини камайтиришлари, уларни зарарсизлантиришлари ва қайта ишлашлари, чиқиндиларни навларга ажратиш, тўплаш, кўмиб ташлаш ва улардан фойдаланиш қондаларига риоя этишлари шарт.

Фаолияти атроф табиий муҳитга анча зарарли экологик таъсир этиши мумкин бўлган йирик халқ хўжалик объектларини ривожлантириш ва жойлаштириш тўғрисидаги қарорлар давлат экология экспертизаси ҳулосасига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинади.

Экология талабларига жавоб бермайдиган объектларни фойдаланишга топшириш ман этилади.

42-модда. Радиоактив ва кимёвий моддаларни ишлашиш пайтидаги экология талаблари

Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва айрим фукаролар радиоактив ва кимёвий моддаларни ишлаб чиқариш, саклаш, ташиш, кўллаш, зарарсизлантириш ҳамда кўмиб ташлаш чоғида экология талабларига, белгиланган нормативлар ва қоидаларга риоя қилишлари, уларни кўллашнинг зарарли оқибатлари олдини олиш ва бартараф этиш чоратадбирларини кўришлари, мазкур нормативлардан ошиб кетилгани тақдирда радиация ва кимёвий хавфсизликни таъминлаш идораларини дарҳол хабардор этишлари шарт.

Радиоактив чиқиндиларни ва кимёвий моддаларни кўмиб ташлаш учун рухсатнома маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда давлат санитария ва кончилик назорати органлари билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан берилади.

43-модда. Табиатни шовқин, тебраниш, электромагнит майдонлари ва бошқа зарарли физик таъсирлардан муҳофаза қилиш

Маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, айрим шахслар зарарли ишлаб чиқариш шовқинлари, тебраниш, электромагнит майдонларининг ва зарарли физик таъсирлар кўрсатувчи бошқа омилларнинг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш чораларини кўришлари шарт.

44-модда. Табиатни назорат этилмайдиган ва зарарли биологик таъсирлардан муҳофаза қилиш

Табиатга зарарли биологик таъсир ўтказаятган ёки ўтказиши мумкин бўлган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар бундай таъсир оқибатларининг олдини олиш ва уларни бартараф этиш тадбирларини амалга оширишлари шарт.

Янги микроорганизмлар, вируслар ва шакллар ҳосил қилишга ва фойдаланишга, шунингдек уларни Ўзбекистон Республикасига олиб келишга фақат давлат санитария назоратининг ижобий ҳулосаси бўлганидагина рухсат этилади.

45-модда. Табиатни чиқиндилар билан ифлосланишдан муҳофаза қилиш

Чиқиндиларни аҳоли пунктлари ерларида, табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерларда ва тарихий-маданий аҳамиятга молик ерларда, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, шунингдек табиатни муҳофаза қилиш объектларига ҳамда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга зарар етказиш таҳдиди келиб чиқиши мумкин бўлган бошқа жойларда сақлаш ва бундай жойларга кўмиб ташлаш тақиқланади.

Алоҳида ҳолларда, махсус тадқиқотлар натижаларига кўра фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғи, атроф муҳит хавфсизлигини, табиий ресурслар сақланишини таъминлаш талабларига риоя этган ҳолда чиқиндиларни ер остига кўмиб ташлашга йўл қўйилади.

Чиқиндиларни қайта ишлаш, уларни полигонларда кўмиб ташлаш ва сақлаш табиатни муҳофаза қилиш давлат органларининг рухсати билан амалга оширилади.

46-модда. Экологик сертификатлаш

Экологик ёки гигиеник сертификатларга эга бўлмаган, шунингдек уларда белгиланган талаб кўрсаткичларидан четланган ҳолда хом ашё ва материаллардан фойдаланиш, технология жараёнларини жорий этиш ҳамда тайёр маҳсулотлар (шу жумладан озиқ-овқат маҳсулотлари) чиқариш тақиқланади. Экологик сертификатлаш конун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ҳам ўтказилади.

Экологик сертификатлаш тартибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайди.

XI. ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШГА ДОИР ҚОНУНЛАРНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК, ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШГА ОИД НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

47-модда. Табиатни муҳофаза қилишга доир қонунларни бузганлик учун жавобгарлик

Тубандаги ҳолларда:

табиатни муҳофаза қилишнинг стандартлари, нормалари, қоидалари ва бошқа норматив-техник талабларини бузишда, шу жумладан корхоналар, иншоотлар, транспорт воситалари ва бошқа объектларни режалаштириш, қуриш, реконструкциялаш, улардан фойдаланиш ёки уларни тугатиш чоғида, экология нуқтаи назаридан хавfli махсулотларни чет элларга чиқариш ва чет эллардан олиб келишда ҳудуднинг белгилаб қўйилган экология сифимини, экология нормалари, қоидаларини бузишда;

табиий бойликлардан ўзбошимчалик билан фойдаланишда, давлат экология экспертизаси талабларини бажармаганликда;

табиий ресурслардан фойдаланганлик учун белгиланган тўловни, шунингдек атроф муҳитни ифлослантирганлик ва унга зарарли таъсир кўрсатишнинг бошқа турлари учун компенсация тўловлари тўлашдан бош тортганликда;

табиатни муҳофаза қилиш объектларини қуриш режаларини, табиатни муҳофаза қилишга доир бошқа тадбирларни бажармасликда;

атроф табиий муҳитни тиклаш, унга бўладиган зарарли таъсир оқибатларини бартараф этиш ва табиий ресурсларни такрор ишлаб чиқариш чораларини кўрмаганликда;

табиатни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошираётган идораларнинг кўрсатмаларини бажармаганликда;

табиатни муҳофаза қилиш объектлари ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ҳуқуқий режимини бузганликда;

атроф табиий муҳитга зарарли таъсирни ҳисобга олиш қоидаларини бузганликда;

чиқиндиларни, кимёлаштириш воситаларини, шунингдек радиоактив ва зарарли кимёвий моддаларни сақлаш, ташшиш, улардан фойдаланиш, уларни зарарсизлантириш ва кўмиб юбориш вақтида табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузганликда;

атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат назоратини амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг объектларга боришига, айрим шахслар ва табиатни муҳофаза қилиш жамоат ташкилотларига эса ўз ҳуқуқ ва вазифаларини рўёбга чиқаришларига тўсқинлик қилганликда;

атроф табиий муҳитнинг ҳолати ва унинг ресурсларидан фойдаланиш тўғрисида ўз вақтида ва тўғри ахборот беришдан бош тортганликда айбдор бўлган шахслар Ўзбекистон Республикасининг қонунларига биноан интизомий, маъмурий, жиноий ва бошқа йўсиндаги жавобгарликка тортиладилар.

48-модда. Атроф табиий муҳитга зарарли таъсир кўрсатаётган объектлар фаолиятини чеклаш, тўхтатиб қўйиш, тугатиш ва ўзгартириш

Корхоналар, ташкилотлар, иншоотлар ва бошқа объектларнинг инсон саломатлигига ёки яшаш шароитига, табиий ресурсларга, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга зарарли таъсир этган ёки бундай таъсир этиш хавфи тугилган тақдирда уларнинг фаолияти чекланиши, тўхтатиб қўйилиши, зарарли таъсир этиш сабабларини бартараф этишнинг имкони бўлмаган тақдирда эса тугатилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

Бундай объектларнинг фаолиятини чеклаш, тўхтатиб қўйиш, тугатиш ёки ўзгартириш ҳамда айна вақтда уларни пул билан таъминлашни тўхтатиш хусусидаги қарорларни давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари, ўз ҳуқуқ доирасига мувофиқ табиатни муҳофаза қилиш идоралари чиқарадилар. Кўрсатилган чоралар тадбиркорлик субъ-

ектларига нисбатан суд тартибида қўлланилади, бундан фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва саломатлиги учун бошқа реал хавф юзага келишининг олдини олиш билан боғлиқ ҳолда фаолиятни ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб қўйиш ҳоллари мустасно.

49-модда. Табиатни муҳофаза қилиш қонунларини бузиш оқибатида етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш мажбурияти

Атроф табиий муҳитга зарар етказган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва айрим шахслар етказган зарарни, шу жумладан бой берилган фойда ўрнини қонунларга мувофиқ қоплашлари шарт.

Экология талабларини бузганликда айбланаётганларнинг маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилиши уларни атроф табиий муҳитга етказилган зарарни қоплаш мажбуриятидан озод этмайди.

50-модда. Табиатни муҳофаза қилиш қонунларини бузганлик учун иқтисодий жавобгарлик

Табиатдан махсус равишда фойдаланишни оқилона амалга оширмаганлик, атроф табиий муҳитга ифлослантирувчи моддалар чиқариш ва оқизишни, чиқиндиларни жойлаштиришни норматив ва лимитларда белгиланганидан кўпайтириб юборганлик учун корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва айрим шахсларга Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ оширилган солиқ солиниши керак.

Тегишли ҳолларда маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг, табиатни муҳофаза қилиш идораларининг қарорига мувофиқ айтиб ўтилган қоидабузарликларнинг сабабларига барҳам берилгунга қадар юридик ва жисмоний шахсларнинг хўжалик фаолиятини пул билан таъминлаш тўхтатиб қўйилиши мумкин. Кўрсатилган чора тадбиркорлик субъектларига нисбатан суд тартиби-

да қўлланилади, бундан фавқулудда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва саломатлиги учун бошқа реал хавф юзага келишининг олдини олиш билан боғлиқ ҳолда хўжалик фаолиятини молиялаштиришни ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб қўйиш ҳоллари мустасно.

51-модда. Табиатни муҳофаза қилишга доир қонунларни бузиш оқибатида зарар етказилишида айбдор бўлган мансабдор шахслар ва бошқа ходимларнинг жавобгарлиги

Корхоналар, ташкилотлар ҳамда муассасаларнинг атроф табиий муҳитга, инсон саломатлиги ва одамларнинг мол-мулкига, халқ хўжалигига етказилган зарарни қоплаш юзасидан чиқимдор бўлишида айбдор бўлган мансабдор шахслар ва бошқа ходимлар Ўзбекистон Республикаси қонунларига биноан моддий жавобгар бўладилар.

52-модда. Экология нуқтаи назаридан зарарли фаолиятни тўхтатиш хусусидаги даъво талаблари

Юридик ва жисмоний шахслар атроф табиий муҳитга, инсон саломатлиги ва одамларнинг мол-мулкига, халқ хўжалигига зиён етказаётган экология жиҳатидан зарарли фаолиятни тўхтатиш тўғрисида судга даъво билан мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

Суднинг экология нуқтаи назаридан зарарли фаолиятни тўхтатиш тўғрисидаги қарори айтиб ўтилган фаолиятни пул билан таъминлашни тўхтатиш учун асос бўлади.

53-модда. Табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги халқаро шартномалар

Башарти, Ўзбекистон Республикаси тузган халқаро шартномада ушбу қонундагидан ёки Ўзбекистон Республикасининг табиатни муҳофаза қилишга доир бошқа қонун

хужжатидагидан ўзга қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қондалари қўлланилади, Ўзбекистон Республикасининг қонунларида бирмунча қаттиқроқ талаблар белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. Каримов

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

1996 йил 26 декабрь 337-1-сон

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ТЎҒРИСИДА

1-модда. Сиёсий партия тушунчаси

Сиёсий партия Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг қарашлар, манфаатлар ва мақсадлар муштарақлиги асосида тузилган, давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда жамият муайян қисмининг сиёсий иродасини рўёбга чиқаришга интилувчи ҳамда ўз вакиллари орқали давлат ва жамоат ишларини идора этишда қатнашувчи қўнғилли бирлашмасидир.

2-модда. Сиёсий партиялар фаолиятининг ҳуқуқий асослари

Сиёсий партиялар ўз фаолиятларини Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, ушбу Қонунга, бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ, шунингдек ўз уставлари асосида амалга оширадилар.

3-модда. Сиёсий партияларни тузиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш принциплари

Сиёсий партиялар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркиндикларини амалга ошириш мақсадида, хоҳиш-иродани эркин билдириш, партияга ихтиёрий равишда кириш ва ундан чиқиш,

аъзоларининг тенг ҳуқуқлилиги, ўзини ўзи бошқариш, қонунийлик ва ошқоралик асосида тузилади ва фаолият кўрсатади.

Қуйидаги сиёсий партияларни тузиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши тақиқланади:

конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи;

Ўзбекистон Республикаси суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларининг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи;

урушни, ижтимоий, миллий, иркий ва диний адоватни тарғиб қилувчи;

халқнинг соғлиги ва маънавиятига тажовуз қилувчи;

миллий ва диний руҳдаги партиялар.

4-модда. Сиёсий партияларга аъзолик

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бир пайтнинг ўзида фақат битта сиёсий партияга аъзо бўлиши мумкин.

Партияга мансублигига кўра фуқаронинг ҳуқуқларини ҳар қандай чеклаш, худди шунингдек унга имтиёзлар ёки устунликлар бериш тақиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти республика барча фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилинишининг кафили сифатида президентлик ваколатларини бажариш муддати давомида сиёсий партияга аъзоликни ёки унда иштирок этишни тўхтатиб туриши ёхуд бутунлай тўхтатиши шарт.

Қуйидагилар сиёсий партияларга аъзо бўла олмайдилар: судьялар;

прокурорлар ва прокуратура терговчилари;

ички ишлар органлари, миллий хавфсизлик хизмати ходимлари;

ҳарбий хизматчилар;

хорижий давлатларнинг фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар.

Сиёсий партияларга аъзолик яқка тартибда қайд этилади.

5-модда. Сиёсий партиялар фаолиятининг кафолатлари

Давлат сиёсий партиялар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари муҳофаза этилишини кафолатлайди, уставда белги-ланган ўз мақсадлари ва вазифаларини бажаришлари учун уларга тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг ва улар мансабдор шахсларининг сиёсий партиялар ички ишларига аралаштиришлари ёхуд, агар фаолият қонунга ҳамда ўз уставларига мувофиқ амалга оширилади бўлса, улар фаолиятига у ёки бу тарзда тўсқинлик қилишлари ман этилади.

Сиёсий партияларнинг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашувига йўл қўйилмайди.

Сиёсий партиялар ташкилотларининг тадбирлари асосан улар аъзоларининг ишдан ташқари вақтида ва ана шу партиялар маблағи ҳисобидан амалга оширилади. Хусусий иш берувчиларнинг ўз ходимларидан улар меҳнат вазифаларини бажараётган пайтда партия номидан сиёсий фаолият билан шуғулланишни талаб қилиши ман этилади.

Сиёсий партиялар аппарати ходимларига нисбатан меҳнат тўғрисидаги, ижтимоий таъминот ва ижтимоий сугурта ҳақидаги қонун ҳужжатлари татбиқ этилади.

6-модда. Сиёсий партияни тузиш

Сиёсий партияни тузиш учун камида саккизта ҳудудий субъектда (вилоятда), шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида яшаётган ҳамда партияга бирлашиш истагида бўлган камида йигирма минг фуқаронинг имзоси бўлиши талаб этилади.

Сиёсий партия тузиш ташаббускорлари камида эллик кишидан иборат бўлиши, улар партия таъсис ҳужжатларини тайёрлаш, аъзолар таркибини шакллантириш ҳамда таъсис съезди ёки конференциясини чақириш бўйича ташкилий қўмитани тузишлари лозим.

Ташкилий кўмита ўзи тузилган кундан бошлаб етти кунлик муддатдан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ўз ташаббуси, кўмитанинг таркиби, раҳбари (етакчиси), жойлашган манзили ҳамда таъсис съезди ёки конференцияси чақириладиган санани ёзма равишда хабар қилиши лозим.

Ташкилий кўмита тузилган кундан бошлаб узоғи билан уч ой фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эгадир.

Сиёсий партия таъсис съездида ёки конференциясида тузилади.

Таъсис съезди ёки конференцияси партия устави ва дастурини қабул қилади, унинг сайлаб қўйиладиган органларини тузади.

7-модда. Сиёсий партиянинг устави

Сиёсий партиянинг уставида қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

партиянинг номи, мақсади ва вазифалари;

партиянинг тузилиши;

партия аъзолигига қабул қилиш ва ундан чиқиш шартлари ва тартиби;

партия аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

партия ва унинг ташкилотлари раҳбар органларининг ваколатлари ҳамда уларни тузиш (чақириш) тартиби, уларнинг ваколат муддатлари;

партия раҳбар органларининг фаолиятини назорат қилиш тартиби;

партия ва унинг ташкилотлари маблағларини шакллантириш ҳамда бошқа мол-мулкни сотиб олиш манбалари;

партия раҳбар органи жойлашган манзил;

партия устави ва дастурини қабул қилиш, уларга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тартиби;

партия фаолиятини қайта ташкил этиш ёки тўхтатиш тартиби.

Уставда партия фаолиятига оид бошқа қоидалар ҳам назарда тутилиши мумкин.

8-модда. Сиёсий партияларни рўйхатга олиш

Сиёсий партиялар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинади.

Сиёсий партияни рўйхатдан ўтказиш учун устав қабул қилинган кундан эътиборан бир ой муддат ичида қуйидагилар тақдим этилади:

партия раҳбар органининг камида уч аъзоси имзолаган ариза;

устав;

дастур;

таъсис съезди ёки конференциясининг баёни;

давлат божи қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда тўланганлигини тасдиқловчи банк ҳужжати;

ушбу Қонун талаблари бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар, шу жумладан, мазкур партияга бирлашиш истагини билдирган йигирма минг нафар Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг ўзлари имзо қўйган рўйхати, сайлаб қўйиладиган органларнинг аъзолари тўғрисидаги маълумотлар (фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, турар жойи ва иш жойи, телефон рақами), раҳбар орган аъзоларига ваколатлар, шу жумладан, рўйхатдан ўтказиш жараёнида ёхуд мунозаралар келиб чиққан тақдирда судда партия номидан иштирок этиш ҳуқуқи берилганлиги тўғрисидаги партия олий органининг қарори.

Сиёсий партияни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза у тушган кундан бошлаб бир ой муддат ичида кўриб чиқилади. Кўриб чиқиш натижаларига биноан сиёсий партияни рўйхатга олиш ёки рўйхатга олишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинади. Қарор қабул қилинган, узоғи билан уч кун муддат ичида у сиёсий партия раҳбар органига берилади ёки почта орқали жўнатилади.

Сиёсий партия рўйхатдан ўтган кундан эътиборан юридик шахс мақомини олади ва у ўз фаолиятини амалга ошириши мумкин.

Сиёсий партиялар уставларига киритилган ўзгартишлар ва қўшимчалар уларнинг уставларини рўйхатга олиш учун

ушбу моддада назарда тутилган тартибда ва муддатларда рўйхатдан ўтказилиши лозим.

Сиёсий партия рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги хабар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

9-модда. Сиёсий партияни рўйхатга олишни рад этиш

Агар сиёсий партиянинг устави, мақсадлари, вазифалари ва фаолият услуби Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, ушбу Қонунга ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига зид бўлса ёки олдинроқ худди шундай номдаги сиёсий партия ёки жамоатчилик ҳаракати рўйхатга олинган бўлса, бу партия рўйхатга олинмайди.

Сиёсий партияни рўйхатга олиш рад этилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тақдим этилган ҳужжатлар қонун ҳужжатларининг қайси қоидаларига зид эканлигини кўрсатган ҳолда бу хусусда партия раҳбар органининг ваколатли аъзосига ёзма тарзда хабар қилади. Ушбу сиёсий партия раҳбар органининг ваколатли аъзолари рўйхатга олиш рад этилганлиги тўғрисида хабарнома олинган кундан эътиборан бир ой ичида ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонун ҳужжатларига бутунлай мувофиқ ҳолга келтирган тақдирдагина партияни рўйхатга олиш тўғрисидаги ариза билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига такрор мурожаат этишга ҳақлидирлар.

Сиёсий партияни рўйхатга олишни рад этиш устидан Ўзбекистон Республикаси Олий судига белгиланган тартибда шикоят қилиш мумкин.

10-модда. Сиёсий партиянинг фаолиятини тўхтатиб туриш

Сиёсий партия Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини, ушбу Қонунни, бошқа қонун ҳужжатларини ёки ўз уставини бузган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қонун ҳужжатларининг ёки уставнинг қайси нормалари бузилганлигини кўрсатган ҳолда бу хусусда партия

рахбар органларига ёзма тарзда хабар қилади ва бундай бузишларни бартараф этиш учун муддат белгилайди. Агар бузишлар белгиланган муддат давомида бартараф этилмаса, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ёки Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий суди сиёсий партиянинг фаолиятини олти ойгача муддатга тўхтатиб туриши мумкин.

Сиёсий партиянинг фаолияти тўхтатиб турилган тақдирда, шу муддат давомида партиянинг ҳар қандай оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиши, тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориши, сайловларда иштирок этиши ман қилинади.

11-модда. Сиёсий партиянинг фаолиятини тугатиш

Сиёсий партиянинг фаолияти қуйидаги тарзда тугатилади:

партиянинг ўз уставига мувофиқ тарқалиб кетиши орқали, бу ҳақда партия олий органи уч кунлик муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига хабар қилади;

партия ушбу Қонун 3-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган хатти-ҳаракатларни содир этган ҳолларда ёки ўз фаолияти тўхтатиб қўйилганидан сўнг бир йил муддат ичида ўша хатти-ҳаракатларни такрор содир этган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг ёки Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг қарори билан.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг сиёсий партия фаолияти тугатилганлиги тўғрисидаги расмий хабари оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан бошлаб сиёсий партиянинг фаолияти тугайди.

12-модда. Сиёсий партияларнинг ҳуқуқлари

Сиёсий партиялар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотни эркин тарқатиш, ўз гоялари, мақсадлари ва қарорларини тарғиб қилиш;

сайлаб қўйиладиган давлат органларидаги ўз вакиллари орқали тегишли қарорларни тайёрлашда иштирок этиш;

қонунда белгилаб қўйилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти, давлат ҳокимияти органлари сайловларида иштирок этиш;

партия фаолияти билан боғлиқ йиғилишлар, конференциялар ва бошқа тадбирларни ўтказиш;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда оммавий ахборот воситалари таъсис этиш ва бошқа оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш;

Ўзбекистон Республикасининг сиёсий партиялари билан иттифоқ (блок) тузиш, улар билан ва бошқа жамоат бирлашмалари билан шартнома муносабатлари ўрнатиш.

Сиёсий партиялар ушбу Қонунда ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларида назарда тутилган ўзга ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

13-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари ўз партияларининг сиёсатини уюшқоқлик билан ўтказиш учун, сиёсий партиялардан кўрсатилган депутатларнинг таъсис йиғилишларида тузилади. Фракциялар фракциянинг раҳбари берган тегишли ариза ва таъсис ҳужжатларига асосан Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси томонидан рўйхатга олинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги сиёсий партия фракцияси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартибини тузишда иштирок этиш;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини лавозимидан озод этиш тўғрисидаги ташаббус билан Ўзбекистон Республикаси Президенти га мурожаат қилиш;

Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартибидаги ҳар бир масала бўйича музокараларда фракция вакилига кафолатланган сўз берилиши;

тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикерига ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига, вазирларга, шунингдек бошқа давлат органларининг раҳбарларига сўров билан мурожаат этиш;

Қонунчилик палатасининг кўмиталари Спикер ўринбосарлигига ва комиссиялари раислигига номзодлар бўйича таклифлар киритиш;

Қонунчилик палатасининг мажлисида муҳокама қилинаётган масала бўйича фракция фикрини депутатлар орасида таркатиш;

Қонунчилик палатаси депутатлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа вазифаларни амалга ошириш.

Сиёсий партия фракциясининг раҳбари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Кенгаши таркибига киради.

Фракцияларнинг фаолиятига ташкилий, техникавий жиҳатдан ва бошқа хизматлар кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг девони томонидан таъминланади.

13-1-модда. Парламентдаги кўпчилик ва парламентдаги муҳолифат. Сиёсий партиялар фракцияларининг блокка бирлашиши

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида кўпчилик ўринни эгаллаган сиёсий партия фракцияси парламентдаги кўпчиликни ташкил этади.

Ўз дастурий мақсадли вазифаларининг яқинлигидан ёки мослигидан келиб чиққан ҳолда блок тузадиган бир нота сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар ҳам парламентдаги кўпчиликни ташкил этиши мумкин.

Янги тдан шакллантирилган ҳукуматнинг тутган йўли ва дастурига ёки унинг айрим йўналишларига қўшилмайдиган сиёсий партиялар фракциялари, шунингдек Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар ўзларини мухолифат деб эълон қилиши мумкин.

Сиёсий партиялар фракцияларининг блокка бирлашиши қонунда назарда тутилган ҳуқуқларни амалга оширишда уларнинг мустақиллигини чеклаб қўймайди.

Ўзини парламентдаги мухолифат деб эълон қилган сиёсий партия фракцияси қонунда фракциялар учун назарда тутилган ваколатлар билан бир қаторда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси масъул қўмитасининг тегишли масала бўйича маърузаси билан бир вақтда қонун лойиҳасининг муқобил таҳририни киритиш;

муҳокама этилаётган масалалар юзасидан ўзининг алоҳида фикрини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ялпи мажлиси баённомасига киритиш;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан рад этилган қонун бўйича келишув комиссиясида ўз вакилларининг кафолатли иштирок этиши.

Парламентдаги мухолифатнинг қонун билан кафолатланган ҳуқуқлари парламентдаги кўпчилик томонидан камситилиши мумкин эмас.

14-модда. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларидаги партия гуруҳлари

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларидаги партия гуруҳлари сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган депутатлар таъсис йиғилишларида ўз партияларининг сиёсатини уюшқоқлик билан ўтказиш учун тузилади. Партия гуруҳлари партия гуруҳининг раҳбари берган ариза ёки таъсис ҳужжатларига асосан тегишли равишда Қорақалпоғистон

Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан рўйхатга олинади.

Партия гуруҳлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

сессия кун тартибини тузишда иштирок этиш;

сессия кун тартибидаги ҳар бир масала бўйича музокара-ларда гуруҳ вакилига кафолатланган сўз берилиши;

тегишли равишда Жўқорғи Кенгеснинг Раисига ва Ва-зирлар Кенгашига, Қорақалпоғистон Республикасининг вазирларига ва бошқа давлат органлари раҳбарларига, ҳокимларга, ҳоким ўринбосарларига, ҳокимликлар бўлим-лари ва бошқармаларининг раҳбарларига, шунингдек те-гишли халқ депутатлари Кенгаши ҳудудида жойлашган корхона, муассаса ва ташкилотларнинг раҳбарларига сўров-лар билан муурожаат этиш;

тегишли вакиллик органи қўмиталари ёки комиссиялари раислигига номзодлар бўйича таклифлар киритиш;

тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жў-қорғи Кенгеси ёки халқ депутатлари Кенгашининг сессияси-да муҳокама қилинаётган масала бўйича партия гуруҳининг фикрини депутатлар орасида тарқатиш;

вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими лавозимига тасдиқ-ланган шахсларнинг қоникарсиз фаолияти тўғрисида Ўзбе-кистон Республикаси Президентига асосланган хулосалар тақдим этиш ташаббуси;

давлат ҳокимияти тегишли вакиллик органларининг депутатлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа вазифаларни амалга ошириш.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларидаги пар-тия гуруҳларининг фаолиятига ташкилий, техникавий ва бошқа хизматлар кўрсатиш шу органнинг тегишли тармоқ бўлинмалари томонидан таъминланади.

15-модда. Сийсий партиялар мулки

Бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, нашриётлар, транспорт воситалари, шунингдек уставида назарда тутил-

ган вазифаларни амалга ошириш учун зарур бошқа мол-мулк сиёсий партияларнинг мулки бўлиши мумкин.

Сиёсий партияларни молиялаштириш «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ амалга оширилади.

Сиёсий партиялар фақат уставда назарда тутилган вазифаларни бажариш мақсадида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширади. Сиёсий партиянинг тадбиркорлик фаолияти натижалари унинг молиявий ҳисоботида акс эттирилиши керак.

Сиёсий партияларнинг тадбиркорлик фаолиятдан олган даромадлари партия аъзолари ўртасида тақсимланиши мумкин эмас ва улардан фақат уставда назарда тутилган вазифаларни бажариш учун фойдаланилади.

Сиёсий партиялар ҳар йили барчанинг эътибори учун ўз бюджетларини эълон қилиб боради ва ўз фаолиятини молиялаштириш манбалари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ёки у ваколат берган органга белгиланган тартибда ҳисобот тақдим этади.

Сиёсий партияларнинг мулки қонун билан муҳофаза қилинади.

16-модда. Сиёсий партияларни маблағ билан таъминлашдаги чекловлар

Сиёсий партиялар, уларнинг муассасалари ва ташкилотларининг бевосита ёки билвосита:

давлат органларидан;

корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан;

хорижий давлатлар ва ташкилотлардан, халқаро ташкилотлардан, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан;

диний ташкилотлардан;

аноним ҳайрия берувчилардан маблағлар ва бошқа мол-мулк олиши тақиқланади.

Сиёсий партияларнинг чет эл банкларида ҳисобварақларга эга бўлиши ва уларда кимматбаҳо ашёлар сақлаши

ман этилади. Сиёсий партиялар сайловларда иштирок этиши муносабати билан давлат уларга субсидия бериши мумкин.

17-модда. Сиёсий партиялар фаолиятининг қонун ҳужжатларига ва ўз уставларига мувофиқлигини назорат қилиш

Сиёсий партияларнинг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, қонун ҳужжатларига ва ўз уставларига мувофиқлигини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги назорат қилади.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. Каримов

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING УСТАВИ (янги таҳрири)

I. ПАРТИЯНИНГ НОМИ, МАҚСАД ВАЗИФАЛАРИ

1. Партиянинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли

Ўзбекистон Халқ демократик партияси (қискача номи — Ўзбекистон ХДП) турли ижтимоий табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодаловчи ва ўзининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этувчи Ўзбекистон Республикаси фуқароларини кўнгилли тарзда бирлаштирувчи сиёсий партиядир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунчилик ҳужжатлари ва ушбу Устав Ўзбекистон ХДП фаолиятининг қонуний асосларидир.

2. Ўзбекистон ХДПнинг бош мақсади

Ўзбекистон ХДПнинг бош мақсади — ҳар бир оила ва меҳнат кишисининг, миллати, дини, сиёсий эътиқоди, ижтимоий аҳволи ва келиб чиқишидан қатъий назар тинч ҳаёт кечиришини, шаъни ва кадр-қимматини, конституция-

вий ҳуқуқлари ва инсоний эркинликлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашдан иборатдир.

Партия ўзининг асосий ижтимоий таянчи – ишчилар, қишлоқ меҳнаткашлари, муҳандис-техник ходимлар, олимлар ва маданият арбоблари. ўқитувчи ва шифокорлар, хизматчилар, ўқувчи ёшлар ва нафақахўрларнинг манфаатларидан келиб чиқиб, Ўзбекистонда кучли ҳуқуқий демократик давлат, инсонпарвар, адолатли жамият қуришнинг изчил тарафдори сифатида ҳаракат қилади.

Партия, Ўзбекистондаги сиёсий кучларнинг сўл қаноти сифатида, мамлакатда сиёсий ва иқтисодий эркинликлар, демократия ва қонунийлик, тенглик ва ижтимоий адолат каби умуминсоний тамойиллардан келиб чиқиб, жамиятдаги ҳар бир кишининг тинч ва осойишта ҳаёти, фаровонлиги ва бутун мамлакатнинг гуллаб-яшнашини таъминлайдиган сиёсий ва давлат тузилишига интилади.

3. Ўзбекистон ХДП фаолиятининг асосий вазифалари

Ўзбекистон ХДП фаолиятининг асосий вазифалари қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси (бундан буён – Қонунчилик палатаси) ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловларда, уларда ўз вакиллигини таъминлаш мақсадида иштирок этиш;

сайловларда тегишли натижаларга эришганда, партиянинг Қонунчилик палатасидаги фракциясини ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларида депутатлик гуруҳларини тузиш, уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда қонунлар ва бошқа давлат қарорларини тайёрлашда иштирок этиш ҳуқуқларини амалга оширишдан фойдаланиш;

партиядан Қонунчилик палатаси ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайланган депутатларга

Ўз депутатлик ваколатларини тегишли сайлов округларида ижро этишларига бевосита кўмаклашиш;

мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий вазият устидан мониторингни олиб бориш, унинг асосида мавжуд муаммоларни ва уларни ҳал этиш имкониятларини аниқлаш, партиянинг тегишли дастурий ҳужжатлари ва таклифларини ишлаб чиқиш, бунга жамоатчилик эътиборини жалб қилиш;

аҳоли ўртасида партиянинг рейтингини ва жамоатчилик фикрини ўрганиш;

партиянинг дастурий мақсадлари ва вазифалари, қарорларини тарғиб қилиш, унинг органлари ва ташкилотлари фаолияти тўғрисидаги ахборотларни эркин тарқатиш, партиянинг жамиятдаги ижобий имижини яратиш мақсадида йнгилишлар, конференциялар ва бошқа ижтимоий аҳамиятга молик тадбирларни ўтказиш, партия сафларига янги аъзоларни тортиш ва аҳоли орасида унинг тарафдорлари сонини кўлайтириш;

нашриётлар, ахборот агентликлари, оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш ҳамда ноширлик фаолиятининг бошқа шакллари аналга ошириш;

партия аъзолари ва тарафдорлари ўртасида, уларнинг сиёсий ва фуқаролик маданиятини шакллантиришга йўналтирилган маърифий ишларни олиб бориш;

партияга қабул қилиш, партия аъзолари ҳисобини юритиш, партия органлари ва ташкилотларини тузиш, тугатиш ва қайта ташкил этишга оид ишларни, қонунчиликда ва мазкур Уставда кўзда тутилган партия ва унинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича бошқа тадбирларни аналга ошириш;

партия ташкилотлари фаолларининг турли тоифалари учун, уларда партиянинг Устав фаолиятини ташкил қилишнинг тегишли кўникмаларини ҳосил этиш мақсадида, турли шакллардаги ўқув ва ахборий-маслаҳат кўмагини ташкил этиш;

Устав вазифаларини аналга ошириш учун фойдаланадиган партия мулки объектларини ривожлантириш ва ишлатиш учун ярокли ҳолатда сақлаб туриш.

Партия ўзининг Устав вазифаларини амалга ошириши учун бинолар, иншоотлар, ускуналар, нашриётлар, транспорт воситалари ва бошқа мол-мулкка эга бўлиши, шунингдек, тегишли ишлаб чиқариш, тадбиркорлик ва хўжалик фаолияти билан шугулланиши мумкин.

4. Ўзбекистон ХДП фаолиятининг ҳудуди

Ўзбекистон ХДП ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида амалга оширади.

5. Ўзбекистон ХДП марказий органларининг қароргоҳи

Ўзбекистон ХДП марказий органлари Тошкент шаҳар, Мустақиллик майдони, 5-бинода жойлашган.

II. ЎЗБЕКИСТОН ХДП ТУЗИЛМАСИ

6. Ўзбекистон ХДП аъзолари бирлашувининг асосий тамойиллари

Партия аъзолари бирлашувининг асосий ташкилий шакли Ўзбекистон Республикасининг тегишли маъмурий-ҳудудий субъектлари доирасида тузиладиган ҳамда партия аъзоларини бевосита турар жойи, касб-кори ёки жамоатчилик фаолияти бўйича бирлаштирувчи партия ташкилотларидир.

Давлат ҳокимиятининг қонунчилик-вакиллик органларида партиядан сайланган депутатлардан иборат тузиладиган депутатлик бирлашмалари ушбу органларда партия манфаатларини ифодалашнинг ташкилий шаклидир.

Партиянинг сайловларда иштироки билан боғлиқ Устав фаолиятини амалга ошириш учун сайлов округларида партия гуруҳлари ва партия ташкилотларининг бирлашмалари тузилиши мумкин.

Дастурий вазифаларни ҳал этиш мақсадида партия аъзоларининг бошқа шаклдаги бирлашмаларидан ҳам фойдаланиши мумкин.

7. Ўзбекистон ХДП ташкилотлари

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри доирасида туман ва шаҳарларда тузиладиган партия ташкилотларини бирлаштириш учун;

республика ва вилоятга бўйсунадиган туман ва шаҳарлар доирасида, шунингдек, лозим топилган ҳолларда, улар таркибига қирадиган худудлар ва аҳоли яшаш пунктларида бошланғич партия ташкилотларини бирлаштириш учун тузилади.

Бошланғич партия ташкилотлари, камида уч нафар партия аъзосини бевосита бирлаштириш мақсадида, уларнинг истиқомат жойи, касб-кори ва жамоатчилик фаолияти бўйича, шундай бирлашув учун қонуний чекловлар бўлмаган ҳолларда тузилади. Зарур ҳолларда бошланғич партия ташкилотлари таркибида партия гуруҳлари тузилиши мумкин.

Партия ташкилотларини ҳамда улар таркибидаги партия гуруҳларини тузиш, қайта ташкил этиш (бўлиш, қўшиш ва бошқалар) ва тарқатиш тартиби мазкур Устав билан белгиланади.

8. Партиянинг депутатлик бирлашмалари

Партия манфаатларини давлат ҳокимияти қонунчилик-вакиллик органларида уюшқоқлик билан ифодалаш мақсадида қонунда белгиланган тартибда:

Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг фракцияси – Қонунчилик палатасига партиядан сайланган депутатлардан;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларидаги Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг депутатлик гуруҳлари – давлат ҳокимияти тегишли вакиллик органларига партиядан сайланган депутатлардан тузилади.

Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракциясининг фаолияти партия марказий раҳбар органлари томонидан мувофиқлаштирилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги Ўзбекистон ХДП депутатлик гуруҳлари фаолияти партиянинг тегишли раҳбар органлари томонидан мувофиқлаштирилади.

9. Сайлов округларидаги партия гуруҳлари ва партия ташкилотларининг бирлашмалари

Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов округларидаги партия гуруҳлари, тегишли сайлов округи бўйича партиядан депутатликка кўрсатилган номзодларнинг сайловолди мавсумини ташкилий ва тарғибий-ташвиқий жиҳатдан таъминлайдиган партия аъзоларини бирлаштириш ва округ сайловчиларида партиянинг ижобий имижини яратиш мақсадида тузилади.

Ушбу мақсадларда:

Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округларда — Ўзбекистон ХДП туман, шаҳар ташкилотлари бирлашмалари;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи округларда — бошланғич партия ташкилотлари бирлашмалари тузилиши мумкин.

Партия раҳбар органининг партия ташкилотлари бирлашмаларини тузиш тўғрисидаги қарорига биноан, сайлов округларидаги тегишли партия гуруҳлари раҳбарларига сайлов мавсумини олиб бориш бўйича партия ташкилотлари бирлашмаларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ҳуқуқи берилиши мумкин.

Сайлов округларида партия гуруҳлари ва партия ташкилотлари бирлашмаларини тузиш ҳамда улар фаолиятини ташкил қилиш тўғрисидаги Низом Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сийёсий ижроқўмининг қарори билан тасдиқланади.

10. Ўзбекистон ХДП аъзолари бирлашмаларининг бошқа шакллари

Партия аъзолари ва партия сайланма органларининг ташаббуси билан партия клублари, сиёсий марказлар, кизикишлар ва муаммолар, шу жумладан, касб-кор бўйича ҳам бирлашишнинг хилма-хил шакллари ташкил қилиниши ва фаолият кўрсатиши мумкин. Улар партиянинг дастурий ҳужжатларига асосланиб турли масалаларни муҳокама қиладилар, ўз таклифларини ишлаб чиқадиладар ва уларни ҳар қандай даражадаги партия ташкилотлари ҳамда уларнинг сайланма органлари муҳокамасига киритадилар.

III. ЎЗБЕКИСТОН ХДП АЪЗОЛИГИГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ, АЪЗОЛИКДАН ЧИҚАРИШ ШАРТЛАРИ ВА ТАРТИБИ. ПАРТИЯ АЪЗОЛИГИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

11. Ўзбекистон ХДПга аъзоликнинг қайд этилиши

Ўзбекистон ХДПга аъзолик ягона намунадаги партия билети билан шаҳодатланади ва яқка тартибда қайд этилади. Ягона партия билетининг намунаси Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўми томонидан тасдиқланади.

12. Ўзбекистон ХДП га аъзолик шартлари

Ўзбекистон ХДПга Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган, партиянинг дастурий мақсадларини эътироф этувчи, унинг Устави талабларини бажарувчи ва партияни моддий маблағ билан қўллаб-қувватлаб турувчи фуқароси аъзо бўлиши мумкин.

Ўзбекистон ХДПга аъзолик фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини чекламайди. Унинг аъзоси бир пайтнинг ўзида бошқа сиёсий партияларнинг аъзоси бўлиши мумкин эмас.

13. Ўзбекистон ХДП аъзолигига қабул қилиш тартиби

Ўзбекистон ХДП аъзолигига қабул якка тартибда, унга кирувчининг аризасига мувофиқ бошланғич партия ташкилотига амалга оширилади.

Илгари бошқа сиёсий партиялар аъзоси бўлиб, улар таркибидан чиққан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Ўзбекистон ХДП аъзолигига умумий тартибда қабул қилинадилар.

14. Ўзбекистон ХДП аъзоларининг ҳуқуқлари

Ўзбекистон ХДПнинг барча аъзоларитенг ҳуқуқлидирлар. Улар қуйидаги ҳуқуқларга эгадирлар:

Ўз нуқтан назарларини эркин баён этиш, партия сиёсати ва унинг ички турмуши масалаларини кўтариб чиқиш, муҳокама қилиш, улар юзасидан қарорларнинг ишлаб чиқилишида қатнашиш;

партия органларига сайлаш ва сайланиш, уларнинг иши ҳақида ахборот олиш;

барча даража лар даги давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайланиш учун партиядан номзод этиб кўрсатилиш;

ҳар қандай партия органи ҳамда партиянинг исталган аъзоси фаолиятига баҳо бериш ва уларни танқид қилиш;

ҳар қандай партия органига ариза ва таклифлар билан мурожаат этиш ва ундан жавоб олиш;

фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига мувофиқ олиб бориладиган ҳамда партиянинг дастурий мақсадлари ва Устави қоидаларига зид бўлмаган оммавий жамоат ташкилотлари ҳамда ҳаракатларнинг ишида қатнашиш.

15. Ўзбекистон ХДП аъзоларининг мажбуриятлари

Партия аъзоси:

партия Устави талабларини бажаришга;

партия ташкилотлари ҳамда партия сайланма органларининг қарорларини ижро этишга;

партиянинг дастурий мақсадларини тарғиб қилиш ва рўёбга чиқаришда қатнашиш, унинг жамиятдаги обрў-эъгиборини мустаҳкамлаш ва таъсирини кучайтиришга эришишга;

бошланғич партия ташкилотининг ҳаёти ва фаолиятида иштирок этишга;

партияга аъзолик бадалларини мунтазам тўлаб туришга мажбурдир.

16. Ўзбекистон ХДП ташкилотлари ва партия сайланма органларининг мажбуриятлари

Партия ташкилотлари ва партиянинг сайланма органлари:

барча партия ташкилотларида партиявий биродарлик муносабатларини таъминлашлари, партия аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишлари;

зарурат тугилганда, партия аъзоларининг ижтимоий фаолиятига сиёсий жиҳатдан кўмаклашишлари;

партия аъзоларининг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари камситилган ҳолларда, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилишлари шарт.

17. Ўзбекистон ХДПга аъзоликни вақтинча тўхтатиш ва қайта тиклаш

Ўзбекистон ХДП аъзоси бошланғич партия ташкилоти билан келишган ҳолда ўзининг партияга аъзолигини вақтинча тўхтатиб туриши мумкин. Бу ҳақда у бошланғич партия ташкилотини ёзма равишда, ўзи қабул қилган қарори сабабларини кўрсатган ҳолда, хабардор қилади.

Ўзбекистон ХДПга аъзоликни вақтинча тўхтатиб туриш ва қайта тиклаш тўғрисидаги партия аъзосининг қарори бошланғич партия ташкилоти томонидан маълумот учун қабул қилинади ва тегишли партия кенгашига етказилади.

18. Ўзбекистон ХДПга аъзоликни тўхтатиш

Ўзбекистон ХДПга аъзолик бошлагич партия ташкилоти қарорига кўра:

партия аъзоси Ўзбекистон ХДП Устави талабларига зид хатти-ҳаракатлари ва хулқ-атвори учун унинг сафларидан ўчирилганда;

партия аъзосининг Ўзбекистон ХДП билан алоқаси узилгани кайд қилинганда;

партия аъзосининг ихтиёрий равишда Ўзбекистон ХДП сафидан чиққанида тўхтатилади.

19. Ўзбекистон ХДП аъзосини Ўзбекистон ХДП сафларидан чиқариш тартиби

Бошланғич партия ташкилоти, юқори партия органлари партия аъзосининг Ўзбекистон ХДП Устави талабларига зид хатти-ҳаракатлари учун уни партия сафларидан ўчиришлари мумкин.

Бу ҳақдаги қарор партия ташкилоти йиғилиши ёки юқори партия органи томонидан қабул қилинади ва тегишли ташкилот ҳисобида турувчи партия аъзоларининг ёки мазкур сайланма орган аъзоларининг ярмидан кўпроғи уни ёқлаб овоз берган тақдирда қабул қилинади.

Ўзбекистон ХДПдан чиқарилган киши бир йил мобайнида юқори партия органларига шикоят аризасини бериш ҳуқуқига эга. Шикоят аризаси тушган кундан бошлаб бир ой муддат ичида кўриб чиқилади.

20. Ўзбекистон ХДПга аъзоликни тўхтатиш тартиби

Узрли сабабларсиз уч ойдан ортиқ вақт давомида аъзолик бадалларини тўламаган ёки устав мажбуриятларини бажармаган Ўзбекистон ХДП аъзоси тўғрисидаги масала бошланғич партия ташкилотида кўриб чиқилиши лозим.

Агар партия аъзосининг Ўзбекистон ХДП билан алоқани узганлиги аниқланса, у ҳолда, унинг партияга аъзолигини тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

Партия билан алоқаси узилганлиги сабабли Ўзбекистон ХДПга аъзолигини тўхтатиш тўғрисидаги қарори устидан шикоят-ариза партия сафларидан чиқариш тўғрисидаги қарорлар бўйича шикоят-аризаларни кўриб чиқиш тартибида кўриб чиқилади.

21. Ўзбекистон ХДП сафларидан ихтиёрий чиқиш тартиби

Ўзбекистон ХДП сафларидан ихтиёрий чиқишга қарор қилган партия аъзоси бу ҳақда тегишли бошланғич партия ташкилотини ёзма равишда хабардор қилади.

Ўзбекистон ХДП аъзосининг партия сафларидан ихтиёрий чиқиш тўғрисидаги қарори бошланғич партия ташкилоти томонидан маълумот учун қабул қилинади ва тегишли туман, шаҳар партия кенгашига етказилади.

IV. ЎЗБЕКИСТОН ХДПНИНГ ТАРКИБИЙ БЎГИНЛАРИНИ ТУЗИШ, ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТАРҚАТИШ ТАРТИБИ

22. Бошланғич партия ташкилотларини тузиш, қайта ташкил этиш ва тарқатиш тартиби

Бошланғич партия ташкилотлари партия аъзоларининг турар-жойлари, касб-кор ва жамоатчилик фаолиятлари бўйича, ушбу партия ташкилоти аъзоларининг фикрини ҳисобга олган ҳолда, тегишли туман, шаҳар партия кенгашлари қарори билан тузилади, қайта ташкил этилади (қўшилади, бўлинади) ва тарқатилади.

Бошланғич партия ташкилоти таркибида партия гуруҳларини тузиш, шунингдек, уларни қайтадан ташкил этиш (қўшиш, бўлиш) ва тарқатиш бўйича тегишли йиғилишларни бошланғич партия ташкилотининг раиси ташкил этади. Партия гуруҳи камида уч партия аъзосини бевосита бирлаштириш учун тузилади.

Янги ташкил этилаётган бошлангич партия ташкилотли, партия гуруҳи унинг таъсис йиғилишининг бу тўғридаги қарори қабул қилинганидан кейин тузилган деб ҳисобланади.

23. Худудий партия ташкилотларини тузиш, қайта ташкил этиш ва тарқатиш тўғрисидаги қарорларни қабул қилиш

Худудий партия ташкилотлари қоида тариқасида, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўми қарорига биноан, Ўзбекистон Республикаси маъмурий-худудий тузилишига тегишли ўзгаришларга кўра тузилади, қайта ташкил этилади (қўшилади, бўлинади) ва тарқатилади.

24. Худудий партия ташкилотининг ташкил этилиши

Худудий партия ташкилотлари Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўми қарори билан тузилади.

Худудий партия ташкилотини тузиш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш билан бир вақтда ташкилий кўмита тузилади ва бир ой давомида таъсис конференциясини чақиради.

25. Худудий партия ташкилотининг юридик шахс мақоми

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар партия ташкилотлари, шунингдек, улар таркибига кирувчи туман, шаҳар партия ташкилотлари юридик шахс мақомига эгадирлар.

Янгидан тузилган худудий партия ташкилоти қонунда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг тегишли худудий субъекти адлия органида рўйхатга олингандан кейин юридик шахс мақомини олади.

26. Худудий партия ташкилотлари фаолиятини тўхтатиш тартиби

Худудий партия ташкилоти фаолияти Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроқўмининг уни қайта ташкил этиш (қўшиш, бўлиш) ёки тарқатиш тўғрисидаги қарори билан тегишли партия кенгаши ижроия қўмитаси зиммасига тугатиш комиссияси вазифаларини юклаш орқали тўхтатилади.

27. Ўзбекистон ХДП фаолиятини тугатиш тартиби

Ўзбекистон ХДП фаолияти, у ўзини ўзи тарқатиб юбориши натижасида, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида қайд этилган асослар билан ёки Ўзбекистон Республикаси Олий суди нинг қарорига мувофиқ тугатилиши мумкин.

Ўзини ўзи тарқатиб юбориш тўғрисидаги қарорни партия қурултойи, унинг барча ташкилотлари фикрини ҳисобга олиб қабул қилади ва қурултой делегатларининг камида учдан икки қисми уни ёқлаб овоз берган тақдирда, ҳақиқий деб ҳисобланади.

Ўзбекистон ХДП фаолияти тўхтатилган тақдирда, юридик шахсни тугатиш юзасидан қонунда кўздатутилганишлар тугатиш комиссияси томонидан амалга оширилади. Бошқа юридик шахслар билан ўзаро ҳисоб-китоблар қилингандан сўнг партия мулки Уставда кўзда тутилган ёки тугатиш комиссияси белгилаган мақсадларга йўналтирилади.

28. Ўзбекистон ХДПнинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси, давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органларида партия депутат гуруҳларини тузиш ва улар фаолиятини тўхтатиш тартиби

Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳларини тузиш ва фаолиятини тўхтатиш қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

29. Сайлов округларидаги партия гуруҳлари ва партия ташкилотларининг бирлашмаларини тузиш ва тугатиш тартиби

Сайлов округларидаги партия гуруҳлари ва партия ташкилотларининг бирлашмалари заруратга қараб:

Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округларда – Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўми қарори билан;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи округларда – Ўзбекистон ХДП тегишли ҳудудий кенгашлари ижроия қўмиталари қарори билан тузилади ва тугатилади.

V. ЎЗБЕКИСТОН ХДПНИНГ РАҲБАР, ИЖРОИЯ ВА НАЗОРАТ ОРГАНЛАРИ

5.1. Ўзбекистон ХДПнинг раҳбар, ижроия ва назорат органларини тузиш ҳамда фаолиятини ташкил этишнинг асосий тамойиллари

30. Ўзбекистон ХДП раҳбар, ижроия ва назорат органларининг сайлаб қўйилиши

Ўзбекистон ХДПнинг барча раҳбар, ижроия ва назорат органлари сайлаб қўйиладилар.

Партия аъзолари партия органларини сайлаш чоғида, номзодларни чекланмаган миқдорда, шу жумладан, ўз номзодини ҳам кўрсатиш ва далиллар асосида рад қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши, ҳудудий партия ташкилоти органи аъзоси бир вақтнинг ўзида тегишли партия ташкилоти тафтиш комиссияси аъзоси бўлиши мумкин эмас.

Партия органларининг таркиби уларнинг ваколатлари муддати тугашидан аввал янгиланиши ёки тўла-тўқис қайтадан сайланиши мумкин.

31. Ўзбекистон ХДП раҳбар ва ижроия органларининг мустақиллиги

Ўзбекистон ХДП раҳбар ва ижроия органлари, юқори партия ташкилотлари олдида уларнинг қарорларини бажариш юзасидан ҳисобдорлик қондасига амал қилган ҳолда, ўз ваколатлари доирасида қарорларни мустақил қабул қиладилар.

32. Ўзбекистон ХДП раҳбар ва ижроия органларининг қарор қабул қилишлари тартиби

Партиянинг раҳбар ва ижроия органлари қарорлари овоз бериш орқали, оддий ёки белгиланган катнашчиларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овоз бериш ва унинг яқунларини ҳисоблаш тартиби, агар мазкур Уставда унинг бошқача йўли кўзда тутилган бўлмаса, тегишли партия органи йиғилиши иштирокчиларининг ихтиёрига кўра белгиланади.

33. Ўзбекистон ХДП раҳбар ва ижроия органлари қарорларининг мажбурийлиги

Ўзбекистон ХДП раҳбар ёки ижроия органининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари тегишли партия органи бирлаштирган барча партия ташкилотлари ва партия аъзолари учун мажбурийдир.

Ўзбекистон ХДП раҳбар ёки ижроия органи томонидан қабул қилинган қарорлар партиянинг дастурий мақсадлари ва унинг Уставига зид бўлмаса, юқори партия органлари томонидан бекор қилиниши мумкин эмас. Партия аъзолигидан чиқариш тўғрисидаги қарорлар бундан мустасно.

34. Ўзбекистон ХДП сайланма органлари ва ташкилотлари фаолиятида жамоатчилик асослари

Партия ташкилотлари, уларнинг сайланма органлари, асосан, жамоатчилик асосида ишлайдилар. Улар партиянинг Устав фаолияти масалаларини ҳал этиш учун партия аъзолари ва бошқа фуқароларни жамоатчилик ишларига жалб

этишнинг қонунчиликка зид бўлмаган ҳар қандай шакллари-дан фойдаланишлари мумкин. Бунда тегишли вазифалар ишдан ташқари вақтда бажарилиши шарт.

35. Ўзбекистон ХДП ижроия органлари ишчи аппарати

Ўзбекистон ХДП ижроия органлари, ўз ваколатлари даврида, Устав фаолиятларини ахборот-таҳлил, тахминий-социологик, молиявий-хўжалик, ташкилий ва маслаҳатлашув хизмати билан таъминлаш учун ўзларига бўйсунадиган, меҳнат шартномаларига мувофиқ ташкил қилинадиган ишчи аппаратини тузадилар.

Аппарат ходимларига нисбатан меҳнат, ижтимоий таъминот ва ижтимоий сугурта тўғрисидаги қонунчилик қўлланилади.

36. Ўзбекистон ХДП раҳбар ва ижроия органлари фаолиятини назорат қилиш

Ўзбекистон ХДП раҳбар ва ижроия органлари фаолияти устидан назорат қилиш уларнинг вақти-вақти билан тегишли партия ташкилотлари ва юқори партия органлари олдида ҳисобот беришлари билан таъминланади.

Ўзбекистон ХДП органлари, ташкилотларининг молиявий-хўжалик фаолияти ва партия бюджетининг тўғри шаклланиши ҳамда маблағларнинг сарфланиши устидан назорат Ўзбекистон ХДП Марказий Тафтиш Комиссияси ва ҳудудий партия ташкилотларининг тафтиш комиссиялари томонидан амалга оширилади.

5.2. Ўзбекистон ХДПнинг олий ҳамда марказий раҳбар ва ижроия органлари

37. Ўзбекистон ХДП курултойи

Ўзбекистон ХДП олий раҳбар органи курултойдир.

Навбатдаги курултойлар Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши томонидан 5 йил ичида камидан бир марта, қоида тариқасида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига

хамда Қонунчилик палатасига ўтказиладиган сайловларда Президентликка ва депутатликка номзодлар кўрсатиш даврида чақирилади. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг навбатдаги қурултойни чақириш, унга таклиф этилаётган кун тартиби ва вакиллик меъёри тўғрисидаги қарори қурултойга кечи билан бир ой қолганда эълон қилинади.

Партиянинг навбатдан ташқари қурултойи Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг ташаббуси билан ёки партия аъзолари умумий сонининг камида учдан бир қисмини бирлаштирган партия ташкилотларининг талабига мувофиқ чақирилади. Бу ҳолда у Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаш томонидан бир ой муддат ичида чақирилади ва унда барча партия аъзоларининг камида ярмининг вакиллиги таъминланган тақдирда, қонуний ҳуқуққа эга бўлади.

38. Ўзбекистон ХДП қурултойининг ваколатлари

Ўзбекистон ХДП қурултойи:

делегатларнинг ваколатларини текширади, ўзининг иш тартибини белгилайди, зарур раҳбар ва ишчи органларини сайлайди;

Ўзбекистон Республикасининг ички ва ташқи сиёсати масалалари юзасидан Ўзбекистон ХДП нуқтаи назарини ишлаб чиқади, партия Дастурини, бошқа умумпартиявий сиёсий ҳужжатларни қабул қилади, қайта кўриб чиқади ва уларга ўзгартиришлар киритади;

Ўзбекистон ХДП Уставини қабул қилади, зарур ҳолларда қайта кўриб чиқади ва унга ўзгартиришлар киритади;

Мазкур Уставада кўзда тутилган, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ва Марказий Тафтиш Комиссияси аъзоларининг қисмини сайлайди;

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши, Марказий Тафтиш Комиссияси ҳисобот ва маърузаларини, Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДПнинг фракцияси фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни тинглайди, улар юзасидан қарорлар қабул қилади;

Ўзбекистон ХДП Марказий Тафтиш Комиссияси тўғрисидаги Низомни тасдиқлайди;

Ўзбекистон ХДПдан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатади;

Ўзбекистон ХДПдан Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатади;

Ўзбекистон ХДП фаолиятига доир бошқа масалаларни кўриб чиқади.

Қурултой қарорларини бажариш Ўзбекистон ХДП барча органлари, ташкилотлари ва аъзолари учун мажбурийдир.

39. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши қурултойлар оралигидаги даврда партиянинг марказий раҳбар органи ҳисобланади, Ўзбекистон ХДП манфаатларини ифодалайди ва унинг номидан иш юритади.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши унинг таркибига Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия ташкилотларидан белгиланган тенг меъёردа юборилган вакиллардан ҳамда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши аъзолари умумий сонининг бешдан бир қисмидан ошмаган миқдорда партия қурултойи сайлайдиган аъзолардан иборатдир

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашига сайлаш учун меъёр, қоида тариқасида, унинг пленуми томонидан қурултойни чақириш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш билан бир вақтда белгиланади.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг пленумлари заруратга қараб, аммо йилда камида бир марта ўтказилади ва унинг аъзоларидан ярмидан кўпроғи қатнашган тақдирда тегишли ҳуқуққа эга бўлади.

Пленумда иштирок этаётган Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинган қарорлар бутун партия учун мажбурийдир.

40. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг ваколатлари

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ўз пленумларида:

Ўзбекистон ХДП Устав фаолиятининг муқаррар масалаларини муҳокама этади, улар юзасидан барча партия ташкилотлари учун бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва унинг Дастури ҳамда Устави доирасида бошқа умумпартиявий ҳужжатларни қабул қилади;

Ўзининг таркибидан Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг Сиёсий ижроия қўмитасини (кейинчалик – Сиёсий ижроқўм), шу жумладан, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг раиси ва унинг ўринбосарларини сайлайди, зарур бўлган ҳолларда қурултойда сайланадиган Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши аъзолари таркибини қисман янгилайди;

Ўзбекистон ХДП қурултойлари оралиғидаги даврда Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатади;

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўми фаолиятининг асосий йўналишларини белгилайди;

ҳар йили Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўмининг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи ва Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси фаолияти ҳақидаги ахборотини эшитади;

партия марказий оммавий ахборот воситалари бош муҳаррирларини тасдиқлайди;

Уставнинг айрим қоидаларини қўллаш тартибига аниқлик киритувчи, барча партия ташкилотлари учун бажарилиши мажбурий бўлган меъёрий ҳужжатларни тасдиқлайди;

Ўзбекистон ХДП қурултойи берадиган бошқа ваколатларни амалга оширади.

41. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг ишчи органлари

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг доимий ишчи органлари қуйидагилар:

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг Сиёсий ижроқўми;

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижрокўмининг Ҳайъати.

Зарур бўлганда, партия Устав фаолиятининг айрим йўналишлари бўйича Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши аъзолари, партиянинг бошқа аъзоларидан иборат Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши комиссиялари, ишчи гуруҳлари ёки бошқа вақтинчалик ишчи органлари тузилиши мумкин.

42. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг Сиёсий ижрокўми

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг Сиёсий ижрокўми партиянинг марказий ижроия ва мувофиқлаштирувчи органидир. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг пленумлари оралиғидаги даврда, Сиёсий ижрокўм Ўзбекистон ХДП қурултойи ва Марказий Кенгаши унга берган ваколатлар доирасида, партиянинг манфаатларини ифода этади ва унинг номидан ҳаракат қилади.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг Сиёсий ижрокўми пленумда сайланган Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси, раис ўринбосарлари ва Сиёсий ижрокўмнинг бошқа аъзоларидан иборат бўлади. Қорақалпоғистон Республикаси партия ташкилоти унинг таркибига ўз вақилини юбориш ҳуқуқига эга.

Сиёсий ижрокўмнинг мажлислари заруратга қараб ўтказилади ва унда сиёсий ижрокўм аъзоларининг ярмидан кўпи қатнашган тақдирда, қонуний ҳуқуққа эга, деб ҳисобланади.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижрокўмининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари барча партия ташкилотлари ва кенгашлари учун мажбурийдир.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижрокўми: бошқа, шу жумладан, хорижий сиёсий партиялар, ижтимоий-сиёсий ташкилотлар ва ҳаракатлар билан муносабатларда Ўзбекистон ХДП номидан иш юритади;

Ўзбекистон ХДП қурултойлари ва Марказий Кенгаши пленумлари қарорларининг бажарилишини ташкил қилади,

Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси фаолиятини мувофиқлаштиради;

Қонунчилик палатасининг бўшаб қолган депутатлари ўрнига ўтказиладиган сайловларда Ўзбекистон ХДП иштирок қилган тақдирда, Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатади;

партия марказий оммавий ахборот воситалари тахририятларининг аъзоларини тасдиқлайди;

партиянинг муассасалари ни, корхоналарини ташкил этади, уларнинг уставларини тасдиқлайди ва раҳбарларини тайинлайди. фаолиятини назорат қилади;

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши пленуми унга берган бошқа ваколатларни амалга оширади.

43. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўми Ҳайъати

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўми Ҳайъати пленумларда сайланадиган Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ва унинг ўринбосарларидан иборат бўлади ва партиянинг марказий ижроия-фармойиш берувчи органи ҳисобланади.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўми Ҳайъати йиғилиши заруратга қараб ўтказилади.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўми Ҳайъатининг қарорлари барча партия ташкилотлари ва кенгашлари учун мажбурийдир.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўми Ҳайъати:

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ва унинг Сиёсий ижроқўми қарорларини бажариш бўйича партиянинг барча бўғинлари ишини мувофиқлаштиради;

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг ишчи аппаратини тузади ва унга раҳбарлик қилади;

Ўзбекистон ХДП мол-мулки ва маблағларини, унинг корхона ҳамда муассасалари фаолиятини амалий бошқаришни ташкил этади;

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўми берган бошқа ваколатларни амалга оширади.

44. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси пленумда унинг аъзолари орасидан сайланади.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси:

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг вакили сифатида унинг номидан бошқа юридик шахслар билан партиянинг муносабатларини мувофиқлаштирувчи шартномалар, битимлар, баённомалар ва бошқа хужжатларни имзолайди;

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши пленумлари, Сиёсий ижроқўми ва унинг Ҳайъати мажлисларини олиб боради, улар қабул қилган қарорларни имзолайди;

Ўзбекистон ХДП курултойи ва Марказий Кенгаши берган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаш раиси йўқлигида унинг вазифасини раис ўринбосарларидан бири бажаради.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси, у Қонунчилик палатаси депутаты этиб сайланганганида ва унда партиясига фракцияси тузилган тақдирда, Ўзбекистон ХДП фракциясига раис этиб сайланиши мумкин.

5.3. Худудий партия ташкилотларининг раҳбар ва ижроия органлари

45. Худудий партия ташкилотининг олий органи

Партия конференцияси худудий партия ташкилотининг олий органидир.

Худудий партия ташкилотининг конференцияси тегишли партия кенгашининг қарорига, юқори партия органининг таклифига ёки мазкур партия ташкилоти аъзоларининг камида учдан бир қисмини бирлаштирувчи партия ташкилотларининг талабига биноан чақирилади.

Худудий партия ташкилотларининг навбатдаги конференциялари партия Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши

пленуми томонидан белгиланган муддатларда беш йилда камида бир марта чақирилади.

46. Худудий партия кенгаши

Худудий партия кенгаши конференциялар оралиғида тегишли худудий партия ташкилотининг раҳбар органи бўлиб, унинг манфаатларини ифодалайди ва унинг номидан иш юритади.

Худудий партия кенгаши куйи партия ташкилотларининг белгиланган тенг миқдор бўйича сайланган вакилларидан ҳамда тегишли кенгаш аъзолари умумий сонининг бешдан бир қисмидан ошмаган миқдорда конференция сайлайдиган аъзолардан иборат бўлади.

Ўзбекистон ХДП худудий кенгашларига сайлаш учун меъёр тегишли кенгаш пленуми томонидан, қоида тариқасида конференция чақириш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш билан бир вақтда белгиланади.

Худудий партия кенгашлари пленумлари заруратга қараб, аммо ҳар йили камида бир марта ўтказилади ва уларда кенгаш аъзоларининг ярмидан кўпроғи иштирок этганда, қонуний ҳуқуққа эга бўлади.

Пленумда қатнашган кенгаш аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинган худудий партия кенгаши қарорлари мазкур кенгашга ҳисобдор органлар ва куйи ташкилотлар учун мажбурийдир.

47. Худудий партия ташкилотининг конференцияси ва худудий партия кенгашининг ваколатлари

Худудий партия ташкилотларининг мутлақ ваколатлари доирасига қуйидагилар киреди:

Уставда кўзда тутилган тегишли партия кенгаши аъзоларини сайлаш;

худудий партия ташкилоти тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш;

худудий партия кенгаши, худудий партия ташкилоти тафтиш комиссияси ҳисоботларини тинглаш ва улар юзасидан қарорлар қабул қилиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорги Кенгеси, тегишли халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП партия гуруҳларининг ҳисоботларини тинглаш ва улар юзасидан қарорлар қабул қилиш:

тегишли ҳудудий партия ташкилоти фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш.

Ҳудудий партия ташкилоти конференцияси ва партия кенгаши нинг умумий ваколатларига қуйидагилар қиради:

юқори партия ташкилоти конференцияси ва Ўзбекистон ХДП курултойига делегатлар сайлаш;

ўзидан юқоридаги ҳудудий партия кенгашига ва Ўзбекистон ХДП марказий органларига юбориладиган мухтор вакилларини белгиланган меъёр бўйича сайлаш;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши депутатлигига номзодлар кўрсатиш.;

ҳудудий партия ташкилоти фаолиятининг бошқа масалаларини кўриб чиқади.

Ҳудудий партия кенгаши ўз пленумларида:

ўзининг таркибидан кенгаш ижроия қўмитасини, шу жумладан, кенгаш раиси ва унинг ўринбосарини сайлайди, зарур бўлган ҳолларда конференция сайлаган ҳудудий партия кенгаши аъзолари таркибини қисман янгилайди;

кенгаш ижроия қўмитаси фаолиятининг асосий йўналишларини белгилайди;

ҳар йили кенгаш ижроия қўмитасининг ҳисоботини ва тегишли давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органидаги Ўзбекистон ХДП депутатлик гуруҳининг ахборотини эшитади;

ҳудудий партия ташкилоти конференцияси томонидан берилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

48. Ҳудудий партия кенгаши ижроия қўмитаси

Ҳудудий партия кенгаши ижроия қўмитаси ҳудудий партия ташкилотининг мувофиқлаштирувчи органидир. Ҳудудий партия кенгаши пленумлари оралиғидаги давр-

да ижроия кўмита, унга берилган ваколатлар доирасида, худудий партия ташкилотининг манфаатларини ифода этади, унинг номидан иш юритади.

Худудий партия кенгаши ижроия кўмитаси пленумда сайланадиган кенгаш раиси, унинг ўринбосари ва ижроия кўмитанинг бошқа аъзоларидан иборатдир.

Худудий партия кенгаши ижроия кўмитаси мажлислари заруратга қараб ўтказилади ва уларда ижрокўм аъзоларининг ярмидан кўпи қатнашса, у қонуний ҳуқуққа эга, деб ҳисобланади.

Худудий партия кенгаши ижроия кўмитасининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари барча қуйи ташкилотлар учун мажбурийдир.

Худудий партия кенгаши ижроия кўмитаси:

худудий партия ташкилоти конференцияси ва худудий партия кенгашлари пленумлари, юқори партия ташкилоти қарорларининг бажарилишини ташкил этади, шу мақсадда қуйи ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради;

тегишли давлат ҳокимияти вакиллик органидаги Ўзбекистон ХДП депутатлик гуруҳи фаолиятини мувофиқлаштиради;

кенгашнинг ишчи аппаратига бевосита раҳбарлик қилади;

худудий партия ташкилоти конференцияси берган бошқа ваколатларни амалга оширади.

49. Худудий партия кенгаши раиси

Худудий партия кенгаши раиси кенгаш пленумида унинг аъзолари орасидан сайланади.

Худудий партия кенгаши раиси:

худудий партия кенгаши вакили бўлиб, унинг номидан худудий партия кенгашининг бошқа юридик шахслар билан муносабатларини мувофиқлаштирувчи шартномалар, битимлар, баённомалар ва бошқа ҳужжатларни имзолайди;

худудий партия кенгаши пленумлари, унинг ижроия кўмитаси мажлисларини олиб боради, улар қабул қилган қарорларни имзолайди,

унга худудий партия ташкилоти конференцияси ва худудий партия кенгаши берган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Худудий партия кенгаши раиси давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органи депутати этиб сайланганда ва унда Ўзбекистон ХДП депутатлик гуруҳи тузилган тақдирда, у ушбу депутатлик гуруҳига раис этиб сайланиши мумкин.

5.4. Бошланғич партия ташкилотларининг раҳбар ва ижроия органлари

50. Умумий партия йиғилиши

Умумий партия йиғилиши бошланғичпартия ташкилоти, партия гуруҳининг раҳбар органидир. У заруратга қараб, аммо бир йилда камида бир марта ўтказилади.

Бошланғич партия ташкилотининг умумий йиғилишини ўтказишнинг иложи бўлмаган тақдирда, унинг ижроия қўмитаси юқорида белгиланган муддат ичида конференция чақиради ёки партия гуруҳларида ягона кун тартиби билан мажлислар ўтказилишини ташкил этади.

Бошланғич партия ташкилотларидаги навбатдаги ҳисобот-сайлов йиғилишлари (конференциялари) беш йилда камида бир марта, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўми белгилаган муддатларда ўтказилади .

Бошланғичпартия ташкилоти умумий партия йиғилишининг (конференциясининг) мутлақ ваколатига қуйидагилар қиради:

бошланғич партия ташкилотининг раиси, раис ўринбосари ва заруратга кўра бошланғич партия ташкилоти ижроия қўмитаси аъзоларини сайлаш;

бошланғич партия ташкилоти раҳбар органининг йиллик ҳисоботларини эшитиш ва улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиш;

туман, шаҳар партия ташкилоти конференциясига делегатларни сайлаш;

Ўзбекистон ХДП туман, шаҳар кенгаши таркибига белгиланган меъёр бўйича юбориладиган бошланғич партия ташкилотининг вакилини сайлаш ва уни чакириб олиш;

бошланғич партия ташкилоти таркибида партия гуруҳларини тузиш ва уларга тегишли ваколатларни бериш.

51. Бошланғич партия ташкилотларининг сайланма органлари

Умумий йиғилишлар (конференциялар) оралиғидаги даврда партия ташкилоти фаолиятига бошланғич партия ташкилоти раиси ва унинг ўринбосари раҳбарлик қиладилар.

Партия гуруҳларида бу вазифаларни партия гуруҳи раҳбари ва унинг ўринбосари бажарадилар.

Йирик бошланғич партия ташкилотларида унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш учун, заруратга кўра, бошланғич партия ташкилоти раиси, унинг ўринбосари ва бошқа аъзолардан иборат ижроия кўмита сайланиши мумкин.

Бошланғич партия ташкилоти раиси:

бошланғич партия ташкилоти вакили бўлиб, унинг номидан иш юритади;

бошланғич партия ташкилотининг Устав фаолиятига умумий раҳбарлик қилади;

умумий партия йиғилишлари (конференциялари), ижроия кўмита мажлисларини олиб боради, улар қабул қилган қарорларни имзолайди;

бошланғич партия ташкилоти умумий йиғилиши (конференцияси) унга берган бошқа ваколатларни амалга оширади.

5.5. Тафтиш комиссиялари

52. Ўзбекистон ХДП Марказий Тафтиш Комиссияси

Ўзбекистон ХДП Марказий Тафтиш Комиссияси курултойлар оралиғидаги даврда партиянинг марказий назорат органи бўлиб, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши, қуйи партия ташкилотларининг молиявий-хўжалик фаолияти ва

партия бюджетининг тўғри шакллантирилиши ҳамда сарфланиши устидан назорат қилади.

Ўзбекистон ХДП Марказий Тафтиш Комиссияси Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар партия ташкилотларининг белгиланган тенг меъёр бўйича юборилган вакилларидан ҳамда унинг аъзолари умумий сонининг бешдан бир қисмидан ошмаган миқдорда партия курултойида қўшимча равишда сайланган аъзоларидан иборатдир.

Ўзбекистон ХДП Марказий Тафтиш Комиссияси аъзоси бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши аъзоси бўлиши ёки унинг аппаратида ишлаши мумкин эмас.

Ўзбекистон ХДП Марказий Тафтиш Комиссиясига сайланиш меъёри Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши пленуми томонидан, қоида тариқасида партия курултойини чақириш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш билан бир вақтда белгиланади.

Ўзбекистон ХДП Марказий Тафтиш Комиссияси ўз фаолиятида партия Уставига ва курултойда тасдиқланган Ўзбекистон ХДП Марказий Тафтиш Комиссияси тўғрисидаги Низомга амал қилади.

53. Худудий партия ташкилотларининг тафтиш комиссиялари

Худудий партия ташкилотларининг тафтиш комиссиялари худудий партия кенгашлари, қуйи партия ташкилотларининг молиявий-хўжалик фаолиятини ва партия бюджетининг тўғри шакллантирилиши ҳамда сарфланишини назорат қиладилар.

Тафтиш комиссиялари аъзолари худудий партия ташкилотларининг конференцияларида сайланадилар. Тафтиш комиссиясининг аъзоси бир вақтнинг ўзида худудий партия кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас.

Худудий партия ташкилотларининг тафтиш комиссиялари ўз фаолиятларида партия Уставига ва Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижрокўми тасдиқлаган

худудий партия ташкилотларининг тафтиш комиссиялари тўғрисидаги Низомга амал қиладилар.

VI. ЎЗБЕКИСТОН ХДПНИНГ САЙЛОВЛАРДАГИ ИШТИРОКИ. ПАРТИЯ ДЕПУТАТЛИК БИРЛАШМАЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

54. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Ўзбекистон ХДП иштироки

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Ўзбекистон ХДПнинг иштирок этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонун билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида партиянинг иштироки тўғрисидаги қарор, сайлов мавсуми бошланиши эълон қилинганидан кейин бир ҳафта муддат ичида Сиёсий ижроқўм томонидан чақирилган Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши пленумида қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига партиядан номзод Ўзбекистон ХДП курултойида кўрсатилади. Бу ҳақдаги қарор курултой делегатларининг кўпчилиги ёқлаб овоз берган тақдирда қабул қилинади ва тегишли баённома билан расмийлаштирилиб, Марказий сайлов комиссиясига топширилади.

55. Қонунчилик палатасига сайловларда Ўзбекистон ХДП иштироки

Қонунчилик палатасига сайловда Ўзбекистон ХДПнинг иштирок этиши тартиби Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлови тўғрисида»ги Қонун билан белгиланади.

Қонунчилик палатасига сайловда Ўзбекистон ХДП иштирок этиши тўғрисидаги қарор, сайлов мавсуми бошланиши эълон қилинганидан кейин бир ҳафта муддат ичида,

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг Сиёсий ижроқўми томонидан қабул қилинади.

Қонунчилик палатаси депутатлигига Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан номзодлар партия марказий органлари томонидан кўрсатиладилар.

Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод кўрсатиш тўғрисидаги қарор мажлисда қағнашаётган партия раҳбар органи аъзоларининг кўпчилиги ёқлаб овоз берганда қабул қилинади ва тегишли баённома билан расмийлаштирилиб, Марказий сайлов комиссиясига топширилади.

56. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловларида Ўзбекистон ХДП иштироки

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси сайловида Ўзбекистон ХДПнинг иштирок этиши тартиби Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси ва Қорақалпоғистон Республикасининг «Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатлигига сайлов тўғрисида»ги Қонуни билан белгиланади.

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловларида Ўзбекистон ХДПнинг иштирок этиши тартиби Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонуни билан белгиланади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловларида Ўзбекистон ХДПнинг иштирок этиши тўғрисидаги қарор, сайлов мавсуми бошланиши эълон қилинганидан кейин, бир ҳафта муддат ичида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг Сиёсий ижроқўми томонидан қабул қилинади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига

Ўзбекистон ХДПдан номзодлар тегишли ҳудудий партия ташкилотлари кенгашлари томонидан кўрсатилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига Ўзбекистон ХДПдан номзодлар кўрсатиш тўғрисидаги қарор тегишли ҳудудий партия кенгаши йиғилишида, унда иштирок этаётган аъзоларининг кўпчилиги овози билан қабул қилинади ва баённома расмийлаштирилиб, тегишли сайлов комиссиясига топширилади.

57. Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси фаолиятини ташкил этиш

Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси ўз ишлари партия дастурий ҳужжатлари, партия қурултойи белгилаган парламентчилик фаолияти вазифалари ҳамда партия марказий органларининг тегишли тавсияларига мувофиқ ташкил этади.

Жуда муҳим сиёсий масалар юзасидан нуқтаи назарларни келишиб олиш учун партия фракцияси ва Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ёки унинг Сиёсий ижроқўмининг биргаликдаги қўшма мажлислари ўтказилиши мумкин.

Фракция аъзолари Қонунчилик палатасида овоз беришда биргаликда ишлаб чиқилган нуқтаи назарларга асосланадилар.

Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси ўз фаолияти тўғрисида ҳар йили Марказий Кенгаш пленумига ахборот беради. Қонунчилик палатаси ваколати давридаги фаолияти бўйича унинг ҳисоботи партия қурултойида эшитилади.

58. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги Ўзбекистон ХДП депутатлик гуруҳлари фаолиятини ташкил этиш

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида-

ги Ўзбекистон ХДП депутатлик гуруҳлари ўз фаолиятларини партиясиз дастурий ҳужжатлари, тегишли ҳудудий партиясиз ташкилотлари конференциялари томонидан белгиланган парламентчилик фаолияти вазифалари, юқори партиясиз органлари қарорлари, тегишли ҳудудий партиясиз кенгашлари тавсияларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этидилар.

Ўта муҳим масалалар бўйича нуқтаи назарларни келишиб олиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги Ўзбекистон ХДП депутатлик гуруҳларининг ёки тегишли ҳудудий партиясиз кенгашининг ёки унинг ижроия қўмитасининг биргаликдаги қўшма мажлислари ўтказилиши мумкин.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги Ўзбекистон ХДП депутатлик гуруҳлари аъзолари тегишли давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органида овоз беришда биргаликда ишлаб чиқилган нуқтаи назарга асосландилар.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги Ўзбекистон ХДП депутатлик гуруҳлари ўз фаолиятлари тўғрисида ҳар йили тегишли ҳудудий партиясиз кенгашлари пленумларига ахборот берадилар. Уларнинг ваколат давридаги фаолиятлари тўғрисидаги ҳисоботлари тегишли ҳудудий партиясиз ташкилотлари конференцияларида эшитилади.

VII. ЎЗБЕКИСТОН ХДПНИНГ БОШҚА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ВА НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАР БИЛАН ЎЗАРО ҲАМКОРЛИГИ

59. Ўзбекистон ХДПнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаракат қилувчи бошқа сиёсий партиясизлар ва нодавлат нотижорат ташкилотлар билан шартномавий муносабаглари

Ўзбекистон ХДПнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаракат қилувчи бошқа сиёсий партиясизлари билан итти-

фоқ (блоклар) тузиши, улар ҳамда бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлар (жамоат бирлашмалари, ҳаракатлар, жамғармалар ва ҳоказо) билан шартномавий муносабатлар ўрнатиши мумкин. Ўзбекистон ХДП номидан тегишли шартнома ва битимлар Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг раиси томонидан имзоланади.

Ўзбекистон ХДПнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаракат қилувчи бошқа сиёсий партиялар билан сайловолди иттифоқ (блок) тузиши мумкинлиги тўғрисидаги масала бўйича қарор партия курултойи ёки Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши пленумида қабул қилинади.

Ўзбекистон ХДПнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаракат қилувчи бошқа сиёсий партиялари билан тузиладиган бошқа шартнома ва битимлари Сиёсий ижроқўм томонидан тасдиқланиб, кейинчалик бу тўғрида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши пленуми хабардор қилиниши лозим.

Ўзбекистон ХДПнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаракат қилувчи жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлар билан шартнома ва битимлари Сиёсий ижроқўм Ҳайъати томонидан тасдиқланади ҳамда кейинчалик Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўми бу ҳақда хабардор қилинади.

60. Ўзбекистон ХДП ҳудудий ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаракат қилувчи бошқа сиёсий партиялар ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ҳудудий ташкилотлари билан шартномавий муносабатлари

Ўзбекистон ХДП ҳудудий ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаракат қилувчи сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, ҳаракатлар, жамғармалар ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларнинг тегишли ҳудудий ташкилотлари билан шартномавий муносабатларга киришлари мумкин.

Шартнома ва битимлар Ўзбекистон ХДП ҳудудий ташкилоти номидан тегишли ҳудудий партия кенгаши раиси томонидан имзоланади.

Ўзбекистон ХДП ҳудудий ташкило тининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаракат қилувчи бошқа сиёсий партиялари нинг ҳудудий ташкилотлари билан тузилган шартнома ва битимлари Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўми Ҳайъаги билан келишилиши ва ҳудудий партия кенгаши ижроия қўмитасида тасдиқланиб, кейинчалик бу ҳақда тегишли ҳудудий партия кенгаши пленуми хабардор этилиши лозим.

Ўзбекистон ХДП ҳудудий ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаракат қилувчи жамоат бирлашмалари, ҳаракатлар, жамғармалар ва бошқа нодавлат ноижорат ташкилотларнинг ҳудудий ташкилотлари билан тузган шартнома ва битимлари ҳудудий партия кенгаши ижроия қўмигаси томонидан тасдиқланади ва кейинчалик бу ҳақда кенгаш пленуми ва юқори партия органлари, шу жумладан, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўми Ҳайъати хабардор этилади.

61. Ўзбекистон ХДП депутатлар бирлашмаларининг бошқа сиёсий партияларнинг депутатлик бирлашмалари билан муносабатлари

Ўзбекистон ХДПнинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаракат қилувчи бошқа сиёсий партиялар депутатлик бирлашмалари билан умумий нуқтаи назар бўйича келишишлари ёки уларга нисбатан ижобий муҳолифатда бўлишлари мумкин.

Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракциясининг бошқа сиёсий партиялар фракциялари билан ҳамкорликда ишлаб чиққан нуқтаи назари тўғрисидаги қарори фракция раҳбари томонидан Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўми билан келишилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларидаги

Ўзбекистон ХДП депутатлик гуруҳларининг бошқа сиёсий партияларнинг депутатлик гуруҳлари билан ҳамкорликда ишлаб чиққан нуктаи назари тўғрисидаги қарори депутатлар гуруҳи раҳбари томонидан тегишли ҳудудий партия кенгаши ижроия қўмитаси билан келишилади.

62. Ўзбекистон ХДПнинг халқаро ташкилотлар, хорижий сиёсий партиялар ва ҳукуматга қаршли бўлмаган ташкилотлар ҳамда уларнинг Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхоналари билан муносабатлари

Ўзбекистон ХДП халқаро ташкилотлар, хорижий сиёсий партиялар ва ҳукуматга қаршли бўлмаган ташкилотлар ҳамда уларнинг Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхоналари билан муносабатларини ўз сиёсий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида тақиқланмаган, партия Дастури ва Уставига зид бўлмаган шаклларда ўрнатади.

VIII. ЎЗБЕКИСТОН ХДПНИНГ МОЛИЯВИЙ МАБЛАҒЛАРИ ВА МУЛКИ

63. Партия фаолиятини молиявий ва моддий-техник жиҳатдан таъминлаш

Ўзбекистон ХДП ва унинг ташкилотлари фаолияти молиявий ва моддий-техник жиҳатдан ўз маблағлари, партия аъзолик бадаллари, тадбиркорлик фаолияти даромадидан, Ўзбекистон Республикаси юридик ва жисмоний шахслари хайриялари ҳамда Ўзбекистон Республикаси бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан таъминланади.

64. Ўзбекистон ХДП мулки

Ўзбекистон ХДП тасарруфидаги бинолар, иншоотлар, хўжаликлар, нашриётлар, транспорт воситалари, асбоб-ускуналар, анжомлар, маданий-маърифий ва соғломлаш-

тириш мақсадида фойдаланиладиган мулк, пул маблағлари, шунингдек, партия маблағлари ҳисобидан сотиб олинган ёки вужудга келтирилган бошқа мол-мулк партиянинг ўз органлари, муассаса ва ташкилотлари орқали эгаллик қилиш ҳуқуқи объектларидир.

Ўзбекистон ХДП кенгашлари, корхоналари ва муассасалари ўз ихтиёридаги мустақил балансида ҳисобга олинган алоҳида мол-мулкка, банк муассасаларида ҳисоб рақамига, ўз номи туширилган муҳрга эгадирлар, ўз номидан мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқларни олишлари ва амалга оширишлари, судда ўз зиммаларига мажбурият олишлари, жавобгар ва даъвогар бўлишлари мумкин.

Партия мулкӣни сотиш ёки уни бошқача тарзда ҳисобдан чиқариш масалаларини ҳал қилиш Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг мутлақ ваколатига қиради.

65. Ўзбекистон ХДП нинг пул маблағлари

Ўзбекистон ХДПнинг пул маблағлари партияга аъзолик бадалларидан, Ўзбекистон Республикаси юридик ва жисмоний шахслари хайриялари, шунингдек, давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар, ноширлик, ишлаб чиқариш, хўжалик, тадбиркорлик фаолиятидан келадиган даромадлардан ва бошқа тушумлардан таркиб топади.

Зарур ҳолларда, маблағларнинг бир қисми Марказий Кенгаш белгиллаган миқдорда Ўзбекистон ХДПнинг захира жамғармасига йўналтирилади.

66. Партияга аъзолик бадаллари

Қайд этиладиган даромадларга эга бўлган Ўзбекистон ХДП аъзолари ҳар ойда аъзолик бадалларини, ўз даромадларининг 1 фоизидан кам бўлмаган миқдорда тўлайдилар.

Қайд этиладиган даромадларга эга бўлмаган Ўзбекистон ХДП аъзолари аъзолик бадалларини, белгиланган энг кам иш ҳақининг 1 фоизидан кам бўлмаган миқдорда тўлайдилар. Партияга аъзолик бадалларидан тушадиган

маблағлар Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши томонидан тасдиқланадиган Низомга мувофиқ, тегишли туман, шаҳар партия кенгаши ҳисоб рақамига туширилади.

Бошланғич партия ташкилотлари туман, шаҳар партия кенгаши ижроия қўмитаси билан келишган ҳолда, ўз қарорлари билан моддий аҳволи туфайли партияга аъзолик бадалларини мунтазам тулай олмайдиган кишиларни ундан муайян муддатга озод қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ҳар ойда тўпланган партияга аъзолик бадалларининг 10 фоиз миқдоридagi қисми туман, шаҳар партия кенгашлари томонидан тегишли юқори ҳудудий партия кенгашлари ҳисоб рақамларига ва 5 фоиз миқдори Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ҳисоб рақамига ўтказилади.

Аъзолик бадалларидан тушган маблағларнинг туман, шаҳар партия кенгашлари ҳисоб рақамларида қолган қисми улар томонидан ўз партия ташкилотлари бюджетларининг даромад қисмини тўлдиришга ишлатилади.

67. Ўзбекистон ХДП бюджети

Ўзбекистон ХДП бюджети маҳаллий партия ташкилотлари ҳамда партия корхоналари ва муассасалари даромадларидан бюджетга ажратиладиган маблағларнинг миқдори, унинг ижроси тўғрисидаги ҳисобот ҳар йили Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши пленуми томонидан тасдиқланади. Ўзбекистон ХДП бюджети ҳар йили барчанинг эътибори учун эълон қилинади.

Ҳудудий партия ташкилотларининг бюджетлари ва уларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тегишли ҳудудий партия кенгашлари пленумлари тасдиқлайди ҳамда уларни қуйи партия ташкилотлари ва партия аъзоларига маълум қилади.

68. Ўзбекистон ХДП нинг мулк объектларини бошқариш

Партия Марказий Кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари, улар-

нинг балансидаги мол-мулкни ва пул маблағларини тезкорлик билан бошқариш учун, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўми, партия кенгашлари ижроия қўмиталари томонидан тасдикланадиган низомлар асосида иш юритадиган ишлар бошқармаларини тузишлари ёки ишлар бошқарувчиларини тайинлашлари мумкин.

Туман, шаҳар партия кенгашлари нинг мол-мулкни ва пул маблағларини тезкорлик билан бошқаришни, қоида тариқасида, кенгаш раислари амалга оширадидлар.

Ўзбекистон ХДП корхоналари ва муассасаларини уларнинг Уставлари ва Низомларига асосланган ҳолда, уларнинг раҳбарлари бошқарадидлар.

69. Бошланғич партия ташкилотларининг устав фаолиятини молиялашлаштириш

Бошланғич партия ташкилотларининг устав фаолиятини маблағ билан таъминлаш учун партияга аъзолик бадаллари ва бошқа тушумларнинг ҳар йили Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳар партия кенгаши, тегишли ҳудудий партия ташкилоти бюджетини тасдиқлаш билан бир пайтда белгиланадиган миқдордаги қисми ажратилади.

Ушбу маблағларни бевосита бошланғич партия ташкилотлари эҳтиёжлари учун сарфлашни, уларнинг таклифига кўра, тегишли туман, шаҳар партия кенгашларининг ижроия қўмиталари амалга оширадидлар.

Бошланғич партия ташкилотлари ўз Устав фаолиятлари учун айрим фуқароларнинг уларга ихтиёрий равишда ўтказадиган маблағларидан фойдаланишлари мумкин.

IX. ЎЗБЕКИСТОН ХДПНИНГ РАМЗЛАРИ

70. Ўзбекистон ХДП рамзлари

Ўзбекистон ХДП ўз рамзлари - байроқ, нишон ва вимпелларга эга бўлади. Улар Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши пленумида тасдикланадидлар ва қонунда белгиланган тартибда тегишли давлат органларида рўйхатдан ўтказиладидлар.

Х. ЎЗБЕКИСТОН ХДПНИНГ ДАСТУРИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ

71. Ўзбекистон ХДП нинг Устави ва Дастурига ўзгартиришлар киритиш тартиби

Ўзбекистон ХДПнинг Устави ва Дастурига ўзгартиришлар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия ташкилотларининг фикр-мулохазалари ҳисобга олиниб, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши тақдими асосида партия қурултойи қарори билан киритилади. Ушбу масалаларга оид қарор қурултой мажлисида қатнашаётган делегатларнинг кўпчилиги — учдан икки қисмининг овози билан қабул қилинади.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сийёсий ижроия қўмитаси қурултойдан сўнг Уставга киритилган ўзгартиришлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига маълум қилади ва унга барча зарур ҳужжатларни тақдим этади.

ХІ. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

72. Якуний қоидалар.

Ўзбекистон ХДП нинг давлат органлари ва бошқа юридик шахслар билан муносабатларига тегишли, партия Уставида кўзда тутилмаган ҳоллардаги масалалар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING УСТАВИ

1. УМУМИЙ ҚИСМ

1.1. Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг қарашлари, манфаатлари ва мақсадлари муштараклиги асосида тузилган, давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда жамият муайян қисмининг сиёсий иродасини рўёбга чиқаришга интилувчи ҳамда ўз вакиллари орқали давлат ва жамият ишларини идора этишда иштирок этувчи кўнгилли фуқароларни бирлаштирган сиёсий партиядир.

1.2. Партиянинг номи – Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси (қисқача номи – Ўзбекистон «Адолат» СДП), русча номи – Социал-демократическая партия Узбекистана «Адолат» (қисқача номи – СДПУ «Адолат»).

1.3. Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонуни, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги, «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикасининг бошқа амалда-

ги қонунчилик ҳужжатлари ва ушбу Уставга мувофиқ амалга оширади.

1.4. Партия миллий хусусиятларни инобатга олган ҳолда ҳалқаро социал-демократик ҳаракатнинг асосий негизи бўлган «Адолат», «Эркинлик», «Бирдамлик» шиорларини қўллаб-қувватлайди ва ўз фаолиятини ўзини ўзи бошқариш, ошкоралик ва шаффофлик, қонунийлик, кўнгиллилиқ, партия ҳаётида фаол қатнашиш, партия сафларига кириш ва ундан чиқиш эркинлиги, партия аъзоларининг тенг ҳуқуқлилиги асосида олиб боради.

1.5. Партия Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида фаолият юритади.

1.6. Партия марказий органлари манзили: Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Шарқ тонги кўчаси, 23 уй.

2. ПАРТИЯ ВА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ

2.1. Партия Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда давлат адлия органларидан рўйхатдан ўтган санадан бошлаб юридик шахс мақомини олади.

2.2. Партия мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли мулк ва пул воситалари билан жавоб беради. Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Қонунида белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

2.3. Партия, Уставда белгиланган мақсадларга эришиш учун шартномалар, келишувлар тузиши, мулкӣ ва номулкий ҳуқуқларга эгалик қилиши, судда ҳам даъвогар, ҳам жавобгар бўлиши мумкин.

2.4. Партия мустақил равишда ўз ҳаракат дастурини, иш режаларини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди.

2.5. Партия мазкур Уставда кўрсатилган мақсадларига мувофиқ бўлган ва қонунчиликда тақиқланмаган ҳар қандай фаолият билан шуғулланади. Айрим фаолият турларини партия ташкилотлари фақат қонунчиликда белгиланган тартибда лицензиялар асосида юритади.

2.6. Партия ва унинг партия ташкилотлари ўз Устав фаолиятлари доирасида қонунчиликда белгиланган тартибда тадбиркорлик билан шуғулланишлари мумкин.

3. АСОСИЙ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАР

3.1. Партиянинг асосий мақсади – демократик, ҳуқуқий давлатни, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган кучли адолатли фуқаролик жамиятини барпо этишда ҳамда Ўзбекистон ҳудудида яшаётган барча миллат ва элатларнинг умумий манфаатларига мос келадиган, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланган маънавий жиқслашган жамиятни шакллантиришда фаол иштирок этишдир.

3.2. Партиянинг вазифалари:

– Ўзбекистонда демократик, ҳуқуқий давлатни ва адолатли фуқаролик жамиятини яратиш борасида демократик жараёнларни чуқурлаштириш;

– Ўзбекистон фуқароларига ўз қонуний ҳуқуқлари, эрк ва бурчларини англашга кўмаклашиш, уларнинг сиёсий онги ва маданиятини оширишда ёрдам кўрсатиш;

– миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш, дўстлик ва ҳамжиҳатликни ривожлантириш, ҳар қандай миллатчилик, диний экстремизм, терроризм иллатларига қарши кураш олиб бориш, динлараро бағрикенгликни, тинчлик ва барқарорликни, миллатлараро тотувликни тарғиб қилиш;

– кучли ижтимоий сиёсатни олиб боришга, аҳолининг бойлар ва камбағалларга кескин бўлиниб кетишига йўл қўймасликга, аҳоли турмуш сифати кўрсаткичларини яхшилашга кўмаклашиш;

– иқтисодий ўсиш натижаларини аҳолининг турли гуруҳ ва катламлари турмуш сифати ва даражасини оширишга адолатли йўналтирилган бозор иқтисодиётининг ижтимоий йўналишини чуқурлаштиришга қаратилган фаолиятни амалга ошириш. Бу иқтисодиёт фан ва техниканинг энг замонавий ютуқларига, иқтисодий жараёнларнинг самарали бошқарувига, илғор инновацион тафаккурни тарбияловчи

таълим тизимига таянган инновацион турдаги иқтисодиёт бўлишини таъминлаш;

– инновацион технологиялар негизида сарфланаётган энергия ҳажмини камайтириш, қатъий тежаш тартибинини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва махсулот таннархини камайтириш, қайта тикланадиган ноанъанавий энергия манбаларидан фойдаланишнинг асосли механизмларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

– қонун устуворлигини таъминлаш, мамлакатда суд-ҳуқуқ соҳасидаги кенг кўламли ислохотларни изчил давом эттиришга, суд ҳокимияти мустақиллигини янада мустаҳкамлашнинг амалий шакл ва услубларини ишлаб чиқишга, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини судда ҳимоя қилиш самарадорлигини оширишга фаол кўмаклашиш;

– бошқарувда ошқоралик, очиклик ва ҳисобдорлик тамойилларини амалга ошириш, давлат ҳокимияти органларида ҳалол, ўз Вагани, халқини севадиган ва элу юртига садоқат билан хизмат қиладиган масъулиятли ва юқори ма-лакали кадрларнинг ишлашига эришиш;

– жамиятда хотин-қизларнинг роли ва мавқеини ошириш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоясини кучайтириш борасида фаолият юритиш;

– ёшлар орасида олиб борилаётган ишлар самарадорлигини ошириш, уларни бу ижтимоий қатлам бўйича ишлаб чиқилган давлат ва партия сиёсатини амалга ошириш жараёнига жалб этиш, партия мафқурасини қабул қилган сиёсий етук ёш ўринбосарлар авлодининг шаклланишига кўмаклашиш;

– касаба уюшмалари, жамоат ташкилотлари ва ҳаракатлари билан ҳамкорликни фаоллаштириш, уларнинг ижтимоий жиҳатдан эътиборли ташаббусларини қўллаб-қувватлаш;

– ҳар бир фуқаронинг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда давлат ва жамият манфаатлари мувозанатини таъминлаш учун ижтимоий шерикчилик тизимини шакллантиришга ва ривожлантиришга ҳаракат қилиш;

– давлатнинг миллий манфаатларига асосланган, мамлакатнинг изчил ривожланишига, тинчлик, барқарорликни таъминлашга қаратилган ташқи сиёсатини қўллаб-қувватлаш;

– илғор эзгу ниятли ва адолатлилик ғояларига асосланган социал-демократик партиялари ва халқаро социал-демократик ҳаракати билан алоқаларни фаоллаштириш;

– партиянинг барча фаолият йўналишлари бўйича жамоатчилик билан ўзаро алоқаларни амалга ошириш учун фуқаролар орасида сиёсий-маърифий, ташвиқот-тарғибот ва бошқа шу каби ишларни олиб бориш.

3.3. Ўзбекистон «Адолат» СДП фаолияти ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти негизида фуқаролик жамиятини куриш борасида мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар жараёнига аҳолининг барча қатламларини жалб этиш, ҳокимиятнинг вакиллик органлари орқали давлат бошқарувида иштирок этиш, фуқароларнинг сиёсий онги ва маданиятини юксалтириш, мамлакат ҳаётининг муҳим масалалари юзасидан ўз тарафдорларининг фикр ва мулоҳазаларини юзага чиқариш ва бу масалалар бўйича партия позициясини кенг жамоатчиликка ва барча доғонадаги давлат ҳокимият органларига етказишга қаратилган.

3.4. Ўзбекистон «Адолат» СДП Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимига, вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимлари лавозимларига номзодлар юзасидан маслаҳатлашувлар жараёни ҳамда Олий Мажлис ва халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашларида уларни лавозимга тасдиқлаш учун овоз бериш жараёни орқали Ўзбекистон Республикаси ҳукуматини, маҳаллий ҳокимият ижроия органларини шакллантиришда бевосита иштирок этади.

4. ПАРТИЯНИНГ САЙЛОВЛАРДАГИ ИШТИРОКИ ВА ПАРТИЯ ДЕПУТАТЛИК БИРЛАШМАЛАРИ ФАОЛИЯТИ

4.1. «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонун ҳамда «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига биноан Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ўз вазифалари-

ни, жумладан, давлат вакиллик ҳокимиятининг барча поғоналаридаги депутатлик корпусларида ўз вакилларининг иштироқи орқали ҳал этади.

4.2. Партия ўзининг аъзоларини Ўзбекистон Республикаси Президентлигига, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларига бўладиган сайловлар вақтида номзодлар этиб кўрсатади ва давлат ҳокимият вакиллик органларининг барча бўғинларида иштирок этади. Номзодларнинг сайланишлари учун қонунга биноан йўл-йўриқлар кўрсатиб, уларни қўллаб-қувватлайди.

4.3. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари сайловларида партиянинг иштироқи тўғрисидаги қарор, сайлов кампанияси эълон қилингандан кейин қонунда кўрсатилган муддатларда партия Сиёсий Кенгаши ёки тегишли ҳудудий Кенгашлар томонидан партия Сиёсий Кенгаши билан келишилган ҳолда қабул қилинади.

4.4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайланган депутатлар партия фракциясини ташкил этиб, қонунлар, давлат бюджети, республиканинг стратегик ички ва ташқи сиёсат дастурларини қабул қилишда, давлат бошқарув аппаратини шакллантириш ва такомиллаштиришда партия сиёсатини амалга оширадilar.

4.5. Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси партия Қурултойлари, Сиёсий Кенгаш Пленумлари ва Сиёсий Кенгаш Ижроия Қўмитаси мажлислари қондаларига амал қилиб, улар олдида ўз ишлари юзасидан белгиланган тартибда ҳисобот беради.

4.6. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси бошқа сиёсий партияларнинг фракциялари билан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига зид бўлмаган айрим масалалар бўйича ҳамкорликда иш кўришлари ҳамда депутатлик блокларини тузишлари мумкин.

4.7. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларидаги Ўзбекистон «Адолат» СДП депутатлик гуруҳлари ўз фаолиятларини партиясиз дастурий ҳужжатлари, тегишли ҳудудий партиясиз ташкилотлари конференциялари томонидан белгиланган вазифалари, юқори партиясиз органлари қарорлари ва кўрсатмалари, тегишли ҳудудий партиясиз Кенгашлари тавсияномалари асосида ташкил этиладилар.

5. ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА УЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ҚОИДАЛАРИ

5.1. Партиясиз аъзолари бирлашувининг асосий ташкилий шакли Ўзбекистон Республикасининг тегишли маъмурий-ҳудудий субъектлари бўйича тузиладиган ҳамда партиясиз аъзоларининг бевосита турар жойи, иш жойи ёки жамоатчилик фаолияти бўйича бирлаштирувчи партиясиз ташкилотларидир.

5.2. Давлат ҳокимиятининг қонунчилик-вакиллик органларида партиясиздан сайланган депутатлардан тузиладиган депутатлик бирлашмалари (фракция ва гуруҳлари) ушбу органларда партиясиз манфаатларини ифодалашнинг ташкилий шаклидир.

Партиянинг сайловлардаги иштироки билан боғлиқ Устав фаолиятини амалга ошириш учун сайлов округларида партиясиз гуруҳлари ва партиясиз ташкилотларининг бирлашмалари тузилиши мумкин.

5.3. Партиянинг олий органи – Курултой, қуйи органи эса бошланғич партиясиз ташкилоти йиғилишидир.

5.4. Партиясиз ташкилотлари жамоатчилик асосида ўзини ўзи бошқаради ва партиясиз тadbирлари, қарорларини амалга оширади.

5.5. Партиянинг барча органлари қуйидан юқоригача сайлаб қўйилади;

5.6. Партиясиз органлари ва аъзолари уларни сайлаб қўйган ташкилотлар олдида ҳисобот берадилар;

5.7. Партиясиз ишлари ошкоралик, рўй-ростлик, ҳамжихатлик асосида олиб борилади.

5.8. Партия аъзолари ўз фикрларини билдиришда эркинлик, сиёсий таҳлил, ошкоралик ва ўз-ўзини танқид қоидалари, ижтимоий адолат тамойилига амал қиладилар.

5.9. Партиянинг барча ташкилотлари ўзаро боғлиқ бўлиб, қуйи органлар юқори органлар қарорлари, топшириқларини бажариш билан айна замонда, ушбу Уставга биноан ўз ваколатлари доирасида мустақил ҳаракат қиладилар.

5.10. Партия ташкилотлари ўз вазифаларини амалга оширишда жамоатчиликка таяниб иш кўрадилар. Улар жойларда турли-туман шаклдаги клублар, учрашувлар, семинарлар, баҳс-мунозаралар ва бошқа тадбирларни ташкил этиб, партиёга аъзо бўлмаган фуқароларни партиёнинг мақсади, дастурий ҳоёлари ва фаолияти билан таништирадилар ҳамда уларни партиё сафларига жалб этадилар.

5.11. Партия ташкилотлари томонидан қабул қилинган қарор барча аъзолари учун мажбурийдир. Қарорлар қонунларга, мазкур Уставга ва партиё олий органларининг кўрсатмаларига зид бўлмаслиги керак.

5.12. Ўзбекистон «Адолат» СДП ҳудудий ва бошланғич партиё ташкилотларидан ташкил топган.

5.13. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда улар таркибига кирувчи туман ва шаҳар партиё ташкилотлари ҳудудий партиё ташкилотлари мақомига эгадирлар. Ҳудудий партиё ташкилотлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри доирасида тузилган бошланғич партиё ташкилотларини бирлаштириш учун хизмат қилади.

5.14. Бошланғич партиё ташкилотлари, камида уч нафар партиё аъзосини бевосита бирлаштириш мақсадида, уларнинг турар жойи, касбий ва жамоатчилик фаолияти бўйича, бирлашув учун қонуний чекловлар бўлмаган ҳолларда тузилади.

5.15. Бошланғич партиё ташкилотлари партиё аъзоларининг яшаш ва иш жойлари, касбий ва жамоатчилик фаолиятлари бўйича, ушбу партиё ташкилоти аъзоларининг фикрини ҳисобга олган ҳолда, тегишли туман, шаҳар партиё

Кенгашлари қарори билан тузилади, қайта ташкил этилади (қўшилади, бўлинади) ва тарқатиб юборилади.

5.16. Худудий партия ташкилотлари Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмитаси қарорига биноан Ўзбекистон Республикаси маъмурий-худудий тузилишига тегишли ҳолда тузилади, қайта ташкил этилади (қўшилади, бўлинади) ва тарқатилади.

5.17. Худудий партия ташкилотини тузиш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш билан бир вақтда ташкилий қўмита тузилади ва бир ой давомида таъсис конференцияси чакирилади.

5.18. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия ташкилотлари, шунингдек, улар таркибига кирувчи туман, шаҳар партия ташкилотлари юридик шахс мақомига эгадирлар.

Янгидан тузилган худудий партия ташкилоти қонунда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг тегишли худудий субъекти адлия органида рўйхатга олингандан сўнг юридик шахс мақомини олади.

6. ПАРТИЯГА АЪЗОЛИК

6.1. Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган, партиянинг Устав ва Дастурини тан олган, уни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлайдиган, партия Дастурида белгиланган тадбирларни амалга оширишда фаол иштирок этадиган Ўзбекистон фуқароси ўз хоҳиши ва иродаси билан ихтиёрий равишда «Адолат» социал-демократик партиясининг аъзоси бўлиши мумкин.

6.2. Партия аъзолигига қабул қилиш – унга кирувчиларнинг аризасига биноан яқка тартибда бошланғич партия ташкилотининг ёки бошқа партия органининг йиғилишида очик овоз бериш йўли билан ҳал қилинади. Бунда ҳар бир номзодга камида икки нафар партия аъзоси тавсиянома бериши керак.

6.3. Партия аъзолигига қабул қилиш тўғрисидаги қарор, қоида тариқасида, бошланғич партия ташкилоти мажли-

сида қабул қилинади. Партия Қурултойи, Сиёсий Кенгаш Пленуми, Сиёсий Кенгаш Ижроия Қўмитаси мажлиси, вилоят, туман, шаҳар партия Кенгашлари Пленумлари, шунингдек, вилоят партия Кенгаши Ижроия Қўмитаси мажлиси партия аъзолигига қабул қилиш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли, шу билан бирга, фуқаронинг партиясига қабул қилиш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиш учун тегишли қуйи органига кўрсатма бериши мумкин.

6.4. Партия аъзоларини рўйхатга олишни ушбу Устав ва партия Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмитаси томонидан тасдиқланган «Ўзбекистон «Адолат» СДП аъзоларини рўйхатга олиш тўғрисидаги Низом» асосида партия Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмитаси Девони ҳамда партиянинг вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари ташкил этади.

6.5. Ўзбекистон «Адолат» СДП аъзоси бошқа сиёсий партиясига аъзо бўла олмайди.

6.6. Қуйидаги ҳолларда партия аъзоси ўз аъзолигини тўхтатади (йўқотади):

- ёзма шахсий ариза асосида ўз хоҳиши билан партиядан чиқиш;
- Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотиш;
- партия аъзоси бўлган фуқаронинг вафоти;
- ушбу Уставда берилган тартиб ва қоидалар асосида партиядан чиқарилиш.

6.7. Партия аъзосини партиядан чиқариш энг оғир жазо бўлиб, у Уставни бузган ҳолларда, жумладан, Уставда кўрсатилган ўз мажбуриятларини бажармаганда, партия манфаатларига зарар келтирувчи ва унинг обрўсини туширувчи ҳатти-ҳаракатларга йўл қўйган ҳолларда қўлланилади.

6.8. Партиядан чиқариш тўғрисидаги қарорни партия Қурултойи, Сиёсий Кенгаш Пленуми, Сиёсий Кенгаш Ижроия Қўмитаси мажлиси, партиянинг вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари Пленуми, вилоят партия Кенгаши Ижроия Қўмитаси ҳамда партия аъзоси рўйхатида бўлган бошланғич партия ташкилотининг йиғилиши қабул қилишга ҳақлидир.

7. ПАРТИЯ АЪЗОСИНИНГ ХУҚУҚЛАРИ

7.1. Партия аъзолари тенг ҳуқуқлидир. Улар:

7.2. Партиянинг барча органларига сайлаш ва сайланиш, партия тadbирларини ишлаб чиқиш, муҳокама қилиш ва уларни амалга оширишда иштирок этиш, шу масалалар юзасидан ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдириш ҳамда улар тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

7.3. Давлат ҳокимияти органларининг барча тармоқларига сайланиш ва уларда иштирок этиш;

7.4. Партиянинг қўйи органларидан олий органларигача мурожаат қилиш ва улардан ўз вақтида қўйган саволларга жавоб олиш, ўзининг танқидий мулоҳазаларини билдириш;

7.5. Партия йиғилишларида масалаларнинг муҳокама этилишида, партия матбуотида фаол иштирок этиш;

7.6. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари, партия Устави ва Дастурига, халқаро меъёрлари талабларига зид бўлмаган оммавий жамоат ташкилотлари ва ҳаракатларининг ишларида қатнашиш;

7.7. Бошланғич партия ташкилоти қарорига биноан, ёзма аризасига кўра партияга аъзолигини вақтинча тўхтатиш ёки ундан ихтиёрий равишда чиқиш;

7.8. Партия аъзолигидан чиқарилган ҳолларда бир ой муддат ичида юқори партия органларига шикоят аризаси билан мурожаат этиш ҳуқуқига эгадирлар. Шикоят аризаси узоғи билан бир ой муддатда кўриб чиқилиши ва қабул қилинган қарор ҳақида ариза берувчига 10 кун муддат ичида маълум қилиниши керак.

7.9. Ўзбекистон «Адолат» СДП аъзоларининг ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари доирасида партиянинг ҳудудий ва марказий органлари томонидан ҳимояланади.

8. ПАРТИЯ АЪЗОЛАРИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

8.1. Партия Устави, Дастури талаблари ва партия раҳбар органлари қарорларини ўз вақтида бажариш;

8.2. Бошланғич партия ташкилоти ёки бошқа партия органи ҳисобида бўлиш, унинг фаолиятида фаол иштирок этиш;

8.3. Ижтимоий ахлоқ нормалари, қонуларининг талабларини бажаришда, маънавий кадриятларни ҳаётда қарор топтиришда бошқаларга ўрнак кўрсатиш;

8.4. Барча миллатлар ва элатлар миллий анъаналарига, тарихий ва маданий меросига, тилига, динига ҳурматда бўлиш; миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш ишида ташаббускорлик кўрсатиш;

8.5. Партия ва давлат органларининг давлат ва жамоат ҳавфсизлигини таъминлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида олиб бораётган тадбирларини амалга оширишда ўз ҳиссасини қўшиш;

8.6. Ишлаб чиқаришда, ўқув юртларида, оилада ва маҳаллаларда, жамоат жойларида бошқаларга ўрнак бўладиган даражада меҳнат қилиш, ўқиш, яшаш;

8.7. Партияга аъзолик бадалларини мунтазам равишда ва ўз вақтида тўлаб бориш;

9. БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ

9.1. Бошланғич партия ташкилоти партиянинг негизи ҳисобланади. Камида учта партия аъзоси бўлган тақдирда тегишли туман, шаҳар партия Кенгашлари томонидан рўйхатга олинади.

Ишлаб чиқариш принципига биноан, хўжалик, муассаса, ташкилотда ишлаб турган партия аъзоларини бирлаштирган бошланғич партия ташкилотлар тузилади. Шунингдек, ҳудудий принцип асосида маҳалла, уй-жой мулкдорлари ширкати, кўп қаватли уй ва бошқа шунга ўхшаш аҳоли пунктларида яшовчи партия аъзоларидан ҳам бошланғич партия ташкилотларини тузиш мумкин.

9.2. Бошланғич партия ташкилотлари ўз таркибида зарур ҳолларда партия гуруҳларини тузишлари мумкин. Уларга ўз қарорларига биноан партияга аъзолиги билан боғлиқ бўлган бошланғич ташкилоти ҳуқуқини бериши мумкин.

9.3. Бошланғич партия ташкилотлари ўзларининг ваколатлари доирасида иш кўришда мустақил бўлиб, барча масалалар юзасидан ўз мулоҳаза ва таклифларини юқори партия органларига билдириш ҳуқуқига эгадирлар. Улар юқори партия органларининг қарорларини ҳаётга татбиқ этиш учун ўз аъзоларини сафарбар қиладилар. Ўз аъзолари бўлмиш халқ депутатларига ёрдам беришда асосий таянч куч бўлиб хизмат қиладилар.

9.4. Умумий партия йиғилиши (мажлиси) бошланғич партия ташкилотининг раҳбар органи ҳисобланади. Йиғилиш камида йилнинг ҳар чорагида бир мартаба ўтказилади. Зарур ҳолларда навбатдан ташқари йиғилишлар ўтказилиши мумкин.

9.5. Кундалик ишларни олиб бориш учун бошланғич партия ташкилотининг умумий йиғилиши — бошланғич партия ташкилоти раисини ва бир кишидан иборат раис ўринбосарини 1 йил муддатга сайлайди. Партия гуруҳларида эса гуруҳ раҳбари сайланади.

9.6. Бошланғич партия ташкилотлари ва барча партия органлари партия интизомини, қонунларини бузганликлари учун партия аъзоларини ўз йиғинларида муҳокама қилади ва зарур бўлса, уларни партия сафидан ўчиришгача бўлган жазо чораларини кўради. Партия аъзоларига кўрилган жазо йиғилишда иштирок этганларнинг ярмидан кўпроғи овоз бергандагина ҳақиқий ҳисобланади.

10. ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ВИЛОЯТ, ШАҲАР, ТУМАН ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ

10.1. Қорақалпоғистон Республикаси партия ташкилоти Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг узвий бир бўғини бўлиб, партия тизимида ўзининг мустақил ўрнига эгадир. Партия Устави ва Дастури ҳамда партиянинг олий ва марказий органлари томонидан қабул қилинган қарорлар, кўрсатмалар Қорақалпоғистон Республикаси партия ташкилоти учун мажбурийдир.

10.2. Тошкент шаҳар партия ташкилоти вилоят партия ташкилоти ҳуқуқига эгадир.

10.3. Ўзбекистон «Адолат» СДП ҳудудий ташкилотлари – Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳар ва туман партия ташкилотларининг раҳбар органи – конференциядир. Одатда ҳудудий партия ташкилотининг навбатдаги конференцияси Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши Пленуми томонидан белгиланган муддатларда камида беш йилда бир марта чақирилади. Шунингдек, у тегишли партия ташкилотининг қарорига, юқори партия органининг таклифига ёки ушбу партия ташкилоти аъзоларининг камида учдан бир қисмини бирлаштирган партия ташкилотининг талабига биноан чақирилиши мумкин.

10.4. Конференция ваколатлари доирасига қуйидагилар киради:

– тегишли ҳудудий партия Кенгаши аъзоларини сайлаш;

– ҳудудий партия ташкилоти тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш;

– Ўзбекистон «Адолат» СДП Умумпартия конференциясига ёки партия Курултойига делегатларни сайлаш;

– ҳудудий партия Кенгаши, ҳудудий партия ташкилоти тафтиш комиссияси ҳисоботларини эшитиш ва улар юзасидан қарорлар қабул қилиш;

– Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, тегишли халқ депутатлари вилоят, шаҳар, туман Кенгашлари депутатлигига номзодлар кўрсатиш;

– Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, шаҳар, туман Кенгашларидаги Ўзбекистон «Адолат» СДП депутатлари гуруҳлари ҳисоботларини эшитиш ва улар юзасидан қарорлар қабул қилиш;

– тегишли ҳудудий партия ташкилоти фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

– ҳудудий партия ташкилоти фаолиятининг бошқа муҳим масалаларини кўриб чиқиш.

10.5. Ҳудудий партия ташкилотининг конференциялари оралиғида олдинги конференцияда сайланган ҳудудий

партия Кенгаши ташкилотнинг раҳбар органи бўлиб ҳисобланади, унинг манфаатларини ифодалайди ва унинг номидан иш юритади.

Ўзбекистон «Адолат» СДП ҳудудий Кенгашларига сайлаш учун меъёр, тегишли Кенгаш Пленуми томонидан ҳудудий партия ташкилоти конференциясини чақириш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш билан бир вақтда белгиланади.

Ҳудудий партия Кенгашлари Пленумлари заруриятига қараб, аммо ҳар йили камида икки марта ўтказилади. Пленумларда Кенгаш аъзоларининг ярмидан кўпроғи иштирок этганда, у томонидан қабул қилинган қарорлар қонуний кучга эга бўлади.

10.6. Ҳудудий партия Кенгаши ўз Пленумларида:

– ўзининг таркибидан Кенгаш раиси ва раис ўринбосарларини сайлайди, зарур бўлган ҳолларда конференцияда сайланган ҳудудий партия Кенгаши аъзолари таркибини қисман янгилайди;

– тегишли давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органларидаги партия депутатлик гуруҳининг ахборотини эшитади;

– ҳудудий партия ташкилоти конференцияси томонидан берилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия Кенгашлари Пленумларида ушбу Кенгашларнинг Ижроия Қўмиталари сайланади ва Ижроқўмнинг асосий фаолият йўналишлари белгиланади.

10.7. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳар партия Кенгашларининг Ижроия Қўмитаси ҳудудий партия ташкилотларининг мувофиқлаштирувчи органидир.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳар партия Кенгашлари Пленумлари оралиғида Ижроия Қўмита, унга берилган ваколатлар доирасида, қайд этилган ҳудудий партия ташкилотларининг манфаатларини ифода этади, унинг номидан иш юритади.

Қайд этилган ҳудудий Партия Кенгашларининг Ижроия Қўмиталари Пленумда сайланган Кенгаш раиси, раис ўринбосарлари ва Ижроия Қўмитанинг бошқа аъзоларидан ташкил топади. Ушбу Ижроия Қўмитанинг мажлисла-

ри заруриятига қараб ўтказилади ва уларда ижроқўм аъзоларининг ярмидан кўпи қатнашган ҳолда мажлис қарорлари қонуний кучга эга бўлади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳар партия Кенгашлари Ижроия Қўмиталарининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари барча қўйи ташкилотлар учун мажбурийдир.

10.8. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳар партия Кенгашлари Пленумининг қарорига биноан ҳудудий жиҳатдан уларга тегишли бўлган туман ва шаҳар Кенгашлари таркибида Ижроия Кенгашлари ёки Ижроия гуруҳлари тузилиши мумкин.

11. ПАРТИЯ РАҲБАР ОРГАНЛАРИНИНГ ТУЗИЛМАВИЙ ТАРКИБИ

11.1. Ўзбекистон «Адолат» СДП ҳуқуқий белгисига биноан ташкил этиладиган тузилмавий таркиби қуйидаги тузилмалардан иборат: Курултой, Сиёсий Кенгаш, Марказий Назорат-тафтиш комиссияси (МНТК), Сиёсий Кенгаш Ижроия Қўмитаси (Ижроқўми), Ижроия Қўмита девони, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳар партия Кенгашлари ҳамда бошланғич партия ташкилотлари фаолиятига раҳбарлик қилувчи туман ва шаҳар партия Кенгашлари.

11.2. Зарур бўлиб қолганда, партия Устав фаолиятининг айрим йўналишлари бўйича Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши аъзолари ва партиянинг бошқа ташкилотлари аъзоларидан Сиёсий Кенгаш комиссиялари, ишчи гуруҳлари ёки бошқа вақтинчалик ишчи органлари тузилиши мумкин.

12. ҚУРУЛТОЙ

12.1. Курултой партиянинг Олий органидир. Навбатдаги Курултой партия Сиёсий Кенгаши томонидан камида 5 йилда бир марта чақирилади. Қоида тарикасида, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига ёки Ўзбекистон Республи-

каси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман кенгашларига ўтказиладиган сайлов кампаниясидан олдин чақирилади.

Қурултой чақирилишидан камида бир ой муддат аввал Сиёсий Кенгаш қарори қабул қилиниб, унда Қурултой чақириш муддати ва жойи, кун тартиби лойихаси, вакиллик нормалари аниқ кўрсатилган бўлиши керак.

12.2. Партиянинг навбатдан ташқари Қурултойи Сиёсий Кенгаш ташаббуси билан ёки партия аъзолари умумий сонининг камида учдан бир қисмини бирлаштирган партия ташкилотларининг талабига мувофиқ чақирилади. Қурултой барча партия аъзоларининг ярмидан кўп қисмининг вакиллари қатнашгандагина ваколатли бўлади.

Сиёсий Кенгаш Қурултойлар оралиғида доимий ишловчи партия марказий органидир. У Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия ташкилотлари вакилларида ташкил топади. Қурултой унга қўшимча ваколатлар беришга ҳақлидир.

12.3. Қурултой ўз ваколатлари доирасида қуйидагиларни амалга оширади:

– делегатларнинг ваколатларини текширади, ўзининг иш тартибини белгилаб, зарур раҳбар ва ишчи гуруҳларини ташкил этади;

– партия Дастури ва Уставини қабул қилади ва уларга тўлдиришлар, ўзгартишлар киритади. Республиканинг ички ва ташқи сиёсатига оид ўзининг таклиф, тadbирларини ишлаб чиқади. Сайловолди дастурларини, ҳужжатларни, кўрсатмаларни қабул қилади;

– Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгашини сайлайди, унинг таркиби ва қурултойлар оралиғида ундан аъзоларни чиқариш ва янгиларини киритиш тартибини белгилайди. Шунингдек, унга 5 йил муддат давомида зарур бўлган ваколатларни беради;

– Марказий Назорат-тафтиш комиссиясини сайлайди ва унинг вазифаларини белгилаб беради;

– Сиёсий Кенгаш, Марказий Назорат-тафтиш комиссияси, Қурултой томонидан сайланган бошқа раҳбар органлар

ва раҳбарларнинг ҳисоботларини эшитади ва улар ҳақида тегишли қарорлар қабул қилади;

— партия фракциясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фаолияти ҳақидаги ҳисоботларини эшитади ва партия фракцияси фаолияти тўғрисида қарорлар қабул қилади.

12.4. Қурултойлар оралиғида Сиёсий Кенгаш зарур ҳолларда Умумпартия конференциясини чақириш ҳуқуқига эга. Умумпартия конференцияси партия раҳбар органлари ҳамда Марказий Назорат-тафтиш комиссияси таркибига ўзгартишлар киритиши ва бошқа зарурий ҳужжатларни қабул қилиши мумкин.

13. СИЁСИЙ КЕНГАШ

13.1. Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши Қурултойлар, Умумпартия конференциялари оралиғидаги даврда партиянинг марказий раҳбар органи ҳисобланади. Ўзбекистон «Адолат» СДП манфаатларини ифодалайди ва унинг номидан иш юритади.

13.2. Сиёсий Кенгаш ўз Пленумларида ўзининг таркибидан Сиёсий Кенгаш раиси ва раис ўринбосарларини сайлайди, Ижроия Қўмитасининг таркиби, вазифалари ва ваколатларини белгилайди.

13.3. Ижтимоий-сиёсий ташкилотлар, партиялар, ҳаракатлар ва чет эллардаги шундай ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

13.4. Партиянинг ахборот органларини (газета, журнал, радио ва телевидение дастурларини) таъсис этади ва уларнинг фаолиятига раҳбарлик қилади.

13.5. Сиёсий Кенгаш Пленумлари ҳар йилда камида икки марта ўтказилади. Пленум партия Қурултойлари оралиғида зарур бўлиб қолган ҳолларда Қурултойда сайланган Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши ва Марказий Назорат-тафтиш комиссияси аъзолари таркибини қисман янгилаш ҳуқуқига эга.

Шунингдек, Сиёсий Кенгаш ўз Пленумларида:

– Курултойлар оралиғида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлиғига номзодлар кўрсатади;

– ҳар йили Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмитаси фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни ва Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси фаолияти ҳақидаги ахборотни эшитади;

– партия Уставининг айрим қоидаларини қўллаш тартибига аниқлик киритувчи меъёрий ҳужжатларни тасдиқлайди;

– Курултой ва Умумпартия конференциясига делегатларнинг вакиллик нормасини белгилайди;

– Ўзбекистон «Адолат» СДП Курултойи бералиган бошқа ваколатларни амалга оширади.

13.6. Сиёсий Кенгаш Пленумида Кенгаш аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинган қарорлар барча партия ташкилотлари ва аъзолари учун мажбурийдир.

14. СИЁСИЙ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ

14.1. Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмитаси партиянинг марказий ижроия ва мувофиқлаштирувчи органидир. Ижроия Қўмита Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши Пленумлари оралиғидаги даврда партия Курултойи ва Сиёсий Кенгаши унга берган ваколатлар доирасида партиянинг манфаатларини ифода этади ва унинг номидан иш юритади.

14.2. Ижроия Қўмита Сиёсий Кенгаш Пленумида сайланган Сиёсий Кенгаш раиси, раис ўринбосарлари ва Ижрокўмнинг бошқа аъзоларидан иборат бўлади.

14.3. Ижроия Қўмита мажлислари заруриятига қараб ўтказилади ва унда Ижрокўм аъзоларидан ярмидан кўпи қатнашган тақдирда, қонуний ҳуқуқга эга, деб ҳисобланади.

14.4. Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмитасининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари партиянинг барча ташкилотлари ва Кенгашлари учун мажбурийдир.

14.5. Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши Ижроия Кўмитаси:

– бошқа, шу жумладан, хорижий сиёсий партиялар, давлат, ижтимоий-сиёсий ташкилотлар ва ҳаракатлари билан муносабатларда Ўзбекистон «Адолат» СДП номидан иш юритади;

– Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг йиллик иш режасини тасдиқлайди ва режанинг бажарилиши юзасидан ҳисоботни эшитади;

– Сиёсий Кенгашнинг навбатдаги ва навбатдан ташқари Пленумларини чақириш тўғрисида қарор қабул қилади ва унинг муддати ва кун тартибини белгилайди;

– Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси фаолияти ҳақидаги ахборотни эшитади;

– Ўзбекистон «Адолат» СДП бюджети ва унинг ижросини тасдиқлайди, марказдаги ва ҳудудлардаги партиянинг мулки ва маблағларидан фойдаланиш тўғрисидаги ахборотни эшитади;

– Ўзбекистон «Адолат» СДП Курултойлари ва Сиёсий Кенгаш Пленумлари қарорларининг бажарилишини ташкил этади, Қонунчилик палатасидаги «Адолат» СДП фракцияси фаолиятини мувофиқлаштиради;

– Қонунчилик палатасининг бўшаб қолган депутатлари ўринларига ўтказиладиган сайловларда Ўзбекистон «Адолат» СДП иштирок этган тақдирда, Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатади.

– партия оммавий ахборот воситалари раҳбарлари ва таҳририяти аъзоларини тасдиқлайди;

– партиянинг муассасаларини, корхоналарини ташкил этади, уларнинг уставини тасдиқлайди, раҳбарларини тайинлайди ва фаолиятини назорат қилади;

– Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши Ижроия Кўмитаси ишчи органи – Ижроия Кўмита девонини тузади ва унга раҳбарлик қилади;

– Сиёсий Кенгаш Пленуми унга берган бошқа ваколатларни амалга оширади.

15. ИЖРОИЯ ҚЎМИТА ДЕВОНИ

15.1. Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони партиянинг доимий ишчи органидир. Ижроқўм девони партия Устав фаолиятининг ахборот, назорат-таҳлил, социологик тадқиқот, молиявий-хўжалик, ташкилий-кадрлар ишлари ва маслаҳатлашув хизматлари юзасидан масъулдир.

15.2. Ижроқўм девони раҳбари партия Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмитаси мажлисида лавозимига тасдиқланади.

15.3. Ижроқўм девони ходимларининг меҳнат фаолияти қонун ҳужжатларига асосан меҳнат шартномаларига мувофиқ ташкил этилади.

15.4. Ижроқўм девони Курултой, Умумпартия конференцияси, Сиёсий Кенгаш, унинг Ижроқўми қарорларининг бажарилишини таъминлаш бўйича тадбирларни амалга оширади ва уларнинг бажарилиши назоратини олиб боради.

15.5. Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони партиянинг мулки ва маблағлари билан боғлиқ ишларни амалга оширади. Партия бюджети бажарилишини таъминлайди.

15.6. Ижроқўм девони Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг ҳудудий – вилоят, шаҳар ва туман ташкилотлари билан доимий алоқада бўлиб, уларга ташкилий-партиявий, ташвиқот-тарғибот ва бошқа шунга ўхшаш Устав фаолиятларига тегишли ишларни олиб боришда амалий ёрдам кўрсатади.

16. СИЁСИЙ КЕНГАШ РАИСИ

16.1. Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши раиси Пленумда Сиёсий Кенгаш аъзолари орасидан сайланади.

16.2. Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши раиси: – Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши вакили сифатида унинг номидан бошқа юридик шахслар билан партиянинг муносабатларини мувофиқлаштирувчи шартномалар, битимлар, баённомалар ва бошқа ҳужжатларни имзолайди;

– Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши Пленумлари, Сиёсий Кенгаш Ижрокўми мажлисларини олиб боради ва улар қабул қилган қарорларни имзолайди;

– Ўзбекистон «Адолат» СДП Қурултойи ва Сиёсий Кенгаши берган бошқа ваколатларни амалга оширади.

16.3. Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши раиси йўқлигида унинг вазифасини Сиёсий Кенгаш раис ўринбосарларидан бири бажаради.

16.4. Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши раиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати этиб сайланганида ва унда партия фракцияси тузилган тақдирда Ўзбекистон «Адолат» СДП фракциясига раҳбар этиб сайланиши мумкин.

17. ПАРТИЯ РАҲБАР ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ НАЗОРАТИ

17.1. Ўзбекистон «Адолат» СДП раҳбар ва ижроия органлари фаолиятини назорат қилиш уларнинг вақти-вақти билан тегишли партия ташкилотлари ва юқори партия органлари олдида ҳисобот беришлари билан таъминланади.

17.2. Партия раҳбар органлари ва ташкилотларининг молиявий-хўжалик фаолияти, партия бюджетининг тўғри шаклланиши ҳамда маблағларнинг сарфланиши устидан назорат Ўзбекистон «Адолат» СДП Марказий Назорат-тафтиш комиссияси (МНТК) ва ҳудудий партия ташкилотларининг Назорат-тафтиш комиссиялари томонидан амалга оширилади.

18. МАРКАЗИЙ НАЗОРАТ-ТАФТИШ КОМИССИЯСИ

18.1. Ўзбекистон «Адолат» СДП Марказий Назорат-тафтиш комиссияси Қурултойлар оралиғидаги даврда партиянинг марказий назорат органи бўлиб, Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши, қуйи партия ташкилотлари молиявий-хўжалик фаолияти ва партия бюджетининг тўғри шакллантирилиши ҳамда сарфланиши устидан назорат олиб боради.

18.2. Ўзбекистон «Адолат» СДП Марказий Назорат-тафтиш комиссияси партиянинг Қурултойида сайланади. Марказий Назорат-тафтиш комиссияси сайланиш тартиби Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши Пленуми томонидан, қоида тариқасида партия Қурултойини чақириб тўғрисидаги қарорни қабул қилиш билан бир вақтда белгиланади. Қурултойлар оралиғида зарурати туғилиб қолган ҳолларда Марказий Назорат-тафтиш комиссияси таркиби Сиёсий Кенгаш Пленумида қисман янгиланиши мумкин.

18.3. Ўзбекистон «Адолат» СДП Марказий Назорат-тафтиш комиссияси аъзоси бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас.

18.4. Ўзбекистон «Адолат» СДП Марказий Назорат-тафтиш комиссияси ўз фаолиятида партия Уставига ва партия Сиёсий Кенгаши Пленумида тасдиқланган Ўзбекистон «Адолат» СДП Марказий Назорат-тафтиш комиссияси Низомига амал қилади.

19. ПАРТИЯНИНГ БОШҚА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ВА НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ

19.1. Ўзбекистон «Адолат» СДП Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаракат қилувчи бошқа сиёсий партиялар ва нодавлат нотижорат ташкилотлари (жамоат бирлашмалари, ҳаракатлар, жамғармалар ва ҳоказолар) билан ҳамкорликда ҳаракат қилиши мумкин. У бошқа сиёсий партиялар билан иттифок (блок) тузиши ёки бошқа шартномавий муносабатлар ўрнатиши мумкин.

19.2. Бошқа сиёсий партиялар билан иттифок (блок) тузиш тўғрисидаги қарор партия Қурултойи ёки Сиёсий Кенгаши Пленумида қабул қилиниши лозим. Сиёсий партиялар ва нодавлат нотижорат ташкилотлари билан бошқа турдаги муносабатлар тўғрисида тузилган шартнома ва битимлар ҳақида Сиёсий Кенгаш Пленумига ахборот берилади.

19.3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси-

нинг бошқа сиёсий партиялар билан депутатлик бирлашмалари (блоклари), умумий нуқтаи назар бўйича келишувлари ёки уларга нисбатан муҳолифатда бўлишлари тўғрисидаги қарорлари Сиёсий Кенгаш Пленумида ёки Сиёсий Кенгаш Ижроия Қўмитаси мажлисида кўриб чиқилади.

19.4. Ўзбекистон «Адолат» СДП ҳудудий ташкилотлари – вилоят, шаҳар ва туман ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаракат қилувчи сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, жамғармалар ва бошқа нодавлат ноtijорат ташкилотларининг ҳудудий ташкилотлари билан шартномавий муносабатлар ўрнатишлари мумкин. Шартнома ва битимлар Ўзбекистон «Адолат» СДП ҳудудий ташкилоти номидан тегишли ҳудудий партия Кенгаши раиси томонидан имзоланади. Ҳудудий партия ташкилотларининг ҳамкорлик ҳақида тузган шартнома ва битимлари Сиёсий Кенгаш Ижроия Қўмитаси билан келишилади ва шу ҳудудий партия ташкилоти Кенгаши Пленумида тасдиқланади.

19.5. Партия демократик характердаги чет мамлакатлар партиялари ва оммавий ҳаракатлари билан маданият, фан ва техника соҳаларида ҳамкорлик қилиш, улар билан тажриба алмашиш ҳуқуқига эгадир.

20. ПАРТИЯНИНГ МОЛИЯВИЙ МАБЛАҒЛАРИ ВА МУЛКИ

20.1. Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг пул маблағлари партияга аъзолик бадалларидан, Ўзбекистон Республикаси юридик ва жисмоний шахслари хайрияларидан, давлат бюджетидан ажратилган маблағлардан, шунингдек, ноширлик, ишлаб чиқариш, хўжалик, тадбиркорлик фаолиятдан келадиган даромадлар ва бошқа тушумлардан ташкил топади.

Бу маблағлар партиянинг устав фаолиятини таъминлаш учун сарфланади.

Зарур ҳолларда маблағларнинг бир қисми Сиёсий Кенгаш Ижроия Қўмитаси белгилаган миқдорда Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг захира жамғармасига йўналтирилади.

20.2. Ўзбекистон «Адолат» СДП мулки, унинг тасаруфидаги бинолар, иншоотлар, хўжаликлар, нашриётлар, транспорт воситалари, асбоб-ускуналар, анжомлар, маданий-маърифий ва соғломлаштириш мақсадида фойдаланиладиган мулк, шунингдек, партия маблағига сотиб олинган ёки вужудга келтирилган бошқа мол-мулк партиянинг ўз органлари, муассаса ва ташкилотлари орқали эғалик қилиш ҳуқуқидаги объектлардан иборатдир.

20.3. Ўзбекистон «Адолат» СДП Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари, бошқа корхона ва муассасалари ўз ихтиёридаги мустақил балансида ҳисобга олинган алоҳида мол-мулкка, банк муассасаларида ҳисоб рақамига, ўз номи туширилган муҳрга эга бўлишлари, ўз номидан мулкӣ ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олишлари ва амалга оширишлари, судда ўз зиммаларига мажбурият олишлари, жавобгар ва даъвогар бўлишлари мумкин.

20.4. Аъзолик бадалларини ўз вақтида ва мунтазам тўлаб бориш Ўзбекистон «Адолат» СДП ҳар бир аъзонинг асосий партиявий мажбуриятларидан биридир.

Қайд этилган барқарор даромадга эга бўлган Ўзбекистон «Адолат» СДП аъзолари ҳар ойда аъзолик бадалларини, ўз даромадларининг 1 фоиздан кам бўлмаган миқдорида тўлайдилар.

Чекланган даромадга эга бўлган партия аъзолари (пенсионер, талаба ва шу кабилар)нинг аъзолик бадаллари миқдори ҳар йилнинг бошида Сиёсий Кенгаш Ижроия Қўмитаси томонидан белгиланади.

20.5. Туман, шаҳар ёки вилоят партия Кенгашлари тасаруфларидаги бошланғич партия ташкилотлари мурожаатига асосан ўз қарорлари билан моддий аҳволи туфайли партияга аъзолик бадалларини тўлай олмайдиган партия аъзоларини бадал тўлашдан муайян муддатга озод этишлари мумкин.

Партияга қираётган янги аъзолардан партия билети эвазига кириш бадаллари олинмайди.

20.6. Партия аъзолик бадалларидан тушадиган маблағлар Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмитаси томонидан тасдиқланган Низомга мувофиқ Сиё-

сий Кенгаш Ижроия Қўмитаси Девони, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, шаҳар, туман партия Кенгашлари ҳисоб рақамларига туширилади.

20.7. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия ташкилотларининг аъзолик бадалларидан тушадиган ойлик ва йиллик маблағлари режаси ҳудудларнинг партия аъзолари сонидан ва уларнинг ижтимоий шароитидан келиб чиққан ҳолда Сиёсий Кенгаш Ижроия Қўмитаси томонидан белгиланади.

Ҳудудий партия Кенгашлари томонидан режада кўрсатилган аъзолик бадаллари тушумларининг 10 фоизи ҳар ойда Сиёсий Кенгаш Ижроия Қўмитаси девони ҳисоб рақамига ўтказилади.

Аъзолик бадалларидан тушадиган маблағларнинг қолган қисми Ижроия Қўмита девони раҳбари томонидан тасдиқланган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия Кенгашларининг харажатлар сметаси асосида мазкур ташкилотларнинг устав фаолиятини молиялаштиришга сарфланади.

20.8. Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг йиллик бюджети – партиянинг даромадлари ва харажатларидан ташкил топади. Партиянинг йиллик даромади жорий йил мобайнида кириш ва аъзолик бадаллари, хайрия ёрдами, Давлат бюджетидан ажратилган ва қонун ҳужжаларига зид бўлмаган бошқа фаолият турларидан тушадиган маблағлардан шаклланиб, даромадлар сметасида ўз аксини топади. Партиянинг жорий йилдаги марказий ва ҳудудий органлари ҳамда ташкилотлари устав фаолиятини таъминлаш учун харажат соҳалари бўйича тақсимланган маблағлари харажатлар сметасида мужассамлашади.

Партия ташкилотлари аъзоларининг кириш ва аъзолик бадаллари маблағларидан, давлат бюджети тушумлари ва бошқа манбалардан шаклланган партиянинг даромадидан ҳамда партия харажатлар сметасидан ташкил топган партиянинг йиллик бюджети ҳар йили партия Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмитаси томонидан тасдиқланади.

Партия бюджетининг ижроси, партия органлари ва ташкилотларига ажратилган ҳамда улар томонидан фойдаланилган маблағлар тўғрисидаги ҳисобот ҳар йили партия Сиёсий Кенгаши Пленумида кўриб чиқилади ва бу ҳақдаги Пленум қарори партия аъзоларига етказилади.

20.9. Худудий партия ташкилотлари бюджетлари ва уларнинг ижроси ҳақидаги ҳисоботлар тегишли худудий партия Кенгашлари Пленумларида кўриб чиқилади ва тасдиқланади. Тасдиқланган бюджет ва ҳисоботнинг асосий кўрсаткичлари қуйи партия ташкилотлари ва партия аъзоларига маълум қилинади.

20.10. Партия Сиёсий Кенгаши балансидаги мол-мулкни ва пул маблағларини жорий бошқариш Сиёсий Кенгаш Ижроия Қўмитаси девони томонидан амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳар, туман партия Кенгашларининг мол-мулкни ва пул маблағларини жорий бошқариш вазифаси, қоида тариқасида, Кенгаш раиси ёки (Кенгаш қарори билан) раис ўринбосарларидан бирининг зиммасига юклатилади.

Партия корхоналари ва муассасаларининг мол-мулклари ва пул маблағлари уларнинг Уставлари ва Низомларига асосланган ҳолда уларнинг раҳбарлари томонидан бошқарилади.

20.11. Бошланғич партия ташкилотлари партия Уставида белгиланган ишларни амалга оширишда тегишли партия Кенгашларининг қарори билан партиёга ўтказилаётган маблағлар ва мулклардан фойдаланишлари мумкин.

21. ПАРТИЯНИНГ РАМЗЛАРИ

21.1. Партия ўз байроги, нишони ва вимпелларига эга. Улар Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши Пленумида тасдиқландилар ва қонунда белгиланган тартибда тегишли давлат органларида рўйхатдан ўтказилдилар.

22. ПАРТИЯ ФАОЛИЯТИНИ ТУГАТИШ ТАРТИБИ

22.1. Партиянинг фаолияти, ўзини ўзи тарқатиб юбориши тўғрисидаги Қурултой қарорига ёки «Сиёсий партия-

лар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунда қайд этилган асосларга биноан тугатилиши мумкин. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди қарорига мувофиқ партия фаолияти вақтинча тўхтатиб турилиши ёки умуман тугатилиши мумкин.

22.2. Ўзбекистон «Адолат» СДП фаолияти тўхтатилган тақдирда, юридик шахсни тугатиш юзасидан қонунда назарда тутилган ишлар тугатиш комиссияси томонидан амалга оширилади.

23. ПАРТИЯ УСТАВИ ВА ДАСТУРИГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ

23.1. Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг Устави ва Дастурига ўзгартишлар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия ташкилотларининг фикр-мулоҳазалари ҳисобга олинган Сиёсий Кенгаш таклифига биноан партия Курултойи ёки Умумпартия Конференцияси қарори билан киритилади. Ушбу масалага оид қарор Курултой ёки Умумпартия конференцияси мажлисида қатнашаётган делегатларнинг учдан икки қисмидан кам бўлмаган овози билан қабул қилинади.

23.2. Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши Курултой ёки Умумпартия Конференциясидан сўнг Уставга киритилган ўзгартишлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига маълум қилади ва унга барча зарур ҳужжатларни тақдим этади.

24. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

24.1. Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг давлат органлари ва бошқа юридик шахслар билан муносабатларига тегишли, ушбу партия Уставида назарда тутилмаган ҳоллардаги масалалар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг бошқа Қонун ва қонуности ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг навбатдан ташқари III Съезди (25.06.2005) ва IV Съездида (06.11.2007) киритилган ўзгариш ва қўшимчаларни инобатга олган ҳолда тасдиқланган

ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ – ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ УСТАВИ

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси мулкдорлар қатлами, кичик бизнес вакиллари, тадбиркор ва ишбилармонлар, фермерлар, жамоат ташкилотлари вакиллари, ишлаб чиқариш соҳасидаги мутахассислар ҳамда ўз тадбиркорлиги ва ташаббускорлигини ривожлантириш эвазига халқ фаровонлигига эришишга ҳаракат қилаётган ижодкор, олимлар ва барча фуқароларнинг манфаатларини ва сиёсий иродаларини ифодаловчи умуммиллий сиёсий ташкилот ҳисобланади.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси мамлакат тараққиёти, халқ фаровонлиги, шахснинг эркин ва ҳар томонлама ривожланишини таъминлаш учун зарур бўлган демократик ҳукукий давлат қуриш, фуқаролик жамияти, ижтимоий йўналтирилган эркин бозор иқтисодиётининг шаклланишида онгли ва масъулият билан иштирок этишни истовчи барча Ўзбекистон фуқаролари учун очикдир.

1.2. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонуни, Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Қонуни, амалдаги бошқа қонун ҳужжатлари ҳамда ушбу Уставга мувофиқ равишда амалга оширади.

1.3. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ўз фаолиятида эркин фикр юритиш, партияга ихтиёрий равишда кириш ва ундан чиқиш, аъзоларининг тенг ҳуқуқлилиги, ўзини ўзи бошқариш, қонунийлик ва ошқоралик тамойилларига таянади.

1.4. Партия ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида амалга оширади.

1.5. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси юридик шахс ҳисобланади, ўзининг муҳри, штампи, бланкалари, Ўзбекистон банкларида ҳисоб рақамларига эга бўлади.

1.6. Партия мулк, ашъёвий мулк эгаллиги ҳуқуқига эга, республика қонунчилиги асосида юридик шахс ҳуқуқ ва мажбуриятларига риоя қилади.

1.7. Партиянинг тўлиқ расмий номи:

– ўзбек тилида: «Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси»;

– рус тилида: «Движение предпринимателей и деловых людей – Либерально-демократическая партия Узбекистана».

Партиянинг қисқа расмий номи:

– ўзбек тилида: «Ўзбекистон Либерал-демократик партияси» ёки «О'зЛиДеР»;

– рус тилида: «Либерально-демократическая партия Узбекистана» ёки «УзЛиДеП».

1.8. Партия ўз мадҳияси, байроғи ва рамзи (нишони)га эга бўлиши мумкин.

1.9. Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг доимий фаолият юритувчи раҳбар органи манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 73а-уй.

II. ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИННИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

2.1. Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

Биринчи мақсад. Сиёсий куч сифатида бирлашган ҳолда тадбиркорлар ва ишбилармонларнинг янада кенгрок фаолият юритишлари учун янги имкониятлар яратиш, уларнинг истиқболини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан асослаб бериш, жамиятнинг мазкур қатлами манфаатларини ҳимоялаш ва эртанги кунини таъминлаш. Шу ижтимоий тоифа номидан Ўзбекистоннинг сиёсий саҳнасига чиқиш ва ўзининг муносиб ўрнини эгаллаш.

Иккинчи мақсад. Мамлакатнинг миллий манфаатлари ва тараққиётининг стратегик истиқболларига жавоб берадиган дастурни Конституция тамойилларига суяниб, бошқа сиёсий партия ва ҳаракатлар билан ҳамкорликда ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун партиянинг куч ва имкониятларини сафарбар этиш.

Ўзбекистон танлаган очик, бозор иқтисодиётига асосланган демократик, ҳуқуқий давлат қуриш, фуқаролик жамияти институтларининг ривожига кенг йўл очиб бериш ва демократик кадриятларни халқ, аввало ёшлар онги ва ҳаётига сингдириш.

Учинчи мақсад. Давлатни бошқариш, жамиятда шаклланаётган қарашларга таъсир ўтказиш, сиёсий ва иқтисодий ислохотларни амалга оширишда фаолиштироқ этиш, ижтимоий муаммоларни ҳал этишда кўмаклашиш, Ўзбекистоннинг халқаро обрўсини оширишда, юрт тинчлиги ва осойишталигини сақлашда, миллатлараро ва фуқаролараро аҳиллик ва тотувликни мустаҳкамлаш ишида фаол қатнашиш.

Ёшларни миллий ғояга ҳурмат, Ватанга муҳаббат ва садоқат, ўзэлим, ўзюртим, жон Ўзбекистоним деб гурурланиб яшаш руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўлиш, ҳар қандай шароитда мустақиллик йўлини, кадриятлар, миллий ва диний анъаналар ва урф-одатларни кадрлаш баробарида, барча миллат ва элатлар кадриятларини камситишга йўл қўймаслик, бундай хуружларга қарши кураш олиб бориш.

Тўртинчи мақсад. Партиянинг сиёсий платформаси – либерал-демократик ғоя ва кадриятларни кенг омма онгига сингдириш, бу борада ҳар томонлама чуқур ўйланган ташвиқот ва тарғибот ишларини олиб бориш, ўз сафини кенгайтириш. Шу ғояларни ҳаётга татбиқ қилишда фидойилик кўрсатган фаолларни депутатликка номзод сифатида кўрсатиш ва сайловчилар ишончини қозонган ўз депутатлари зиммасига давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органларида вакиллик вазифасини юклаш ҳамда уларнинг фаолиятини бошқариш.

2.2. Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг бош вазифалари қуйидагилардан иборат:

– қонунлар ва ҳукумат қарорлари қабул қилинишига катта таъсир кўрсата оладиган парламент кўпчилиги партияси сифатида ўз Дастури ва сиёсий платформасининг қоидалари амалда бажарилишини ҳамда ўз электоратининг манфаатлари самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш;

– бозор ислохотларини янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим муаммоларини ҳал қилишда ташаббускор бўлиш ва фаол иштирок этиш, мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодийнинг барқарор ривожлантириш, тадбиркорлик эркинлигининг амалий кафолатларини таъминлаш, ҳақиқий мулкдорлар қатламини шакллантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш, тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш;

– давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришга, кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ташаббусларни илгари суриш, жамият ҳаётида ва давлатни бошқаришда онгли ва масъулиятли иштирок этишнинг фуқаролар ман-

фаатларига мос бўлган хилма-хил шаклларини таъминлаб берадиган нодавлат ноғижорат ташкилотларининг кенг тармоқли тизимини яратиш;

– аграр соҳадаги ислохотларни чуқурлаштиришда фаол иштирок этиш орқали фермерлик ҳаракатини ривожлантириш, қишлоқда хўжалик юритишнинг энг истикболли ва самарали шакли бўлмиш фермерликни мустаҳкамлашга қаратилган туб ўзгаришларни амалга ошириш баробарида, қишлоқда ҳақиқий мулкдорлар катламини шакллантириш;

– муҳим сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий муаммоларга жамоатчилик диққат-эътиборини тортиш ҳамда уларни партия воситалари билан ҳал этиш йўллари ҳақида ижобий жамоатчилик фикрини шакллантириш, бу борада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, давлат ва жамоат ташкилотлари билан бевосита ҳамкорлик қилиш;

– навбатдаги парламент сайловларида давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи турли даражадаги органларига номзод сифатида кўрсатиладиган юқори маънавли, етарли сиёсий ва ҳуқуқий тайёргарликка эга бўлган партия фаоллари ва тарафдорлари сиймосида сиёсий элитани (сиёсий арбобларни) шакллантириш;

– партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда маҳаллий давлат ҳокимиятининг вакиллик органларидаги гуруҳлари фаолиятини мувофиқлаштириш, уларда партия Дастурини бажариш доирасида қонунчиликта шаббусини изчил ва мақсадли амалга ошириш қобилиятини шакллантириш, бу ишларнинг шакл ва услубларини такомиллаштириб бориш;

– хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг жамиятдаги роли ва мавқеини кучайтириш бўйича ҳамда ёшларнинг мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштирокини кенгайтиришга қаратилган партия сиёсатини амалга ошириш, етакчилик сифатларига эга бўлган ва партия ғояларига хайрихоҳлик билдирган аёллар ва ёшлар вакилларини партия сафига жалб қилиш, улар орасидан кадрлар захирасини тайёрлаш;

– бошлангич партия ташкилотлари раҳбарлари, партиянинг депутатлик бирлашмалари аъзолари ва бошқа фаолларига партиявий, сиёсий таълим беришнинг самарали тизimini яратиш, илгор фикрлайдиган, жамиятни ислох қилиш шароитида фаолият олиб боришга, партия олдида турган долзарб муаммоларни ҳал этишга қодир бўлган партия раҳбар кадрлари захирасини тайёрлаш, уларни давлат ҳокимиятининг ижро этувчи органларидаги бўш лавозимларга тавсия этиш.

2.3. Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ўз Уставида белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун қонун доирасида:

– партия мақсад ва вазифалари моҳиятини аҳоли эътиборига самарали тарзда етказиш, жойлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни мунтазам ўрганиб бориш, уларни партиявий воситалар билан ҳал этиш, шу жумладан минтакаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда фойдаланилмаётган заҳира ва ички имкониятларни излаб топиш ва уларни аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган дастурларни амалга ошириш чораларини кўради;

– Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ўз фракцияси ҳамда маҳаллий давлат ҳокимиятининг вакиллик органларида партия гуруҳларини шакллантириб, улар орқали партиянинг ижтимоий таянчи – тадбиркорлар ва ишбилармон кишилар манфаатларига мос келадиган қонунлар ва ҳукумат қарорларини қабул қилишга қаратилган ташаббусларни илгари суради;

– давлат ҳокимиятининг қонунчилик ва вакиллик органларига сайланган партия аъзоларига кўмаклашади»;

– ташкил этиладиган сайлов округларида партия номидан номзодларни кўрсатиш орқали барча босқичдаги демократик сайловларда – халқ депутатлари Кенгашларининг суман ва шаҳар босқичларидан тортиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисигача иштирок этади;

– Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этади.

III. ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИГА АЪЗОЛИК

3.1. Ўзбекистон Либерал-демократик партиясида чегараланган аъзолик тартиби ўрнатилади. Партияга 18 ёшга тўлган, партия Дастурини тан оладиган ва Устави талабларини бажарадиган, жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши ва жамиятда эгаллаган мавқеидан қатъи назар, Ўзбекистоннинг ҳар бир лаёқатли фуқароси аъзо бўлиши мумкин.

3.2. Ўзбекистон Либерал-демократик партиясига аъзолик якка тартибда бўлади. Партияга қабул қилиш яшаш ёки иш жойидаги партия ташкилотига ёки партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) Кенгашига ариза бериш асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Либерал-демократик партиясига аъзо бўлган шахсларга уларнинг турар жойи ёки иш жойидаги партия ташкилоти томонидан ўрнатилган намунадаги партия аъзоси гувоҳномаси берилади.

3.3. Ўзбекистон Либерал-демократик партиясига аъзолари ҳисобланган шахслар бошланғич партия ташкилотига ёзма равишда маълум қилиш орқали партиядан ихтиёрий равишда чиқишлари мумкин.

3.4. Партия аъзоси партия Уставини бузгани, Устав талабларини бажармагани, партия шаънига доғ туширгани ёки унга зиён етказадиган ҳагги-ҳаракатлари учун интизомий жавобгарликка тортилиши ёки партия сафидан чиқарилиши мумкин. Партия сафидан чиқариш ҳақидаги қарор партиянинг туман (шаҳар) бўлими томонидан қабул қилинади ва ҳудудий партия ташкилотига тасдиқлаш учун тақдим этилади.

Ҳудудий партия ташкилоти ва партиянинг туман (шаҳар) бўлимлари Кенгашлари аъзоларини партиядан чиқариш тўғрисидаги қарор тегишли ҳудудий партия ташкилоти томонидан қабул қилинади ва Ўзбекистон Либерал-демократик партиясига Сийёсий Кенгашининг Ижроия қўмитасида тасдиқланади.

3.5. Партия сафидан чиқариш ҳақидаги қарор устидан партиянинг юқори турувчи органларига шикоят қилиниши мумкин.

3.6. Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзоси бир вақтнинг ўзида ўзга партияларга ёки сиёсий мақсадларга эришиш йўлида тузилган жамоат бирлашмаларига (ҳаракатларига) аъзо бўлишга ҳақли эмас.

3.7. Партия аъзолиги қонунда белгиланган тартибда тўхтатиб турилиши ёки умуман тўхтатилиши мумкин. Қонунга биноан аъзолиги тўхтатиб турилган шахс Партия тарафдори мақомига тенглаштирилади. Ўзбекистон Либерал-демократик партияси тарафдорлари унинг аъзолари ҳисобланмайдилар.

3.8. Партия Дастури, Устави ва амалий ҳаракатларини қўллаб-қувватловчи Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган ҳар бир лаёқатли фуқароси Партия тарафдори бўлиши мумкин.

IV. ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ АЪЗОСИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзоси куйидаги ҳуқуқларга эга:

– партиянинг турли бўғиндаги ташкилотлари томонидан ўтказиладиган тadbирларда иштирок этиш, ўз қарашларини эркин баён этиш ва партия фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;

– партиянинг раҳбар органларига сайлаш, уларга ариза ва таклифлар билан мурожаат этиш;

– давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органларига партия номидан номзод сифатида тавсия этилиш;

– Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ фаолият юритаётган жамоат бирлашмалари, нодавлат ноижорат ташкилотлари ва жамғармаларга Ўзбекистон Либерал-демократик партияси вакили сифатида тавсия этилиш;

– ўзининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимояланишида партия кўмагидан фойдаланиш, консалтациялар, ҳуқуқий ва бошқа ёрдамлар олиш.

4.2. Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзосининг мажбуриятлари:

– Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари, ахлоқ тамойиллари ва жамиятнинг маънавий мезонларига риоя қилиш;

– партия Дастури ва Устави талабларини бажариш, партиявий интизомга қатъий риоя қилиш;

– партия раҳбар органлари қарорларини бажариш;

– ўз фаолияти билан партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларига эришишда кўмаклашиш;

– партия манфаатларини ҳимоя этиш, унинг ғоя, мақсад ва вазифаларини тарғиб қилиш ҳамда уларни ҳаётга татбиқ этишда фаол қатнашиш;

– аъзолик бадалларини ўз вақтида тўлаб бориш;

– партиянинг раҳбар органи ёки ҳудудий ташкилоти белгилаган тартибда мунтазам равишда партиявий ўқувларда қатнашиш;

– давлат ҳокимиятининг қонунчилик, вакиллик органига депутат этиб сайланган тақдирда партиянинг депутатлик бирлашмаси (фракцияси, партия гуруҳи) таркибига кириш ҳамда партия Съезди, раҳбар органлари ва ҳудудий ташкилотлари қарорлари асосида фаолият юритиш.

V. ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ

5.1. Ўзбекистон Либерал-демократик партияси қуйидаги ҳудудий бўлиниш асосида ташкил этилади: Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ташкилотлари – ҳудудий партия ташкилотлари, улар таркибига кирувчи туман (шаҳар) бўлимлари, бошланғич партия ташкилотлари.

5.2. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида фақат биттадан ҳудудий партия ташкилоти тузилади.

5.3. Партия туман (шаҳар) бўлими бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш, бирлаштириш ва уларга юқори партия ташкилотлари қарорларини етказиш ва бажарилишини таъминлаш мақсадида тузилади.

5.4. Бошланғич ташкилот партиянинг асосий бўғини, пойдеворидир. Бошланғич ташкилот аҳолининг турли қатламлари вакиллари билан бевосита алоқада иш юритиш ва уларга таъсир кўрсатиш имконига эга бўлган партиянинг қуйи тузилмасидир.

Бошланғич партия ташкилоти ҳар томонлама билимдон, сиёсий ва ижтимоий тайёргарликка, мамлакатда олиб борилаётган ислохотларни чуқурлаштириш соҳасида янги ғоя ва таклифларга эга бўлган, партия воситалари билан тadbиркорлар, фермерлар, хусусий сектор вакиллари ва бошқа партия аъзолари манфаатларини ифодалашга қодир, обрўли ва жонқуяр шахсларнинг ихтиёрий равишда бирлашишидан ташкил топади.

Бошланғич партия ташкилоти ташаббускор ва ишчан бўлиши, партиянинг тактик вазифаларига мувофиқ иш шакли ва услубларини тез ўзгартириш қobiliятига эга бўлиши ва аҳолининг долзарб, кундалик муаммоларини ҳал этишда амалий тadbирларни бажариш билан шуғулланиши керак.

VI. ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

6.1. Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг олий раҳбар органи.

6.1.1. Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг олий раҳбар органи Съезд ҳисобланади ва у 3 йилда камида бир маротаба ўтказилади. Съезд ҳудудий партия ташкилотларининг ярмидан кўпининг вакиллари (делегатла-

ри) ва Съезд делегатларининг ярмидан кўпи иштирок этган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

6.1.2. Навбатдан ташқари Съезд партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси таклифи, Марказий назорат-тафтиш комиссияси ёки ҳудудий партия ташкилотларининг учдан бир қисмининг талаблари билан Сиёсий Кенгаш қарори асосида чақирилади.

6.1.3. Навбатдаги ва навбатдан ташқари Съездни чақириш тўғрисидаги қарор партия Сиёсий Кенгаши томонидан унинг ўтказилиши белгиланган муддатдан камида бир ой олдин қабул қилинади. Ушбу қарорда шунингдек Съезд кун тартиби, вакиллик меъёри ва делегатларни сайлаш тартиби белгиланади.

6.1.4. Съезд делегатлари Съездни чақириш тўғрисидаги қабул қилинган қарорда белгиланган тартибда ҳудудий партия ташкилотлари конференцияларида сайланадилар.

6.1.5. Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши, Марказий назорат-тафтиш комиссияси ҳамда партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари Съезднинг тўғридан-тўғри (сайланмайдиган) делегатлари ҳисобланадилар.

6.1.6. Съезднинг мутлақ ваколатига қуйидагилар кирadi:

– партия Дастури ва Уставини қабул қилиш ва тасдиқлаш, уларга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш;

– партия фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш;

– партия Сиёсий Кенгаши аъзоларини сайлаш;

– Марказий назорат-тафтиш комиссиясини сайлаш;

– Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитаси ва Марказий назорат-тафтиш комиссияси ҳисоботларини тинглаш ва тасдиқлаш;

– Марказий назорат-тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

– партия фаолиятини тугатиш.

6.1.7. Съезд Ўзбекистон Республикаси Президентлигига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига партия номзодларини кўрсатади.

6.1.8. Съезд партия Сиёсий Кенгашига сайлов мавсуми давомида партия томонидан номзодлар рўйхатида қонун доирасида ўзгартишлар киритиш ваколатини бериши мумкин.

6.1.9. Съезд қонунда белгиланган тартибда бошқа ваколатларга ҳам эга бўлиши мумкин.

6.2. Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши.

6.2.1. Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Сиёсий Кенгаши съездлар оралиғидаги даврда партиянинг марказий раҳбар органи ҳисобланади, партия манфаатларини ифодалайди ва унинг номидан иш юритади.

6.2.2. Сиёсий Кенгаш ўз фаолиятини Съезд қарорлари асосида амалга оширади. Сиёсий Кенгаш мажлислари бир йилда камида икки марта ўтказилади.

6.2.3. Сиёсий Кенгаш аъзолари Съездда ҳудудий партия ташкилотларидан юборилган вакиллар орасидан уч йил муддатга сайланадилар. Сиёсий Кенгаш аъзоларининг сони Съезд томонидан белгиланади.

Сиёсий Кенгаш аъзоларининг вазифалари, ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари партия Сиёсий Кенгаши ва Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитаси томонидан тасдиқланадиган низомларда белгилаб берилади.

6.2.4. Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитаси қарори билан лавозимига тасдиқланган ҳудудий партия ташкилоти кенгаши раиси Сиёсий Кенгашнинг тўғридан-тўғри (сайланмайдиган) аъзоси ҳисобланади.

6.2.5. Сиёсий Кенгаш ваколатлари қуйидагилардан иборат:
– партиянинг сиёсий фаолиятига раҳбарликни амалга ошириш;

– Сиёсий Кенгаш Президиумини сайлаш;

– Съездни чақириш тўғрисида қарор қабул қилиш;

– Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитаси таркибини, унинг аъзолари ва раҳбариятини тасдиқлаш;

– Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитаси аъзолари ичидан Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитаси раиси ва унинг ўринбосарларини сайлаш тўғрисидаги қарорни тасдиқлаш;

– мамлакат ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётида жиддий аҳамият касб этувчи масалалар бўйича партия позициясини белгилаш;

-- Съездга Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига номзод кўрсатиш тўғрисида таклиф киритиш;

– Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни тавсия этиш ҳамда уларнинг сайловолди кампаниясини олиб боришга кўмаклашиш;

– депутатлик ваколатлари муддатидан олдин тугатилган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига бўшаб қолган ўринларга номзодларни кўрсатиш ҳамда уларнинг сайловолди кампаниясини олиб боришга кўмаклашиш;

– Съездлар оралиғидаги даврда Сиёсий Кенгаш таркибидан чиқарилган аъзолар ўрнига янги аъзоларни навбатдаги Съездда тасдиқлаш шарти билан сайлаш ва тасдиқлаш;

– партия Дастурини амалга оширишда салмоқли ҳисса кўшган партия аъзоларини давлат мукофотларига тавсия этиш;

– партия бюджетини тасдиқлаш;

– аъзолик бадаллари миқдори ва уларни тўлаш тартибини белгилаш.

6.2.6. Сиёсий Кенгаш мазкур Уставда белгиланган айрим ваколатларини Сиёсий Кенгаш Ижроия кўмитасига бериши мумкин.

6.3. Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси.

6.3.1. Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси партиянинг доимий фаолият юритувчи марказий бошқарув, ижроия ва мувофиқлаштирувчи органи ҳисобланади.

6.3.2. Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши мажлислари оралиғидаги даврда, Ижроия кўмита партия Съезди ва Сиёсий Кенгаши унга берган ваколатлар доирасида, партия манфаатларини ифода этади ва унинг номидан ҳаракат қилади.

6.3.3. Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитасининг мажлислари заруратга қараб, аммо уч ойда камида бир марта ўтказилади.

6.3.4. Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитаси:

– Съезд ва Сиёсий Кенгаш мажлисларини чақириш ва ўтказилишини ташкиллаштиради;

– Съезд ва Сиёсий Кенгаш мажлислари қарорларининг бажарилишини ташкил қилади;

– марказий ва маҳаллий давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига номзодларни танлаш ва тавсия этиш тадбирлари билан шуғулланади;

– партия иштирок этаётган сайлов мавсумларини ўтказишга масъулдир;

– партия аъзоларининг марказлашган ҳисобини олиб боради;

– аъзолик бадаллари тушуми ҳисоботини олиб боради;

– Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси фаолиятини мувофиқлаштиради;

– партия аъзолари, ҳудудий партия ташкилотлари, туман (шаҳар) бўлимлари, бошлангич партия ташкилотлари раҳбарлари ва бошқа фаолларини, маҳаллий давлат ҳокимиятининг вакиллик органларидаги партия гуруҳлари аъзоларини ўқитиш ва уларнинг малакасини ошириш ишларини ташкиллаштиради;

– Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмаси, Ўзбекистон нодавлат ноижорат ташкилотлари Миллий ассоциацияси билан сиёсий ҳамкорликни амалга ошириш доирасида қабул қилинган махсус дастур ва режаларнинг бажарилишини таъминлайди;

– партиянинг йиллик бюджети лойиҳасини ишлаб чиқади ва Сиёсий Кенгашга тасдиқлаш учун тақдим этади;

– партиянинг мазкур Уставдан келиб чиқувчи вазифаларини бажариш мақсадида ташкилот, корхона ва муассасаларни таъсис этади, уларнинг раҳбарларини тайинлайди ва фаолиятини назорат қилади;

- Съезд ва Сиёсий Кенгашига ҳисобдордир;
- ҳудудий партия ташкилоти мақоми, унинг Кенгаши раиси ва ўринбосарларини сайлаш тўғрисидаги қарорларни тасдиқлайди;

- мазкур Устав ва бошқа меъёрий ҳужжатларда кўрсатилган ваколатларга эга.

6.3.5. Ижроия кўмита ўз ваколат доирасига кирувчи масалалар юзасидан қарор ва фармойишлар қабул қилади. Бу қарор ва фармойишлар Ижроия кўмита раиси ёки тегишли соҳа бўйича унинг ўринбосарлари томонидан имзоланади.

6.3.6. Ижроия кўмита раиси қуйидаги ваколатларга эга:

- партиялараро муносабатларда партия номидан иш юриштиш;

- Ижроия кўмита мажлисларида раислик қилиш;

- Ижроия кўмита қарорлари, фармойишлари ва буйруқларини имзолаш;

- Ижроия кўмита аппарати, ҳудудий партия ташкилотларининг штатлар жадвалини тасдиқлаш;

- партия фаолиятига доир молиявий ҳужжатларни имзолаш;

- Ижроия кўмита аппарати ходимлари, ҳудудий партия ташкилоти Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари билан меҳнат шартномаларини тузиш ва уларни ўрнатилган тартибда бекор қилиш;

- партия олдида турган алоҳида вазифаларни ҳал этиш мақсадида Ижроия кўмита ҳузурида комиссиялар, ишчи гуруҳларни шакллантириш ва уларнинг мақомини белгилаш;

- марказий давлат органлари ва маҳаллий ҳокимликлар, сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмалари билан ҳамкорлик қилиш;

- Партия аъзоларини ҳисобга олиш, аъзоликка қабул қилиш, аъзоликни тўхтатиб туриш, аъзоликдан чиқариш, аъзоликгувоҳномаларини тайёрлаш, бериш, саклаш, қўлланиш, алмаштиришнинг ҳуқуқий асосларини белгилаш;

- туман (шаҳар) партия бўлими тўғрисидаги намунавий низомни ва бошланғич партия ташкилотлари тўғрисидаги намунавий йўриқномани тасдиқлаш;

– партия Устаविда белгиланган Съезд ва Сиёсий Кенгаш фаолияти доирасига кирмайдиган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

6.3.7. Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосарлари, партия таркибий тузилмалари раҳбарларининг вазифалари, ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари партия Сиёсий Кенгаши ва Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитаси томонидан тасдиқланадиган низомларда белгилаб берилади.

6.3.8. Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитасининг жорий фаолиятини Ижроия қўмита аппарати амалга оширади. Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитаси аппаратининг таркиби, сони, иш юритиш тартиби Ижроия қўмита қарори билан тасдиқланади. Ижроия қўмита аппаратининг масъул ходимлари Ижроия қўмита раисининг буйруқлари билан ўз вазифаларига тайинланади ва ундан озод қилинади.

6.4. Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Марказий назорат-тафтиш комиссияси.

6.4.1. Марказий назорат-тафтиш комиссияси партиянинг марказий назорат органи бўлиб, партиянинг раҳбар ва ижроия органлари, қуйи партия ташкилотлари устидан ушбу Устав ва партия раҳбар органларининг қарорлари бажарилишини ҳамда уларнинг молиявий-хўжалик фаолиятларини назорат қилади.

6.4.2. Марказий назорат-тафтиш комиссияси Съезд томонидан тасдиқланган низом ва ушбу Устав асосида ўз фаолиятини олиб боради.

6.4.3. Марказий назорат-тафтиш комиссияси аъзоларининг сони Съезд томонидан белгиланади. Марказий назорат-тафтиш комиссияси аъзолари очик овоз бериш йўли билан уч йил муддатта сайланадилар. Марказий назорат-тафтиш комиссияси аъзоси бир вақтнинг ўзида Сиёсий Кенгаш аъзоси бўлиши ёки унинг ижроия органларида ишлаши мумкин эмас.

6.4.4. Марказий назорат-тафтиш комиссияси ўз мажлисида комиссия раиси ва унинг ўринбосарини сайлайди.

6.4.5. Марказий назорат-тафтиш комиссияси мажлисла-рида партия Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси аъзолари қатнашишлари мумкин.

6.4.6. Марказий назорат-тафтиш комиссияси ваколатлари:

– Партия раҳбар органлари, қуйи партия ташкилотла-ри ва партия аъзоларининг мазкур Устав, партия Дасту-ри, қарорлар ва меъёрларни бажарилиши ва риоя этилиши устидан назорат ўрнатади;

– партия тузилмаларининг молиявий-хўжалик фаолияти ҳамда йиллик партия бюджети режасининг мақсадли амал-га оширилиши устидан тафтиш ўтказади;

– партия аъзоларининг ариза ва шикоятларини кўриб чикади;

– партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят-лар, Тошкент шаҳар ташкилотлари, туман (шаҳар) бўлим-ларининг назорат-тафтиш комиссиялари фаолиятини муво-фиклаштиради.

6.4.7. Марказий назорат-тафтиш комиссияси мазкур Устав ва Съезд қарорларидан келиб чикадиган бошқа вако-латларни амалга ошириши мумкин.

VII. ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ХУДУДИЙ ТАШКИЛОТЛАРИ

7.1. Худудий партия ташкилоти – Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий худудида тузилган партиянинг таркибий бўлинмаларидир. Худудий партия ташкилоти туман ва шаҳарларда шакл-лантирилган партия бўлимлари фаолиятини бошқариш, мувофиқлаштириш ва бирлаштириш мақсадида тузилади. Худудий партия ташкилотлари ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари, мазкур Устав, партия Дастури ва ўз низомларига таянган ҳолда ташкил этадилар.

7.2. Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси қарорига мувофиқ Қорақалпо-ғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия

ташкilotларига, уларнинг ўрнатилган тартибдаги мурожаатномасига асосан, юридик шахс мақоми берилиши мумкин.

7.3. Худудий партия ташкilotининг конференцияси.

7.3.1. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия ташкilotларининг олий органи партия конференцияси ҳисобланади. Конференция уч йилда камида бир мартаба, партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси қарорига мувофиқ, ҳисобот-сайлов кўринишида ўтказилади ва конференция делегатларининг ярмидан кўпи иштирок этган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

Конференцияга делегатлар юқори партия ташкilotи томонидан белгиланган вакиллик меъёри асосида сайланади.

Навбатдан ташқари конференция тегишли худудий партия ташкilotининг назорат-тафтиш комиссияси ёки туман, шаҳар партия ташкilotларининг учдан бир қисми талаблари билан, Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитасининг конференция кун тартиби белгиланган қарори асосида, чакирилади.

7.3.2. Конференция ваколатларига қуйидагилар киради:

– Партия дастурий мақсадлари, Съезд, Сиёсий Кенгаш ва Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитаси қарорларидан келиб чиқадиган тегишли худудий партия ташкilotининг вазифалари ва уларни бажариш бўйича тадбирларни белгилаш;

– худудий партия ташкilotи Кенгаши ва Назорат-тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш;

– худудий партия ташкilotи Кенгаши, Назорат-тафтиш комиссияси ҳисоботларини тинглаш ва улар юзасидан қарорлар қабул қилиш;

– белгиланган тартибда маҳаллий давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига номзодларни кўрсатиш;

– партия Съездига делегатларни сайлаш.

7.4. Худудий партия ташкilotининг Кенгаши.

7.4.1. Худудий партия ташкilotи Кенгаши конференциялар оралиғида тегишли худудий партия ташкilotининг раҳбар органи ҳисобланади, унинг манфаатларини ифодалайди ва унинг номидан иш юритади.

Кенгаш аъзолари худудий партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов конференциясида делегатлар орасидан навбатдаги ҳисобот-сайлов конференциясига қадар бўлган муддатга сайланадилар. Кенгаш аъзоларининг сони Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитаси қарори билан тасдиқланган худудий партия ташкилотларининг ташкилий тузилмасига мувофиқ, конференция томонидан белгиланади.

7.4.2. Худудий партия ташкилоти Кенгаши мажлиси, заруриятга қараб, аммо бир йилда камида икки марта ўтказилади. Кенгаш қарорлари ҳисобдор органлар ва қуйи ташкилотлар учун мажбурийдир. Алоҳида ҳолларда, ушбу Уставда белгиланган ҳолатларда Кенгаш қарорлари партия Сиёсий Кенгаши ёки Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитаси қарори билан тасдиқланганидан кейин қонуний қучга қиради.

7.4.3. Кенгаш мажлисида худудий партия ташкилотининг жорий фаолиятига раҳбарликни амалга ошириш учун Кенгаш таркибидан раис ва унинг ўринбосарлари сайланадилар.

Худудий партия ташкилоти Кенгаши раиси ва унинг жамоатчилик асосида фаолият юритувчи ўринбосарлари лавозимларига сайлаш учун номзодлар Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитаси томонидан тавсия этилади. Кенгаш раиси ва унинг жамоатчилик асосида фаолият юритувчи ўринбосарларини сайлаш тўғрисидаги худудий партия ташкилоти кенгашининг қарори партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан тасдиқланади.

Навбатдаги ҳисобот-сайлов конференциясида аввалги Кенгаш раиси ва унинг жамоатчилик асосида фаолият юритувчи ўринбосарларининг ваколатлари тугатилган ҳисобланади ва конференцияда янги сайланган Кенгаш аъзолари таркибидан Кенгашнинг биринчи мажлисида раис ва унинг жамоатчилик асосида фаолият юритувчи ўринбосарлари янгигдан сайланади.

7.4.4. Худудий партия ташкилоти Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан тўғридан-тўғри лавозимга тайинлана-

ди ва худудий партия ташкилоти Кенгаши таркибига киритилади. Кенгаш раисининг биринчи ўринбосарининг вазифалари, ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари партия Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси томонидан тасдиқланадиган низомда белгилаб берилади.

7.4.5. Худудий партия ташкилоти Кенгаши мажлиси конференциялар оралиғидаги даврда Кенгаш таркибидан чиқарилган аъзолар ўрнига янги аъзоларни навбатдаги конференцияда тасдиқлаш шарти билан сайлаш ваколатига эга бўлади.

7.4.6. Худудий партия ташкилоги Кенгаши ва назорат-тафтиш комиссияси аъзолари худудий партия ташкилоти конференциясининг тўғридан-тўғри (сайланмайдиган) делегатлари ҳисобланадилар.

7.4.7. Худудий партия ташкилоти қарори билан лавозимига тасдиқланган туман (шаҳар) партия бўлими кенгаши раиси худудий партия ташкилоти Кенгашининг тўғридан-тўғри (сайланмайдиган) аъзоси ҳисобланади.

7.4.8. Худудий партия ташкилоти Кенгаши:

– худудий партия ташкилоти Конференцияси ва Кенгаш мажлисларини чақириш ва ўтказилишини ташкиллаштиради;

– партия Сиёсий Кенгаши, Сиёсий Кенгаш Ижроия кўмитаси, худудий партия ташкилоти Конференцияси ва Кенгаши қарорларининг бажарилишини ташкил қилади;

– маҳаллий давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига номзодларни танлаш ва кўрсатиш юзасидан қарорлар қабул қилади;

– партия иштирок этаётган сайлов мавсумларини ўтказишга масъулдир;

– маҳаллий давлат ҳокимиятининг вакиллик органларидаги партия гуруҳи фаолиятини мувофиқлаштиради;

– партия раҳбар кадрлари ва бошқа фаолларини ўқитиш ва уларнинг малакасини ошириш ишларини амалга оширади;

– Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмасининг худудий вакиллиги билан сиёсий ҳамкорликни амалга ошириш доирасида махсус дастур ва режаларнинг қабул қилиниши ва бажарилишини таъминлайди;

– худудий партия ташкилотининг бюджети лойиҳасини ишлаб чиқади ва партия Сийёсий Кенгаши Ижроия кўмитасига тасдиқлаш учун тақдим этади;

– партиянинг туман (шаҳар) бўлими таклифига асосан бошланғич партия ташкилотини тузиш тўғрисида қарорни тасдиқлайди;

– партия аъзоларининг бириктирилган худуд бўйича ҳисобини олиб боради;

– аъзолик бадаллари тушуми ҳисоботини олиб боради;

– худудий партия ташкилотининг конференцияси томонидан бериладиган бошқа ваколатларга эга бўлиши мумкин.

7.4.9. Худудий партия ташкилоти Кенгаши ўз ваколат доирасига кирувчи масалалар юзасидан қарор ва фармойишлар қабул қилади. Бу қарор ва фармойишлар Кенгаш раиси ёки унинг биринчи ўринбосари томонидан имзоланади.

7.5. Худудий партия ташкилоти Кенгаши раиси қуйидаги ваколатларга эга:

– худудий партия ташкилоти конференцияси, Кенгаши ва юқори партия ташкилоти қарорларининг бажарилишини ташкил этиш, шу мақсадда қуйи ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш;

– худудий партия ташкилоти Кенгаши, ижроия кўмитаси мажлисларини олиб бориш, ушбу мажлислар қарорларини имзолаш;

– худудий партия ташкилоти жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш, унинг номидан ишончномасиз иш олиб бориш, ишончномаларни тақдим этиш, битимлар, меҳнат шартномаларини тузиш ва бошқа ҳужжатларни имзолаш;

– Кенгашнинг ижроия кўмитасига умумий раҳбарлик қилиш;

– туман (шаҳар) партия бўлими кенгаши раиси ва унинг жамоатчилик асосида фаолият юритувчи ўринбосарларини сайлаш тўғрисидаги туман (шаҳар) партия бўлими қарорини тасдиқлаш;

– Кенгашнинг ижроия апарати ходимлари, партиянинг туман (шаҳар) Кенгашлари раисининг биринчи ўринбосарлари

ва ижроия аппарати ходимлари билан меҳнат шартномаларини тузиш ва уларни ўрнатилган тартибда бекор қилиш;

– бошланғич партия ташкилотини тузиш тўғрисида қарорни тасдиқлаш;

– ҳудудий партия ташкилоти фаолиятига доир молиявий ҳужжатларни имзолаш;

– партия аъзоларини ҳисобга олиш, аъзоликка қабул қилиш, аъзоликни тўхтатиб туриш, аъзоликдан чиқариш тадбирларини ташкиллаштириш.

7.6. Ҳудудий партия ташкилоти Кенгашининг ижроия қўмитаси тегишли ҳудудий партия ташкилотининг ижроия органидир.

Ҳудудий партия ташкилоти Кенгашининг мажлислари оралигидаги даврда ижроия қўмитаси, унга берилган ваколатлар доирасида, тегишли ҳудудий партия ташкилотининг манфаатларини ифода этади ва унинг номидан иш юритади. Ижроия қўмита аъзолари навбати билан ўтказиладиган иккита конференция оралигидаги даврга сайланган Кенгаш аъзолари орасидан Кенгаш мажлисида сайланадилар. Ижроия қўмита аъзоларининг сони Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитаси қарори билан белгиланади.

Навбатдаги конференцияда янгитдан сайланган Кенгаш аъзолари таркибидан янги Ижроия қўмита аъзолари сайланади.

Ижроия қўмита аъзоларининг ҳуқуқ ва ваколатлари Кенгаш томонидан белгиланади.

Ҳудудий партия ташкилоти Кенгаши ижроия қўмитасининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари барча қуйи ташкилотлар учун мажбурийдир.

7.7. Ҳудудий партия ташкилотининг назорат-тафтиш комиссияси.

7.7.1. Ҳудудий партия ташкилотининг назорат-тафтиш комиссияси тегишли ҳудудий партия ташкилоти кенгаши, қуйи партия бўлимларининг устав доирасида амалга ошираётган ҳамда молиявий-хўжалик фаолиятини, партия бюджетининг тўғри шакллантирилиши ва сарфланишини назорат қилувчи органдир.

Худудий партия ташкилотларининг назорат-тафтиш комиссиялари аъзолари партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов конференциясида делегатлар орасидан сайланадилар. Мазкур комиссия аъзоларининг сони Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитаси қарори билан белгиланади.

Навбатдаги конференцияда назорат-тафтиш комиссияси аъзоларининг ваколати тугаган ҳисобланади ва ушбу конференцияда комиссиянинг янги таркиби сайланади.

7.7.2. Худудий партия ташкилотининг назорат-тафтиш комиссияси ўз таркибидан комиссия раисини сайлайди. Худудий партия ташкилоти раҳбарлари, кенгаш аъзолари ва ижроия аппарати ходимлари назорат-тафтиш комиссияси аъзолигига сайланиши мумкин эмас.

7.7.3. Худудий партия ташкилотининг назорат-тафтиш комиссияси ўз фаолиятида Партия Уставига, тегишли худудий партия ташкилоти низомига ҳамда Марказий назорат-тафтиш комиссиясининг меъёрий ҳужжатларига амал қилади.

VIII. ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ҲУДУДИЙ ТАШКИЛОТИНИНГ ТУМАН (ШАҲАР) БЎЛИМЛАРИ

8.1. Туман (шаҳар) партия бўлими худудий партия ташкилотининг таркибий бўлинмаси ҳисобланиб, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини бошқариш, мувофиқлаштириш ва бирлаштириш мақсадида тузилади.

8.2. Партиянинг туман (шаҳар) бўлими тегишли худудий партия ташкилотининг таклифига биноан партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси қарори билан ташкил этилади ва тугатилади. Партия туман (шаҳар) бўлиmlари партия Устави ҳамда тегишли худудий партия ташкилотининг низоми асосида фаолият юритадилар.

8.3. Партия туман (шаҳар) бўлимининг Конференцияси.

8.3.1. Партия туман (шаҳар) бўлимининг олий органи Конференция ҳисобланади. Конференция уч йилда камида

бир маротаба ҳисобот-сайлов кўринишида ўтказилади ва конференция делегатларининг ярмидан кўпи иштирок этган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

Конференция тегишли ҳудудий партия ташкилоти Кенгашининг қарори асосида чақирилади ва мазкур қарорда бошланғич партия ташкилотининг умумий йиғилишида конференцияга сайланадиган делегатларнинг вакиллик меъёри белгиланади.

8.3.2. Тегишли ҳудудий партия ташкилоти қарори ёки партия аъзоларининг учдан бир қисмининг талаби билан партия туман (шаҳар) бўлимининг навбатдан ташқари конференцияси чақирилиши мумкин.

8.3.3. Конференция ваколатларига қуйидагилар киради:

– партия дастурий мақсадлари, партия Съезди, Сиёсий Кенгаши ва Сиёсий Кенгаш Ижроия кўмитаси, тегишли ҳудудий партия ташкилоти қарорларидан келиб чиқадиган вазифаларни ва уларни бажариш бўйича тадбирларни белгилаш;

– партиянинг туман (шаҳар) бўлими Кенгаши ва назорат-тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш;

– партиянинг туман (шаҳар) бўлими Кенгаши, назорат-тафтиш комиссияси ҳисоботларини тинглаш ва улар юзасидан қарорлар қабул қилиш;

– белгиланган тартибда халқ депутатлари шаҳар (туман) Кенгашлари депутатлигига номзодларни кўрсатиш;

– тегишли юқори турувчи ҳудудий партия ташкилоти Конференциясига делегатларни сайлаш.

8.4. Партиянинг туман (шаҳар) бўлими Кенгаши.

8.4.1. Партиянинг туман (шаҳар) бўлими Кенгаши конференциялар оралигида тегишли туман (шаҳар) бўлимининг раҳбар органи ҳисобланади, унинг манфаатларини ифодалайди ва унинг номидан иш юритади.

Кенгаш аъзолари туман (шаҳар) партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов конференциясида делегатлар орасидан кейинги, навбатдаги ҳисобот-сайлов конференциясига қадар бўлган муддатга сайланадилар. Кенгаш аъзоларининг сони Сиёсий Кенгаш Ижроия кўмитаси қарори билан тасдиқлан-

ган ҳудудий партия ташкилотларининг ташкилий тузилмасига мувофиқ конференция томонидан белгиланади.

8.4.2. Партиянинг туман (шаҳар) бўлими Кенгаши мажлиси, заруриятга қараб, аммо бир йилда камида икки марта ўтказилади. Кенгаш қарорлари ҳисобдор органлар ва бошланғич партия ташкилотлари учун мажбурийдир. Алоҳида ҳолларда, ушбу Уставда белгиланган ҳолатларда Кенгаш қарорлари ҳудудий партия ташкилоти томонидан тасдиқланганидан кейин қонуний кучга киради.

8.4.3. Кенгаш мажлисида туман (шаҳар) бўлимининг жорий фаолиятга раҳбарликни амалга ошириш учун Кенгаш таркибидан раис ва унинг ўринбосарлари сайланадилар.

Партиянинг туман (шаҳар) бўлими Кенгаши раиси ва унинг жамоатчилик асосида фаолият юритувчи ўринбосарлари лавозимларига номзодлар Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитаси билан келишилгандан сўнг ҳудудий партия ташкилоти томонидан сайлашга тавсия этилади. Кенгаш раиси ва унинг жамоатчилик асосида фаолият юритувчи ўринбосарларини сайлаш тўғрисидаги туман (шаҳар) бўлими Кенгаши қарори тегишли ҳудудий партия ташкилоти томонидан тасдиқланади.

Навбатдаги ҳисобот-сайлов конференциясида аввалги Кенгаш раиси ва унинг жамоатчилик асосида фаолият юритувчи ўринбосарларининг ваколатлари тугатилган ҳисобланади ва конференцияда янги сайланган Кенгаш аъзолари таркибидан, Кенгашнинг биринчи мажлисида, раис ва унинг жамоатчилик асосида фаолият юритувчи ўринбосарлари янгитдан сайланади.»

8.4.4. Партиянинг туман (шаҳар) бўлими Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари лавозимига номзод партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси билан келишилгандан сўнг ҳудудий партия ташкилоти томонидан тўғридан-тўғри лавозимга тайинланади ва туман (шаҳар) Кенгаши таркибига киритилади. Кенгаш раисининг биринчи ўринбосарининг вазифалари, ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан тасдиқланадиган низомда белгилаб берилади.

8.4.5. Партиянинг туман (шаҳар) бўлими Кенгаши мажлиси конференциялар оралиғидаги даврда Кенгаш таркибидан чиқарилган аъзолар ўрнига янги аъзоларни навбатдаги конференцияда тасдиқлаш шарти билан сайлаш ваколатига эга бўлади.

8.4.6. Партиянинг туман (шаҳар) бўлими Кенгаши ва назорат-тафтиш комиссияси аъзолари туман (шаҳар) партия бўлими конференциясининг тўғридан-тўғри (сайланмайдиган) делегатлари ҳисобланадилар.

8.4.7. Партиянинг туман (шаҳар) бўлими Кенгаши:

- туман (шаҳар) бўлими Конференцияси ва Кенгаши мажлисларини чақириш ва ўтказилишини ташкиллаштиради;
- партия Сиёсий Кенгаши, Сиёсий Кенгаш Ижроия кўмитаси, ҳудудий партия ташкилоти ҳамда конференция қарорларининг бажарилишини ташкил қилади;
- маҳаллий давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига номзодларни танлаш ва кўрсатиш юзасидан қарорлар қабул қилади;
- партия иштирок этаётган сайлов мавсумларини ўтказишга масъулдир;
- партия аъзоларининг бириктирилган ҳудуд бўйича ҳисобини олиб боради;
- аъзолик бадаллари тушуми ҳисоботини олиб боради;
- халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашидаги партия гуруҳи фаолиятини мувофиқлаштиради;
- ўрнатилган тартибда бошқа ваколатларга эга бўлиши мумкин.

8.4.8. Партиянинг туман (шаҳар) бўлими Кенгаши ўз ваколат доирасига кирувчи масалалар юзасидан қарор ва фармойишлар қабул қилади. Бу қарор ва фармойишлар Кенгаш раиси ёки унинг биринчи ўринбосари томонидан имзоланади.

8.5. Партиянинг туман (шаҳар) бўлими Кенгаши раиси:

- партиянинг туман (шаҳар) бўлими конференцияси, Кенгаши ва юқори партия ташкилоти қарорларининг бажарилишини ташкил этади, шу мақсадда бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини ташкиллаштиради ва мувофиқлаштиради;

– бўлимнинг жорий фаолиятига, Кенгашнинг ижроия қўмитасига умумий раҳбарлик қилади;

– туман (шаҳар) бўлими Кенгаши, ижроия қўмитаси мажлисларини олиб боради ва ушбу мажлислар қарорларини имзолайди;

– бошланғич партия ташкилоти раиси ва унинг ўринбосарини сайлаш тўғрисидаги қарорни тасдиқлайди;

– бошланғич партия ташкилотининг партияга аъзоликка қабул қилиш тўғрисидаги қарорларини тасдиқлайди;

– партия аъзоларини ҳисобга олиш, аъзоликка қабул қилиш, аъзоликни тўхтатиб туриш, аъзоликдан чиқариш тадбирларини бевосита амалга оширади;

– ҳудудий партия ташкилоти Кенгаши, туман (шаҳар) бўлими конференцияси ва кенгаши томонидан берилган бошқа ваколатлари амалга оширади.

8.6. Партиянинг туман (шаҳар) бўлими Кенгашининг ижроия қўмитаси тегишли партия бўлимининг ижроия органидир.

Партиянинг туман (шаҳар) бўлими Кенгашининг мажлислари оралиғидаги даврда ижроия қўмитаси, унга берилган ваколатлар доирасида, тегишли партия туман (шаҳар) бўлими манфаатларини ифода этади ва унинг номидан иш юритади. Ижроия қўмита аъзолари навбати билан ўтказиладиган иккита конференциянинг оралиғидаги даврга сайланган Кенгаш аъзолари орасидан Кенгаш мажлисида сайланадилар. Ижроия қўмита аъзоларининг сони Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитаси қарори билан белгиланади.

Навбатдаги конференцияда сайланган янги Кенгаш аъзолари таркибидан янги Ижроия қўмита аъзолари сайланади.

Ижроия қўмита аъзоларининг ҳуқуқ ва ваколатлари Кенгаш томонидан белгиланади.

Партиянинг туман (шаҳар) бўлими Кенгаши ижроия қўмитасининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари бошланғич партия ташкилотлари учун мажбурийдир.

8.7. Партия туман (шаҳар) бўлимининг назорат-тафтиш комиссияси.

8.7.1. Партия туман (шаҳар) бўлимининг назорат-тафтиш комиссияси туман (шаҳар) партия бўлими Кенгаши, бошланғич партия ташкилотларининг мазкур Устав доирасида амалга ошираётган ҳамда молиявий-хўжалик фаолиятини ва партия даромад ва харажатларининг тўғри шакллантирилиши ҳамда сарфланишини назорат қилувчи органдир.

Туман (шаҳар) партия ташкилотининг назорат-тафтиш комиссияси аъзолари партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов конференциясида делегатлар орасидан сайланадилар. Мазкур комиссия аъзоларининг сони Сиёсий Кенгаш Ижроия кўмитаси қарори билан белгиланади.

Навбатдаги конференцияда назорат-тафтиш комиссияси аъзоларининг ваколати тугаган ҳисобланади ва ушбу конференцияда комиссиянинг янги таркиби сайланади.

8.7.2. Партия туман (шаҳар) бўлимининг назорат-тафтиш комиссияси ўз таркибидан комиссия раисини сайлайди. Туман (шаҳар) Кенгаши раиси, раис ўринбосарлари, Кенгаш аъзолари ва ижроия аппарати ходимлари назорат-тафтиш комиссияси аъзолигига сайланиши мумкин эмас.

8.7.3. Партия туман (шаҳар) бўлимининг назорат-тафтиш комиссияси ўз фаолиятида мазкур Уставга, тегишли ҳудудий партия ташкилоти низомига ва Марказий назорат-тафтиш комиссиясининг меъёрий ҳужжатларига амал қилади.

IX. ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАРИ

9.1. Бошланғич ташкилот партиянинг асосий бўғини бўлиб, ҳудудий-ишлаб чиқариш хусусиятларига кўра ва 5 тадан кам бўлмаган партия аъзоларидан ташкил топади.

9.2. Бошланғич партия ташкилоти партиянинг тегишли туман (шаҳар) бўлими таклифига биноан ҳудудий партия ташкилоти томонидан ташкил этилади ва тугатилади.

Бошланғич партия ташкилотлари мазкур Устав ҳамда партия Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси томонидан тасдиқланган намунавий йўриқномага асосан ишлаб чиқилган

тегишли худудий партия ташкилотининг низоми асосида фаолият юритадилар.

9.3. Бошланғич партия ташкилоти:

– партия Устави, Дастури ва партия раҳбар органларининг бошқа қарорлари билан белгилаб берилган мақсад ва вазифаларини қонун доирасида аҳоли ўртасида тарғиб қилиш ва тушунтириш ишларини олиб боради;

– жамоатчилик фикрининг шаклланишига таъсир кўрсатиш ҳамда партия фаолияти ҳақида ахборотни жамоатчиликка етказиш ишларини ташкиллаштиради, бу борада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат ташкилотлари ва фуқаролар билан бевосита ҳамкорлик қилади;

– аҳоли ўртасида катта ҳурмат ва обрўга эга бўлган турли ижтимоий гуруҳ вакиллари билан алоқа ўрнатади, улар билан доимий учрашувлар уюштириб, юзага келаётган муаммоларни ўрганади ва партия воситалари билан уларни ҳал этишга кўмаклашади, партия қарорларининг бажарилишида уларга таянади;

– аҳолининг турли қатлам вакиллари, тадбиркор ва ишбилармонлар, фермерлар, мулкдорлар синфи вакилларининг қонуний манфаатларини ифодаловчи ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва бошқа масалалар бўйича юқори партия ташкилотига доимий тарзда таҳлилий материаллар ва таклифлар тақдим этиб боришни йўлга қўяди;

– партия сафига янги аъзоларни жалб қилади ва партия тарафдорлари сонини кўпайтириш ишларини олиб боради, партия аъзолигидан чиқариш бўйича партиянинг туман (шаҳар) бўлимига маълумотнома тақдим этади;

– партия аъзолари, унинг тарафдорлари ва фуқароларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилишга кўмаклашади, партия аъзолари томонидан Устав талабларининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

– партия сафига киришни хоҳловчи номзодларнинг сиёсий дунёқарашини, касбий маҳорат ва тажрибасини, фуқаролик ва инсонийлик хислатларини ўрганади. Айниқса, ёшлар ичидан шундай кишиларни партия сафига қабул қилишга тайёрлайди ва уларга ҳар томонлама ёрдам беради;

– аъзолик бадалларини партия ҳисоб рақамига ўтказилиб борилишини таъминлайди, бу ҳақда партиянинг туман (шаҳар) бўлимига доимий тарзда ҳисобот тақдим этиб боради;

– бошланғич ташкилотда иш юритилишини таъминлайди;

– юқори партия органлари томонидан берилган партия ҳужжатлари ва моддий бойликларнинг тўлиқ сақланишига жавобгар бўлади.

9.4. Бошланғич партия ташкилотининг умумий йиғилиши.

9.4.1. Партия аъзоларининг умумий йиғилиши бошланғич партия ташкилотининг раҳбар органи ҳисобланади. Бошланғич партия ташкилоти умумий йиғилиши зарурат бўлган пайтларда, аммо бир йилда камида 4 марта ўтказилади. Бошланғич партия ташкилоти умумий йиғилишида унинг раиси ва ўринбосари бир йил муддатга сайланади.

Бошланғич партия ташкилоти умумий йиғилишининг раиси ва раис ўринбосарини сайлаш тўғрисидаги қарори туман (шаҳар) партия Кенгаши Ижроия қўмитаси қарори билан тасдиқланади.

9.4.2. Умумий йиғилиш ваколатлари:

– бошланғич партия ташкилотининг раиси ва унинг ўринбосарини сайлаш, уларнинг ҳисоботларини тинглаш ва тегишли қарорлар қабул қилиш;

– партиянинг тегишли туман (шаҳар) бўлими конференциясига делегатларни сайлаш;

– партиянинг тегишли туман (шаҳар) бўлими Кенгаши таркибига киритиладиган бошланғич партия ташкилоти вакилини сайлаш ва уни чақириб олиш;

– бошланғич партия ташкилоти кенгашини сайлаш, унинг таркибини белгилаш, кенгаш ҳисоботини тинглаш ва тегишли қарорлар қабул қилиш;

– бошланғич партия ташкилоти таркибида партия гуруҳларини тузиш ва уларга тегишли ваколатлар бериш;

– партиянинг тегишли туман (шаҳар) бўлими конференцияси ва Кенгаши томонидан тақдим этилган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

9.4. Умумий йиғилишлар оралиғидаги даврда бошланғич партия ташкилоти фаолиятига раис раҳбарлик қилади. Бошланғич партия ташкилоти раисининг битта ўринбосари бўлади.

9.5. Аъзолари сони 30 кишидан ортиқ бўлган бошланғич партия ташкилотларида жорий фаолиятга раҳбарлик қилиш учун, заруратга кўра, бошланғич партия ташкилоти раиси, унинг ўринбосари ва бошқа аъзолари таркибида камидан беш кишидан иборат Кенгаш сайланиши мумкин.

9.6. Бошланғич партия ташкилоти Кенгашига бошланғич партия ташкилоти раиси раҳбарлик қилади. Бошланғич партия ташкилоти раиси:

– бошланғич ташкилот жорий фаолиятига раҳбарлик қилади ва унинг вакили бўлиб, унинг номидан ишончнома-сиз иш юритади;

– умумий йиғилишларни (Кенгаш мажлисларини) олиб боради, улар томонидан қабул қилинган қарорларни имзолайди;

– тегишли юқори турувчи партиянинг туман (шаҳар) бўлими кенгаши конференцияси, кенгаши, раиси ва бошланғич партия ташкилотининг умумий йиғилиши томонидан берилган ваколатларни амалга оширади.

9.7. Бошланғич партия ташкилоти раиси вазиятни, тез ўзгариб бораётган сиёсий шароитни чуқур таҳлил қила олиши, ҳолисона баҳолай билиши ва жойларда етилган муаммоларни ҳал этиш учун бутун масъудиятни истаган вақтда ўз зиммасига олишга тайёр туриши керак.

9.8. Бошланғич ташкилотлар қошида партиянинг аъзолари бўлмаган тарафдорлар бирлашмалари (клублари) тузилиши мумкин.

Х. ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ДЕПУТАТЛИК БИРЛАШМАЛАРИ

10. Партия манфаатларини давлат ҳокимиятининг вакиллик органларида уюшқоқлик билан ифодалаш мақсадида қонунда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республика-

си Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашиларидаги партия гуруҳлари тузилади.

Партия фракцияси ва мазкур партия гуруҳлари «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш» тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонунидаги белгиланган ваколатларга эгадирлар.

10.1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси (кейинги матнларда – Партия фракцияси).

10.1.1. Партия фракцияси ЎзЛиДеП томонидан кўрсатилиб сайланган депутатларнинг таъсис йиғилишларида ўз партиясининг сиёсатини уюшқоқлик билан ўтказиш учун тузилади. Фракция раҳбари берган тегишли ариза ва таъсис ҳужжатларига асосан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан рўйхатга олинади.

Партиядан кўрсатилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайланган депутат фақат О'зЛиДеП фракцияси аъзоси бўлиши мумкин.

Фракция аъзолари ўзларининг ораларидан, партия Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитаси тавсиясига кўра, фракция раҳбарини сайлайди.

Фракция аъзолари томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари этиб сайлаш учун, қоида тарихида, фракция раҳбарининг номзоди кўрсатилади.

10.1.2. Партия фракцияси ўз ишини Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш» тўғрисидаги Конституциявий қонун, партиянинг дастурий ҳужжатлари, партия Съезди белгилаган парламентчилик фаолияти вазифалари ҳамда партиянинг марказий органларининг тавсияларига мувофиқ ташкил этади.

10.1.3. Мухим сиёсий масалалар юзасидан нуқтаи назарларни келишиб олиш учун Партия фракцияси ва Партия Сиёсий Кенгаши ёки Сиёсий Кенгаш Ижроия кўмитасининг биргаликдаги қўшма мажлислари ўтказилиши мумкин. Партия фракцияси аъзолари Қонунчилик палатасида овоз бериш жараёнида биргаликда ишлаб чиқилган нуқтаи назарларга асосланадилар.

Партия фракцияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги бошқа партиялар фракциялари ва сайловчиларнинг ташаббус гуруҳларидан кўрсатилиб сайланган депутатлар билан парламент кўпчилигини ташкил этувчи блок тузиши мумкин.

10.1.4. Партия фракцияси ўз фаолияти тўғрисида белгиланган тартибда партия Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитасига мунтазам равишда ахборот бериб боради. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ваколати давридаги фаолияти бўйича Партия фракцияси ҳисоботи партия Съездида тингланади.

10.1.5. Партия фракциясининг фаолияти партиянинг марказий органлари томонидан мувофиқлаштирилади.

10.1.6. Партия фракциясининг фаолияти тегишли партия фракцияси тўғрисидаги низом билан тартибга солинади.

10.1.7. Партия фракцияси қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:

– Қонунчилик палатаси мажлиси кун тартибини тузишда иштирок этиш;

– Қонунчилик палатаси мажлиси кун тартибидаги ҳар бир масала бўйича музокараларда фракция вакилига кафолатланган сўз берилиши;

– тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига, вазирларга, бошқа давлат органларининг раҳбарларига сўровлар билан мурожаат этиш;

– Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг кўмита ва комиссиялари раислигига номзодлар бўйича таклифлар киритиш;

– Қонунчилик палатаси мажлисида муҳокама қилинаётган масала бўйича фракция фикрини депутатлар орасида тарқатиш;

– Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини лавозимидан озод этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига ташаббус билан мурожаат этиш;

– партиядан тақдим этилган номзод Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари лавозимига сайланмаган тақдирда, фракция аъзолари орасидан бошқа номзодни тақдим этиш;

– Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа вазифаларни амалга ошириш.

10.1.8. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини тасдиқлашда Ўзбекистон Республикаси Президенти, қонунга мувофиқ, партия фракцияси билан маслаҳатлашув ўтказди.

10.2. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳлари (кейинги матнларда – Партия гуруҳлари).

10.2.1. Партия гуруҳлари ЎзЛиДеП томонидан кўрсатилиб сайланган депутатларнинг таъсис йиғилишларида ўз партиясининг сиёсатини уюшқоқлик билан ўтказиш учун тузилади. Партия гуруҳлари партия гуруҳининг раҳбари берган ариза ёки таъсис ҳужжатларига асосан тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан рўйхатга олинади.

Партиядан кўрсатилиб, маҳаллий давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига сайланган депутат фақат О‘зЛиДеП партия гуруҳи аъзоси бўлиши мумкин.

Партия гуруҳи аъзолари ўзларининг ораларидан, ҳудудий партия ташкилоти тавсиясига кўра, гуруҳ раҳбарини сайлайдилар.

10.2.2. Партия гуруҳлари фаолияти тегишли ҳудудий партия ташкилотларининг раҳбар органлари томонидан мувофиқлаштирилади.

10.2.3. Партия гуруҳлари ўз фаолиятларини партиянинг дастурий ҳужжатлари, тегишли ҳудудий партия ташкилот-

лари конференциялари томонидан белгиланган қонунчилик фаолияти вазифалари, ҳудудий партия ташкилоти Кенгашлари тавсиялари ҳамда юқори партия органлари қарорларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этадилар.

10.2.4. Партия гуруҳлари аъзолари маҳаллий давлат ҳокимиятининг вакиллик органида овоз беришда биргаликда ишлаб чиқилган нуқтаи назарга асосланадилар.

10.2.5. Муҳим ижтимоий-сиёсий масалалар бўйича нуқтаи назарларни келишиб олиш учун Партия гуруҳлари ва тегишли ҳудудий партия ташкилоти Кенгашларининг биргаликдаги қўшма мажлислари ўтказилиши мумкин.

10.2.6. Партия гуруҳининг фаолияти тегишли партия гуруҳи тўғрисидаги низом билан тартибга солинади.

10.2.7. Партия гуруҳлари куйидаги ҳуқуқларга эга:

- сессия кун тартибини тузишда иштирок этиш;
- сессия кун тартибидаги ҳар бир масала бўйича музокара-ларда гуруҳ вакилига кафолатланган сўз берилиши;
- тегишли равишда Жўқорғи Кенгес Раисига ва Вазирлар Кенгашига, Қорақалпоғистон Республикасининг вазирларига ва бошқа давлат органлари раҳбарларига, ҳокимларга, ҳоким ўринбосарларига, ҳокимликлар бўлимлари ва бошқармаларининг раҳбарларига, шунингдек тегишли халқ депутатлари Кенгаши ҳудудида жойлашган корхона, муассаса ва ташкилотларнинг раҳбарларига сўровлар билан муурожаат этиш;

– тегишли вакиллик органи қўмиталари ёки комиссиялари раислигига номзодлар бўйича таклифлар киритиш;

– тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ёки халқ депутатлари Кенгашининг сессиясида муҳокама қилинаётган масала бўйича партия гуруҳининг фикрини депутатлар орасида тарқатиш;

– вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими лавозимига тасдиқланган шахсларнинг қониқарсиз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига асосли хулосалар тақдим этган ҳолда ташаббус билан муурожаат этиш;

– давлат ҳокимияти тегишли вакиллик органларининг депутатлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа вазифаларни амалга ошириш.

10.2.8. Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими номзодларини тасдиқлашда Ўзбекистон Республикаси Президенти, қонунга мувофиқ, тегишли вилоят ёки Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашидаги партия гуруҳи билан маслаҳатлашувлар ўтказлади.

10.2.9. Партия Дастурида белгиланган хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини, уларнинг жамиятдаги мавқеи ва ролини оширишга қаратилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида ҳудудий партия ташкилотлари қошида Партия гуруҳлари аъзолари – депутат аёллардан иборат «O'zLiDeP депутат аёллари бирлашмаси» ташкил этилиши мумкин. «O'zLiDeP депутат аёллари бирлашмаси» мақоми партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг тегишли қарорлари билан белгиланади.

10.2.10. Партия гуруҳлари аъзолари томонидан партия манфаатларига зид ҳатти-ҳаракатлар содир этилганда ёхуд уларни атайлаб инкор этилганда тегишли ҳудудий партия ташкилоти томонидан депутатларни чақириб олиш ва ваколатларини муддатидан илгари тугатиш масаласи кўтарилиши мумкин.

10.2.11. Партия гуруҳлари ўз фаолиятлари тўғрисида белгиланган муддатларда тегишли ҳудудий партия ташкилотига ахборот бериб борадилар. Уларнинг ваколат давридаги фаолиятлари тўғрисидаги ҳисоботлар тегишли ҳудудий партия ташкилотлари конференцияларида эшитилади.

10.3. Сайлов округларидаги партия гуруҳлари ва партия ташкилотларининг округ бирлашмалари.

10.3.1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов округларидаги партия гуруҳлари, тегишли сайлов округи бўйича партиядан депутатликка кўрсатилган номзодларнинг сайловолди мавсумини ташкилий ва тарғибий-ташвиқий жиҳатдан таъминлайдиган партия аъзоларини бирлаштириш ва округ сайловчилар қўз олдидан партиянинг ижобий қиёфасини (имижини) яратиш мақсадида тузилади.

10.3.2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округларда – Партиянинг туман (шаҳар) бирлашмалари тузилиши мумкин.

10.3.3. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи округларда – бошланғич партия ташкилотларининг округ бирлашмалари тузилиши мумкин.

10.3.4. Партия раҳбар органларининг қарорига биноан сайлов округларидаги тегишли партия бирлашмалари раҳбарларига сайлов мавсумини олиб бориш бўйича округ партия ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ҳуқуқи берилиши мумкин.

10.3.5. Сайлов округларида партия гуруҳлари ва партия ташкилотларининг округ бирлашмаларини тузиш ҳамда улар фаолиятини ташкил қилиш тўғрисидаги низом партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси қарори билан тасдиқланади.

10.4. Партия аъзолари ва партия раҳбар органлари ташаббуси билан партия клублари, сиёсий марказлар, қизиқишлар ва муаммолар, касб-кор бўйича ҳам бирлашишнинг хилма-хил шакллари ташкил қилиниши ва фаолият кўрсатиши мумкин. Улар партиянинг дастурий ҳужжатларига асосланиб турли масалаларни муҳокама қиладилар, ўз таклифларини ишлаб чиқадиладар ва уларни турли даражадаги партия ташкилотлари ҳамда уларнинг раҳбар органлари муҳокамасига киритадиладар.

XI. ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING САЙЛОВЛАРДА ИШТИРОКИ

11.1. Партиянинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловларида иштирок этиши тартиби Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида партиянинг иштироки тўғрисидаги қарор, сайлов мавсуми бошланиши эълон қилингандан кейин бир ҳафта муддат ичи-

да партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан чакирилган Сиёсий Кенгаш мажлисида қабул қилинади.

Партиядан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод партия Съездида кўрсатилади. Бу ҳақдаги қарор Съезд делегатларининг кўпчилиги ёқлаб овоз берган тақдирда қабул қилинади ва тегишли баённома билан расмийлаштирилиб, тегишли ҳужжатлар илова қилинганидан кейин Марказий сайлов комиссиясига топширилади.

11.2 Партиянинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига бўладиган сайловларда иштироки тартиби Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига бўладиган сайловларда партиянинг иштирок этиши тўғрисидаги қарор, сайлов мавсуми бошланиши эълон қилингандан кейин бир ҳафта муддат ичида, партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига партиядан номзодлар партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси тақдим этган рўйхат асосида Съезд томонидан кўрсатилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни кўрсатиш тўғрисидаги қарор Съездда қатнашаётган делегатларнинг кўпчилиги ёқлаб овоз берган тақдирда қабул қилинади ва тегишли баённома билан расмийлаштирилиб, Марказий сайлов комиссиясига топширилади.

Депутатлик ваколатлари муддатидан олдин тугатилган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига бўшаб қолган ўринларга номзодлар партия Сиёсий Кенгаши томонидан кўрсатилади. Бунда Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни кўрсатиш тўғрисидаги қарор Сиёсий Кенгаш мажлисида қатнашаётган аъзоларнинг кўпчилиги ёқлаб овоз берган тақдирда қабул қилинади ва тегишли баённома билан расмийлаштирилиб, Марказий сайлов комиссиясига топширилади.

11.3. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳри, туман ва шаҳар Кенгашларига бўладиган сайловларда партиянинг иштирок этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»га Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари сайловларида партиянинг иштирок этиши тўғрисидаги қарор, сайлов мавсуми бошланиши эълон қилингандан кейин, бир ҳафта муддат ичида партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан қабул қилинади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига партиядан номзодлар партиянинг тегишли ҳудудий партия ташкилотлари, туман ва шаҳар бўлимлари томонидан кўрсатилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари депутатлигига партиядан номзодлар кўрсатиш тўғрисидаги қарор тегишли ҳудудий партия ташкилоти, туман ва шаҳар бўлими Кенгаши мажлисида, унда иштирок этаётган аъзоларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади ва баённома расмийлаштирилиб, тегишли сайлов комиссиясига топширилади.

ХII. ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИИГ БОШҚА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ВА ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ БИЛАН МУНОСАБАТИ

12.1. Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Ўзбекистон Республикаси қонунлари доирасида бошқа партия ва жамоат ташкилотлари билан иттифоққа (блок, коалиция) ва шартномавий муносабатларга киришиши мумкин.

Партия чет эл партиялари ва жамоат ташкилотлари билан алоқалар ўрнатиши мумкин.

12.2. Партиянинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар, шунингдек туман (шаҳар) Кенгашларидаги гуруҳлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расман фаолият юритувчи бошқа сиёсий партияларнинг депутатлик бирлашмалари билан умумий нуқтаи назар бўйича келишишлари ёки уларга нисбатан муҳолифатда бўлишлари мумкин.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партиянинг бошқа сиёсий партиялар билан ҳамкорликда ишлаб чиққан нуқтаи назари тўғрисидаги қарори фракция раҳбари томонидан партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси билан келишилган ҳолда қабул қилинади.

12.3. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесида, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар, шунингдек туман (шаҳар) Кенгашларидаги партия гуруҳлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расман фаолият юритувчи бошқа сиёсий партиялар депутатлик бирлашмалари билан ишлаб чиққан нуқтаи назари тўғрисидаги қарори партия гуруҳи раҳбари томонидан тегишли ҳудудий (туман, шаҳар) партия кенгаши билан келишилган ҳолда қабул қилинади.

XIII. ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ- ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ, УНИНГ МОЛ-МУЛКИ ВА ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИ

13.1. Ўзбекистон Либерал-демократик партияси қонун томонидан белгиланган тартибда партия Дастурида кўрсатилган устувор мақсад ва вазифаларини амалга ошириш учун қуйидаги молиявий манбалардан фойдаланиши мумкин:

- Партия аъзоларининг аъзолик бадаллари;
- юридик шахслар ва фуқаролар томонидан қонунга мувофиқ бериладиган хайрия ёрдамлари;

– давлат бюджетидан қонунга мувофиқ ажратилган маблағлар;

– қонун ҳужжатларига мувофиқ тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлар;

– амалдаги қонунларга зид бўлмаган бошқа тушумлар.

13.2. Аъзолик бадали миқдори ва уни тўлаш тартиби Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши қарори билан белгиланади. Нафақахўр ва талабалар аъзолик бадалини тўлашдан озод этиладилар.

13.3. Партия ушбу Уставда белгиланган вазифаларни амалга ошириши учун иншоотлар, турар жойлар, ускуналар, транспорт воситалари, инвентарь, пул маблағлари, шу жумладан чет эл валютасидаги пул маблағлари, қимматли қоғозлар ва бошқа ҳаракатда чекланмаган мол-мулкка эга бўлиши мумкин.

13.4. Партиянинг ҳудудий ташкилотларига ва бошқа қуйи бўлинмаларига бириктирилган мулк партиянинг мулки ҳисобланади. Партиянинг ҳудудий ва бошқа қуйи ташкилотлари партия томонидан белгиланган доирада ўзларига бириктирилган мол-мулкни оператив бошқарадилар.

13.5. Партия ушбу Уставда белгиланган вазифаларни бажариш мақсадидагина қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширади. Партия таъсисчилигида ташкилот, корхона ёки муассаса ташкил этишга партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг тегишли қарори билан рухсат этилади.

Партиянинг ишлаб чиқариш фаолиятидан олинган даромадлари партия аъзолари ўртасида тақсимланиши мумкин эмас ва улардан Уставда белгиланган вазифаларни бажариш учунгина фойдаланилади.

13.6. Ўзбекистон Либерал-демократик партияси қонун томонидан белгиланган тартибда партиянинг Дастурида кўрсатилган устувор мақсад ва вазифаларини амалга ошириш учун жамғарма жорий этиши мумкин.

13.7. Юридик шахс мақомига эга бўлган ҳудудий партия ташкилоти ва унинг туман (шаҳар) бўлимлари ҳисоб рақамларига келиб тушган аъзолик бадаллари, тадбиркорлик фаолияти-

дан олинган даромадлар, юридик шахслар ва фуқаролар томонидан бериладиган хайрия ёрдамлари ҳамда амалдаги қонунларга зид бўлмаган бошқа барча тушумларнинг (давлат бюджетидан ажратилган маблағлар бундан мустасно) 10 фоиз миқдордаги қисми ҳудудий партия ташкилоти томонидан ҳар ойда Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ҳисоб рақамига ўтказилади.

Партия ҳисоб рақамларига тушган маблағларни ишла-тиш тартиби Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитаси томонидан белгиланади.

13.8. Партия ҳар йили барчанинг эътибори учун ўз бюджетини эълон қилади ва ўз фаолиятини маблағ билан таъминлаш манбалари тўғрисида ваколатли органларга белги-ланган тартибда ҳисобот тақдим этади.

XIV. ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДА ОВОЗ БЕРИШ ЖАРАЁНИ

14.1. Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг ҳар бир органи қарори, унинг мажлисида мазкур орган тўлақонли вакиллариининг ярмидан кўпроғи иштирок этаётган бўлса, қонуний кучга эга бўлади.

14.2. Барча қарорлар очик овоз бериш йўли билан кўп овоз олиш орқали қабул қилинади (Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Устави ва Дастурига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, партия фаолиятини тугатиш ҳақидаги қарорлар бундан мустасно).

XV. ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ДАСТУРИ ВА УСТАВИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ, УЛАРГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ

15.1. Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Дастури ва Устави, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар партия Съезди-да қабул қилинади ва тасдиқланади.

15.2. Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Дастури ва Уставини қабул қилиш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Съезд қарори очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилинади ва Съездда иштирок этган делегатларнинг учдан икки қисми ёқлаб овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади.

XVI. ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ФАОЛИЯТИНИ ТУГАТИШ

16.1. Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фаолиятининг тугатилиши мазкур Уставда ҳамда амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибга мувофиқ қайта ташкил этилиш ёки тугатилиш шаклида бўлиши мумкин. Партиянинг тугатилиши ҳақидаги қарор партия Съездида унинг барча ташкилотлари фикрини инобатга олинган ҳолда қабул қилинади. Ушбу тақлифга Съезд делегатларининг учдан икки қисми ёқлаб овоз берган тақдирдагина қарор қонуний ҳисобланади.

16.2. Съезд қарорига биноан тугатилаётган Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг мол-мулки ва воситаларидан фойдаланиш тартиби қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

16.3. Ўзбекистон Либерал-демократик партияси тугатилган тақдирда барча бўғиндаги партия ташкилотлари ижроия аппарати ходимларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексида белгиланган тартибда амалга оширилади.

16.4. Партия ҳужжатлари қонунда белгиланган тартибда давлат архив органларига сақлаш учун топширилади.

ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ УСТАВИ

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси (бундан буён матнда Партия деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг қонуний манфаатлари ва сиёсий иродасини ифода этувчи умуммиллий сиёсий ташкилотдир. Партия Ўзбекистонни ривожлантиришнинг – Юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти, Халқ фаровонлиги – умуммиллий ғоялари атрофига бутун жамиятни жипслаштиришга асосланган йўлини қўллаб-қувватлайди. Бу ғоя Ўзбекистоннинг дунёдаги ўрни ва роли, давлатнинг тактик ва стратегик мақсадлари ва вазифалари, унинг янги халқаро шароитларда ҳамда геосиёсий воқеликларда миллий манфаатларни рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш борасидаги амалий кадамларини фуқаролар томонидан тўғри идрок этиш ва англашига асосланади. У бизнинг асрий орзу-умидларимиз ва умумий мафкурамиз, стратегиямиз ҳамда кенг камровли миллий тикланиш дастурининг моҳиятини ифодалайди.

Партия жамиятнинг турли гуруҳлари ва қатламларига мансуб бўлган, миллий манфаатларни устувор қўйган ҳамда миллий давлатчилик асосларини мустаҳкамлашда, демократик ҳуқуқий давлат барпо этишда, юртнинг гуллаб-яшнашини таъминлаш ҳамда халқ фаровонлигини оширишда онгли ва масъулиятли тарзда иштирок этувчи мамлакатимиз фуқароларини ихтиёрий асосда бирлаштиради.

1.2. Партия Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ва Ўзбекистон «Фидокорлар» миллий-демократик партиясининг бирлашуви орқали ташкил этилди.

1.3. Партия ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонуни, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги, «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги, «Нодавлат нотажорат ташкилотлар тўғрисида»ги, «Нодавлат нотажорат ташкилотлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда ушбу Уставга мувофиқ амалга оширади.

1.4. Партиянинг фаолияти ватанпарварлик, умуммиллий бирдамлик, адолат, бағрикенглик, маънавий етуклик, ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш, Партияга кириш ва чиқишнинг ихтиёрийлиги, ўз аъзоларининг тенг ҳуқуқлилиги, қонунийлик, очиклик ва ошқоралик принципларига асосланади.

1.5. Партия ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида амалга оширади.

1.6. Партия юридик шахс бўлиб, ўз муҳри, тамғаси, бланкаларига, Ўзбекистон банкларидаги ҳисоб-китоб рақамларига эга бўлади.

1.7. Партия мол-мулкка, мулкый ҳуқуқларга эгалик қилади, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида юридик шахснинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларига эга бўлади.

1.8. Партиянинг тўлиқ расмий номи:

– ўзбек тилида: Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси;

– рус тилида: Демократическая партия Узбекистана «Миллий тикланиш».

Партиянинг қисқа расмий номи:

– ўзбек тилида: ЎзМТДП;

– рус тилида: ДПУз «Миллий тикланиш».

1.9. Партия ўз рамзлари сифатида байроғи, эмблемаси ва вимпелларига эга бўлиши мумкин, улар Партиянинг Марказий Кенгаши Пленуми томонидан тасдиқланади.

1.10. Партиянинг доимий фаолият кўрсатувчи раҳбар органининг манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй

II. МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

2.1. Партиянинг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

– Ўзбекистон Республикаси фуқароларида миллий ўзликни англашнинг ўсиши, миллий ғурур, Ватанга садоқат ва муҳаббат туйғусини шакллантириш ҳамда мустаҳкамлаш учун қулай шароитлар яратиш;

– ўз сафида юртнинг ватанпарварларини бирлаштириш, уларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини Ўзбекистон манфаатлари ҳамда унинг халқаро обрў-эътиборини ошириш йўлида сафарбар этиш;

– ёшларни ўз Ватанини ҳурмат қилиш, севиш ва у билан фахрланиш, ҳар қандай шароитда миллий мустақилликни, халқнинг кадриятлари, анъаналари ва урф-одатларини асраш ва ҳимоя қилиш руҳида тарбиялаш, шунингдек, унинг маънавий эҳтиёжлари ва қизиқишларини чеклашга бўлган уринишларга қарши курашишга таъсирчан ҳисса қўшиш.

2.2. Партия ўз мақсадларига эришиш учун қуйидаги ма-салаларни ҳал этади:

– аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини амалга оширади, Партиянинг мақсад ва вазифаларини аҳолига етказишга қаратилган дастурларни амалга ошириш чораларини кўради, аҳолини Партия Дастури, жорий фаолияти ҳақида хабардор қилади, Партиянинг сайловларда иштирок этувчи номзодлари учун сайловолди ташвиқотини ташкил этади;

– ёшлар билан мунтазам иш олиб боради, уларни Партиянинг ёшларга оид сиёсатини амалга оширишда иштирок этишга жалб қилади, Партия мафкурасини ёқловчи сиёсий фаол фуқароларнинг ёш авлодини шакллантиришга кўмаклашади;

– жамоатчилик эъгиборини муҳим ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий муаммоларга қаратади ҳамда бу муаммоларни партиявий воситалар орқали ҳал этиш йўллари тўғрисида ижобий ижтимоий фикрни шакллантиради;

– Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг манфаатлари, эҳтиёжларини ўрғанади, таҳлил этади ва умумлаштиради, янги қонунлар ва давлат ҳокимияти органларининг қарорлари лойиҳалари юзасидан таклифлар кўринишида ўз сайловчиларининг манфаатларини амалга ошириш шакллариини излаб топади ва таклиф этади;

– бошланғич партия ташкилотларининг раҳбарлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги партия фракциялари аъзоларини ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларидаги партия гуруҳлари аъзоларни, шунингдек, бошқа фаолларни ўқитади. Партия олдида турган вазифаларни самарали ҳал этишга қодир ва келгусида Партия раҳбар органлари лавозимларига ҳамда давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловларда иштирок этиш учун номзодлар кўрсатиш мақсадида партия кадрлари захирасини тайёрлайди;

– Халқ депутатлари туман ва шаҳар кенгашларидан то Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасигача бўлган сайловларда барча шакллантирилган сайлов округлари бўйича Партиядан номзодларини кўрсатиш орқали демократик сайловларда фуқароларнинг тўлақонли иштирок этишини таъминлайди;

– Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этади;

– Партиянинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги фракциялари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларидаги партия гуруҳлари фаолиятини мувофиқлаштириб боради, давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатлари этиб сайланган Партия аъзоларига ёрдам кўрсатади, улар орқали Партия электорати манфаатларини ҳамоя қилишга қаратилган қонун ҳужжатларини қабул қилишга йўналтирилган сиёсий ташаббуслар билан чиқади;

– фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, давлат ва жамоат ташкилотлари билан бевосита ҳамкорликни амалга оширади.

Ш. ПАРТИЯГА АЪЗОЛИК

3.1. 18 ёшга тўлган, партиянинг мақсад ва вазифаларини ёқловчи, унинг Уставига амал қилувчи ҳамда фаолиятида фаол иштирок этувчи Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари партия аъзолари бўлиши мумкин.

3.2. Партияга аъзолик – яқка тартибда ихтиёрий, қайд этиладиган бўлади.

3.3. Партияга қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг ёзма аризаси асосида бошланғич партия ташкилотининг йиғилиши томонидан ҳал қилинади. Партияга қабул қилиш Партиянинг тегишли туман (шаҳар) ташкилотлари томонидан амалга оширилиши мумкин.

3.4. Партияга аъзолик Партиянинг аъзолик билети билан тасдиқланади.

3.5. Партияга аъзолик бошқа партияларга аъзолик билан бирга бўлиши мумкин эмас.

3.6. Партияга аъзолик қуйидаги ҳолларда тугатилади:

– ихтиёрий хоҳиш билдирганда (бошланғич, туман ёки шаҳар ташкилотига ёзма ариза асосида);

– Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан маҳрум бўлганда;

– ҳарбий хизматга ўтиш, миллий хавфсизлик идораларига, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ишга ўтиш, судья этиб сайланганда;

– Партиянинг Уставига риоя этмаганлик учун, шунингдек Партия обрўсига путур етказувчи ёки унинг дастурий мақсад ва вазифаларини амалга оширишга тўсқинлик қилувчи ҳаракатлар учун Партиядан чиқарилганда;

– бошқа партияга кирганда;

– вафот этганда.

3.7. Партияга аъзоликни тўхтатиш шу жумладан унинг сафидан чиқариш тўғрисидаги қарор туман ёки шаҳар партия ташкилоти йиғилиши томонидан қабул қилинади ва кейинчалик Марказий Кенгаш Ижроия Қўмитаси томонидан тасдиқланади. Партиядан чиқариш тўғрисидаги қарор устидан юқори партия органларига шикоят қилиниши мумкин.

3.8. Партия аъзоси қонун ҳужжатларига асосан сиёсий партияларга аъзо бўлиш чекланган давлат ва бошқа турдаги лавозимларга тайинланган тақдирда Партияга аъзоликни тўхтатади. Аъзоликни тўхтатиш Партия аъзоси ушбу лавозимга тайинланган кундан эътиборан туман (шаҳар) ёки бошланғич ташкилотнинг ёзма хабарномаси асосида амалга оширилади.

3.9. Партия аъзоларини ҳисобга олиш ҳисобга олиш варақаси, электрон маълумотлар базаси ва Партия аъзоларининг рўйхати асосида амалга оширилади.

IV. ПАРТИЯ АЪЗОСИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Партия аъзоси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

– Партиянинг дастурий ва бошқа ҳужжатларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

– Партиянинг турли даражадаги ташкилотлари ўтказадиган тadbирларда иштирок этиш;

– Партиянинг раҳбар органларига сайлаш ва сайланиш;

– Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Партия томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти, давлат ҳокимияти вакиллик органи депутатлигига номзод этиб кўрсатилиш;

– Қонун ҳужжатларига мувофиқ фаолият юритувчи жамоат бирлашмаларида, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фондларда Партиянинг тавсия этилган вакили бўлиш;

– ўз фикрини эркин ифода этиш, Партия фаолиятига доир масалаларни муҳокама қилиш, оғзаки ёки ёзма шаклда таклифлар киритиш;

– Партиянинг исталган идорасига ўзини қизиқтирувчи масалалар юзасидан мурожаат қилиш ва тегишли жавоб олиш;

– Партия ва унинг сайланадиган органлари фаолияти тўғрисида маълумот олиш;

– Партияга янги аъзоларни жалб қилиш юзасидан иш олиб бориш.

– Партия аъзоси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.2. Партия аъзоси:

– Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, қонунларига, жамиятнинг маънавий принципларига ва ахлоқий меъёрларига риоя қилиши;

– Партия Дастури ва Устави талабларини бажариши, партия интизомига сўзсиз риоя қилиши;

– Партия раҳбар органларининг қарорларини бажариши;

– Партиянинг манфаатларини ҳимоя қилиш, унинг ҳолатларини, мақсад ва вазифаларини тарғиб этиш, уларни рўёбга чиқаришда фаол иштирок этиши;

– Партия фаолиятида шахсан иштирок этиши, ҳаракатлари ва фаолияти билан Партияга мансублигини исботлаши, унинг аҳоли ўртасида обрў-эътибори ва таъсири ортиб боришига эришиши;

– аъзолик бадалларини ўз вақтида тўлаши;

– турар жойи ўзгарган ҳолда ўз вақтида ҳисобга туриши шарт.

V. ПАРТИЯНИНГ ТУЗИЛИШИ

5.1. Партия Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий бўлинишига мувофиқ ҳудудий принцип бўйича тузилади. Партия тузилишининг асосини ҳудудий ташкилотлар, уларнинг туман (шаҳар) ва бошланғич партия ташкилотлари ташкил этади.

5.2. Ҳудудий партия ташкилоти – Партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маъмурий ҳудудида ташкил этилган таркибий бўлинмасидир. Ҳудудий партия ташкилоти туманлар ва шаҳарларда шакллантирилган партия ташкилотларининг фаолиятини бошқариш, мувофиқлаштириш ва бирлаштириш мақсадида ташкил этилади. Ҳудудий ташкилот Партиянинг Марказий Кенгаши қарорига кўра ташкил этилади.

Партия Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитасининг қарори билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳудудий партия ташкилотларига уларнинг мурожаати асосида юридик шахс мақоми берилади.

5.3. Туман (шаҳар) партия ташкилоти ҳудудий партия ташкилотининг таркибий бўлинмаси бўлиб, бошланғич партия ташкилотларининг фаолиятини бошқариш, мувофиқлаштириш ва бирлаштириш мақсадида ташкил этилади. Туман (шаҳар) партия ташкилоти ўз фаолиятини тегишли маъмурий-ҳудудий тузилма доирасида амалга оширади.

Туман (шаҳар) партия ташкилоти тегишли ҳудудий партия ташкилоти таклифига кўра, Партия Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитасининг қарори билан ташкил этилади ва тугатилади.

Туман (шаҳар) партия ташкилотларига ушбу ташкилотлар аъзоларининг сони 2000 (икки минг) кишидан ортик бўлган ҳолларда юридик шахс мақоми берилиши мумкин.

5.4. Туман (шаҳар) партия ташкилоти таркибида бевосита Партия аъзоларининг яшаш жойи ва иш жойига кўра бошланғич ташкилотлар ташкил этилади. Улар Партиянинг қуйи тузилмаси бўлиб, аҳолининг турли катламлари вакиллари билан бевосита иш олиб бориш ва уларга таъсир кўрсатиш юзасидан имкониятларга эга бўлади.

Бошланғич партия ташкилоти ҳар томонлама билимли, обрў-эътибори ҳамда сиёсий ва ижтимоий тайёргарлиги бўлган партия аъзоларининг ихтиёрий бирлашуви асосида туман (шаҳар) партия ташкилоти таклифига кўра ҳудудий партия ташкилотининг қарори билан ташкил этилади, ушбу Устав, юқори турувчи органларининг қарорлари асосида фаолият кўрсатади ва Партиянинг дастурий ҳужжатларига амал қилади.

5.5. Партиянинг юқори турувчи раҳбар органлари ҳудудий, туман (шаҳар), бошланғич партия ташкилотларининг қарорларини бекор қилиш ёки уларнинг ижро этилишини тўхтатиб туришга ҳақлидир.

VI. ПАРТИЯНИНГ РАҲБАР ОРГАНЛАРИ

6.1. Партиянинг олий раҳбар органи Партия Съезди бўлиб, у камида беш йилда бир марта чакирилади. Съезд унда Съезд делегатларининг ярмидан кўпи иштирок этса, ваколатли ҳисобланади.

6.2. Навбатдан ташқари Съезд Партия Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитасининг, Партия Марказий назорат-тафтиш комиссиясининг таклифига кўра ёки Партия аъзоларининг умумий сонидан камида учдан бир қисмини бирлаштирувчи бир нечта партия ташкилотларининг талабига кўра Марказий Кенгаш қарори билан чақирилади. Навбатдаги ва навбатдан ташқари Съездни чақириш тўғрисидаги қарор, унинг белгиланган ўтказилиш муддатидан кечи билан бир ой илгари Партия Марказий Кенгаши томонидан қабул қилинади. Бу қарорда, шунингдек Съезднинг кун тартиби, вакиллик миқдори ва делегатларни сайлаш тартиби белгиланади.

6.3. Съезд делегатлари Партиянинг ҳудудий ташкилотларида ҳисобда турган аъзолари конференцияларида Партия Марказий Кенгаши томонидан белгиланган вакиллик миқдори бўйича сайланади. Тасдиқланган вакиллик миқдоридан ташқари, Партия Марказий Кенгаши, Марказий назорат-тафтиш комиссиясининг аъзолари ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Партия фракциясининг аъзолари ҳам Съезд делегати бўлишади.

6.4. Съезднинг мураккаб ваколатларига қўйидагилар киради:

- делегатлар ваколатларини текшириш, ўзининг иш тартибини белгилаш, зарур раҳбар ва ишчи органларини сайлаш;
- Партия Уставини ва Дастурини қабул қилиш ҳамда тасдиқлаш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;
- Партия фаолиятининг асосий стратегик йўналишларини белгилаш;
- Марказий Кенгаш аъзолари ва Марказий назорат-тафтиш комиссияси аъзоларини беш йил муддатга сайлаш ҳамда вазифаларидан муддатидан илгари озод қилиш;
- Партиянинг матбуот органини таъсис қилиш;
- Партия Марказий Кенгаши, Марказий назорат-тафтиш комиссияси ҳисоботларини тинглаш ва тасдиқлаш;
- Партия Марказий назорат-тафтиш комиссияси тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш;
- Партияни тугатиш ва қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига номзод кўрсатиш;

– Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш.

Съезд қонунда белгиланган тартибда бошқа ваколатларга ҳам эга бўлиши мумкин. Съезд қарорлари Партиянинг барча органлари, ташкилотлари ва аъзолари учун мажбурий кучга эга.

6.5. Съездлар орасидаги даврда Партиянинг марказий раҳбар органи Партия Марказий Кенгашидир. У Партиянинг манфаатларини ифода этади ва унинг номидан иш юритади, Партия Дастурини, Партия Съездлари ва Партия Марказий Кенгашининг Пленумлари қарорларини рўёбга чиқариш каби масалаларни амалга оширади.

6.5.1. Партия Марказий Кенгаши Съезд сайлаган бошқа раҳбар органларнинг ҳисоботларини эшитади, муҳокама қилади ва тегишли қарорлар қабул қилади, Партия фракциясининг ва партия гуруҳларининг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни тинглайди ва тегишли қарорлар қабул қилади.

6.5.2. Съездлар орасидаги даврда Партия Марказий Кенгаши зарур бўлган ҳолларда Партия Марказий Кенгаши аъзоларидан ташкил топган Пленумни чақириши мумкин. Пленум Партиянинг раҳбар органлари таркибига ўзгартишлар киритишга ҳамда дастурий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқига эга.

6.5.3. Партия Марказий Кенгашининг аъзолари Съездда ҳудудий партия ташкилотлари вакилларидан беш йил муддатга сайланади. Партия Марказий Кенгаши аъзоларининг сони ва таркиби Съезд томонидан белгиланади.

6.5.4. Ҳудудий партия ташкилотлари Кенгашлари Ижроия Қўмиталарининг раислари Партия Марказий Кенгашининг сайланмайдиган аъзолари бўлади. Пленум томонидан Партия Марказий Кенгашининг таркибига ўзгартишлар киритилиши мумкин ва кейинчалик улар Съездда тасдиқланади.

6.5.5. Партия Марказий Кенгашининг Пленуми Партия Марказий Кенгашининг асосий фаолият шакли бўлиб, йилга камида икки марта чақирилади ва аъзоларининг учдан икки қисмидан ортиқ аъзоси иштирок этса, ваколатли

хисобланади. Партия Марказий Кенгаши аъзоларининг ярмидан кўпининг ташаббусига кўра навбатдаги ва навбатдан ташқари Пленум чакирилиши мумкин.

6.5.6. Партия Марказий Кенгашининг мутлақ ваколатларига қуйидагилар қиради:

- Партиянинг сиёсий фаолиятига раҳбарлик қилиш;
- Съезд чакириш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Партия Марказий Кенгашининг Ижроия Қўмитаси таркибини сайлаш;
- Партия Марказий Кенгашининг Ижроия Қўмитаси раисини ва раис ўринбосарларини сайлаш;
- Партиянинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаёти учун муҳим аҳамиятга эга бўлган масалаларга доир нуқтаи назарини белгилаш;
- Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига номзод кўрсатиш таклифини кўриб чиқиш учун Съездга киритиш;
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш таклифини кўриб чиқиш учун Съездга киритиш;
- Съездлар орасидаги даврда Партия Марказий Кенгаши таркибидан чиқиб кетган аъзолари ўрнига янги аъзоларни сайлаш ва тасдиқлаш (улар кейинчалик навбатдаги Съездда тасдиқланади);
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни ўрни бўшаб қолган депутатлар ўрнига кўрсатиш;
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Партия фракциясининг фаолияти тўғрисидаги хисоботни тинглаш;
- Партия Дастурини амалга оширишга салмоқли ҳисса қўшган партия аъзоларини давлат мукофотларига тақдим этиш;
- Партия молиявий сиёсатининг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, Партия бюджетини тасдиқлаш;
- ҳудудий партия ташкилотларини ташкил этиш;

– Партия матбуот органлари бош муҳаррирларини лавозимига тайинлаш ва лавозимидан озод этиш, тахририят Уставини ҳамда хайъати таркибини тасдиқлаш;

– аъзолик бадаллари миқдорини ва уларни тўлаш тартибини белгилаш.

6.5.7. Партия Марказий Кенгаши мазкур Уставда кўрсатилган ваколатларидан баъзиларини Партия Марказий Кенгашининг Ижроия Қўмитасига бериши мумкин.

6.6. Партия Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси

6.6.1. Партия Марказий Кенгашининг Пленумлари орасидаги даврда Ижроия Қўмитаси унга Партия Съезди ва Партия Марказий Кенгаши томонидан берилган ваколатлари доирасида Партия манфаатларини ифода этади ва унинг номидан ҳаракат қилади.

6.6.2. Партия Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси мажлислари зарур бўлган ҳолларда, лекин камида уч ойда бир марта ўтказилади.

6.6.3. Партия Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси:

– Партия Съездлари ва Партия Марказий Кенгаши Пленумларининг чақирилиши ва ўтказилишини ташкил этади;

– Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатасига сайловларда Партиянинг иштирок этиши тўғрисида қарор қабул қилади;

– Давлат ҳокимиятининг марказий ва маҳаллий вакиллик органларига номзодларни танлаб олиниши ва тақдим этилишини ташкил этади;

– Партия иштирок этадиган сайлов кампаниялари ўтказилиши учун масъул бўлади;

– Партия аъзоларининг марказлаштирилган ҳисобини ташкил этади;

– Партия аъзолик бадаллари келиб тушишининг ҳисобини ташкил этади;

– Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Партия фракциясининг фаолиятини мувофиқлаштиради;

– Партия аъзолари, худудий партия ташкилотлари, туман (шаҳар) партия ташкилотлари, бошланғич партия ташкилотларининг раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республика-

си Жўқорғи Кенгесигаги партия фракциясининг аъзолари, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларидаги партия гуруҳларининг аъзоларини ўқитиш ва малакасини ошириш ишларини ташкил этади;

– нодавлат нотижорат ташкилотлари билан сиёсий ҳамкорликни амалга ошириш доирасида қабул қилинган махсус дастурлар ва режаларнинг ижро этилишини таъминлайди;

– Партиянинг йиллик бюджети лойиҳасини ишлаб чиқади ва Партия Марказий Кенгашига тасдиқлаш учун тақдим этади;

– Партия муассасалари, корхоналарини ташкил этади, уларнинг Уставларини тасдиқлайди, раҳбарларини тайинлайди ва вазифасидан озод қилади ҳамда уларнинг фаолиятини назорат қилади;

– ҳудудий партия ташкилотининг мақомини, ҳудудий партия ташкилоти Кенгаши Ижроия Қўмитасининг раисини ҳамда раис ўринбосарларини сайлаш тўғрисидаги қарорларни тасдиқлайди;

– Партиянинг туман (шаҳар) ташкилоти тўғрисидаги намунавий Уставни ва бошланғич партия ташкилотлари тўғрисидаги намунавий йўриқномани тасдиқлайди;

– Ижроия Қўмита Партия Марказий Кенгаши олдида ҳисоб беради.

6.6.4. Ўзининг ваколатларига кирувчи масалалар бўйича Партия Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси қарорлар ва фармойишлар қабул қилади, мазкур ҳужжатлар Партия Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитасининг Раиси ёки унинг тегишли йўналишдаги ўринбосарлари томонидан имзоланади.

6.7. Партия Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитасининг Раиси қуйидаги ваколатларга эга:

– Партия Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси мажлисларида раислик қилиш;

– Партия Марказий Кенгаши Пленумларига раислик қилиш;

– Партия Марказий Кенгаши ва Ижроия Қўмитасининг қарорларини имзолаш;

– Партия Марказий Кенгашининг Ижроия Қўмитаси, ҳудудий партия ташкилотлари девонларининг ходимлари штатлар жадвалини тасдиқлаш;

– Партия фаолиятига оид молиявий хужжатларни имзолаш;

– Марказий Кенгаш Партия Ижроия Қўмитаси девони ходимлари, ҳудудий партия ташкилотлар Кенгашлари Ижроия қўмиталарининг раҳбарлари билан меҳнат шартномаларини белгиланган тартибда тузиш ва бекор қилиш;

– Партия олдида турган алоҳида вазифаларни ҳал қилиш мақсадида Марказий Кенгаш Партия Ижроия Қўмитаси қошида комиссиялар, ишчи ва эксперт гуруҳларини тузиш ва уларнинг мақомларини белгилаш;

– Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан, сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмалари билан ҳамкорлик қилиш;

– Партия Уставига мувофиқ Партия Съезди ва Марказий Кенгашининг мутлақ зақолатларига кирмайдиган бошқа зақолатларни амалга ошириш.

6.8. Партия Марказий Кенгаш Ижроия Қўмитаси Раисининг ўринбосарлари, Партия таркибий бўлинмалари раҳбарларининг вазифалари, вақолатлари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари Партиянинг Марказий Кенгаш ҳамда Партия Марказий Кенгаш Ижроия Қўмитаси томонидан тасдиқланадиган Низомлар билан белгиланади.

6.9. Партия Марказий Кенгаш Ижроия Қўмитасининг жорий фаолиятини Партиянинг Марказий Кенгаш Ижроия Қўмитаси девони амалга оширади.

Партия Марказий Кенгаш Ижроия Қўмитаси девонининг таркиби, сони, иш тартиби Партия Марказий Кенгаш Ижроия Қўмитаси қарори билан тасдиқланади. Партия Марказий Кенгаш Ижроия Қўмитаси девонининг масъул ходимлари Партия Марказий Кенгаш Ижроия Қўмитаси Раисининг буйруқлари билан лавозимига тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

6.10. Партиянинг Марказий назорат-тафтиш комиссияси

6.10.1. Партиянинг Марказий назорат-тафтиш комиссияси (бундан буён МНТК) Партиянинг марказий назорат қилувчи органи бўлиб, Партиянинг раҳбар ва ижроия органлари, қуйи партия ташкилотлари устидан ушбу Устав талаблари ҳамда Партия раҳбар органларининг қарорларини ба-

жариши юзасидан назоратни амалга оширади, шунингдек уларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини тафтиш қилади.

6.10.2. МНТК Партия Съезди томонидан тасдиқланган Низом ва ушбу Устав асосида фаолият олиб боради.

6.10.3. МНТК Партия Съездида беш йил муддатга сайланади. МНТК аъзоларининг сони Партия Съезди томонидан белгиланади.

6.10.4. МНТК нинг биринчи мажлисида унинг ваколат муддатига Раис ва ўринбосарлари сайланади.

6.10.5. МНТК мажлисларида Партия Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси аъзолари иштирок этиши мумкин.

6.10.6. МНТК ваколатларига қуйидагилар киради:

– Партия фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларига риоя қилиш, Партия Дастури ва Уставининг қоидалари, Съездлар, Пленумлар қарорларининг Партия раҳбар органлари ва барча даражадаги партия ташкилотлари томонидан бажарилишини ташкил этиш ва устидан назорат қилиш;

– Партия аъзоларидан келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқиш;

– Партия ва унинг тузилмалари молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш ҳамда текшириш, Партиянинг молиявий, тадбиркорлик ва бошқа фаолияти соҳаларида амалдаги қонун ҳужжатлари бузилишининг олдини олиш, Партия молиявий-хўжалик фаолиятини ҳар йиллик текширишларини амалга ошириш.

Молиявий-хўжалик фаолияти текширишларини ўтказишда барча мансабдор шахслар ва штатдаги ходимлар МНТК талабига кўра зарур ҳужжатларни тақдим этиши ҳамда тушунтиришлар бериши шарт.

МНТК аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тақдимномалар ва таклифларни Партия раҳбар органларига, ҳатто партия Съезди даражасигача киритишга ҳақлидир.

Худудий, туман (шаҳар) партия ташкилотларининг назорат-тафтиш комиссиялари МНТК талабига кўра партия ташкилотининг Партия раҳбар органлари қарорларининг бажарилиши, Партия Уставига ва молиявий интизомга риоя қилиниши борасидаги фаолияти тўғрисидаги зарур ҳужжатларни ўз вақтида тақдим этишлари шарт.

6.10.7. МНТК фақат Партия Съезди олдида ҳисобдордир.

6.10.8. МНТК аъзолари барча даражадаги Партия раҳбар органларининг мажлисларида маслаҳат овози билан иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлади.

6.10.9. МНТК мазкур Устав ва Съезд қарорларидан келиб чиқадиган бошқа ваколатларни амалга ошириши мумкин.

VII. ПАРТИЯНИНГ ХУДУДИЙ ТАШКИЛОТЛАРИ

7.1. Худудий партия ташкилоти – партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри худудида ташкил этилган таркибий бўлинмасидир. Худудий партия ташкилоти туманларда ва шаҳарларда шакллантирилган партия бўлинмаларининг фаолиятини бошқариш, мувофиқлаштириш ва бирлаштириш мақсадида ташкил этилади.

7.2. Худудий партия ташкилотлари юридик шахс мақомига эга бўлади.

7.3. Худудий партия ташкилотининг олий органи конференциядир. Конференция худудий партия ташкилотининг Кенгаши томонидан камида беш йилда бир марта чақирилади.

7.4. Худудий партия ташкилотининг навбатдан ташқари конференцияси худудий партия ташкилот Кенгаши қарорига кўра ёки худудий партия ташкилоти аъзоларининг учдан бир қисмининг талабига биноан чақирилади.

7.5. Худудий партия ташкилотининг конференцияси:
– раҳбар органларнинг қарорларига мувофиқ Партия худудий кенгаши фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаб беради;

– худудий партия ташкилоти Кенгашини сайлайди, Кенгаш таркибини, аъзоларининг сонини ва унинг ваколатларини белгилайди;

– худудий партия ташкилоти назорат-тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлайди;

– худудий партия ташкилоти Кенгаши, назорат-тафтиш комиссияси, худудий партия ташкилоти Кенгаши Ижроия Қўмитаси раисининг ҳисоботларини тасдиқлайди;

– сайлов кампанияларида иштирок этиш, жойлардаги давлат ҳокимияти вакиллик органларига номзодлар кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилади;

– жойлардаги давлат ҳокимияти вакиллик органларига номзодлар кўрсатади;

– Партия Марказий Кенгаши томонидан белгиланган тартибда ва вакиллик миқдорига мувофиқ Партия Съездиغا делегатлар сайлайди.

Конференция ҳудудий партия ташкилотининг фаолияти билан боғлиқ бўлган бошқа қарорларни қабул қилишга ҳақлидир.

7.6. Ҳудудий партия ташкилоти Кенгаши тегишли ҳудудий партия ташкилотининг конференциялари орасидаги даврдаги раҳбар органи ҳисобланади, унинг манфаатларини ифода этади ва унинг номидан иш кўрилади.

7.6.1. Ҳудудий партия ташкилоти Кенгашининг мажлислари зарур ҳолларда, лекин камида бир йилда икки марта ўтказилади. Ҳудудий партия ташкилоти Кенгашининг қарорлари ҳисобдор органлар ва қуйи партия ташкилотлари учун мажбурийдир. Алоҳида ҳолларда, ушбу Уставда белгиланган ҳолатларда ҳудудий партия ташкилоти Кенгашининг қарорлари Партия Марказий Кенгаши ёки Партия Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси томонидан тасдиқланганидан кейин кучга киради.

7.6.2. Ҳудудий партия ташкилоти Кенгашининг мажлисида ҳудудий партия ташкилотининг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш учун ушбу Кенгаш аъзолари ичидан ҳудудий партия ташкилоти Кенгаши Ижроия қўмитасининг Райси ва унинг ўринбосарлари сайланади.

7.6.3. Ҳудудий партия ташкилоти Кенгашининг мажлиси конференциялар орасидаги даврда ушбу Кенгаш таркибидан чиқиб кетган аъзолар ўрнига янги аъзоларни сайлашга ҳақлидир, улар кейинчалик конференцияда тасдиқланади.

7.6.4. Ҳудудий партия ташкилоти Кенгаши ва назорат-тафтиш комиссиясининг аъзолари ҳудудий партия ташкилоти конференциясининг тўғридан-тўғри делегатлари ҳисобланади.

7.6.5. Худудий партия ташкилоти Кенгаши:

- худудий партия ташкилоти конференциянинг чақирилиши ва ўтказилишини ташкил этади;
- худудий партия ташкилоти Кенгашининг Ижроия Қўмитасини сайлайди;
- Партия раҳбар органларининг қарорлари бажарилишини ташкил этади;
- тегишли давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатлигига номзодлар кўрсатади;
- Партия иштирок этадиган сайлов кампанияларининг ўтказилиши учун масъул бўлади;
- Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесиде Партия фракцияси ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларидаги Партия гуруҳи фаолиятини мувофиқлаштиради;
- Партиянинг раҳбар кадрлари ва бошқа фаолларини ўқитиш ҳамда малакасини ошириш ишларини ташкил этади;
- бошқа нодавлат нотижораг ташкилотлари билан ҳамкорликни амалга ошириш доирасида махсус дастурлар ҳамда режаларнинг қабул қилиниши ва бажарилишини таъминлайди;
- Худудий партия ташкилоти бюджетининг лойиҳасини ишлаб чиқади ва Партия Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитасига тасдиқлаш учун тақдим этади;
- тегишли ҳудуд бўйича Партия аъзоларининг ҳисобини ташкил этади;
- Партия аъзолик бадалларининг келиб тушиши ҳисобини ташкил этади;
- худудий партия ташкилоти Партия Уставида кўрсатилган бошқа ваколатларга эга бўлиши мумкин.

7.6.6. Худудий партия ташкилоти Кенгаши унинг ваколатларига кирувчи масалалар бўйича худудий партия ташкилоти Кенгашининг Ижроия Қўмитаси Раиси ёки унинг ўринбосарлари томонидан имзоланадиган қарорлар ва фармойишлар қабул қилади.

7.7. Худудий партия ташкилоти Кенгаши Ижроия Қўмитасининг Раиси қуйидаги ваколатларга эга бўлади:

– Партия раҳбар органларининг қарорлари бажарилишини ташкил этади ва шу мақсадларда қуйи партия ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштиради;

– ҳудудий партия ташкилоти Кенгашининг, ҳудудий партия ташкилоти Кенгаши Ижроия Қўмитасининг мажлисларини олиб боради, ушбу мажлисларнинг қарорларини тасдиқлайди;

– ҳудудий партия ташкилотининг жорий фаолиятига раҳбарлик қилади, ташкилот номидан ишларни ишончномасиз юритади, ишончномалар беради, битимлар, меҳнат шартномалари тузади ва бошқа ҳужжатларни имзолайди;

– ҳудудий партия ташкилоти Кенгаши Ижроия қўмитасига умумий раҳбарликни амалга оширади;

– туман (шаҳар) партия ташкилотларининг туман (шаҳар) партия ташкилоти Кенгаши Ижроия қўмитасининг раисини ва унинг ўринбосарларини сайлаш тўғрисидаги қарорларни тасдиқлайди;

– туман (шаҳар) партия ташкилоти Кенгашининг девони раҳбарлари ва ходимлари, Ижроия қўмига девонининг ходимлари билан белгиланган тартибда меҳнат шартномаларини тузади ва уларни бекор қилади;

– ҳудудий партия ташкилоти ваколатига тааллуқли молиявий ҳужжатларни имзолайди;

– Партия аъзоларининг ҳисобга олинишини ташкил қилади, аъзоликка қабул қилиш ва аъзоликдан чиқариш чораларини кўради, аъзоликни тўхтатиб туришни қайд этади;

– ҳудудий партия ташкилоти Кенгашининг фаолияти соҳасига кирмайдиган аммо Партия Устави билан белгиланган бошқа ваколатларни амалга оширади.

7.8. Ҳудудий партия ташкилоти Кенгаши Ижроия Қўмитаси тегишли ҳудудий партия ташкилотининг доимий фаолият кўрсатувчи органидир. Ҳудудий партия ташкилоти Кенгашининг мажлислари орасидаги даврда ҳудудий партия ташкилоти Кенгашининг Ижроия Қўмитаси унга берилган ваколатлар доирасида тегишли ҳудудий партия ташкилотининг манфаатларини ифода этади ва унинг номидан иш кўради. Ҳудудий партия ташкилоти Кенгаши Ижро-

ия Кўмитасининг иш тартиби ҳудудий партия ташкилоти тўғрисидаги Низомда белгиланади.

Ҳудудий партия ташкилоти Кенгаши Ижроия Кўмитасининг жорий фаолиятини ҳудудий партия ташкилоти Кенгаши Ижроия Кўмитасининг девони амалга оширади.

Ҳудудий партия ташкилоти Кенгаши Ижроия Кўмитаси ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлари партиянинг барча қуйи бўғинлари учун мажбурийдир.

7.9. Ҳудудий партия ташкилотининг назорат-тафтиш комиссияси:

7.9.1. Ҳудудий партия ташкилотининг назорат-тафтиш комиссияси ҳудудий партия ташкилоти Кенгашининг ва партия қуйи ташкилотларининг устав ва молия-хўжалик фаолиятини, партия бюджетини шакллантириш ва тегишлича бажарилишини назорат қилувчи органдир.

7.9.2. Ҳудудий партия ташкилотининг назорат-тафтиш комиссияси ўз таркибидан комиссия раисини сайлайди. Ҳудудий партия ташкилоти раҳбарлари, унинг Кенгаши ва Ижроия Кўмитаси аъзолари назорат-тафтиш комиссияси аъзолари этиб сайланиши мумкин эмас.

7.9.3. Назорат-тафтиш комиссияси:

– ҳудудий партия ташкилоти ва туман (шаҳар) партия ташкилотларининг молия-хўжалик фаолиятини тартибга солувчи қонунчиликка риоя этилиши. Партиянинг Устави ва Дастури, Партия раҳбар органлари қарорларининг бажарилиши устидан назоратни амалга оширади;

– ҳудудий партия ташкилотининг молия-хўжалик фаолиятини текширади;

– ҳудудий партия ташкилоти конференцияларида ўз фаолияти тўғрисида ҳисобот беради;

– ҳудудий партия ташкилоти молия-хўжалик фаолиятининг ҳар йиллик текширувларини амалга оширади;

– ҳудудий партия ташкилоти молия-хўжалик фаолиятининг мақсадли ва режадан ташқари текширувларини ўтказиши мумкин;

– Партия аъзоларининг аризалари ва шикоятларини кўриб чиқади.

Назорат-тафтиш комиссияси ҳудудий партия ташкилоти конференциясигача бўлган даврда аниқланган камчилик-

ларни бартараф этиш юзасидан тақдимномалар ва таклифлар киритишга ҳақлидир.

7.9.4. Худудий партия ташкилотининг назорат-тафтиш комиссияси худудий партия ташкилоти конференцияси олдидан ҳисобдордир.

7.9.5. Худудий партия ташкилотининг назорат-тафтиш комиссияси ўз фаолиятида Партия Устави, худудий партия ташкилоти тўғрисидаги Низом ва Партия Марказий назорат-тафтиш комиссиясининг норматив ҳужжатларига амал қилади.

VIII. ТУМАН (ШАҲАР) ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ

8.1. Туман (шаҳар) партия ташкилотининг олий органи унинг конференциясидир. Ташкилот конференцияси туман (шаҳар) партия ташкилоти Кенгаши томонидан камида беш йилда бир марта чақирилади.

8.2. Туман (шаҳар) партия ташкилотининг навбатдан ташқари конференцияси туман (шаҳар) партия ташкилотининг Кенгаши қарорига кўра ёки туман (шаҳар) партия ташкилоти аъзоларининг учдан бир қисмининг талабига биноан чақирилади.

8.3. Туман (шаҳар) партия ташкилотининг конференцияси ваколатларига қуйидагилар киради:

– Партиянинг дастурий мақсадлари, Партия Съезди, Марказий Кенгаши, Партия Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитасининг, тегишли худудий партия ташкилотининг қарорларидан келиб чиқадиган вазифаларни аниқлаш ҳамда уларни бажариш юзасидан чора-тадбирларни белгилаш;

– туман (шаҳар) партия ташкилоти Кенгашини ва Кенгашининг Ижроия қўмитаси аъзоларини сайлаш;

– туман (шаҳар) партия ташкилоти Кенгашининг ҳисоботларини эшитиш ва улар бўйича қарорлар қабул қилиш;

– туман (шаҳар) халқ депутатлари Кенгаши депутатлигига белгиланган тартибда номзодлар кўрсатиш;

– тегишли юқори худудий партия ташкилоти конференциясига делегатларни сайлаш;

– туман (шаҳар) партия ташкилоти тўғрисидаги Уставда белгиланган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

8.4. Туман (шаҳар) партия ташкилоти Кенгаши тегишли туман (шаҳар) партия ташкилотининг конференциялари орасидаги даврда раҳбар орган ҳисобланади, унинг манфаатларини ифода этади ва унинг номидан иш кўради.

8.4.1. Туман (шаҳар) партия ташкилоти Кенгашининг мажлислари зарур бўлган ҳолларда, лекин камида бир йилда икки марта ўтказилади. Туман (шаҳар) партия ташкилоти Кенгашининг қарорлари ҳисобдор партия органлари учун мажбурийдир. Алоҳида ҳолларда, мазкур Уставда белгиланган ҳолатларда Кенгашнинг қарорлари уларнинг ҳудудий партия ташкилоти томонидан тасдиқланганидан кейин кучга киради.

8.4.2. Туман (шаҳар) партия ташкилотининг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш учун туман (шаҳар) партия ташкилотининг Кенгаши мажлисида унинг таркибидан тегишли Кенгаш Ижроия Қўмитасининг Раиси ва унинг ўринбосарлари сайланади. Туман (шаҳар) партия ташкилоти Кенгашининг Ижроия кўмитаси Раисини ва унинг ўринбосарларини сайлаш тўғрисидаги қарори тегишли ҳудудий партия ташкилоти томонидан тасдиқланади.

8.4.3. Туман (шаҳар) партия ташкилоти Кенгашининг мажлиси навбатдаги конференцияда тасдиқлаш шарт билан конференциялар орасидаги даврда тегишли Кенгашнинг янги аъзоларини унинг таркибидан чиқиб кетганлар ўрнига сайлашга ҳақлидир.

8.4.4. Туман (шаҳар) партия ташкилоти Кенгашининг аъзолари туман (шаҳар) партия ташкилоти конференциясининг тўғридан-тўғри делегатлари ҳисобланади.

8.5. Туман (шаҳар) партия ташкилоти Кенгаши:

– Туман (шаҳар) партия ташкилоти конференциясини чақирилиш ва ўтказишни ташкил этади;

– Партия раҳбар органларининг қарорларини бажаришни ташкил этади;

– маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик идораларининг депутатлигига номзодларни кўрсатади;

– Партиянинг раҳбар кадрлари ва бошқа фаолларини ўқитиш ҳамда малакасини ошириш ишларини ташкил этади;

– бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликни амалга ошириш доирасида махсус дастурлар ва режаларнинг қабул қилиниши ва бажарилишини таъминлайди;

– тегишли туман (шаҳар) бўйича Партия аъзоларининг ҳисобга олинишини ташкил этади;

– бошланғич партия ташкилотининг тузилиши тўғрисида қарор қабул қилади;

– туман (шаҳар) партия ташкилоти сметасининг лойиҳасини ишлаб чиқади ва юқори турувчи партия идорасига тасдиқлаш учун тақдим этади;

– Партия аъзолик бадалларининг келиб тушишининг ҳисобини ташкил этади;

– Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашидаги партия гуруҳининг фаолиятини мувофиқлаштиради;

– туман (шаҳар) партия ташкилоти тўғрисидаги Низомда кўрсатилган бошқа ваколатларга эга бўлиши мумкин.

8.6. Туман (шаҳар) партия ташкилоти Кенгаши ўз ваколатларига кирувчи масалалар бўйича туман (шаҳар) партия ташкилоти Кенгашининг Ижроия Қўмитаси Раиси ёки унинг ўринбосарлари томонидан имзоланадиган қарорлар ва фармойишлар қабул қилади.

8.7. Туман (шаҳар) партия ташкилоти Кенгашининг Ижроия Қўмитаси раиси:

– Партия раҳбар органларининг қарорлари бажарилишини ташкил этади ва шу мақсадларда бошланғич партия ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштиради;

– туман (шаҳар) партия ташкилоти, туман (шаҳар) партия ташкилоти Кенгаши Ижроия қўмитасининг жорий фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади;

– туман (шаҳар) партия ташкилоти Кенгаши ва унинг Ижроия қўмитасининг мажлисларини олиб боради, ушбу мажлисларнинг қарорларини имзолайди;

– туман (шаҳар) партия ташкилоти Кенгашининг Ижроия қўмитасининг раисини ва унинг ўринбосарини сайлаш тўғрисидаги қарорни тасдиқлайди;

– бошланғич партия ташкилотининг Партия аъзолигига қабул қилиш тўғрисидаги қарорни тасдиқлайди;

– Партия аъзоларининг ҳисоби, аъзоликка қабул қилиш, аъзоликнинг тўхтатиб турилиши ва аъзоликдан чиқариш юзасидан қораларни бевосита амалга оширади;

– ҳудудий партия ташкилотининг Кенгаши, туман (шаҳар) партия ташкилотининг Кенгаши ва конференцияси томонидан берилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

8.8. Туман (шаҳар) партия ташкилоти Кенгашининг Ижроия Қўмитаси тегишли туман (шаҳар) партия ташкилотининг доимий ишловчи органидир.

Туман (шаҳар) партия ташкилоти Кенгаши мажлисларининг орасидаги даврда Ижроия Қўмита ўзига берилган ваколатлар доирасида тегишли туман (шаҳар) партия ташкилотининг манфаатларини ифода этади ва унинг номидан иш кўради. Туман (шаҳар) партия ташкилоти Кенгаши Ижроия Қўмитасининг иш тартиби туман (шаҳар) партия ташкилоти тўғрисидаги ва ҳудудий партия ташкилоти тўғрисидаги Низомлар билан белгиланади.

Туман (шаҳар) партия ташкилоти Кенгаши Ижроия Қўмитаси ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлари бошланғич партия ташкилотлари учун мажбурийдир.

IX. БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ

9.1. Бошланғич партия ташкилоти ушбу Устав асосида фаолият юритади, ҳудудий-ишлаб чиқариш белгисига кўра Партиянинг камида учта аъзоси мавжуд бўлганда ташкил этилади.

9.2. Бошланғич партия ташкилоти тегишли туман (шаҳар) партия ташкилотининг қарори билан тузилади ва тугатилади.

9.3. Бошланғич партия ташкилоти:

– қонунчилик доирасида аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боради, ушбу йўналишда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, жамоат ташкилотлари ва бевосита фуқароларнинг ўзи билан ҳамкорликни амалга оширади;

– турли ижтимоий гуруҳлар вакиллари билан алоқалар ўрнагади, улар билан мунтазам учрашувлар ташкил этади ва юзага келган муаммоларни ўрганади, уларни қонуний воситалар билан ҳал этишга ёрдам беради;

– Партия электоратининг қонуний манфаатларини ифода этувчи ижтимоий-сиёсий, социал ва бошқа масалалар бўйича материаллар ва таклифларни тайёрлайди;

– Партия сафларига янги аъзоларни жалб этади, туман (шаҳар) партия ташкилотига ушбу йўналишда амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳисоботлар тақдим этади;

– аъзолик бадалларини Партия ҳисоб-китоб варақларига ўтказилишини таъминлайди, бу ҳақда туман (шаҳар) партия ташкилотига мунтазам ҳисобот тақдим этади;

– бошланғич партия ташкилотида иш юритилишини таъминлайди;

– юкори турувчи партия ташкилотлари тақдим этган партия ҳужжатлари ва моддий бойликларнинг тўлик сақланиши учун масъул бўлади.

9.4. Бошланғич партия ташкилотининг олий раҳбар органи умумий йиғилишдир. Умумий йиғилиш зарур ҳолларда, лекин камида йилига тўрт марта чақирилади. Навбатдан ташқари умумий йиғилиш бошланғич партия ташкилоти аъзоларининг ярмидан ортиқ қисмининг талабига кўра чақирилиши мумкин.

Умумий йиғилиш унинг ишида бошланғич партия ташкилоти аъзоларининг ярмидан ортиқ қисми иштирок этса ваколатли бўлади. Бошланғич партия ташкилотида қарорлар умумий йиғилишда кворум мавжуд бўлган тақдирда иштирок этувчи аъзоларнинг кўлчилик овозлари билан қабул қилинади.

Умумий йиғилиш:

– бошланғич партия ташкилотининг фаолиятига оид масалаларни кўриб чиқади ва улар бўйича қарорлар қабул қилади;

– бошланғич партия ташкилоти кенгашини, унинг раисини ва ўринбосарини бир йил муддатга сайлайди, кенгашнинг сон таркибини белгилайди;

– туман (шаҳар) партия ташкилоти конференциясига делегатлар сайлайди;

– туман (шаҳар) партия ташкилоти, худудий партия ташкилоти раҳбар органларининг таркибига номзодларни тавсия этади;

– Бошланғич партия ташкилоти Кенгаши раҳбарларининг ҳисоботларини тинглайди.

9.5. Бошланғич партия ташкилоти Кенгаши умумий йиғилишлар орасидаги даврда доимий ишловчи раҳбар коллегиял органидир. Кенгаш мажлислари зарур бўлган ҳолларда, лекин камида уч ойда бир марта чақирилади. Кенгаш бошланғич партия ташкилоти Умумий йиғилиши олдида ҳисобдордир.

Бошланғич партия ташкилоти Кенгаши бошланғич партия ташкилотида 50 (эллик) нафардан ортиқ партия аъзолари бўлганда сайланади.

Кенгашнинг ваколатларига куйидагилар киради:

– фуқароларни Партия аъзолигига қабул қилиш, тўхтатиб қўйилган аъзоликни қайд этиш ва Партия аъзолигидан чиқариш;

– Партия раҳбар органларининг қарорларини бажаришга доир ишларни ташкил этиш;

– бошланғич партия ташкилоти умумий йиғилишларига материаллар тайёрлашни амалга ошириш;

– зарур бўлган ҳолларда йирик бошланғич партия ташкилотида бошланғич партия ташкилоти Ижроия Қўмита Раиси ва унинг ўринбосари ҳамда бошқа аъзолардан иборат Ижроия Қўмита ташкил этилиши мумкин;

– бошланғич партия ташкилотларида партия аъзолари бўлмаган тарафдорларининг секциялари, семинарлари ва клублари ташкил этилиши мумкин.

9.6. Бошланғич партия ташкилотининг (Кенгаши) раиси:

– бошланғич партия ташкилоти Кенгашининг фаолиятига раҳбарликни амалга оширади;

– Партия раҳбар органларининг қарорлари бажарилишини таъминлайди;

– бошланғич партия ташкилотининг умумий йиғилиши ва бошланғич партия ташкилоти Кенгашининг олдида ҳисобдор бўлади;

– раис йўқлигида унинг вазифаларини раис ўринбосари бажариб туради.

Х. ДЕПУТАТЛАР БИРЛАШМАЛАРИ

10. Партия манфаатларини ифода этиш мақсадида давлат ҳокимиятининг вакиллик органларида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва

Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорги Кенгесида Партия фракциялари, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида қонунда белгиланган тартибда депутатлар гуруҳларини тузади.

10.1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида партия фракцияси (бундан буён матнда Фракция деб юритилади) Партия томонидан кўрсатилган ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайланган депутатлар орасидан тузилади.

10.1.1. Фракция ўз ишини Партиянинг дастурий ҳужжатлари, Партия Съездида белгиланган парламент фаолиятининг вазифалари ҳамда Партия марказий ва ижроия идораларининг тавсияларига мувофиқ ташкил этади.

10.1.2. Фракция Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳуқуқларга эга бўлади.

10.1.3. Мухим сиёсий масалалар юзасидан нуқтаи назарларни келишиб олиш учун Фракция ва Марказий Кенгашнинг ёки Партия Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитасининг кўшма мажлислари ўтказилиши мумкин. Фракция аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида овоз бериш давомида биргаликда ишлаб чиқилган нуқтаи назарларга асосланади.

10.1.4. Фракциянинг фаолияти Партиянинг марказий идоралари томонидан мувофиқлаштирилиб турилади. Фракция Партиянинг Марказий Кенгашига ўз фаолияти тўғрисида белгиланган тартибда мунтазам ҳисобот тақдим этади. Фракциянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги вакиллиги давридаги ҳисоботи Партия Съездида тингланиши мумкин.

10.2. Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорги Кенгесидаги Партия фракцияси ва Халқ депутатлари вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашларидаги партия гуруҳлари (бундан буён матнда – партия гуруҳлари деб юритилади) Партия томонидан кўрсатилган ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайланган депутатлар орасидан тузилади.

10.2.1. Партия гуруҳларининг фаолияти тегишли ҳудудий ва туман (шаҳар) партия ташкилотларининг раҳбар органлари томондан мувофиқлаштирилади.

10.2.2. Партия гурухлари ўз фаолиятини Партиянинг дастурий ҳужжатлари, тегишли ҳудудий партия ташкилот-ти конференцияси конун ижодкорлиги фаолияти вазифа-ларидан, тегишли ҳудудий партия ташкилоти Кенгаши-нинг тавсиялари, шунингдек юкори партия идораларининг қарорларидан келиб чиқиб ташкил этади.

10.2.3. Назорат вазифалари самарадорлигини ошириш мақсадида Халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар Кенгашларининг партия гурухларига Ўзбекистон Респуб-ликаси Президентига вилоят ва Тошкент шаҳри ҳокими ла-возимига тасдиқланган шахсларнинг қоникарсиз фаолияти ҳақида асосланган хулосаларни тақдим этиш ташаббуси би-лан чиқиш ҳуқуқи берилади.

Ушбу хулосаларнинг асосланиши вилоят ва Тошкент шаҳри ҳокимининг фаолиятини мунтазам ахборот-тах-лилий мониторинг қилишга асосланиши ҳамда ҳудудий партия ташкилоти билан келишилиши лозим. Зарур бўлган ҳолларда ҳудудий партия ташкилоти тегишли маслаҳатлар олиш учун Партия Марказий Кенгашига мурожаат қилиши, шунингдек келишиш бошланган пайтдан кўпи билан 20 (йигирма) кун ичида мустақил экспертларни хулосаларни таҳлил этиш учун жалб этиши мумкин.

10.2.4. Партия гурухлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, Халқ депутатлари вило-ятлар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашларига сайловлар юза-сидан, тегишли сайлов округи бўйича партия томонидан кўрсатилган номзодларнинг сайловолди кампанияси тап-килий ва ташвиқот-тарғиботини таъминлайдиган, округ сайловчилари олдида Партиянинг ижобий нуфузини шакл-лантириш мақсадида партия гурухлари ва партия ташки-лотларининг округ бирлашмаларини ташкил қилади.

10.2.5. Партия гурухларининг аъзолари маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларида овоз беришда Партия-нинг биргаликда ишлаб чиқилган нуқтан назарларига тая-нади.

10.2.6. Муҳим ижтимоий-сиёсий масалалар бўйича нуқтан назарларни келишиб олиш учун партия гурухлари

ва тегишли ҳудудий партия ташкилоти Кенгашларининг кўшма мажлислари ўтказилиши мумкин.

10.2.7. Партия гуруҳларининг аъзолари томонидан Партия манфаатларига зид келувчи ҳаракатлар содир этган ёки улар билан туриб инкор этилган тақдирда ҳудудий партия ташкилоти қонун ҳужжатларига мувофиқ депутатларни чақириб олиш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тўхтатиш масаласини кўтариши мумкин.

10.2.8. Партия гуруҳлари ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотни тегишли ҳудудий партия ташкилотига белгиланган муддатларда тақдим этади. Уларнинг вакиллик даври мобайнидаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботлар тегишли ҳудудий партия ташкилоти конференцияларида тингланади.

10.3.1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов округларида туман (шаҳар) партия бирлашмалари тузилиши мумкин.

10.3.2. Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорғи Кенгеси, Халқ депутатлари вилоятлар, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов округларида бошланғич партия ташкилотларининг округ бирлашмалари тузилиши мумкин.

10.3.3. Партия раҳбар органларининг қарорларига кўра сайлов округларидаги тегишли партия бирлашмаларининг раҳбарларига ушбу бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштириш ҳуқуқи берилиши мумкин.

10.3.4. Партия гуруҳларини ва партия ташкилотларининг сайлов округларидаги округ бирлашмаларини тузиш тўғрисидаги Низом Партия Марказий Кенгашининг Ижроия Қўмитаси томонидан тасдиқланади.

ХІ. ПАРТИЯНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИДА ИШТИРОК ЭТИШИ

11.1. Партиянинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловларида иштирок этиши тартиби Ўзбекистон Рес-

публикасининг Конституцияси, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Партиянинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловларида иштирок этиши тўғрисида қарор сайловолди кампанияси бошланиши тўғрисидаги эълондан кейин бир ҳафта ичида Партиянинг Марказий Кенгаши Пленумида қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимиغا Партия томонидан номзод кўрсатиш Партия Съезди томонидан амалга оширилади. Бу ҳақдаги қарор Партия Съезди делегатларининг кўпчилиги ижобий овоз берган тақдирда қабул қилинади ва баённома билан расмийлаштирилганидан сўнг тегишли ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига топширилади.

11.2. Партиянинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этиши тартиби Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов тўғрисида» ги Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

11.3. Партиянинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этиши тўғрисидаги қарор сайловолди кампанияси бошланиши тўғрисидаги эълондан кейин бир ҳафта ичида Партия Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси томонидан қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатишни партия Марказий Кенгаши тақдим қилган рўйхатга асосан Съезд амалга оширади.

Партия томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳақидаги қарори Партия Съезди делегатларининг кўпчилиги ижобий овоз берган тақдирда қабул қилинади ва баённома билан расмийлаштирилганидан сўнг тегишли ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига топширилади.

Ўрни бўшаб қолган депутатлар ўрнига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш Партия Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси тақдим қилган рўйхат асосида Партия Марказий Кенгаши томонидан амалга оширилади.

11.4. Партия Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатлигига, Халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари депутатлигига сайловларда иштирок этиши тартиби Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатлигига, Халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари депутатлигига сайловларда иштирок этиши тўғрисидаги қарор сайловолди кампанияси бошланиши тўғрисидаги эълондан кейин бир ҳафта ичида тегишли ҳудудий партия ташкилотларининг Кенгашлари томонидан қабул қилинади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатлигига, Халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳудудий партия ташкилотлари, туман (шаҳар) партия ташкилотлари томонидан амалга оширилади.

Партия томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатлигига, Халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳақидаги қарор тегишли ҳудудий партия ташкилоти Кенгаши, туман (шаҳар) партия ташкилотлари Кенгашлари томонидан мажлисда иштирок этувчи аъзоларнинг кўпчилик овозлари билан қабул қилинади ва баённома билан расмийлаштирилганидан сўнг тегишли сайлов комиссиясига топширилади.

ХII. ПАРТИЯНИНГ БОШҚА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ВА ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ БИЛАН МУНОСАБАТЛАРИ

12.1. Партия Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари доирасида бошқа партиялар ва жамоат бирлашмалари билан иттифоқларга (блоклар, коалицияларга) ва шартнома муносабатларига киришиши мумкин.

Партия чет эл партиялари ва жамоат ташкилотлари билан алоқалар ўрнатиши мумкин.

12.2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Партия фракцияси ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидagi партия фракцияси, Халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар Кенгашларидаги партия гуруҳлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий фаолият юритувчи бошқа сиёсий партияларнинг депутатлик бирлашмалари билан умумий нуқтаи назарини келишиб олиши ёки уларга нисбатан муҳолифатда бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида бошқа партиялар билан бирга ишлаб чиқилган нуқтаи назар тўғрисидаги қарор Фракция раҳбари томонидан Партиянинг Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси билан келишилган ҳолда қабул қилинади.

12.3. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий фаолият юритувчи бошқа сиёсий партияларнинг депутатлик бирлашмалари билан биргаликда ишлаб чиқилган нуқтаи назари ҳақидаги қарор Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидagi Партия фракцияси, Халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар Кенгашларидаги партия гуруҳининг раҳбари томонидан тегишли ҳудудий (туман, шаҳар) партия ташкилотининг Кенгаши билан келишилган ҳолда қабул қилинади.

ХII. ПАРТИЯ ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ, УНИНГ МУЛКИ ВА ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИ

13.1. Партия Дастурида кўрсатилган устувор мақсад ва вазифаларга эришиш учун қуйидаги молиявий манбалардан қонунда белгиланган тартибда фойдаланиши мумкин:

- партия аъзолик бадаллари;
- жисмоний ва юридик шахслар томонидан қонунга мувофиқ тақдим этиладиган хайрия ёрдами;
- қонунга мувофиқ давлат бюджетидан ажратилган маблағлар;
- қонунга мувофиқ тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлар;
- амалдаги қонунларда тақиқланмаган бошқа тушумлар.

13.2. Ушбу Уставда белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун Партия бинолар, иншоотлар, корхоналар ва хўжаликлар, наشريётлар, турар жой, жиҳоз-ускуналар, транспорт воситалари, инвентарлар, маданий-маърифий ва соғломлаштириш мақсадлари учун мўлжалланган мол-мулклар, пул маблағлари, шу жумладан чет эл валютасидаги маблағлар, қимматли қоғозларга ва муомалада чекланмаган бошқа мол-мулкка эга бўлиши мумкин.

13.3. Ҳудудий партия ташкилотлари ва бошқа қуйи ташкилотларга бириктирилган мол-мулк Партиянинг мулкидир. Ҳудудий партия ташкилотлар ва бошқа қуйи ташкилотлар ўзларига бириктирилган мол-мулкни тезкор равишда бошқаради.

13.4. Партия тадбиркорлик фаолиятини қонун билан белгиланган тартибда, фақат мазкур Уставда белгиланган вазифаларни ҳал этиш учун амалга оширади. Партиянинг тадбиркорлик фаолияти натижасида олинган даромадлар Партия аъзолари ўртасида тақсимланиши мумкин эмас ва фақат Уставда билан белгиланган вазифаларни бажариш учун фойдаланилади.

13.5. Партия аъзолик бадалининг миқдори ва уни тўлаш тартиби Партиянинг Марказий Кенгаши қарори билан белгиланади. Нафақахўрлар ва талабалар партия аъзолик бадалларини тўлашдан озод этилади.

13.6. Ҳар ойлик партия аъзолик бадалларининг ҳамда туман (шаҳар) партия ташкилотлари бошқа тушумларининг ўн фоизи ҳудудий партия ташкилотларининг ҳисобида қолади, беш фоизи Партиянинг Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитасининг ҳисобига ўтказилади. Партия аъзолик бадалларининг ҳамда бошқа тушумларнинг қолган қисми

тегишли партия ташкилотларининг Уставда белгиланган вазифаларни самарали ҳал этиш учун ишлатилади. Партиянинг ҳисоб-китоб варағига тушган маблағларнинг ишлатилиш тартиби Партия Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси томонидан белгиланади.

13.7. Партия ўз бюджетини ҳар йили ҳамманинг эътибори учун эълон қилади ва ўз фаолиятини маблағлар билан таъминлаш манбалари тўғрисида ваколатли органларга белгиланган тартибда ҳисобот тақдим этади.

XIV. ПАРТИЯДА ОВОЗ БЕРИШ ЖАРАЁНИ

14.1. Партия ҳар бир органининг қарори унинг мажлисида ушбу орган вакилларининг ярмидан кўп қисми иштирок этса қонуний кучга эга бўлади.

14.2. Барча қарорлар очик овоз бериш йўли билан, овозларнинг кўпчилигини олиш орқали қабул қилинади (Партия фаолиятининг тугатилиши тўғрисидаги қарорлар бундан мустасно).

XV. ПАРТИЯ УСТАВИ ВА ДАСТУРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ, УЛАРГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ

15.1. Партия Устави, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш Партия Съезди томонидан қабул қилинади ва тасдиқланади.

15.2. Партия Съездининг Партия Устави, унга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарори очик овоз бериш йўли билан қабул қилинади ва Партия Съездида иштирок этаётган делегатларнинг учдан икки қисмидан иборат кўпчилиги ижобий овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади.

XVI. ПАРТИЯ ФАОЛИЯТИНИНГ ТУГАТИЛИШИ

16.1. Партия фаолиятининг тугатилиши ушбу Уставда ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибга мувофиқ қайта ташкил этиш ёки тугатиш шаклида амалга

оширилади. Партияни тугатиш тўғрисидаги қарор Партия Съездида унинг барча ташкилотлари фикри ҳисобга олинган ҳолда қабул қилинади. Бу қарор Съезд делегатларининг учдан икки қисми ёқлаб овоз берса қонуний ҳисобланади.

16.2. Партия Съездининг қарорига кўра тугатиладиган мол-мулк ва маблағлардан фойдаланиш тартиби қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

16.3. Партия тугатилган тақдирда партия барча қуйи ташкилотларининг ижроия аппарати ходимларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси билан белгиланган тартибда амалга оширилади.

16.4. Партия ҳужжатлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат архив идораларига топширилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
«КАМОЛОТ» ЁШЛАР
ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИНИНГ
Н И З О М И
(яъни тахрири)

I боб. Умумий қондалар

1. Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати (бундан буён матнда «Ҳаракат» деб юритилади) мамлакатимиз ёшларини ихтиёрийлик, ошқоралик, ҳуқуқ ва мажбуриятлар тенглиги тамойили асосида бирлаштирадиган нодавлат ноижорат ташкилотидир.

2. Ҳаракат ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонун ҳужжатлари ҳамда ушбу Уставга мувофиқ амалга оширади.

3. Ҳаракатнинг тўлиқ номи:

ўзбек тилида – Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати;

рус тилида – общественное движение молодежи Республики Узбекистан «Камолот»;

инглиз тилида – The civic movement of youth of Republic of Uzbekistan «Kamolot».

Ҳаракатнинг қисқартирилган номи:

ўзбек тилида – «Камолот» ЁИҲ;

рус тилида – ОДМ «Камолот»;

инглиз тилида – СМУ «Kamolot».

4. Ҳаракат Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида Давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб юридик шахс мақомига, алоҳида мол-мулкка, ўз мухри, штамплари,

бланклари, бошқа рамз ва белгиларига эга бўлади. Ҳаракат мустақил баланс юритади, банк муассасаларида ҳисобкитоб ва бошқа ҳисоб варақларини очиши, ўз номидан мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқларни олиши, судларда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

5. Ҳаракатнинг сайлаб қўйилган марказий раҳбар органи — Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Марказий Кенгаши (бундан буён матнда «Камолот» ЁИҲ МК) Ҳаракат номидан юридик шахс ҳуқуқларини амалга оширади.

6. Бешинчи бандда белгиланган ҳуқуқлар амалдаги қонун ҳужжатларига ва мазкур Уставга биноан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳудудий органларида рўйхатга олинган Ҳаракатнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимлари (бундан буён матнда Ҳаракатнинг «Ҳудудий бўлимлари» деб юритилади), шунингдек Ҳаракатнинг туман ва шаҳар бўлимлари (бундан буён матнда Ҳаракатнинг «Маҳаллий бўлимлари» деб юритилади)га ҳам жорий этилади.

7. Ҳаракат ўз Устави доирасидаги мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун ташкилот (корхона, муассаса)ларини тузиши мумкин. Ҳаракат халқаро жамоат ташкилотлари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари билан шартнома ҳамда битимлар тузиш ҳуқуқига эгадир.

8. Ҳаракатнинг сайлаб қўйиладиган раҳбар органи - «Камолот» ЁИҲ МК, Ҳаракатнинг ҳудудий ва маҳаллий бўлимлари Кенгаши ўз номидан шартномалар, битимлар тузиши, мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқларни олиши, мажбуриятларга эга бўлиши, судларда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

9. Ҳаракат аъзолари Ҳаракатнинг мажбуриятлари юзасидан, Ҳаракат ўз аъзоларининг мажбуриятлари юзасидан жавоб бермайди.

10. Ҳаракат Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида иш олиб боради.

Рухсатнома (лицензия) талаб қилинадиган фаолиятлар билан тегишли рухсатнома (лицензия) олингандан сўнг шуғулланади.

11. Мамлакат ташқарисида Ҳаракат номидан иш кўриш ҳуқуқи фақат «Камолот» ЁИҲ Марказий Кенгашига берилган.

«Камолот» ЁИҲ МКнинг юридик манзили – Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 11-уй.

II боб. Ҳаракатнинг мақсад ва вазифалари

12. Ҳаракатнинг асосий мақсади – мамлакатимиз ёшларини озод ва обод Ватан яратишдек улуғ мақсад йўлида бирлаштириш, миллий гоямизга таянган ҳолда мустақил Ўзбекистоннинг жисмонан соғлом, маънавий етук, дунёқараши теран ва мустақил фикрловчи, миллий ва умумбашарий қадриятларга асосланган демократик тамойилларни, бозор иқтисодиёти асосларини чуқур эгаллаган ёшларни вояга етказишга ҳар томонлама кўмаклашиш, ўсиб келаётган авлоднинг инсон ҳуқуқлари ва кадр-қимматини улуғлашга, халқимизнинг обрўси ва нуфузини, юртимизнинг шон-шухратини оширишга хизмат қиладиган узок муддатли кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий жараёнлардаги фаол иштирокини таъминлашдан иборатдир.

13. Ҳаракатнинг асосий вазифалари куйидагилардан иборат:
– мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини белгилашда ва амалга оширишда, фуқаролик жамиятини барпо этишда қатнашиш;

– ёшларнинг ғайрат-шижоати, билими, иқтидори ва салоҳиятига таянган ҳолда ҳар бир йигит ва қизнинг Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлигига хизмат қиладиган интилиш, изланиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш орқали «Кучли давлатдан кучли жамият сари» тамойилни рўёбга чиқаришда фаол иштирок этишига эришиш;

– ёш авлодни миллий гояларимизга садоқат, она диёрга меҳр-муҳаббат, мамлакатимизнинг миллий манфаатларини муҳофаза этишдек улуғ ва олижаноб мақсадлар, эътиқод, жасурлик ва фидойилик руҳида тарбиялашга мўлжалланган ташкилий, тарбиявий тадбирларнинг узок муддатли стратегиясини белгилаш ва амалга ошириш;

— ёшларнинг дунё ва мамлакат микёсидаги сиёсий жа-
раёнларга мустақил ва онгли муносабатини шакллантириш,
фаол фукаролик ва фидойи ватанпарварлик позициясини
камол топтириш;

— барча таълим-тарбия муассасаларида, аҳоли турар
жойлари, ишлаб чиқариш соҳаларида маънавий-руҳий
муҳитнинг аҳволини, ёшларнинг кайфиятини, мақсад ва
муддаоларини ҳисобга олган ҳолда ижобий анъана ва та-
шаббусларни қўллаб-қувватлаш, мавжуд муаммоларни,
уларнинг ижтимоий-сиёсий муҳитга, ёшларнинг онги ва
дунёқарашига таъсирини таҳлил этиш, нуқсонларни барта-
раф этишнинг самарали чораларини кўриш;

— маънавий-мафкуравий тарғибот ишларининг шаклан
ва мазмуна уйғунлигини, мунтазамлигини, самарадорлик-
ка асосланишини таъминлаш, яъни, маъруза, суҳбат, баҳс-
мунозаралар, семинарлар ва конференциялар, оммавий ма-
даний ва спорт тадбирлари, оммавий ахборот воситалари
орқали мамлакатда амалга ошириладиган ислохотларнинг,
қабул қилинадиган Фармонлар, Қарорлар ва Қонунларнинг
моҳиятини ёшларга тезкорлик билан етказиш ва кундалик
фаолият дастурига айлантириш;

— ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларини, ёшлар
катламларининг талаб ва эҳтиёжларини, миллий таркиби-
ни ҳисобга олган ҳолда улар ўртасида олиб бориладиган
маданий-маърифий тадбирларнинг дастурларини ишлаб
чиқиш ва амалга ошириш;

— ўзбек халқининг бебаҳо маънавий меросидан ёшларимиз-
нинг мунтазам ва тўлақонли баҳраманд бўлишига, уларнинг
мана шундай маънавий муҳитда камол топишига эришиш;

— жамиятда диний мутаассиблик ва ақидапарастликнинг
барча кўринишларига, юрт тинчлиги ва осойишталигига
раҳна соладиган, ватандошларимизнинг иймон-эътиқоди ва
ишончига путур етказадиган ҳар қандай ғоя ва назариялар-
га қарши курашиш;

— турли тўғарақлар, ижтимоий ёрдам марказлари, клуб-
лар орқали ёшларни касбга ўргатиш, уларда тадбиркор-
лик кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш,
бозор иқтисодиётининг тамойилларини ўрганишлари ва

Ўз соҳасининг етук эгалари бўлиб етишишларига кўмаклашиш;

– ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногирон болалар мактаб-интернатлари тарбияланувчиларини, болаликдан ногирон ўсмирлар ва ёшларни оталиққа олиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга ғамхўрлик кўрсатиш, хунар ўргатиш, иш билан таъминлашга, ўзларини жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида ҳис этишларига кўмаклашиш;

– ёшларнинг жаҳон фани ва маданияти, замонавий технологияларни пухта ўзлаштириши орқали миллий фан ва маданиятни замонавий тараққиёт чўққисига кўтаришга ёрдамлашиш;

– ёшларга Ўзбекистоннинг ташқи ва ички сиёсатда эришаётган ютуқлари аҳамиятини аниқлаштириш орқали уларда миллий гуруҳ ва ифтихор туйғусини тарбиялаш;

– ёшларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш йўли билан Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, қонунларига ҳурмат ҳиссини тарбиялаш, айти пайтда ўзининг фуқаролик ҳуқуқи ва бурчини аниқлаш ҳолда яшаши, жамият ҳаётида фаол иштирок этишига кўмаклашиш;

– ижтимоий адолат мезонларининг ҳар қандай шаклда бузилишига, ҳаётимизда учрайдиган иллатлар – порахўрлик, ошна-огайнигарчилик, маҳаллийчилик, уруғчилик, гуруҳбозлик, мансабпарастлик, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, ахлоқий нопокликка, қонунбузарликнинг барча кўринишларига, хориждан кириб келаётган миллий маънавиятимизга ёт бўлган зарарли удумларга, информацион хуружларга қарши ёшларнинг кескин ва муросасиз муносабатини шакллантириш;

– ёшлар ва болалар жамоат бирлашмалари, нодавлат но-тижорат ташкилотларининг ёшлар ва болаларни ақлий, ижодий ва жисмоний жиҳатдан камол топтиришга қаратилган фаолиятини қўллаб-қувватлаш;

– ёшларнинг ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий муаммоларини ҳал этишга қаратилган дастурларни биргаликда ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасидаги ёшлар ва болалар жамоат бирлашмалари, нодавлат но-тижорат ташкилотларининг шу соҳадаги фаолиятини мувофиқлаштириб бориш;

– давлат ҳокимиятининг барча тармоқлари, нодавлат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари, шунингдек халқаро ва хорижий ёшлар ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш;

– ижтимоий ҳимояга мухтож ёшлар ва ёш oilаларга турли йўналишда маънавий ва моддий ёрдам кўрсатадиган, руҳий, тиббий, ҳуқуқий ва бошқа соҳаларда маслаҳат берадиган, касб-хунар танлашда ва ишга жойлашишда, замонавий ахборот технологияларини ўзлаштиришда ёрдам берадиган ва бўш вақтларини мазмунли ўтказишга хизмат қиладиган тармоқларни кенгайтириш;

– ёшларга жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун шарт-шароит яратиш, ҳарбий хизматга тайёрлаш йўналишларида ишни ташкил этишнинг амалий тизимларини яратиш;

– экологик тарбияни ёшлар тарбияси тизимининг узвий ва уйғун таркибий қисмига айлантириш;

– таълим, фан, техника, ахборот технологиялари, маданият, санъат, спорт, тадбиркорлик соҳаларида кўзга кўринarli ютуққа эришган истеъдодли ва иқтидорли ёшларни рағбатлантириб бориш.

14. Ҳаракатнинг Устав доирасидаги мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, Ҳаракат фаолиятининг турли йўналишлари бўйича ва муайян муддатга мўлжалланган вазифаларни белгилаб берувчи истиқбол Дастурлари қабул қилиниши мумкин.

III боб. Ҳаракатнинг ҳуқуқлари

15. Ҳаракат вазирлик, кўмита ва идораларга қарашли барча ўқув муассасалари, ҳарбий қисмлар, ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар, мулкчилик шаклидан катъий назар, барча турдаги корхоналар, хўжаликлар, давлат, жамоат ва нодавлат ташкилотларидаги ёшларни ўз сафига ихтиёрий тарзда бирлаштиради ва ўз бошланғич ташкилотларини тузади.

IV боб. Ҳаракат фаолиятининг асосий тамойиллари

16. Ҳаракатнинг фаолияти ўз аъзоларининг ихтиёрийлиги, тенг ҳуқуқлилиги ҳамда ўзини ўзи бошқариш, қонунийлик, очиқлик ва ошқоралик тамойилларига асосланади.

Ҳаракат фаолиятининг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

а) ҳар бир аъзонинг манфаатларини ҳимоя этиш, фикрини ҳисобга олиш;

б) жамоа бўлиб фаолият юритиш, қарорлар қабул қилишда коллегиялик, озчиликнинг фикр-мулоҳазаларига ҳурмат билан қараш, қабул қилинган қарорларни бажариш учун тўлиқ масъуллик;

в) Ҳаракатнинг барча органлари қуйидан юқоригача сайлаб қўйилиши;

г) Ҳаракатнинг сайлаб қўйилган раҳбар органларининг юқори органи ҳамда ўз аъзолари олдида ҳисобот бериб туриши, Ҳаракатнинг маҳаллий (ҳудудий) бўлимлари ва бошланғич ташкилотлари ўз фаолияти тўғрисида юқори органларга ахборот бериб бориши;

д) мунозаралар эркинлиги, барча орган ва ташкилотларнинг ишида тўла ошқоралик;

е) сайлаб қўйиладиган юқори раҳбар органнинг ўзига берилган ваколатлар доирасида қабул қилган қарорларининг қуйи ташкилотлар томонидан бажарилиши мажбурийлиги;

ё) жамоа тарзидаги аъзоларнинг ўз ички фаолиятини ва мазкур Устав доирасидаги фаолиятини йўлга қўйишдаги мустақиллиги;

ж) барча тузилмаларда ишларнинг «ташаббус – муҳокама – лойиҳа – амалга ошириш», юқори тузилмалар томонидан бошланғич ташкилотларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш тамойиллари асосида ташкил этилиши.

17. Сайлаб қўйиладиган раҳбар органлар, улар аппаратларининг ваколат ва вазифалари ушбу Устав. Қурултой ҳамда сайлаб қўйиладиган раҳбар органларнинг қарорларига асосан белгилаб қўйилади.

18. Ҳаракатнинг барча органлари ўз ишида жами қатнашчиларнинг учдан икки қисми иштирок этган тақдирда

ваколатли, қатнашчиларнинг ярмидан кўпи ёқлаб овоз берган ҳолатда қарор қабул қилинган ҳисобланади.

V боб. Ҳаракатга аъзолик

19. Ҳаракатга якка тартибда ва жамоа тарзида аъзо бўлинади.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари бўлган жисмоний шахслар ихтиёрийлик асосида Ҳаракатнинг якка тартибдаги аъзолари бўлишлари мумкин.

20. Жинси, ирки, миллати, тили, диний эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, Ҳаракатнинг мақсадларини қўллаб-қувватлайдиган ўн тўрт ёшдан ўттиз ёшгача бўлган йигит ва кизлар Ҳаракатнинг якка тартибдаги аъзоси бўлишлари мумкин.

Ҳаракатга якка тартибдаги аъзолик шахс ўттиз ёшга тўлгандан кейин тўхтатилади, лекин, Ҳаракат аъзосининг берган аризасига асосан Ҳаракат маҳаллий (худудий) бўлимининг сайлаб қўйиладиган раҳбар органи ёки бошланғич ташкилотининг қарори билан узайтирилиши мумкин.

Ҳаракатнинг сайлаб қўйиладиган раҳбар органлари таркибига сайланган шахслар Ҳаракатнинг якка тартибдаги аъзоси бўлиб ҳисобланади.

21. Ҳаракат аъзолигига якка тартибда қабул қилиш бошланғич ташкилотнинг умумий йиғилиши, бошланғич ташкилотларнинг Кенгаши йиғилиши томонидан амалга оширилади. Ҳаракатга аъзо бўлиб кирувчилар тегишли мазмундаги ариза берадилар.

Бошланғич ташкилотнинг аъзоликка қабул қилиш тўғрисидаги қарори узил-кесил қарор ҳисобланади ва Ҳаракатнинг юқори органлари томонидан тасдикланиши талаб этилмайди.

22. Уставида белгиланган мақсад ва вазифалари Ҳаракатнинг Уставига зид бўлмаган юридик шахслар – ёшлар ва болалар жамоат бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари (аъзолари болалар ва ёшлардан иборат бўлган ёки фаолият объекти болалар ва ёшлардан иборат бўлган) Ҳаракатнинг жамоа тарзидаги аъзолари бўлишлари мумкин. Ҳаракатнинг жамоа тарзидаги аъзолари аъзоликка Ҳаракат маҳаллий (худудий) бўлимлари томонидан қабул қилинади.

23. Ҳаракат аъзолигига жамоа тарзида қабул қилиш маҳаллий (худудий) бўлимлар Кенгаши йиғилиши томонидан амалга оширилади. Ҳаракатга жамоа тарзида аъзо бўлиб кирувчилар ўз раҳбар органининг Ҳаракат аъзолигига кириш тўғрисида қабул қилган қарорини тақдим этади.

24. Ҳаракатга аъзолик куйидаги ҳолларда тўхтатилади:

а) ўз хоҳишига кўра шахсий аризаси асосида;

б) Ҳаракат аъзосининг ёши аъзолик ёшидан ўтганда (Ҳаракатнинг сайлаб қўйиладиган органлари таркибига сайланган ёки аъзолик муддати узайтирилганлар бундан мустасно);

25. Ҳаракатнинг жамоа тарзидаги аъзоси раҳбар органининг қарорини тақдим этиш орқали Ҳаракатдаги аъзолигини тўхтатиши мумкин.

VI боб. Ҳаракат аъзоларининг ҳуқуқ ва бурчлари

26. Ҳаракатнинг барча аъзолари куйидаги тенг ҳуқуқларга эгадирлар:

а) умумий йиғилишлар, Конференциялар, Курултой, Ҳаракатнинг сайлаб қўйиладиган раҳбар органлари мажлислари ва Ҳаракатнинг матбуот нашрларида ҳар қандай масалаларни муҳокама қилишда ўз фикрини эркин билдириш;

б) ўзи ёки ўзи сайлаган вакил орқали Ҳаракатнинг сайлаб қўйиладиган органлари қарорларини ишлаб чиқишда қатнашиш;

в) Ҳаракатнинг ҳимояси ва қўллаб-қувватлашидан фойдаланиш;

г) Ҳаракатнинг сайлаб қўйиладиган раҳбар ва назорат-тафтиш органларига номзод кўрсатиш, сайлаш ва сайланиш;

д) Ҳаракат органлари фаолияти тўғрисида ахборот олиш, ўзига тааллуқли масалалар муҳокамасида иштирок этиш ва ўз фикрини билдириш;

е) Ҳаракатнинг ҳар қандай органи ва аъзосини танқид қилиш;

ё) Ҳаракатнинг Устави ва Дастури доирасидаги фаолиятида иштирок этиш, ҳар қандай органига ариза ва таклифлар билан мурожаат қилиш;

ж) Ҳаракатнинг Устави ва дастурий вазифаларига зид бўлмаган ҳолларда сиёсий партиялар, жамоат таъшилотлари ва бошқа ижтимоий ҳаракатлар билан ҳамкорлик қилиш.

27. Ҳаракат аъзоларининг бурчлари қуйидагилардан иборат:
- а) Ҳаракатнинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишда фаол иштирок этиш;
 - б) Ҳаракатнинг ёшлар ўртасида ва жамиятда таъсир кучи ҳамда обрўсини оширишга ўз ҳиссасини қўшиш;
 - в) Ҳаракатнинг органлари, бошланғич ташкилоти йиғилишлари қарорларини бажариш;
 - г) Ҳаракатнинг бошланғич ташкилоти ишида фаол қатнашиш.

28. Ҳаракатнинг жамоат тарзидаги аъзолари яқка тартибдаги аъзолар учун белгиланган барча ҳуқуқ ва бурчларга эга бўладилар.

VII боб. Ҳаракатнинг ташкилий тузилиши

29. Ҳаракатнинг ташкилий негизи – бошланғич ташкилотдир. Бошланғич ташкилотлар Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий бўлинишига мувофиқ Ҳаракатнинг туман ва шаҳар бўлимларига бирлашадилар.

Бошланғич ташкилотлар Етакчиларининг маҳаллий, идоравий, туман, вилоят ва республика даражасидаги Кенгашлари тузилиши мумкин. Бошланғич ташкилотлар Етакчилари Кенгаши ўз фаолиятини Марказий Кенгаш томонидан тасдиқланган Низом асосида амалга оширади.

30. Ҳаракатнинг туман ва шаҳар бўлимлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимларига бирлашадилар.

31. Ҳаракат ҳомийлигида республика «Камалак» болалар ташкилоти фаолият юритади.

32. Ҳаракат ўз таъсис ҳужжатлари асосида иш юритадиган даврий нашрларга, нашриёт-матбаа корхоналарига, кадрлар малакасини ошириш марказига ва бошқа муассасаларга эга бўлади.

VIII боб. Ҳаракатнинг бошланғич ташкилоти

33. Ҳаракатнинг яқка тартибдаги аъзолари ёшларнинг иш, ўқиш ва хизмат жойларида тузиладиган бошланғич ташкилотига бирлашадилар.

Бошланғич ташкилот камида беш нафар Ҳаракат аъзо-сининг хошишига асосан, уларнинг йиғилиши қарори билан тузилади.

«Камолот» ЁИХ МК Ижроия Қўмитасининг қарори билан бошланғич ташкилотларга юридик шахс мақоми берилиши мумкин. Ушбу масалани кўриб чиқишда биринчи навбатда бошланғич ташкилотнинг молиявий имкониятлари ҳисобга олинади.

Ҳаракатнинг яқка тартибдаги аъзолари, шунингдек Ҳаракатга аъзолик ёшидаги йигит-қизлар ўз қизиқишлари бўйича ҳамда турли ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида бошланғич ташкилот мақомига эга бўлмаган, Ҳаракат тизимлари қошида тузиладиган турли клублар ва марказларда бирлашишлари мумкин.

34. Бошланғич ташкилотдаги Ҳаракат аъзоларининг умумий йиғилиши унинг раҳбар органидир. Умумий йиғилиш бир йилда камида икки марта, ҳисобот-сайлов йиғилиши бир йилда бир марта ўтказилади. Умумий йиғилиш бошланғич ташкилот фаолиятига тегишли барча масалаларни кўриб чиқиш ҳуқуқига эга.

Бошланғич ташкилот ҳисобот-сайлов йиғилишининг ваколатлари қуйидагилардан иборат:

- а) Етакчининг ҳисоботини тинглайди ва баҳолайди;
- б) бошланғич ташкилотнинг кейинги йилдаги фаолиятининг асосий йўналишларини белгилайди;
- в) бошланғич ташкилот Етакчисини, Кенгаши таркибини сайлайди;
- г) ваколат доирасига кирадиган бошқа масалаларни кўриб чиқади.

35. Аъзолар сони юз нафардан ортганда камида етти кишидан иборат бошланғич ташкилот Кенгаши сайланади. Кенгаш ўз йиғилишларини икки ойда камида бир марта ўтказиши.

Бошланғич ташкилот Кенгашининг ваколат ва вазифалари қуйидагилардан иборат:

- а) ўз йиғилишларида ваколат доирасидаги масалаларни муҳокама этиш;
- б) иш режаларни белгилаш, масъулларнинг ҳисоботларини эшитиш;

в) Кенгаш аъзолари ўртасида вазифаларни таксимлаш;
г) аъзоларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга доир масалаларни кўриб чиқиш;

д) ўқув муассасаси, ташкилот ёки корхонада ёшлар учун яратилган шароитларни (ўқиш, яшаш, ишлаш, дам олиш ва ҳоказо) яхшилашга кўмаклашиш;

е) Ҳаракат фаолиятида фаол иштирок этаётган аъзоларни, муайян ютуққа эришган ёшларни маънавий (моддий) рағбатлантириш;

ё) Бошланғич ташкилот (ўқув муассасаси, ташкилот, корхона) таркибидаги ёшлар гуруҳлари ўртасида танловлар, мусобақалар ва бошқа тадбирларни ташкил этиш;

ж) ўқув муассасаси (ташкилот, корхона) жойлашган ҳудуддаги қарияларни оталиққа олиш, фахрийлар иштирокида турли хил тарбиявий, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиш;

з) ўқув муассасаси (ташкилот, корхона) жойлашган ҳудуддаги профилактик ҳисобда турган вояга етмаган ўсмирларни оталиққа олиш, уларни тарбиявий, маънавий-маърифий, маданий, спорт-соғломлаштириш тадбирларига жалб этиш;

и) ўқув муассасаси (ташкилот, корхона) ҳудудини ободонлаштириш тадбирларини ташкил этиш.

36. Етакчи бошланғич ташкилотнинг бутун фаолиятига раҳбарлик қилади, унинг умумий йиғилишини чақиради, умумий йиғилиш ва Кенгашни бошқаради, ўқув юрти, корхона, ташкилот, муассаса маъмурияти, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, касаба уюшма ташкилотлари, бошқа жамоат бирлашмалари ва фуқаролар билан ўзаро муносабатларда бошланғич ташкилот номидан иш юритади.

Юридик шахс мақомини олган бошланғич ташкилотнинг Етакчиси қуйидаги ҳуқуқларга эга бўлади:

а) бошланғич ташкилот номидан ишончномасиз иш юритади;

б) бошланғич ташкилотнинг мол-мулкани ваколати доирасида бошқаради;

в) шартномалар, шу жумладан хўжалик шартномалари ва меҳнат битимлари тузади;

г) ишончнома беради;
д) банкларда ҳисоб-китоб варақлари ва бошқа ҳисоб варақларини очади, барча банк, молия ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларга биринчи имзо қўйиш ҳуқуқига эга бўлади;

е) бошланғич ташкилотнинг штатидаги барча ходимлар учун мажбурий бўлган фармойишлар қабул қилади ва кўрсатмалар беради;

ё) ўзига берилган ваколатлар доирасида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига ва ушбу Уставга зид келмайдиган бошқа ҳаракатларни амалга оширади.

IX боб. Ҳаракатнинг маҳаллий ва ҳудудий бўлимлари

39. Ҳаракатнинг маҳаллий ва ҳудудий бўлимлари Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий бўлинишига мувофиқ ташкил этилади.

Ҳаракатнинг маҳаллий ва ҳудудий бўлимлари Ҳаракатнинг юқори органлари ваколат доирасига кирувчи масалалардан ташқари барча масалаларни ҳал этишда мустақилдир.

40. Ҳаракат маҳаллий (ҳудудий) бўлимларининг олий раҳбар органи икки ярим йилда камида бир марта чақириладиган Конференция ҳисобланади. Конференция Ҳаракатнинг маҳаллий (ҳудудий) бўлими Кенгаши томонидан чақирилади. Маҳаллий (ҳудудий) бўлимлар Конференцияларига бўлим таркибидаги бошланғич ташкилотлардан сайланадиган делегатларнинг вакиллик нормаси, сайланиш тартиби ва Конференциянинг ўтиш муддати тегишли бўлим Кенгаши томонидан белгиланади.

Ҳаракат маҳаллий (ҳудудий) бўлими Конференциясининг ваколатлари қуйидагилардан иборат:

а) Кенгашнинг ўтган давр учун ҳисоботини тинглайди ва баҳолайди;

б) бўлимнинг кейинги даврдаги фаолиятининг асосий йўналишларини белгилайди;

в) назорат-тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тинглайди ва тасдиқлайди;

г) бўлим Кенгашини камида йигирма бир кишидан иборат, назорат-тафтиш комиссиясини камида беш кишидан иборат таркибда сайлайди;

д) бўлим Кенгаши раиси ва унинг ўринбосарларини сайлайди;

е) ваколати доирасига кирадиган бошқа масалаларни кўриб чиқади.

41. Маҳаллий (худудий) бўлимга Конференциялар оралигида сайлаб қўйиладиган Кенгаш раҳбарлик қилади, Кенгашнинг йигилишлари олти ойда камида бир марта ўтказилади, Кенгаш йигилишлари тегишли Ижроия Қўмита томонидан чақирилади.

Маҳаллий (худудий) бўлим Кенгашининг ваколат ва вазифалари қуйидагилардан иборат:

а) Ҳаракатнинг Қурултойи, маҳаллий (худудий) бўлими Конференцияси қарорларининг ижросини таъминлаш юзасидан қарорлар қабул қилади;

б) бўлим фаолиятини мувофиқлаштириш, ишни ташкил этиш ва назоратни амалга ошириш мақсадида ўз аъзолари таркибидан комиссиялар ва ишчи гуруҳлар тузади, ўз аъзолари ўртасида иш йўналишларини тақсимлайди ва уларнинг ижроси юзасидан ҳисоботини эшитади;

в) маҳаллий (худудий) бўлим номидан юридик шахс ҳуқуқини амалга оширади;

г) Кенгаш Ижроия Қўмитаси аъзоларини, Кенгаш раиси, унинг ўринбосарларини сайлайди ва вазифасидан озод этади, улар ўртасида иш йўналишларини тақсимлайди. Маҳаллий (худудий) бўлим Кенгаши раиси, унинг ўринбосарлари ва «Камалак» болалар ташкилоти раиси лавозими бўйича Ижроия Қўмита таркибига киради;

д) Кенгашнинг ижроия аппарати бўлим ва бўлинмалари раҳбарлари, Ҳаракат қошидаги ташкилот (корхона, муассаса) раҳбарларини лавозимига тасдиқлайди ва лавозимидан озод қилади;

е) Кенгашнинг йиллик иш режасини ва унинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлайди;

ё) бўлим бюджетини ва бюджетнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлайди;

ж) Ҳаракатга жамоа тарзидаги аъзоларни қабул қилади ва аъзоликдан чиқаради;

з) ваколати доирасига кирадиган бошқа масалаларни ҳал қилади.

Ҳаракатнинг маҳаллий (ҳудудий) бўлими Кенгаши ўз таркибидан чиқарилган аъзолар ўрнига сўнги Конференцияда сайланган таркибнинг ярмидан кўп бўлмаган миқдордаги янги аъзоларни киритиши мумкин.

42. Маҳаллий (ҳудудий) бўлим Кенгаши ва унинг Ижроия Кўмитаси ишига Кенгаш раиси раҳбарлик қилади.

Х боб. Ҳаракатнинг марказий органлари

43. Ҳаракатнинг олий раҳбар органи беш йилда бир марта чақириладиган Курултой ҳисобланади. Курултойни чақириш тўғрисидаги қарорни «Камолот» ЁИХ МК қабул қилади.

Навбатдан ташқари Курултой «Камолот» ЁИХ МК қарори, шунингдек Марказий назорат-тафтиш комиссияси (бундан буён матнда «МНТК» деб юритилади) ёки ҳудудий бўлимларнинг камида учдан икки қисми талабига кўра чақирилиши мумкин.

Курултой делегатлари Ҳаракатнинг ҳудудий бўлимлари Конференцияларида сайланади. Курултойга жойлардан сайланадиган делегатларнинг вакиллик нормаси, сайланиш тартиби ва Курултойнинг кун тартиби, ўтиш муддати «Камолот» ЁИХ МК томонидан белгиланади.

44. Курултой Ҳаракатнинг фаолиятига тегишли барча масалаларни кўриб чиқиш ва улар юзасидан қарорлар қабул қилиш ҳукукига эгадир.

Курултойнинг асосий ваколатлари қуйидагилардан иборат:

а) Ҳаракатнинг Дастури ва Уставини тасдиқлаш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

б) Ҳаракатни тугатиш ва қайта ташкил этиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

в) МК ва МНТКнинг ҳисоботларини эшитиш, улар юзасидан қарорлар қабул қилиш;

г) МК ва МНТК таркибини сайлаш;

д) Марказий Кенгаш раиси ва унинг ўринбосарларини сайлаш.

Уставга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, Ҳаракатни қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисидаги қарорлар Курул-

той қатнашчиларининг учдан икки қисми ёқлаб овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади.

45. «Камолот» ЁИХ МК Ҳаракатнинг доимий ишлайдиган сайлаб қўйиладиган раҳбар органи бўлиб, камида олти-миш бир аъзодан иборат таркибда сайланади.

«Камолот» ЁИХ МК таркибига Марказий Кенгаш раиси, унинг ўринбосарлари, республика «Камалак» болалар ташкилотининг раиси, ҳудудий бўлимлари Кенгаши раислари, Ҳаракат марказий оммавий ахборот воситалари ва кадрлар малакасини ошириш маркази раҳбарлари ўз лавозимига кўра ҳамда Ҳаракатнинг жамоа тарзидаги аъзолари вакиллари кирадилар.

«Камолот» ЁИХ МКнинг ваколат ва вазифалари қуйидагилардан иборат:

а) Курултой қарорларининг бажарилиши, дастурий мақсад ва вазифаларнинг амалга оширилиши, Ҳаракат Уставининг талабларига риоя этилишини ташкил этади;

б) Ҳаракат номидан юридик шахс ҳуқуқлари ва мажбуриятларини амалга оширади;

в) «Камолот» ЁИХ МК Ижроия Кўмитаси таркибини, МК раиси, унинг ўринбосарларини сайлайди, улар ўртасида иш йўналишларини тақсимлайди;

г) «Камолот» ЁИХ фаолиятини мувофиқлаштириш, иш-ни ташкил этиш ва назоратни амалга ошириш мақсадида аъзолари орасидан комиссиялар ва ишчи гуруҳлар тузади, аъзоларига топшириқлар беради ва уларнинг ижроси юзасидан ҳисоботини эшитади;

д) «Камолот» ЁИХ МК йиллик иш режасини ва унинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлайди;

е) «Камолот» ЁИХ МК бюджетини ва унинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлайди;

ё) «Камолот» ЁИХ МК, маҳаллий (ҳудудий) бўлимлари Кенгаши, Ҳаракат тасарруфидаги ташкилот (корхона, муассаса)лар, оммавий ахборот воситалари, шу жумладан юридик шахс мақомини олган бошланғич ташкилотларнинг ташкилий тузилиши ва шгат бирликларини тасдиқлайди, ходимларнинг меҳнат ҳақи ва уларни мукофотлаш тартиби, шакллари ва миқдорларини белгилайди;

ж) Ҳаракатнинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлайди;

з) МК ваколатига кирувчи айрим масалаларни МК Ижроия Қўмитаси ваколатига бериш юзасидан қарорлар қабул қилади;

и) ваколати доирасига кирадиган бошқа масалаларни ҳал қилади.

46. «Камолот» ЁИХ МК ўз таркибидан чиқарилган аъзолар ўрнига сўнгги Қурултойда сайланган таркибнинг ярмидан кўп бўлмаган миқдордаги янги аъзоларни киритиши мумкин.

47. «Камолот» ЁИХ МКнинг навбатдаги йиғилишлари МК Ижроия Қўмитаси томонидан олти ойда камида бир марта чақирилади.

48. «Камолот» ЁИХ МК йиғилишлари оралиғидаги даврда Ҳаракат фаолиятига оид масалаларини тезлик билан ҳал этиш учун МК ўзининг таркибидан МК Ижроия Қўмитаси таркибини камида ўн беш кишидан иборат қилиб сайлайди. МК раиси, унинг ўринбосарлари ва республика «Кама-лак» болалар ташкилотининг раиси лавозими бўйича Ижроия Қўмита таркибига киради.

«Камолот» ЁИХ МК Ижроия Қўмитасининг таркиби, раис ўринбосарларининг сони ва ваколат доираси МК қарори билан белгиланади.

49. «Камолот» ЁИХ МК Ижроия Қўмитасининг ваколат ва вазифалари куйидагилардан иборат:

а) «Камолот» ЁИХнинг маҳаллий (ҳудудий) бўлимлари, МК тасарруфидаги ташкилот (корхона, муассаса)лар ва марказий оммавий ахборот воситаларига бевосита раҳбарлик қилади ва уларнинг барча йўналишдаги фаолиятини мувофиқлаштириб туради;

б) жойларда вужудга келаётган муаммо ва йўл қўйилаётган камчиликларни тезлик билан ечиш, бартараф қилиш, жорий иш режаларни белгилаш юзасидан қарорлар қабул қилади, қарор ва режаларнинг ижросини ўрганишни ташкил этади, ижрочиларнинг ҳисоботларини эшитади ва баҳолайди;

в) Ҳаракат Дастурининг фаолият йўналишлари бўйича турли лойиҳаларни амалга оширишга оид қарорлар, шу жумладан, қўшма қарорлар қабул қилади;

г) хорижий ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш, делегатсиялар юбориш ва қабул қилиш юзасидан қарорлар қабул қилади;

д) «Камолот» ЁИХ МК йиғилишларини чақиради, кун тартибини, йиғилишга таклиф этиладиганларнинг рўйхатини белгилайди;

е) Ҳаракатнинг маҳаллий (ҳудудий) бўлимлари бюджетлари лойиҳаларини кўриб чиқади ва уларни тасдиқлашга тавсия этади, бюджетларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тинглайди;

ё) муайян ютуққа эришган жамоалар, ходимлар ва ёшларни давлат мукофотларига тавсия этади, маънавий ва моддий рағбатлантиради;

ж) Ҳаракатнинг сайлаб қўйиладиган раҳбар органлари аппарати ходимларига интизомий жазоларни қўллайди.

з) Ҳаракатдаги ички меҳнат тартиби қоидаларини, ходимларнинг хизмат вазифалари тўғрисидаги қоидаларни тасдиқлайди;

и) Ҳаракатнинг ички фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларни тасдиқлайди;

к) мол-мулк, маблағларни тақсимлаш ва тасарруф этиш, грант, тендер ва бошқа танловларни ўтказиш, қўйи тизимлар фаолиятини текшириш юзасидан қарорлар қабул қилади;

л) Ҳаракатнинг қўйи органлари Ижроия қўмиталари ва раҳбарларининг қонунга ва Уставга зид қарорларини бекор қилади, қонун бузилиши ҳолатлари аниқланганда ҳуқуқ-тартибот идоралари ва судга мурожаат этади;

м) Уставда белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун ташкилот (муассаса, корхона)ларни таъсис этади, уларнинг фаолиятини назорат қилади ва улар раҳбарларининг ҳисоботларини тинглайди;

н) «Камолот» ЁИХ МК аппарати ишлар бошқарувчиси, бош ҳисобчиси, бўлим мудирларини, МК қошидаги ташкилот (корхона, муассаса)лар, оммавий ахборот воситалари раҳбарлари ва бош ҳисобчиларни лавозимига тасдиқлайди, лавозимидан озод қилади;

о) «Камолот» ЁИХ МК ваколат доирасига кирувчи бошқа масалалар юзасидан кейинчалик МК йиғилиши қарори

билан тасдиқланишини назарда тутган ҳолда қарорлар қабул қилади ёки МК ваколатига кирувчи, лекин МК йиғилишининг қарори билан Ижроия Қўмита ваколатига берилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилади.

50. «Камолот» ЁИХ МК раиси Ижроия Қўмитанинг мажлисини чақиради ва унга раҳбарлик қилади. МК раиси ўз вазифаларини бажаришига имкон бўлмаган ҳолларда унинг вазифаларини Ижроия Қўмитанинг қарорига биноан МК раиси ўринбосарларидан бири вақтинча бажариб туради.

«Камолот» ЁИХ МК раиси МК фаолиятининг барча масалаларини мустақил ҳал этади (МК ва унинг Ижроия Қўмитаси ваколатига кирадиган масалалар бундан мустасно).

«Камолот» ЁИХ МК раисининг асосий ваколат ва вазифалари қуйидагилардан иборат:

а) «Камолот» ЁИХнинг Устави ва Дастури доирасидаги умумий фаолиятини мувофиқлаштиради ва ижросини ташкил этади;

б) «Камолот» ЁИХ номидан ва МК номидан ишончнома-сиз ҳаракат қилади, барча юридик ва жисмоний, шу жумладан хорижий юридик ва жисмоний шахслар олдида унинг манфаатларини ҳимоя қилади;

в) «Камолот» ЁИХ МК фаолиятига, унинг Ижроия Қўмитаси, раис ўринбосарлари ва МК аппарати фаолиятига раҳбарлик қилади, аппарат ходимларини ишга қабул қилади ва озод этади;

г) мол-мулкни тезкор бошқариш ҳуқуқини амалга оширади, шартномалар, шу жумладан хўжалик ва меҳнат шартномалари тузади, ишончномалар беради, банкларда ҳисобкитоб варақлари ва бошқа ҳисоб варақларини очади, барча банк, молия ҳужжатларига ва бошқа ҳужжатларга биринчи имзо қўйиш ҳуқуқидан фойдаланади, барча ходимлар учун мажбурий бўлган фармойишларни қабул қилади.

XI боб. Республика «Камалак» болалар ташкилоти

51. Ўн ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган болаларни миллий истиқлол ғояси асосида Ватаннинг содиқ фарзандлари этиб тарбиялаш, ҳуқуқ ва манфаатларини ифодалаш ва

химоя қилиш, қобилиятларини ривожлантириш учун «Камолот» ЁИХ ҳомийлигида (бошланғич ташкилотлардан тортиб МКгача) «Камалак» болалар ташкилоти тузилади, у ўз сафи-га болалар ва ўсмирларни ихтиёрий равишда бирлаштиради.

52. «Камалак» болалар ташкилотининг раислари лавозими-га кўра Ҳаракатнинг тегишли бўлимлари Кенгаши таркибига кирадилар.

53. Республика «Камалак» болалар ташкилоти «Камолот» ЁИХ МК томонидан тасдиқланган «Республика «Камалак» болалар ташкилоти тўғрисида Низом»га асосан фаолият юритади, ўз рамзи ва белгиларига эга бўлади.

ХII боб. Ҳаракатнинг таъсисчилари ва Васийлик Кенгаши

54. «Камолот» ЁИХни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдиган, унга доимий амалий ёрдам кўрсатадиган муассаса, идора, бирлашма, корхона ва ташкилотлар Ҳаракат таъсисчилари ҳисобланади.

55. Ҳаракат таъсисчилари йиғилиши Васийлик Кенгаши таркибини сайлайди. Васийлик Кенгашига унинг аъзолари орасидан сайланган раис раҳбарлик қилади.

Васийлик Кенгаши ўз фаолиятини таъсисчилар йиғилишида тасдиқланган алоҳида Низомда белгиланган ваколат ва вазифалари доирасида амалга оширади.

Васийлик Кенгашининг асосий вазифаси — Ҳаракат тизимларининг барча йўналишдаги фаолиятини йўлга қўйиш юзасидан илмий-услубий тавсиялар бериш, амалий ёрдам кўрсатиш, жойларда вужудга келаётган муаммо ва йўл қўйилаётган камчиликларни баргараф этишда кўмаклашишдан иборатдир.

56. Марказий Кенгаш раиси лавозими-га кўра Васийлик Кенгаши таркибига ки-ради.

ХIII боб. Ҳаракатнинг мол-мулки ва молиявий асоси

57. Ҳаракат ўз тасарруфида бинолар, иншоотлар, уй-жойлар, ускуналар, анжомлар, миллий ва хорижий валю-

тадаги пул маблағлари, қимматли қоғозлар, муаллифлик ҳуқуқлари, ташкилот (корхона, муассаса)ларга ва ушбу Уставда кўзда тутилган фаолиятни моддий таъминлаш учун зарур бўлган ва ўз маблағлари ҳисобидан барпо этилган бошқа мол-мулкка эга бўлиши мумкин.

58. Ҳаракат мол-мулкни шакллантириш манбалари қуйидагилардан иборат:

– жисмоний, юридик, шу жумладан хорижий шахсларнинг ихтиёрий мулкӣ бадаллари ва эҳсонлари;

– тадбиркорлик фаолиятидан олинган ва фақат Устав мақсадларини бажариш учун сарфланадиган даромадлар (фойда);

– давлат томонидан моддий қўллаб-қувватлаш тариқасида бериладиган маблағлар;

– Ҳаракат ва унинг маҳаллий бўлимлари билан шартнома асосида ишлайдиган корхоналарнинг тадбиркорлик фаолиятидан тушадиган маблағлар;

– ёшлар дастурлари ва лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган давлат органлари, жамоат бирлашмалари, шу жумладан хорижий ва халқаро ташкилотлардан тушадиган мақсадли маблағлар, грантлар;

– Ҳаракатнинг матбуот нашрларидан тушадиган маблағлар;

– қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар.

Ҳаракатдан бевосита маош оладиган ходимлар Ҳаракат билан шартнома асосида ишлайдиган тадбиркорлик тузилмалари фаолиятида қатнашиши мумкин эмас.

59. Ҳаракатнинг ва у тузган корхоналарнинг тадбиркорлик ҳамда бошқа фаолиятидан олинган даромадлар фақат Уставда белгиланган мақсадлар учун сарфланади ва Ҳаракат аъзолари ўртасида тақсимланмайди.

60. Ҳаракат маблағлари фақат «Қамолот» ЁИҲ МК, маҳаллий (ҳудудий) бўлимлари, бошланғич ташкилотлари, тасарруфидаги ташкилот (корхона, муассаса)ларнинг ички меъёрий ҳужжатлар ва амалдаги қонун ҳужжатларида кўзда тутилган тартибда тасдиқланган бюджетларида белгиланган мақсадларгагина сарфланади.

61. Ҳаракатнинг мол-мулки бўлинмасдир. Ҳаракат номидан мол-мулкка эгалик ҳуқуқини «Камолот» ЁИХ МК ўзининг Ижроия Қўмитаси орқали амалга оширади. Ҳаракатнинг маҳаллий (ҳудудий) бўлимлари, юридик шахс мақомига эга бўлган бошланғич ташкилотлари, тасарруфидаги ташкилот (корхона, муассаса)лар Ҳаракатнинг мол-мулкни ўз тасарруфидан мустақил чиқаришга ҳақли эмас.

Ҳаракатнинг маҳаллий (ҳудудий) бўлимлари ўзларига «Камолот» ЁИХ МК томонидан бириктириб қўйилган мол-мулкни оператив бошқариш ҳуқуқига эга.

62. Ҳаракатнинг жамоа тарзидаги аъзолари ўзларига тегишли мол-мулкни ҳамда пул маблағларини мустақил тасарруф этадилар.

XIV боб. Ҳаракатнинг назорат-тафтиш комиссиялари

63. Назорат-тафтиш комиссиялари ўз фаолиятини Қурултой томонидан тасдиқланган «Назорат-тафтиш комиссиялари тўғрисида Низом» асосида амалга оширадilar.

Ҳаракатнинг сайлаб қўйиладиган раҳбар органлари аъзолари айни бир вақтда тегишли назорат-тафтиш комиссиясининг аъзолари, Назорат-тафтиш комиссияларининг аъзолари ҳам айни бир вақтда Ҳаракатнинг тегишли сайлаб қўйиладиган раҳбар органи аъзолари бўлиши мумкин эмас.

64. Ҳаракатнинг Марказий назорат-тафтиш комиссияси (бундан буён матнда «МНТК» деб юритилади) камида ўн бир кишидан иборат таркибда Қурултой (республика конференцияси) томонидан, маҳаллий (ҳудудий) бўлимларининг назорат-тафтиш комиссияси камида беш кишидан иборат таркибда тегишли бўлимларнинг Конференциялари томонидан сайланади ва уларга ҳисобот беради.

МНТК «Камолот» ЁИХ МК, ҳудудий, маҳаллий бўлимлар, бошланғич ташкилотлар, Ҳаракат тасарруфидаги корхона (ташкилот, муассаса)ларнинг барчасини текшириш ҳуқуқига эгадир.

65. «Камолот» ЁИХ МНТКнинг асосий ваколатлари куйидагилардан иборат:

а) «Камолот» ЁИХ МК, барча бўғиндаги сайлаб қўйиладиган раҳбар органлар ва назорат-тафтиш комиссияларининг қарорлари ушбу Уставга ёки Қурултой қарорларига мувофиқ бўлмаган ҳолларда мазкур қарорларни тўхтатиб қўйишни ушбу органларга тавсия этади;

б) Ҳаракат аъзоларининг шикоят аризаларини кўриб чиқади;

в) МНТК ўз таркибидан МНТК раиси ва унинг ўринбосарларини сайлайди. МНТК Қурултойга ҳисобот беради.

XV боб. Ҳаракатнинг қайта ташкил этилиши ва тугатилиши

66. Ҳаракатни қайта ташкил этиш ва тугатиш Қурултой қатнашчиларининг учдан икки қисмидан кўпи ёқлаб овоз берган қарор ёки суднинг қарори асосида амалга оширилади.

67. Ҳаракат Қурултойнинг қарори билан тугатилган тақдирда, кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилингандан сўнг қолган маблағлар ва мол-мулк ушбу Уставда кўзда тутилган мақсадларга йўналтирилади.

68. Ҳаракат тугатилган тақдирда ходимлар таркибига оид ҳужжатлар амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг архив муассасаларига сақлаш учун топширилади.

XVI боб. Ҳаракатда ҳисоб ва ҳисобот

69. Ҳаракат ўз фаолияти натижалари ҳисобини юритади ва давлат органларига белгиланган тартибда ҳисобот тақдим этади.

70. Ҳаракатнинг молия-хўжалик фаолияти аудиторлик текширувларидан озод этилади.

ЎЗБЕКИСТОН ЭКОЛОГИК ҲАРАКАТИ ДАСТУРИ

Ўзбекистон мустақилликка эришган вақтдан бошлаб Ватанамиз тинчлиги, гуллаб яшнаши ва халқимиз фаровонлигига эришиш йўлида ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий янгиланиш ва бунёдкорлик стратегияси изчил амалга ошириб келинмоқда. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисоди, мустақил Ўзбекистоннинг давлат ва жамият қурилиши тизими босқичма-босқич ривожланмоқда.

Ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, кучли ижтимоий сиёсат натижасида аҳолининг реал даромадлари ва фаровонлиги узлуксиз ошиб бормоқда. Моҳияти ва мазмуни жиҳатидан мутлақо ўзига хос бўлган таълим ва маориф, кадрлар тайёрлаш, соғлиқни сақлаш ва маданият тизимлари яратилди.

Ҳаётимизга Ватан тақдири ҳақида қайгурадиган, мамлакатнинг бугуни, келажаги учун масъулиятни чуқур ҳис қиладиган, миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида тарбияланган, замонавий демократик жамият қуриш, мамлакатни модернизациялаш йўлидаги кенг миқёсли вазифаларни амалда бажаришга қодир бўлган, мустақил ҳамда замонавий фикрловчи янги кадрлар кириб келмоқда.

Мамлакатимизнинг тараққиёт ва демократия йўлидан изчил борниш Ўзбекистонда мавжуд бўлган бой табиий ресурсларга таянади. Мустақил тараққиётнинг илк кунлариданоқ улардан оқилона фойдаланиш ва келгуси авлод учун соф атроф табиий муҳитни асраб-авайлаш борасида йўналишлар белгиланди. Бу — мамлакатимиз аҳолисининг маънаф бой ва соғлом ҳаётини

таъминлашдаги асосий шарт ва омиллардан биридир. Халқимиз бошидан ўтказган тоталитар, маъмурий-бўйруқ-бозлик тизими атроф-муҳитга беписанд муносабатда бўлиш, табиий ресурслардан ваҳшиёна фойдаланиш билан тавсифланарди. Ушбу давр ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг генофондига салбий таъсирни, биологик хилма-хилликнинг қисқариши, катта ҳажмдаги саноат ва бошқа тур чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши, чўлланиш, ер ва сув ресурсларининг деградацияси, Орол денгизи ҳалокати каби минтақавий ва глобал миқёсда ечилиши зарур бўлган экологик муаммоларни мерос қилиб қолдирди. Бу ва шу каби бошқа муаммолар инсон ҳамда унинг манфаатлари ҳимояси, биринчи навбатда, соғлом ва мусаффо атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш амалга оширилаётган барча ислохотларнинг ўзагини ташкил этган замонавий Ўзбекистон учун зарур бўлган атроф табиий муҳитни асраб авайлашни ва уни соғломлаштиришни янада долзарб қилиб қўйди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда экологик муаммоларни бартараф этиш ва уларнинг салбий оқибатларини олдини олиш борасида муайян тажриба орттирилди. Аммо соҳадаги вазифаларнинг миқёси ва кўлами мамлакатимиз ҳамда минтақада экологик ҳолатни соғломлаштириш муаммоларини комплекс ҳал этишда давлат органлари, жамоат бирлашмалари, фуқаролик жамияти институтлари ва фуқароларнинг саъй ҳаракатларини бирлаштиришни талаб қилади. Соғлом атроф-муҳит муҳофазаси давлатнинг, жамиятнинг ва ҳар бир фуқаронинг вазифаси бўлиши лозим.

Шу муносабат билан Ўзбекистон экологик ҳаракатининг тузилганлиги бугунги даврнинг долзарб талаби ҳисобланади. Экоҳаракат сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни амалга ошириш жараёнида экологик йўналтирилган ёндошув Ўзбекистоннинг барқарор ривожланишида энг муҳим омил бўлиб ҳисобланишига ишонган, атроф-муҳит ва инсон саломатлиги ҳақидаги ғояларни кўллаб қувватловчи ҳамда уларни амалга ошириш истагида бўлган мамлакатимиз фуқароларини бирлаштиришга йўналтирилган.

Экоҳаракат Ўзбекистон фуқароларининг ҳозирги ва келгуси авлоди кулай атроф-муҳит шароитида яшаш, аҳоли са-

ломатлигини яхшилаш, барча табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш ҳуқуқларини ҳамда уларга сўзсиз риоя этилишини таъминлашга қаратилган янгиланиш жараёнларини янада чуқурлаштиришда жамиятнинг бор куч ва салоҳиятини сафарбар қилишга интилади.

Экоҳаракат «Соғлом муҳит—инсон саломатлиги» ғоясини ўзининг асосий шиори ҳисоблайди ва уни амалий бажарилишини таъминлаш мақсадида ўз олдида қуйидаги дастурий вазифаларни кўяди.

I. Атроф-муҳит муҳофазаси ва экологик ҳолатни соғломлаштириш ишида жамоатчилик иштироки фаоллигини ҳар томонлама кучайтириш

Экоҳаракатнинг асосий эътибори атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш мамлакатимиз ҳар бир фуқаросининг умумий вазифаси бўлиб қолишига йўналтирилади. Ушбу мақсадларда Экоҳаракат ўз саъй-ҳаракатларини:

ўз иштирокчилари ва ташкилотларида, ҳамкорларида минтақавий, миллий ва маҳаллий экологик ҳамда аҳоли саломатлиги муҳофазаси яхлит дастурларини ишлаб чиқиш ва бажаришдаги амалий иштирокларини фаоллаштиришга қаратилган саъй ҳаракатларни шакллантириш;

Экоҳаракаги иштирокчилари ва ҳамкорларининг давлат органлари ва жамоат тузилмалари томонидан мавжуд экологик муаммоларини ҳал этиш ва уларнинг салбий оқибатларини бартараф қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари ижроси борасидаги масъулиятини кучайтиришга қаратилган фаолиятини мувофиқлаштириш;

– жамоат бирлашмалари, жамоат фондлари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларининг муайян экологик муаммоларни ҳал этишдаги ҳамкорликлари самарадорлигини ошириш ва ривожлантиришга йўналтиради.

– Экоҳаракат халқаро ва чет эл экологик ташкилотлари билан алоқаларни мустаҳкамлаш орқали атроф-муҳит ва аҳоли саломатлиги муҳофазаси бўйича самарали халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшишга интилади.

II. Атроф табиий муҳит муҳофазаси масалаларида қабул қилинган қонунлар ва давлат микёсидаги бошқа қарорлар ижросини таъминлаш ҳамда бу соҳадаги қонунчиликни ривожлантириш ва такомиллаштиришга кўмаклашиш бўйича тизимли ишларни юритиш

Экоҳаракатнинг асосий вазифаларидан бири давлат идоралари, табиатни муҳофаза қилиш ташкилотлари, барча корхона ва муассасаларнинг атроф-муҳит муҳофазаси, сув ва ҳаво ҳавзалари, ер ва биологик ресурслар ҳолатини яхшилаш ҳамда уларни чиқиндиларнинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасидаги амалдаги қонунлар ва бошқа қарорлар ижросини таъминлаш бўйича ишларини қўллаб қувватлаш ва кенг жамоатчилик кўмагини шакллантиришдан иборат бўлади. Шу билан бирга Экоҳаракат давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органлари томонидан экологик ва табиатни муҳофаза қилиш борасидаги масалаларни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш, экологик ва аҳоли саломатлиги муҳофазаси соҳасидаги қонунчиликни халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормалари ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ ҳолда ривожлантириш мақсадида янги қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши, амалдаги қонунлар ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритилиши бўйича ташаббуслар билан чиқади.

Хусусан Экоҳаракат:

- фуқароларнинг қулай атроф табиий муҳитга бўлган ҳуқуқини ҳимоялашга ҳамда табиатдан фойдаланиш соҳасида иқтисодий механизмларни жорий этишга қаратилган экологик хавфсизликни комплекс тарзда таъминлаш бўйича қонун ҳужжатларини қабул қилиш ва уларни амалга оширишга;

- мамлакатда экологик ҳуқуқбузарликлар ва табиатга бошқача тарзда зарар етказганлик учун корхона ва ташкилотларнинг, мансабдор шахслар ва алоҳида фуқароларнинг жавобгарлигини кучайтиришга қаратилган чора тadbирларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга;

- экологик ҳуқуқбузарликлар ва табиатга зарарли бўлган бошқа таъсирлар оқибатларини бартараф этиш, шу жумладан трансчегаравий аҳамиятга эга бўлган ҳолатларда ҳам, улар томонидан атроф-муҳитга ва инсон саломатлигига етказилган зарарни қоплашни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлигини оширишга интилади.

Экоҳаракат куйидаги мақсадларга йўналтирилган янги қонунлар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, амалдаги қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришни қўллаб қувватлаш борасида жамоатчилик ташаббускорлигини ривожлантиришни муҳим деб ҳисоблайди:

- саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва энергетиканинг барча соҳаларида экологик тоза ва хавфсиз, сув, ресурс ва энергияни тежовчи технологияларни амалиётга тадбиқ этишни ташкил этишда иқтисодий, молиявий, солиқ ва бошқа воситалар ҳамда рағбатлантириш усуллари қўлланилишини янада такомиллаштириш;

- энергетика ресурсларидан тежамли фойдаланиш ва босқичма-босқич қайта тикланувчи энергия турларига ўтиш;

- янги самарали услублар ҳамда инновацион қишлоқ хўжалиги технологияларни қўллаш ҳисобига ерларнинг ҳосилдорлиги ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш;

- табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигини бузиш ишлаб чиқарувчи учун наф келтирмайдиган тарздаги солиққа тортиш ва табиатни муҳофаза қилиш фаолияти учун имтиёзлар беришнинг самарали тизимини яратиш.

III. Атроф табиий муҳит муҳофазаси ва шу мақсадларга ажратилган ресурслардан оқилона фойдаланиш борасида қабул қилинган ҳужжатларни ижро этишда марказ ва жойларда давлат органлари, жамоатчилик ва бошқа тузилмалар масъулиятини ошириш

Экоҳаракат атроф-муҳит муҳофазаси ва табиатдан ҳамда шу мақсадларга ажратилган ресурслардан оқилона

фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари ва давлат миқёсидаги бошқа қарорлар бажарилиши учун марказда ва жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари, корхона, муассаса ва ташкилотлар мансабдор шахсларининг масъулиятини оширишга ҳар томонлама кўмаклашади:

- муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ва объектлар, экологик сертификатлаш ва экспертиза тўғрисидаги, чиқиндилар билан муносабатда бўлиш ҳамда ишлаб чиқаришда экологик талаблар тўғрисидаги;

- сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида, ер тўғрисида, ер ости бойликлари тўғрисида, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида, ўрмонлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги;

- мамлакат аҳолисини сифатли ичимлик суви билан тўлик таъминлаш ишларини жадаллаштириш ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолини сув ресурсларидан тежамкорлик билан оқилона фойдаланиш борасидаги жавобгарлигини кучайтириш тўғрисидаги;

- Ўзбекистан Республикасининг атроф табиий муҳит мониторинги дастурлари тўғрисидаги;

- Оролбўйи ва мамлакатнинг экологик нокулай бошқа ҳудудларида экологик ҳолатни барқарорлаштириш, қайта тиклаш ва соғломлаштириш тўғрисидаги;

- экологик хатарли ҳудудларда истиқомат қилувчи аҳолининг генофондини муҳофаза қилиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги;

- аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш тўғрисидаги ҳужжатлар шулар жумласидандир.

Экоҳаракаг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан қуйидаги йўналишлар бўйича қабул қилинган мақсадли минтақавий ва ҳудудий дастурларнинг, экологик қонунчиликнинг жойларда бажарилишида кўмаклашишга интилади:

- табиатни муҳофаза қилиш объектлари ва иншооглари инфратузилмасини ривожлантириш, табиий экотизимга

зарарли таъсирини камайтириш мақсадида мавжуд ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш;

- аҳоли пунктлари ва шаҳарларнинг экологик ҳолатини яхшилаш ва ободонлаштириш, замонавий урбанизация жараёнининг салбий экологик оқибатларини бартараф этиш;

- қишлоқларда маданий-маиший турмуш тарзини, айниқса унинг санитар-гигиеник ва экологик омилларини яхшилаш;

- интенсив шамол эрозияси ва чўл ҳудудларида жойлашган аҳоли пунктлари ва шаҳарлар атрофида яшил ҳимоя тизимларини барпо қилиш;

- соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш ва генотипни муҳофаза қилиш.

Бундан ташқари, Экоҳаракат жойларда табиатни муҳофаза қилишга йўналтирилган истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш, бу мақсадлар учун давлат бюджети, тўғридан-тўғри хориж сармоялари ҳамда ҳомийлар маблағларидан ўз вақтида, тўлиқ ва самарали фойдаланиш устидан жамоатчиликнинг мунтазам экологик мониторингини таъминлашга ўз эътиборини қаратади.

IV. Аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш, экологик таълим ва тарбия тизимини ривожлантириш

Экоҳаракат ҳозирги кунда глобаллашиб бораётган экологик муаммоларни фақат хўжалик фаолиятида ресурс тежовчи ва экологик тоза технологияларни жорий қилиш, табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга ошириш ва соҳада қонунчиликни такомиллаштириш билангина ҳал этиш мумкин эмаслигини эътироф этади. Аҳолининг экологик маданиятини ошириш, ҳар бир инсонда атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, мамлакатнинг ноёб табиатини келгуси авлод учун асраб-авайлаш ҳиссини шакллантириш бугунги кунда экологик ҳолатни яхшилаш ва атроф-муҳитга салбий техноген ҳамда антропоген таъсирларнинг олдини олишнинг асосий омили бўлиб бормоқда.

Экоҳаракат экологик фикрни шакллантириш, экологик таълим ва тарбиянинг самарали тизимини ишлаб чиқишга йўналтирилган ҳамда мустақиллик йилларида илгари сурилган «Ҳамма нарса инсон учун ва унинг келажаги учун» тамойилини амалга ошириш ишларини ташкил этишда кенг жамоатчилиқнинг фаол иштирокини муҳим деб ҳисоблайди.

Аҳолининг экологик билимларини оширишда Экоҳаракат қуйидаги йўналишлардаги давлат дастурларини амалга оширишда фаол иштирок этишни назарда тутди:

узлуксиз экологик таълим ва барқарор ривожланиш учун таълим дастурини шакллантириш ва амалга ошириш;

экология соҳасидаги мутахассисларнинг малакасини, ишлаб чиқаришнинг турли тармоқлари, иқтисодиёт ва бошқарув, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар раҳбарлари ва ходимларининг экологик маълумотини оширишнинг самарали тизимини яратиш;

экологик таълим ва тарбия жараёнига масофадан туриб ўқитиш ва таълим бериш ресурсларини ҳам ўз ичига олган замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш;

умумтаълим мактаблари ва бошқа ўқув муассасалари, оила, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида ёшларнинг экологик таълими ва тарбияси борасидаги саъй ҳаракатларни бирлаштириш.

Аҳолининг экологик маданиятини ошириш вазифасини ҳал этишда Экоҳаракат халқимизнинг доимо табиат ва инсон уйғунлигига эришишни таъминлашга интилиш, келгуси авлод учун уни асраб авайлаш, сувдан тежамли фойдаланишдек асрий анъаналаридан иборат маънавий меросига мурожаат қилишни муҳим деб ҳисоблайди. Экоҳаракат экологик дунёқараш ва оқилона ёндошишни, атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишни жамият ҳаётининг барча жабҳаларида оммалаштиришни ўзининг муҳим дастурий вазифаси деб билалди ва ушбу вазифани фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан яқин ҳамкорликда ҳал этиб боради.

Мавжуд экологик муаммоларга жамоатчиликнинг эътиборини қаратиш, уларни изчил ҳал этишнинг энг мақбул йўллари муҳофаза қилишни ташкил этиш, атроф табиий муҳит муҳофазаси ҳолати, уни муҳофаза қилиш ишлари ҳақида фуқароларни объектив ва тезкор ахборот билан таъминлаш мақсадида Экоҳаракат фаолият юритаётган оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни амалга оширади ҳамда ўзининг оммавий ахборот воситалари ва Интернет ресурсларини ташкил этади.

Экоҳаракат атроф табиий муҳит муҳофазаси соҳасида ресурс ва энергияни тежовчи, экологик тоза технологиялар борасидаги илмий изланишларни ривожлантиришда кенг жамоатчиликнинг қўллаб-қувватлашини таъминлаган ҳолда бугунги кунда фан ва таълим соҳасига сарфланаётган маблағлар мамлакатимиз келажаги эгаларига хизмат қиладиган, экологик маданияти юксак, интеллектуал жамият учун мустаҳкам пойдевор бўлишини эътироф этади.

V. Атроф-муҳит муҳофазаси соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш

Экоҳаракат атроф-муҳит муҳофазаси чегара билмаслигини назарда тутиб, изчил равишда халқаро ва чет эл экологик жамоат ташкилотлари билан алоқаларни ривожлантиради ва мустаҳкамлайди.

Ўзбекистон халқаро ҳуқуқнинг энг муҳим экологик ҳужжатларига – БМТнинг чўлланишга қарши кураш, биохилма-хилликни асраш, иқлим ўзгариши, трансчегаравий сувлардан фойдаланиш бўйича ва бошқа конвенцияларига қўшилганлигини назарда тутиб, Экоҳаракат атроф-муҳит муҳофазаси ва барқарор ривожланиш борасидаги самарали халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшади.

Шу мақсадда, Экоҳаракат куйидагиларга фаол жамоатчилик кўмаги ва қўллаб қувватлашини таъминлайди:

- халқаро экологик форумларда Ўзбекистон вакиллари-нинг самарали иштироки;

- экологик муаммолар бўйича икки томонлама ва кўп томонлама халқаро анжуманлар, семинарлар ва учрашувлар ўтказиш амалиётини ривожлантириш.

Марказий Осиёнинг экологик хавфсизлигини таъминлаш нафақат шу ҳудудда яшовчи халқларнинг ҳаёти ва тақдирига бевосита алоқадор, балки глобал аҳамиятга эга эканлиги ҳамда Орол денгизининг куриши, иқлим ўзгариши, ерларнинг деградацияси, сув ресурсларининг танқислиги ва ифлосланиши, биохилма-хилликнинг қисқариши, ифлосланишларнинг трансчегаравий кўчиши каби муаммоларни ҳал қилиш бир давлат манфаатлари чегарасидан чиқиши ва уларни биргаликда ҳал этиш заруратини ҳисобга олиб, Экоҳаракат қуйидаги халқаро лойиҳаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди ва уларда фаол иштирок этишни назарда тутди:

- шу ва шу каби чуқур экологик муаммоларни ҳал этишда ҳамда инсон тараққиётида халқаро саъй ҳаракатларни бирлаштириш;

- минтақада ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва модернизациялашда экологик йўналиш устуворлигини таъминлаш;

- экологик тоза технологиялар, био ва нанотехнологияларни татбиқ этиш, ишлаб чиқаришда экологик новацияларни қўллашга қаратилган экологик ташаббусларни қўллаб-қувватлаш;

- халқаро молиявий институтларни атроф-муҳит муҳофазаси соҳасидаги, экологик вазият, экологик тиббий таълим ва тарбияни яхшилаш, соғлиқни сақлаш соҳасидаги устувор дастур ва лойиҳаларни инвестициялаш ва кредитлашга жалб қилиш.

VI. Атроф-муҳит муҳофазаси давлат, жамият ва ҳар бир фуқаронинг вазифаси бўлишига эришиш

Экоҳаракат ушбу мақсадлар йўлида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари, Қонунчилик палатасининг депутатлари, маҳаллий Кенгашларнинг депутатлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жа-

моат бирлашмалари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиради.

Шу мақсадда Экоҳаракат:

- давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва фуқаролар ўртасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик ҳолатни соғломлаштириш ва аҳоли саломатлигини сақлаш масалалари бўйича шерикчилик муносабатларини ривожлантириш;

- умумтаълим мактаблари ва бошқа ўқув муассасалари вакиллари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оила ва шахснинг экологик таълим ва тарбия тизимини ривожлантириш борасидаги саъй ҳаракатларини бирлаштиришга кўмаклашиш;

- Ўзбекистонда юксак экологик маданият даражасига, ҳар бир фуқаро томонидан мамлакатнинг ноёб табиати халқимиз тарихий меросининг ажралмас қисми эканлиги ва келажак авлодлар учун уни асраб авайлаш заруратининг англанишига эришишда барча манфаатдор давлат органлари ва жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг саъй ҳаракатларини изчил уйғунлаштиришга интилади.

VII. Атроф-муҳит муҳофазаси соҳасида нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш

Экоҳаракат ўзининг дастурий мақсадларини амалга ошириб, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш зарур, деб ҳисоблайди ва атроф-муҳит муҳофазаси соҳасида нодавлат нотижорат ташкилотлари саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштиришга интилади.

Шу мақсадда Экоҳаракат:

муайян экологик муаммоларни ҳал қилиш учун экология соҳасида жамоат бирлашмалари, жамоат фондлари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларини ташкил этиш

орқали жамоатчиликнинг фаоллигини ривожлантиришга кўмаклашиш ва бу борада ташаббускор бўлишни;

ёшларнинг экологик ташаббусларини қўллаб-қувватлашни, ёшларни табиатни муҳофаза қилиш ишига фаол жалб этишни;

мамлакат ер ва сув ресурсларидан тежамли ва самарали фойдаланишдаги муаммоларини ҳал этиш мақсадида экологик ҳаракатга фермерлар ва аграр соҳанинг бошқа ходимларини кенг миқёсда жалб этишни;

одамларда ўз соғлигини сақлашга, табиат қонунларидан келиб чиққан ҳолда ҳаёт фаолиятларини ташкил этиш муносабатларини шакллантиришга йўналтирилган саломатлик, соғлом турмуш тарзи фалсафасини тарғиб қилишда халқ таълими ва соғлиқни сақлаш органлари, хотин-қизлар ва ёшлар ташкилотлари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлашга кўмаклашишни мўлжалламоқда.

Жамоатчилик эътиборини экологик соғломлаштириш ва атроф-муҳит муҳофазаси муаммоларини изчил суръатда ҳал этиш заруратига қаратган ҳолда, Экоҳаракат мамлакатимизнинг барча фуқароларини Она Ватанимизнинг бебаҳо табиий бойликларини келгуси авлодлар учун асраб-авайлашдек олий вазифани бажаришда фаол иштирок этишга чақиради.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
1-боб. Сиёсий партиялар фаолиятидан инсон экологик ҳуқуқларини ифода этиш ва рўёбга чиқариш	8
1.1. «Яшил» сиёсий кучларнинг вужудга келиши тарихива ривожланиши	8
1.2. Инсон экологик ҳуқуқлари тушунчаси ва тизими	19
1.3. Сиёсий партиялар инсон экологик ҳуқуқларини ифода этиши ва рўёбга чиқаришининг ҳуқуқий асослари	48
1.4. Сиёсий партиялар томонидан инсон экологик ҳуқуқларини рўёбга чиқариш шакллари ва механизмлари	66
2-боб. Инсон экологик ҳуқуқларини амалга оширишда оммавий (ижтимоий) ҳаракатларнинг ўрни ва аҳамияти ...	80
2.1. Оммавий (ижтимоий) ҳаракатлар ҳуқуқий тушунчаси ва фуқаролик жамиятида тутган ўрни	80
2.2. Оммавий (ижтимоий) ҳаракатлар томонидан инсон экологик ҳуқуқларини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари	94
2.3. Оммавий (ижтимоий) ҳаракатлар фаолиятида жамоат назорати	107
3-боб. Сиёсий партиялар ва оммавий-ижтимоий ҳаракатлар томонидан ҳуқуқ ва қонун ижодкорлиги фаолиятида инсон экологик ҳуқуқларини ифодалаш ва рўёбга чиқариш	122
3.1. Сиёсий партиялар, экологик ва бошқа оммавий-ижтимоий ҳаракатлар ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнлари иштирокчиси сифатида	122
3.2. Сиёсий партиялар ва Экоҳаракат: қонун ижодкорлиги фаолиятида инсон экологик ҳуқуқларини ифодалаш ва рўёбга чиқариш	144
Хулоса	161
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	163
Сиёсий партиялар ва оммавий-ижтимоий ҳаракатлар фаолиятига оид айрим қонунлар, низомлар, устав ва дастурлар	173
Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонуни	174
Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни	191

Ўзбекистон Республикасининг «Сийёсий партиялар тўғрисида»ги Қонуни	222
Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Устави	235
Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг Устави	274
Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Устави	302
Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Устави	345
Ўзбекистон Республикаси «Камолот» Ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Низоми	380
Ўзбекистон экологик ҳаракати дастури	403

Равшан Актамович Икрамов

**СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР
ВА ОММАВИЙ-ИЖТИМОИЙ
ҲАРАКАТЛАР ФАОЛИЯТИДА ИНСОН
ЭКОЛОГИК ҲУҚУҚЛАРИ МАСАЛАЛАРИ**

Тошкент – «TURON-IQBOL» – 2011.
100182. Тошкент ш., Х. Бойқаро кўчаси, 51-уй.
Тел.: 244-25-58. Факс: 244-20-19

Муҳаррир	<i>Ў. Қўлдашева</i>
Бадий муҳаррир	<i>Д. Жалилов</i>
Техник муҳаррир	<i>Т. Смирнова</i>
Мусаххих	<i>Ҳ. Зокирова</i>
Компьютерда саҳифаловчи	<i>Э. Муратов</i>

Нашриёт лиц. А1 № 095, 16.07.07

Теришга 18.08.2011 да берилди. Босишга 14.12.2011 да руҳсат этилди.
Бичими 84×108 1/32. «Times» гарнитурасида офсет босма усулида.
Шартли б.ғ. 21,84. Нашр т. 20,28. Адади 500 нусха.
285-рақамли буюрма.

«Toshkent Tezkor Bosmaxonasi» МЧЖда чоп этилди.
Тошкент. Радиал тор кўчаси, 10-уй.

ISBN 978-9943-14-207-7



9 789943 142077